

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1>

**Бош муҳаррир:**  
**Рабиев Шерзод Миржалилович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш  
маркази директори

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Отажонов Абдоржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлари доктори,  
профессор

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Окюлов Омонбой**

*Юристар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлари доктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Юристар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлари доктори*

**Тошев Бобокул Норқобилович**

*Юридик фанлари доктори, профессор*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик  
фанлари доктори, профессор*

**Отажонов Фозилжон Хайдарович**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва  
парламент тадқиқотлари институтининг  
директори, юридик  
фанлари доктори, профессор*

**Баймолдина Зауреш Ҳамитовна**

*Қозғистон Республикаси Олий Суди  
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

**Годунов Валерий Николаевич**

*Белорус давлат университети ўқув муассасаси  
"Судьялар, прокуратура, суд ва адлия  
муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти" директори,  
юридик фанлари доктори, профессор*

**Масъул котиб:**

**Раҳманов Шухрат Наимович**

*Юристар малакасини ошириш маркази  
кафедра мудири, юридик фанлари номзоди*

**Саҳифаловчи:** Халиков Миртоҳир Мирзакирович

### Контакт редакцији журнали:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)

E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)

[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)

Телефон: (+99871) 2345345

### Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)

E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)

[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)

Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

№1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1>

**Главный редактор:**  
**Рабиев Шерзод Миржалилович**

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

**Заместитель главного редактора:**  
**Отажонов Абдоржон Анварович**

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**  
Общественно-правовой и научно-практический журнал  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Тошев Бобокул Норкobilович**

*Доктор юридических наук, профессор*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусајонович**

*Заместитель начальника Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Директор Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор*

**Баймолдина Зауреш Хамитовна**

*Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук*

**Годунов Валерий Николаевич**

*Директор учреждения образования "Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета", доктор юридических наук, профессор*

**Масъул котиб:**

**Рахманов Шухрат Наимович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Халиков Миртохир Мирзакирович

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD  
№1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1>**

**Chief Editor:  
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich**

Director of the Lawyers' Training Center  
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:  
Otajonov Abrorjon**

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor  
of Law Sciences, Professor

**EDITORIAL BOARD**

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor  
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of  
the Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Professor at the Lawyers' Training Center,  
Doctor of Law Sciences*

**Toshev Bobokul**

*Doctor of Law Sciences, Professor*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Deputy Head of the Academy of the General  
Prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Law Sciences, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Director of the Legislation and Parliamentary  
Research Institute under the Oliy Majlis of the  
Republic of Uzbekistan  
Doctor of the Science of Law, Professor*

**Baymoldina Zauresh**

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme  
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of  
Legal Sciences*

**Godunov Valeriy**

*Director of the educational institution «Institute  
for retraining and advanced training of judges,  
employees of the prosecutor's office, courts  
and justice institutions of the Belarusian State  
University», Doctor of Law Sciences, Professor*

**Executive Editor:  
Rakhmanov Shukhrat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Candidate of Juridical Science*

**Pagemaker: Khalikov Mirtokhir**

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

Мундарижа

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

- 1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**  
ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ НАТУРАЛИЗМ:  
ҲУҚУҚНИНГ АХЛОҚИЙЛИГИ ДАРАЖАСИ МАСАЛАСИ ..... 8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

- 2. САИДОВ Мақсудбек Норбоевич**  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА УЛУШ, УЛУШНИ (УЛУШИНИНГ БИР  
ҚИСМИНИ) БЕГОНАЛАШТИРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШТИРОКЧИЛАР ЎРТАСИДА  
ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАР ..... 14
- 3. ШАМСИДДИНОВА Озода Буриевна, КАРИМОВА Зулфизар Лочиновна**  
ЖИЛЫЕ ПОМЕЩЕНИЯ КАК ОБЪЕКТ ИМУЩЕСТВЕННЫХ  
ПРАВООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СУПРУГАМИ ..... 26
- 4. ЯКУБОВА Ирода**  
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ЖАМОАВИЙ БОШҚАРУВ  
ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ..... 32

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ  
ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 5. МАРИПОВА Севархон Арибжановна**  
ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ ВА КЕЛИШУВ БИТИМИНИНГ  
ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ ..... 40

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 6. ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович**  
ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА  
МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 46

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ.  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 7. ШАЙЗАКОВ Шодияр Ибрагимович**  
ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮҚОРИ СУД ИНСТАНЦИЯСИДА  
ҚАЙТА КЎРИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ..... 53

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 8. ОЧИЛОВ Хасан Рашидович**  
ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ТУЗИЛИШИ ГЕНЕЗИСИ ..... 62
- 9. МАВЛОНОВ Темур Анвар ўғли**  
ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ  
ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХИ ..... 70

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>10. РОЗИҚОВ Илҳом Истамович</b> ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	78
<b>11. НОРМАНОВА Клара Эшназаровна</b> ИШТИРОКЧИЛИҚДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	84
<b>12. НАЖИМОВ Миратдийин Шамшетдинович</b> ЎН ОЛТИ ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХСГА НИСБАТАН УЯТСИЗ-БУЗУҚ ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ .....	90
<b>13. МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли</b> ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	96
<b>14. ТУРГУНБОЕВ Элбекжон Одилжонович</b> ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ: ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, ТУРЛАРИ.....	103

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>15. YUNUSOV Khaydarali</b> CONTRIBUTIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS TO THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES: SARAKHSI – FOUNDER-FATHER OF INTERNATIONAL LAW.....	108
---	-----

### МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИ

<b>16. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР .....	116
<b>17. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи</b> МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ .....	122
<b>18. КАРИМОВА Мадина Мирзаджановна</b> РАҚАМЛИ НОТАРИАТ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛ.....	133

### ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

<b>19. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович, ЯРАШЕВ Нодирбек</b> ГЕРМАНИЯ ВА БУЮК БРИТАНИЯДАГИ ҚОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ .....	140
<b>20. БАЗОРОВ Миркомил Махмудович, ҲАМРОҚУЛОВ Синдор Бобомурод ўғли</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД-ЭКСПЕРТЛИК ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА .....	148

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: uchilov@yahoo.com

### ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ НАТУРАЛИЗМ: ҲУҚУҚНИНГ АХЛОҚИЙЛИГИ ДАРАЖАСИ МАСАЛАСИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ОЧИЛОВ Ў.С. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва замонавий ҳуқуқий натурализм: ҳуқуқнинг ахлоқийлиги даражаси масаласи // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 8-13.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-1>

#### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган шароитда ижтимоий мулоқот салмоғи янада кенгайиб, ҳуқуқ фани ва амалиётида ҳуқуқнинг ижтимоий мулоқот воситаси ва маҳсули сифатидаги аҳамиятини ўрганишга эътибор кучайди. Ҳуқуқ жамият иродаси ва мақсадларини жамият аъзоларига етказиш бўйича ҳуқуқий мулоқот модели сифатида қабул қилинмоқда. Бугунги кунда идеал қонунчилик моделининг мавжудлиги, ҳуқуқ ижодкори ва уни қўлловчи машинага ўхшаб, бир хил мантиқий хулосаларга келиши тўғрисидаги тўхтам танқид қилиниб, турли маданиятларга мансуб халқларда айна мазмунга эга нормалар турлича маънода тушунилиши ва турлича натижаларни келтириб чиқариши масаласи тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Шу билан боғлиқ равишда, миллий маданият, қадриятлар ва анъаналарни ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий онг ва маданият билан боғлаб турадиган ҳуқуқ рамзларини ўрганиш доирасида ҳуқуқнинг ахлоқийлиги даражаси масаласини муҳокама қилиш долзарб аҳамиятга эга. Мақолада ҳуқуқнинг ахлоқийлиги даражаси масаласини ҳуқуқий натурализм, ҳуқуқий позитивизм ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқ рамзлари, ҳуқуқий семиотика, ҳуқуқнинг ахлоқийлиги, миллий ирода ва мақсадлар, ҳуқуқий хулқ-атвор модели.

**ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**

Начальник отдела Национального центра Республики Узбекистан  
по правам человека, кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: uchilov@yahoo.com



**ИЗУЧЕНИЕ СИМВОЛОВ ПРАВА И СОВРЕМЕННЫЙ ПРАВОВОЙ НАТУРАЛИЗМ:  
ВОПРОСЫ УРОВНЯ НРАВСТВЕННОСТИ ПРАВА****АННОТАЦИЯ**

В современных условиях углубления процессов глобализации усиливается значимость социального диалога, а в юридической науке и практике все больше внимания уделяется изучению роли права как средства и продукта социальной коммуникации. Право воспринимается как модель правового общения для донесения воли и целей до членов общества. Сегодня существование идеальной модели права подвергается критике за то, что оно приходит к тем же логическим выводам, что и законодатель, и машина, которая его обеспечивает, и необходимо изучать значение норм с разным смыслом в разных культурах и разными результатами. В связи с этим актуально обсуждение уровня нравственности права в контексте изучения символов права, связывающих национальную культуру, ценности и традиции с правовыми нормами, правосознанием и культурой. В статье рассматривается вопрос об уровне нравственности права с точки зрения изучения правового натурализма, юридического позитивизма и символов права.

**Ключевые слова:** символы права, правовая семиотика, моральность права, национальная воля и цели, модель правового поведения.

**OCHILOV Utkir**

Head of department of the National Human Rights Center of the Republic of Uzbekistan,  
Candidate of Legal Sciences  
E-mail: uchilov@yahoo.com

**THE STUDY OF THE SYMBOLS OF LAW AND MODERN LEGAL NATURALISM: A  
QUESTION OF MORALITY OF LAW****ANNOTATION**

In modern conditions of deepening globalization processes, the importance of social dialogue is increasing, and in legal science and practice, more attention is paid to studying the role of law as a means and product of social communication. Law is perceived as a model of legal communication for conveying the will and goals of society to members of society. Today, the idea of the existence of an ideal model of legislation is being criticized, and the fact that the legislator and the law enforcer, as a machine, come to the same logical conclusions. It is necessary to investigate an issue that the same content of the norms leads to different understanding and results among peoples belonging to different cultures. In this regard, it is relevant to discuss the level of morality of law in the context of studying the symbols of law that connect national culture, values and traditions with legal norms, legal consciousness and legal culture. The article examines the level of morality of law from the point of view of legal naturalism, legal positivism and the study of symbols of law.

**Keywords:** symbols of law, legal semiotics, morality of law, national will and goals, model of legal behavior.

Хуқуқни тушунишда унинг асосини олий ахлоқий принциплар йиғиндиси билан боғлайдиган ҳуқуқий натурализм (табиий ҳуқуқ назарияси) “Адолатли ҳуқуқ қандай бўлиши керак?” - деган саволни кўриб чиқмасдан туриб, ҳуқуқ табиатини билиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқий натурализмга кўра, ахлоқийлик ва адолатлиликнинг фундаментал тамойилларини кўпол равишда бузадиган нормалар қонун деб номланишга лойиқ эмас. Ҳуқуқий натурализмнинг бу ғояси позитивистларнинг муайян давлатнинг қонунчилик тизимига кирувчи ҳар қандай қонунлар, улар яхшими ёки ёмонми, адолат ва ахлоқ тамойилларига тўғри келадими ёки йўқми, мазкур давлатнинг қонунларидир, деган нуқтаи назарни инкор қилиб келади.

Ҳозирги замон ҳуқуқий натурализими ўзининг нуқтаи назарини нацистлар Германияси қонунларининг адолатсиз бўлганлиги, шунинг учун улар қонун сифатида қабул қилиниши мумкин эмаслиги мисолида ҳимоя қилади. Натуралистлар ахлоқийлик ва адолат тамойилларига мувофиқ келмайдиган қонунлар ҳақиқий қонунлар эмас ва уларга бўйсунишга ҳеч ким мажбур эмас, деб таъкидлайдилар. Улар ахлоқсиз, адолатсиз қонунларга бўйсунган шахслар адолатли қонунлар олдидаги жавобгарликдан озод бўлмаслигини нацистлар устидан Нюрнберг жараёни мисолида исботлашга ҳаракат қиладилар.

Немис ҳуқуқшуноси Роберт Алекси ўзининг “Ҳуқуқ тушунчаси ва воқелиги” асарида ҳуқуқнинг икки жиҳатли воқелик эканлиги, унда идеал (ғоявийлик) ва реал (амалийлик) жиҳатлар мужассамлашганлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради [1]. Р.Алексига кўра, ҳуқуқнинг амалийлиги жиҳати унинг ижод қилиниши ва амалда қўлланилиши самараси билан белгиланса, ғоявийлиги ҳуқуқнинг ахлоқий тамойилларга мувофиқлиги билан белгиланади. [2, Б.19]

Р. Алекси фикрига кўра, ҳуқуқнинг ғоявий мазмуни ахлоқий тамойилларга мувофиқлик талабидан келиб чиқади. Р. Алекси ҳуқуқнинг ахлоқийлик мезонларига жавоб бериши нуқтаи назаридан чегараланиши тўғрисида гапиради. У ўз хулосаларини исботлаш учун Германия Федерал конституциявий суди томонидан 1968 йилда нацистларларнинг 1941 йил 25 ноябрдаги мамлакатни тарк этган яҳудийларни фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорини кўриб чиқиб, уни ахлоққа ва адолатга зид бўлганлиги учун қабул қилинган кунидан бошлаб асоссиз деган хулосага келганлигини намуна қилиб кўрсатади. Р. Алекси таъкидлайдики, бу ҳолатда юридик жиҳатдан формал ўрнатилган ва узоқ вақт давомида амал қилган норма ахлоқий мезонларга асосан, яъни фундаментал ахлоқий принципларга мувофиқ бўлмаганлиги учун ҳуқуқий эмас деб тан олинган [1, Б.7].

Р. Алексига кўра, ҳуқуқ принциплари ҳуқуқий тизимнинг мажбурий таркибий қисмидир, улар ахлоқийликка тааллуқли принципларни ҳам ўз ичига олади. Пинципларнинг икки томонлама жиҳати – бу уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуққа ҳам ахлоққа тааллуқлилигидир. Ахлоқий принциплар мазмунан ҳуқуққа сингдирилгани учун ҳуқуқ ижодкори ва ҳуқуқни қўлловчи ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий мезонларга таянади ва ҳуқуқнинг ахлоқийлик талабларига амал қилади [1, Б.96-102].

Америкалик ҳуқуқшунос Лон Фуллер қонунлар ахлоқийлигининг икки турини - “ташқи ахлоқийлик”ни (қонунлар мазмунига қўйиладиган ахлоқий талабларни) ҳамда “ички ахлоқийлик”ни (қонунчиликда ички тартиб-таомилларга риоя қилинишини) бир-биридан ажратади. У қонунчиликнинг адолат тамойили тартиб-таомилларига хос бўлган талабларни ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлиги” деб номлайди. Л. Фуллернинг фикрича, ички ахлоқийликка риоя қилиниши эзгуликка интилишни келтириб чиқаради. Унга кўра, нацистлар қабул қилган қонунлар фақат “ташқи ахлоқийлик”ка зид бўлганлиги учунгина эмас, балки “ички ахлоқийлик”ка, яъни қонунчилик тартиб-таомилларига мувофиқ бўлмаганлиги учун ҳам ҳуқуқ ҳисобланмайди ва одамлар уларга бўйсунмасликка ҳақли эди [3, Б.55].

Л. Фуллер қонунларнинг ахлоққа зидлигини келтириб чиқарадиган қўйидаги саккиз асосни кўрсатиб ўтади: 1) ҳуқуқий нормани ўрнатишга лаёқатсизлик; 2) қонунларнинг эълон қилинмаслиги ва аҳолига улар билан танишиш имконияти берилмаслиги; 3) орқага қайтиш кучига эга қонунлар қабул қилиш амалиётининг суиистеъмол қилиниши, қонунларни орқа сана билан тасдиқлаш амалиётидан фойдаланиш; 4) қонунларни тушунарли яратишга лаёқатсизлик; 5) бир-бирига зид қонунларни қабул қилиш; 6) бажариш имконияти бўлмаган талаблар қўядиган қонунларни чиқариш; 7) фуқароларга ўз хулқ-атворини қонунчиликка мувофиқ бошқаришга имкон бермайдиган даражада қонунларни тез-тез ўзгартириб туриш; 8) қонунлар билан уларнинг қўлланилиши ўртасида номувофиқлик [3, Б.53].

Л. Фуллерга кўра, ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлиги” принциплари ҳуқуқий тизимнинг ахлоқийлиги даражасини кўриш ва мувофиқ муносабат билдириш имкониятини беради. Ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлик” принципларидан ҳар қандай чекиниш масъулиятли инсоннинг кадр-қимматини ҳақоратлаш бўлиб, бу принципларга риоя қилмасдан туриб инсонлар ҳатти-ҳаракатини умумий нормаларга бўйсундиришнинг имконияти йўқ [3, Б.194]. Жамиятда ҳуқуқнинг амалийлиги ёки амалий эмаслиги мансабдор шахсларнинг “ички ахлоқийлик”

принципларига риоя қилишдан иборат бўлган ахлоқий бурчларини бажаришларига боғлиқ. Л.Фуллер қонунларни қўллашга масъул бўлганларнинг ўзи назар-писанд қилмайдиган қонунларга бўйсунушнинг маъноси йўқ, деб ҳисоблайди [3, Б.54].

Л.Фуллерга кўра, ҳуқуқ ижодкори мазкур принципларга зид бўлган нормаларни яратишдан ўзини тийиши керак, чунки бу унга ҳокимиятни ишониб топширган жамият аъзолари олдидаги ахлоқий бурчдир. Шунинг учун ҳуқуқда том маънода ахлоқийлик мавжудлигини ҳамда ҳуқуқ билан ахлоқни бир-биридан ажратиш бўлмаслигини тан олиш керак [4, Б.96].

Л.Фуллернинг ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлиги” тамойиллари тўғрисидаги ғоялари олимларнинг турли мунозаларига сабаб бўлган бўлса-да [4 Б.79-89], бугунги кунда ҳуқуқшуносликдаги неопозитивистик ва натуралистик қарашларнинг муайян даражада яқинлашишига ўз ҳиссасини қўшган, деб айтиш мумкин.

Неопозитивизм асосчиси Г. Харт ҳуқуқнинг ахлоқийлиги масаласини тадқиқ этишда Л. Фуллернинг натуралистик ғояларига маълум даражада яқинлашиб, “ҳуқуқнинг ички нуқтаи назари” ва “ҳуқуқнинг минимал ахлоқий мазмуни” тўғрисидаги хулосаларини таклиф қилади. Г. Хартга кўра, ҳуқуқ нормаларига нисбатан икки хил нуқтаи назардан: ҳуқуқ нормаларини тан олмайдиган ташқи кузатувчи нуқтаи назаридан ҳамда улардан ўз хулқ-атвори учун юриш-туриш қўлланмаси сифатида фойдаланадиган жамият аъзоси нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш мумкин. Г.Харт бу ҳолатни “ташқи ва ички нуқтаи назар” [5, Б.94], деб номлайди.

“Ички нуқтаи назар” ҳуқуқий тизим қоидаларини тан оладиган жамият аъзоларининг хулқ-атворини ифода этади, масалан, светофорнинг қизил чироғи бу тўхташни англатувчи белгигина эмас, балки “ички нуқтаи назар”дан тўхташга кўрсатма берувчи белги. Қизил чироқда тўхтаганлик - бу хулқ-атвор ва мажбуриятларга риоя қилиш намунаси. Инсон светофорнинг қизил чироғида тўхтади ва “Бу менинг мажбуриятим” шаклида фикрлайди, бу уни ҳуқуқ нормаларига бўйсунувчи хулқ-атворининг вазиятга жавоби бўлади. Ўша инсон хулқ-атворига эътироз билдирилса, у қонун-қоидага мурожаат қилиб ўзини оқлашга ҳаракат қилади, бу унинг қоидани тан олганлигини кўрсатади. Қонун-қоидани тан олганлиги нафақат унинг бу қоидага риоя қилганида, балки ундан четга чиққанда ўзини ва бошқаларни танқид қилишида намоён бўлади. [5, Б.143] Г.Хартга кўра, жамият аъзоларининг кўпчилик қисми ҳаётида ҳуқуқий нормалар, жамиятда яшаш ва фаолият кўрсатиш бўйича хулқ-атвор қўлланмаси вазифасини бажаради [5, Б.96].

Лекин жамиятнинг барча аъзолари ҳам ҳуқуқий нормаларни яшаш ва фаолият кўрсатиш қўлланмаси сифатида қабул қилмайди. Ҳуқуқий нормаларга бундай муносабатни Г. Харт “ташқи нуқтаи назар” деб номлайди. “Ташқи нуқтаи назар” ҳуқуқий тизим нормаларини тан олмайдиган ва уларга риоя қилмаслик салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги учунгина уларга риоя қиладиганлар ҳаётида ҳуқуқий қонун-қоидаларнинг амал қилиш хусусиятини ифодалайди. Бундай инсонлар жазоланиш таҳдиди бўлганлиги учунгина светофорнинг қизил чироғида тўхтади ва ўзининг хулқ-атвори тўғрисида “Агар мен шундай қилмасам, мени жазолашлари мумкин” шаклида фикрлайди, лекин унда “Бу менинг мажбуриятим” каби фикрлаш бегона бўлади [5, Б.95].

Шунингдек, Г. Харт муайян ҳуқуқий тизимнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши учун, биринчи навбатда, амалдорлар ушбу тизимга ҳурматини намоён қилиши, ҳуқуқ нормаларига нисбатан “ички нуқтаи назар”га эга бўлиши шарт, - деб таъкидлайди. Г. Хартга кўра, агар мансабдор шахсларда улар бошқараётган тизимни “тан олиш”нинг муайян минимал даражаси бўлмаса, бундай ҳуқуқий тизим мавжудлигини таъкидлаш қийин. Г.Хартнинг бу хулосаси Л.Фуллернинг “ҳуқуқнинг ички ахлоқийлиги” ғоясига ҳамоҳанг эди.

Г.Харт ҳуқуқнинг ахлоқий мазмунга эга эканлигини тан олади ва ҳуқуқнинг “минимал ахлоқий мазмуни” тўғрисидаги ғояни илгари суради. Унга кўра, ахлоқий кўрсатмалар инсон хулқ-атворини тартибга солувчи воситалардан бири бўлиб, ҳуқуқий нормаларда ахлоқий мазмун сингдирилган бўлади ҳамда исталган давлатнинг ҳуқуқий тизими фундаментал ахлоқий тасаввурларни келтириб чиқаради. Г.Харт “ҳуқуқ устуворлиги”, “адолат”, “эркинлик” тушунчаларини ахлоқнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилади. Г. Хартга

кўра, ҳуқуқ устуворлиги ахлоққа зид қонунларни инкор қилади, лекин мустабид тузумда ҳуқуқ устуворлиги ахлоқсиз мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Қонундан ҳар қандай мақсадда, масалан, мустабид тузумни кучайтиришда ҳам ёки аксинча камбағалларнинг ҳимоясини таъминлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, турли жамиятларда ҳуқуқ ва ахлоқ учун хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Айрим жамиятларда ахлоқ жазоловчи, шафқатсиз, жаҳолатда қолган ёки бидъатпараст бўлиши ҳам мумкин, ижтимоий ахлоқ ҳукмрон тоифаларни ҳимоя қилиб, қуллар ва деҳқонларнинг тақдирини уларнинг хўжайинлари қўлига топшириб қўйиши ҳам мумкин [5, Б.186]. Бунга Қадимги дунё ёки Ўрта асрлардаги давлатларнинг аксарияти, айрим замонавий давлатлар мисол бўла олади.

“Бундай бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германияда судлар тўқнаш келган ҳолатни қандай баҳолаш керак: Фашистлар Германиясининг ахлоқсиз қонунлари асосида жамиятни бошқарган ва ахлоқсиз, адолатсиз қилмишлар содир этган шахслар жазога лойиқ эдими?” – деган саволни ўртага қўйиб, Г.Харт бу муаммони ахлоқсиз қонунларни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқий деб тан олиш тўғрисидаги ғоя билан ҳал қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Г.Харт ҳуқуқни тушунишда ҳақиқий бўлмаган қонунни ахлоқсиз қонундан ажратиш бу муаммоларнинг мураккаблиги ва бошқа-бошқа эканлигини кўришга имкон беради, деб ёзади [5, Б.213].

Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) нуқтаи назаридан ҳуқуқ қадриятларни ифодалайдиган рамзий шакллар, моделлардан иборат [6, Б.7]. Ҳуқуқ рамзлар ва белгилардан иборат тизим сифатида қаралса, ҳуқуқ ижодкори у ёки бу ижтимоий муносабатларга тааллуқли ҳуқуқни (ҳуқуқий хулқ-атвор моделини) шакллантириш учун, дастлаб жамият иродасини ва жамиятда амалда шаклланган ижтимоий муносабатларни аниқлайди. Қонун чиқарувчи томонидан жамият иродаси миллий ирода ва мақсадлар шаклида ўрнатилиб, у ҳуқуқнинг (хулқ-атвор моделининг) ғоясини, мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Миллий ирода ва мақсадлар мазмунида ахлоқий асослар муҳим ўрин эгаллайди. Улар жамиятда шаклланган ижтимоий ахлоққа асосланади. Ижтимоий ахлоқ умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан бирга миллий маданий қадриятларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам эркинлик, тенглик, адолат каби ахлоқий мезонларнинг турли жамиятларда турли маънода тушунилиши тўғрисида гапириш мумкин. Умумий кўринишда, масалан, Европа маданиятида эркинлик, тенглик ва адолат мезонлари уларнинг мутлақ тушунишга асосланса, Шарқ мамлакатларида бу мезонлар миллий-маданий қадриятлар талаби билан йўғирилган мазмунга эга бўлади, яъни бу мезонлар миллий қадриятлар доирасида талқин қилинади. Миллий-маданий қадриятларга таянмаган ирода эса, жамият аъзоларига бегона ва тушунарсиз бўлиши мумкин. Бордию, миллий-маданий ахлоққа зид мазмундаги қонунлар қабул қилинса, инсонлар уларни ахлоқсиз ва адолатсиз қонунлар сифатида баҳолаб, уларга риоя қилмайди, бу ҳуқуқий тизим инқирозини англатади.

Жамият аъзосининг хулқ-атвори жамиятнинг бошқа барча аъзолари учун умумий бўлган маданиятдан келиб чиққан рамзлар тизими воситасида йўналтирилади. Шунингдек, муайян бир маданиятга тааллуқли одамлар учун умумтушунарли рамзлар, бошқа маданият вакиллари учун тушунарсиз бўлиши мумкин [7, Б.239]. Қонуннинг жамият аъзоларига тушунарли ва тўғри идрок қилинишини унга сингдирилган минимал миллий ва умуминсоний ахлоқий мазмун таъминлайди. Қонун чиқарувчи эркинлик, тенглик ва адолат мезонларига таянаётганида, унинг миллий-маданий қадриятларни поймол қилувчи шаклда ифодаланишининг олдини олишга мажбур, масалан, миллий-маданий ахлоққа зид диний секталар ёки ноанъанавий турмуш тарзи айрим жамиятларда миллий-маданий ахлоққа зид, бундан келиб чиқиб жамият иродаси ва мақсадларига бегона эканлиги учун уларга рухсат берилмайди. Шунингдек, жамият аъзоларига узатилаётган хулқ-атвор модели жамият аъзоларининг кўпчилик қисми томонидан ички нуқтаи назардан қабул қилиниши учун қонун чиқарувчи жамиятдаги турли гуруҳларнинг муқобил талабларини ҳисобга олиши, уларни жамият аъзолари билан муҳокама қилиши қонунларнинг минимал миллий-ахлоқий мазмунга эга бўлишини таъминлайди.

Агар қонун уни бажариши лозим бўлган жамият аъзоларининг миллий-ахлоқий

қадриятларига зид хулқ-атворни улардан талаб қилса, уларнинг олдига риоя қилиб бўлмайдиган шартлар қўйилган бўлади ва бу қонун ички нуқтаи назардан қабул қилинмайди. Шундай қилиб, жамият аъзоларига узатилаётган хулқ-атвор моделлари яшаш ва фаолият кўрсатишнинг дастуриламал қоидалари сифатида қабул қилиниши учун уларнинг мазмунида минимал ахлоқий мазмун, яъни умуминсоний ва миллий-маданий ахлоқий мезонлар ўз ифодасини топган бўлиши керак.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Алекси Р. Понятие и действительность права (ответ юридическому позитивизму) / пер. с нем. А.Н. Лаптева, Ф. Кальшойера. М.: Инфотропик Медиа. 2011.
2. Алекси Р. Дуальная природа права // Рос. ежегодник теории права. 2009. № 2.
3. Фуллер Л. Мораль права. - Момква: ИРИСЭН, 2007.
4. Архипов В.В. Концепция права Лона Л. Фуллера. Дисс. канд. юрид. наук. –С.-Петербург, 2009.
5. Харт Г. Понятие права. – Санкт-Петербург: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2007.
6. Разуваев Н. В. Государство как предмет изучения юридической семиотики // Знаково-символическое бытие права. 11-е Спиридоновские чтения: мат. междунар. науч.-теор. конф. – С.Петербург: ИВЭСЭП, 2013.
7. Гаджиев Г.А. Онтология права: (критическое исследование юридического концепта действительности): монография. — Москва: Норма: ИНФРА-М, 2013.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

**САИДОВ Мақсудбек Норбоевич**

Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари,  
иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси  
E-mail: mr.msaidov@gmail.com

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА УЛУШ, УЛУШНИ (УЛУШНИНИГ БИР  
ҚИСМИНИ) БЕГОНАЛАШТИРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШТИРОКЧИЛАР ЎРТАСИДА  
ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАР**

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** САИДОВ М.Н. Масъулияти чекланган жамиятида улуш, улушни (улушининг бир қисмини) бегоналаштирилиши билан боғлиқ иштирокчилар ўртасида юзага келадиган низола // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 14-25.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-2>

## **АННОТАЦИЯ**

Мақолада масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди (устав капитали), унинг таркиби, улуш тушунчаси, улушнинг қиймати ва қийматнинг фарқли жиҳатлари, улушни қонунда белгиланган қийматда реализация қилиш асослари, улушни тасарруф этиш усуллари, улуш олди-сотдисиди амал қилиниши лозим бўлган босқичлар, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи, улушни кимошди савдосида реализация қилинишининг ўзига хос хусусияти, улушни сотишдан бошқача тарзда воз кечиш тартиби ва эътибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар, улушни бегоналаштириш билан боғлиқ корпоратив муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлардаги коллизия нормалар, уларга таклифлар, корпоратив низолаарга оид суд ишларига ҳавола қилинган ҳолда суд амалиёти таҳлили ва Олий суд Пленуми қарорларидаги қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан тушунтиришлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** улуш, улушнинг қиймати, улушни бегоналаштириштириш, иштирокчи, масъулияти чекланган жамият, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи, сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш.

**САИДОВ Мақсудбек Норбоевич**

Заместитель председателя Ташкентского городского суда,  
Председатель судебной коллегии по экономическим делам  
E-mail: mr.msaidov@gmail.com

## ДОЛЯ В ОБЩЕСТВЕ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ И СПОРЫ ОТНОСИТЕЛЬНО ОТЧУЖДЕНИЯ ДОЛИ (ЧАСТИ ДОЛИ) МЕЖДУ УЧАСТНИКАМИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются уставный капитал (уставный капитал) общества с ограниченной ответственностью, его состав, понятие доли, стоимость доли и различные аспекты стоимости, основания реализации акций по уставной стоимости, способы управления акциями, шаги, которые необходимо предпринять. Изучены проблемы в этой сфере и даны предложения по их устранению, права преимущественной покупки, особенности реализации акций с торгов, порядок отказа от продажи акций иными способами и обстоятельства, подлежащие рассмотрению, коллизионные нормы, регулирующие корпоративные отношения по нормам отчуждения акций, предложения к ним. Проведен анализ судебной практики с привязкой к судебным делам по корпоративным спорам и разъяснения по применению законодательства в решениях Пленума Верховного Суда.

**Ключевые слова:** доля, стоимость доли, отчуждение доли, участник, общество с ограниченной ответственностью, право преимущественной покупки, передача прав и обязанностей покупателя.

**SAIDOV Maksudbek**

Deputy chairman of Tashkent city court,  
Chairman of the judicial board for economic affairs  
E-mail: mr.msaidov@gmail.com

## SHARE IN A LIMITED LIABILITY COMPANY, DISPUTES BETWEEN PARTICIPANTS REGARDING THE ALIENATION OF A SHARE (PART OF A SHARE)

### ANNOTATION

This article highlights the concepts of the authorized capital of a limited liability company, its composition, shares, value of the share and distinctive aspects of value, grounds for the sale of a share at the value established by law, methods of disposal of shares, observance of the stages of sale and purchase of shares, at the same time, problems and suggestions for their elimination, the right of pre-emptive purchase, specifics of selling a share at an auction, the procedure for the assignment of a share of a company participant in a way other than the sale and circumstances to which attention must be paid, conflict of laws rules in regulatory legal acts governing corporate disputes on the alienation of a share, proposals to them, analysis of court practice in corporate disputes, with reference to legal proceedings, as well as clarifications in the decisions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan on the application of legislation.

**Keywords:** share, value of a share, alienation of the share, shareholder, limited liability company, the right of the pre-emptive purchase, transfer of the rights and obligations of the buyer.

Аслида математика фанига оид бўлган “улуш” тушунчаси муайян бутунликнинг сифат ёки миқдорда ифодаланган бир бўлаги маъносида ишлатилади. Ҳуқуқ тизимларида улуш атамаси кенг ишлатилса-да, миллий қонунчиликда ушбу терминга аниқ таъриф мавжуд эмас. Юридик адабиётларда улуш тушунчаси тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд. Жумладан, Хелсбери Англия қонунларида улуш тушунчасига компания фаолияти давомида унинг устав капиталига муайян ҳуқуқ ва мажбуриятни белгиловчи ҳуқуқ сифатида таъриф берилган [1].

Р.Фатхутдинов ўзининг “Уступка доли в уставном капитале ООО: Теория и практика” китобида масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталидаги улуш – бу жамият фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқининг бир тури бўлиб, компания иштирокчисининг ягона ва чекланмаган ваколатлар тўпламидан ташкил топган жамият фаолиятини ташкил этишда

иштирок этишнинг субъектив ҳуқуқидир [2, Б.22].

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда дастлаб жамият устав фондини шакллантириш, кейинчалик кўпайтириш учун қўшилган ҳиссалар, устав фондига ҳиссани киритган шахсларнинг жамиятидаги улуши сифатида юритилади. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин. Россия Федерацияси Олий арбираж суди Раёсатининг 2014 йил 15 июлдаги 3640/14-сонли қарорида масъулияти чекланган жамиятидаги улуш ашё эмас, балки жамият иштирокчисининг муайян мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мажмуи бўлиб, фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг гуруҳига кирадиган бошқа мол-мулк деб тушунтириш берилган [3].

Жамият устав фондида жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарурий шарт сифатида белгиланганлиги сабабли жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (матнда Қонун деб юритилади)нинг 14-моддасида устав фондини шакллантиришда улушга нисбатан унинг “номинал қиймати” тушунчаси ишлатилган. Улушнинг номинал қиймати деганда нима тушунилади? Улушнинг номинал қийматидан ташқари яна қандай қийматлари мавжуд ва ушбу қийматлар қайси ҳолларда қўлланилади?

Қонунчиликда улушнинг уч хил қиймати тўғрисида сўз юритилади:

1. Номинал қиймат;
2. Ҳақиқий қиймат;
3. Бозор баҳоси (шартномавий қиймат)

Улушнинг номинал қиймати жамиятнинг таъсис ҳужжатларида аниқ кўрсатилган бўлади. Бошқача айтганда, таъсис ҳужжатларида иштирокчи улушининг декларацияланган қиймати улушнинг номинал қиймати дейилади. Улушнинг номинал қиймати таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида ўзгаради.

Масалан: устав фондининг 100 фоизи миқдори 100 млн сўмни ташкил қилади. Битта иштирокчининг номинал қиймати 30 млн сўмни, иккинчи иштирокчининг номинал қиймати эса 70 млн сўмни ташкил қилади. Улушнинг номинал қиймати билан устав фондининг нисбати тегишинча устав фондининг 30 фоизи ва 70 фоизини ташкил қилади.

Жамиятдаги улушнинг номинал қийматига жамият иштирокчисининг жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳиссасини кўрсатиб турувчи индикатор сифатида қаралиши мумкин.

Жамият ўз фаолияти жараёнида молиявий жиҳатдан ривожланиши (фойда олиши, товар-моддий бойликларни харид қилиши, шу жумладан узоқ муддатли активларни сотиб олиши) ёки аксинча зарар кўриши мумкин. Бундай ҳолатда улушнинг номинал қиймати жамиятнинг ҳақиқий молиявий ҳолатига мос келмайди. Улушнинг ҳақиқий қиймати номинал қийматидан (таъсис ҳужжатларида декларацияланган) юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Соф активлар жамиятнинг қарз мажбуриятлари чегириб ташланган ҳолдаги мол-мулкнинг қийматидир. Улушнинг ҳақиқий қиймати жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланади ва ушбу ҳужжат асосида ўзгариб туради.

Масалан: Жамият устав фондининг миқдори 100 млн сўм, соф активлари эса 1 млрд сўм. Битта иштирокчи улушининг миқдори устав фондининг 30 фоизини, унинг улушининг номинал қиймати 30 млн сўмни, улушининг ҳақиқий қиймати эса 300 млн сўмни ташкил қилади. Иккинчи иштирокчи улушининг миқдори устав фондининг 70 фоизини, унинг номинал қиймати 70 млн сўмни, улушнинг ҳақиқий қиймати эса 700 млн сўмни ташкил қилади.

Қонунда жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улушини жамият томонидан тўланиши тартиби белгиланган бўлиб, бунда жамият жамиятдан



чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг (улушининг бир қисмини) (матнда улуш деб юритилади) чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шартли белгиланган. Шунингдек, жамият иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув суднинг қарорига асосан жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги улушига қаратилган тақдирда ҳам жамият кредиторларга жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қийматини тўлаши мумкин.

Иштирокчилар одатда улушини ҳақиқий қиймати миқдоридан сотишга рози бўлишмайди. Айниқса, йирик товар-айланмасига ва фойда билан ишлайдиган жамиятлар иштирокчиларига бундай битим манфаатли ҳисобланмайди. Чунки, бухгалтерия ҳисоботларида жамият активлари ҳақиқий бозор қийматида эмас, балки қолдиқ қиймати бўйича аниқланади. Бу эса деярли ҳар доим бозор қийматидан паст бўлади.

Улушнинг бозор қиймати - бу улушни олди-сотди шартномасида улуш учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳо ҳисобланади. “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объектининг очиқ бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатларини йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди деб тушунтириш берилган.

Улушнинг шартнома қиймати улушни олди-сотди шартномасини тузишда активларнинг бозор қиймати, ишланган мижоз базаси, асосий фаолият тури спецификаси, фойда келтиришлик ва ҳ.к.дан келиб чиқиб тарафлар келишувига кўра аниқланиши мумкин [4]. Улушнинг бозор нархини асослаш бир мунча мураккаб жараён ҳисобланади, чунки улуш қийматини аниқлаш методикаси ва улушнинг ўртача бозор нархи мавжуд эмас.

Қонунчиликда улушни бегоналаштириш ҳолатларини бозор баҳосида белгилловчи нормалар ҳам мавжуд. Жумладан, Қонун 20-моддасининг йигирма иккинчи қисмида жамиятнинг устав фондидаги улушнинг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс (бундан давлат мустасно), агар шахс бунгача жамиятнинг устав фондидаги улушларга эгалик қилмаган ёки улушнинг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, миноритар иштирокчиларга улушларини бозор қиймати бўйича ўзига сотишни ўттиз кун ичида таклиф этиши шарт ва жамият иштирокчисининг ўзига тегишли улушини сотиши тўғрисида ўттиз кун ичида ёзма розилиги олинса, жамиятнинг устав фондидаги улушнинг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгаси таклиф этилган улушни бозор қийматида сотиб олиши шарт.

Шунингдек, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 18-моддасига кўра, чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкидаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 06.10.2014 йилдаги 279-сонли қарорига 3-илова сифатида тасдиқланган “Масъулияти чекланган жамиятлар устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисида”даги низомнинг 19-бандида савдога қўйишда давлат улушининг бошланғич нархи сотувчи томонидан баҳоловчи ташкилотнинг улуш қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисидаги эксперт хулосасида аниқланган миқдорда белгиланади.

Улуш фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (матнда ФК деб юритилади)нинг 82-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши

чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Улуш эгаси, мулкдор томонидан қонунда белгиланган айрим истисноларни инобатга олган ҳолда, улушга ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек ўзининг улушга бўлган мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қонунчиликда иштирокчининг ўзулушини тасарруф этишини икки хил усули белгиланган бўлиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам улушнинг бегоналаштирилиши шартнома асосида амалга оширилади.

1. Улушни жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш

2. Улушдан жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахслар фойдасига сотишдан бошқача тарзда воз кечиш.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, иштирокчининг жамият устав фондидаги улушларнинг жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтиши, шунингдек, суд тартибда ўтказилиши мазкур мақоланинг тадқиқот предмети бўлмаганлиги сабабли “улушнинг ўтиши” тушунчаси алоҳида ёритилиб берилади.

Қонун 20-моддасининг биринчи қисмида жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёхуд бир неча иштирокчисига сотишга ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли. Бундай битимни тузиш учун, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

Улушни бегоналаштирилиши учун устав фондининг шакллантирилган ёки шакллантирилмаганлигини аниқлаш зарур. Чунки, улуш тўлиқ тўлангунига қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Устав капиталининг тўланмаган улушлари билан тузиладиган ҳар қандай битимлар ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Қонунда улушнинг бегоналаштирилиши шартлари, тартиби ва жараёнларида устав қоидаларининг устуворлиги принципи белгиланганлиги сабабли ушбу жараён ҳар бир жамиятда унинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Жумладан, агар жамиятнинг уставида улушни учинчи шахсларга сотиш ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечишга муайян тақиқлар белгиланган бўлса, одатда уставда бундай тақиқ сифатида жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги кўрсатилади, жамият иштирокчиси ўз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши жамият бошқа иштирокчиларининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 4- 2001-1903/2577-сонли иши бўйича тақдим этилган “Бухоротаъмирлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2018 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилган уставининг 9.1-бандида жамият таъсисчиларидан ҳар бири жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушнинг қисмини қолган таъсисчиларга, ёхуд уларнинг розилиги бўйича учинчи шахсларга сотиш ёки бошқа шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли эканлиги белгиланган [5]. Суд иқтисодий ишни кўриб чиқишда жамият уставининг ушбу бандига асосланиб, бошқа иштирокчи шеригининг ўз улушини учинчи шахсга сотишига қарши эканлигини инобатга олиб, жамиятнинг улуши иштирокчи томонидан учинчи шахсларга реализация қилиниши мумкин эмас деган тўхтамга келган.

Иштирокчи ўзига тегишли улушни сотишга қарор қилган тақдирда, бошқа иштирокчиларга улушни у сотиладиган нарҳда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишни таклиф қилиши керак. Иштирокчининг имтиёзли сотиб қолиш ҳуқуқи Қонуннинг 20-моддаси ва ФКнинг 224-моддасида белгиланган. Бундан ташқари, Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмида иштирокчилардан ташқари улушни имтиёзли сотиб олишда яна бир субъект - жамиятнинг ҳам ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра, агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари жамиятнинг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, жамият мазкур улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Мазкур қонун нормаларининг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмини “Агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари жамиятнинг

иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, агар жамиятнинг уставда улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган бўлса, жамият мазкур улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.” таҳририда баён этиш таклиф этилади. Чунки, Қонуннинг 22-моддасида умумий қоида сифатида айрим истисноларни инобатга олган ҳолда жамият ўзининг устав фондидаги улушни олишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Ушбу мазмундаги таҳрирнинг белгиланиши мазкур нормани ФКнинг 224-моддаси, Қонун 20-моддасининг тўққизинчи қисми ҳамда 22-моддасининг умумий мазмунига мувофиқлаштирилади. Зеро, ушбу ҳолатга аниқлик киритиш судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ва асосини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз улушини учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бундай хабарнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддасида белгиланган “оферта” сифатида эътироф этилиши ва унга нисбатан офертага оид нормалар қўлланилиши мумкин. Жамият уставда хабарноманинг жамият орқали юборилиши назарда тутилган тақдирда, келгусида иштирокчиларни хабардор қилиш тартиби бузилганлиги ҳолати бўйича низоларнинг олдини олиш мақсадида уставда белгиланган тартибга риоя қилиниши лозим.

Қонунда жамият иштирокчилари ва (ёки) жамиятнинг улушни сотиб олишдаги имтиёзли ҳуқуқининг муддати шундай хабар берилган кундан эътиборан, агар жамият уставда ёки жамият иштирокчиларининг келишувида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, бир ой қилиб белгиланган. Агар жамият иштирокчилари ва (ёки) жамият белгиланган муддатда имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда, улуш жамиятга ва унинг иштирокчиларига маълум бўлган баҳода ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин. Имтиёзли ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ундан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланган иштирокчи хабарномани қабул қилган ва улушни сотиб олиш истагини билдирган тақдирда, акцепт ёзма тарзда расмийлаштирилиши лозим. Бундай ҳолатда улушни сотиш учун учинчи шахсларни излаш талаб қилинмайди ва таклифни қабул қилган шахс билан шартнома тузилади. Зеро, ФКнинг 364-моддасига кўра, шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Қонун 20-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра, улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, агар жамиятнинг уставда улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган бўлса, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақли. ФК 224-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

Мазкур ҳолатда иккита қонун нормаси ўртасида тафовут мавжуд. “Норматив ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг тўртинчи қисмига кўра тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно. Фикримизча, мазкур ҳолатда ушбу нормани қўллаб бўлмайди. Чунки гарчи Қонун ФКдан кейин қабул қилинган бўлса-да, ҳолатнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда имтиёзли ҳуқуқ эгаси ушбу фуқаролик ҳуқуқий муносабатда “сотувчи” сифатида эмас балки “сотиб олувчи” бўлиб иштирок этади ва ўз навбатида “сотувчининг” эмас “сотиб олувчининг” ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказишни талаб қилишга ҳақли. Қолаверса, Қонуннинг рус тилидаги матнида ҳам “покупателя” яъни сотиб олувчининг сўзи ишлатилган. Шу сабабли, Қонун 20-моддаси тўққизинчи қисмидаги “сотувчининг” сўзи “сотиб олувчининг” сўзи билан ўзгартирилиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуқ бузилиши ҳолати бўйича мурожаатлар ўрганиб чиқилганда, жисмоний ва юридик шахслар судларга икки хил мазмундаги даъво талаблари билан мурожаат қилишганлиги аниқланди. Баъзи даъво аризаларида белгиланган имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда тузилган битимни, унинг қонун талабларига зид эканлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топиш, бошқа ҳолларда сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказиш талаби қўйилган. Амалиётда ҳар иккала талаб бирлаштирилган ҳолда судга тақдим этилган даъво аризалари ҳам талайгина. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарорининг 21-бандига кўра, бир вақтнинг ўзида сотиб олувчининг ҳуқуқини ўтказиш ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида талаблар арз қилинганда, суд арз қилинган талабларга аниқлик киритиши лозим, чунки умумий улушли мулкда бўлган мулкни сотишда олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш тўғрисидаги талаблар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги ёки бошқа асослар бўйича шартномани ҳақиқий эмас деб топишни истисно қилади. Пленум қарорининг 22-бандида умумий мулкдаги улушини сотувчи бошқа мулкдорга ўз улушини сотмаслик мақсадида мулк баҳосини атайин юқори кўрсатиши ва у сотиб олишни рад этганидан кейин бошқа шахсга паст баҳода сотганлиги ҳолатининг аниқланганлиги имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлигига олиб келиши ва унинг оқибати Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 224-моддаси 4-қисмини қўллаш учун асос бўлиши тўғрисида тушунтириш берилган [6].

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги ҳолати бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказиш тўғрисида судга тақдим этиладиган даъво номулкий тусдаги даъво ҳисобланиши сабабли улуш қийматидан қатъий назар “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорлари иккинчи қисмининг б) бандига мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари давлат божи тўланади. Шунини инобатга олиш лозимки, даъво аризасида сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини иккита ва ундан ортиқ шартномалар бўйича ўтказиш талаб қилинганда, ҳар бир шартнома бўйича давлат божи базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ундирилади.

Мазкур мазмундаги даъво нисудда кўришда жамиятнинг ўзини ва барча иштирокчиларини судда иштирокини таъминлаш лозим. Чунки, улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш истагида бўлган жамият иштирокчиси ўз улушини сотишни таклиф этаётган жамият иштирокчисини етти кунлик муддатда бу ҳақда хабардор қилиши, бунда сотишга таклиф этилаётган улушни тўлиқ ёки унинг муайян қисмини сотиб олмоқчи эканлигини кўрсатиши керак. Агар келиб тушган таклифларнинг умумий миқдори сотилаётган улушнинг миқдоридан ошмаса, иштирокчилардан ҳар бири улушнинг ўз хабарномасида кўрсатган қисмини сотиб олади. Агар улушнинг қолган қисми учинчи шахс ихтиёрига ўтказилганига қадар жамият иштирокчиларидан қўшимча таклифлар келиб тушмаса, бундай қисм учинчи шахсга ўтказилиши мумкин. Агар келиб тушган таклифларнинг умумий миқдори сотилаётган улуш миқдоридан ошса, иштирокчилар, агар жамиятнинг уставига ёки жамият иштирокчиларининг келишувида бошқача тақсимлаш назарда тутилмаган бўлса, устав фондидаги ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 4-1802-1801/1766-сонли иш бўйича 2019 йил 29 июндаги қарори билан Шахрисабз туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 5 октябрдаги ҳал қилув қарори ва Бухоро вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 10 апрелдаги қарорлари айнан иштирокчилар жалб қилинмаганлиги сабабли бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Мазкур ишда жамият иштирокчилари А.Мирзаев, Б.Файзиев, Ш.Маликов, Р.Носировлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият иштирокчиси М.Юсупов сотиб олган жами 27 457 200 сўмлик (44,29 фоиз) улушнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилган ҳолда сотиб олинган 21 952 031 сўмлик қисми бўйича жамият иштирокчиси М.Юсуповнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, яъни мулк ҳуқуқини А.Мирзаевга 6 875 283 сўм (13,12 фоиз), Б.Файзиевга 8 264 617 (15,77 фоиз), Ш.Маликовга 2 567 248 сўм (4,91 фоиз), Р.Носировга 4 244 883 сўм (4,91 фоиз)ни жамият

устав фондидаги улушига мутаносиб равишда ўтказишни сўраган.

Жамият иштирокчиси М.Юсупов жамият ва жамият иштирокчилари А.Мирзаев, Б.Файзиёв, Ш.Маликов, Р.Носировларга нисбатан судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият устав фондидаги улушини белгилаб беришни ҳамда жамият ва дастлабки даъво бўйича даъвогарлар зиммасига жамият таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Олий суднинг қарорида қуйи судларга ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди даъвогарларнинг даъво талабларига аниқлик киритиб, дастлабки даъво аризаси бўйича жамиятни ва жамиятнинг иштирокчиларини ишга жалб қилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан асосланган суд ҳужжати қабул қилиши лозимлиги тўғрисида кўрсатма берилган [7].

Қонунда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуш (улушнинг бир қисми) очиқ кимосди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улушнинг бир қисмининг) олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, жамиятнинг иштирокчисига айланади. Бундай ҳолатда жамият иштирокчиларининг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмайди. Мазкур норманинг судлар томонидан қандай қўлланилишини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 4-1001-2021/17728-сонли иш бўйича қабул қилинган қарорида кўришимиз мумкин.

Мазкур низоли ишда масъулияти чекланган жамият шаклидаги “SPI & OWT” қўшма корхонаси (матнда Қўшма корхона, жамият деб юритилади) таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси 2019 йил 5 сентябрда Қўшма корхона орқали бошқа иштирокчиларга таклиф билан чиқиб, ўзининг 4 фоиз улушини 2 681 700 000 сўмга сотишини таклиф қилган.

Қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатларига кўра 34,1 фоиз улуш эгаси Эшметова Аида Асамидиновна мазкур таклифни кўриб чиқиб, ёзма рад жавобини берган. Қолган иштирокчилар томонидан қизиқиш билдирилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш Тошкент шаҳар бошқармасининг 2019 йил 17 сентябрдаги буйруғига асосан жамиятдаги 4 фоиз улуши “E-AUKSION” орқали 2 681 700 000 сўмга сотувга чиқарилган. Аммо, таклиф қилинган нархда улушга қизиқиш билдирилмаган.

Давлат комиссиясининг 2020 йил 11 июндаги йиғилиш қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш Тошкент шаҳар бошқармасининг 4 фоизли улуши жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатлари бўйича балансдаги активларининг охириги қиймати бўйича пропорционал тарзда 132 488 320 сўмга такроран аукцион савдосига чиқарилишига қарор қилинган.

Аукцион натижалари бўйича жамиятнинг 4 фоизли улуши 2020 йил 9 октябрдаги олди-сотди шартномасига асосан “Premium globe investment” масъулияти чекланган жамиятига 139 112 736 сўмга сотилган ва таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилган.

Жамият иштирокчиси Эшметова Аида Асамидиновна мазкур ҳолатдан норози бўлиб, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги ваз билан жавобгар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда қўшимча жавобгар “PREMIUM GLOBE INVESTMENT” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Қўшма корхонанинг устав фондидаги 4 фоиз улушни сотиш ҳақида 2020 йил 9 октябрдаги 42-сонли шартнома бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлариини ўзига ўтказишни сўраган. Ишни судда кўриш жараёнида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “SPI & OWT” қўшма корхонаси, “Elektron onlayn aukSIONlarni tashkil etish markazi” давлат унитар корхонаси, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази, Анатолий Исаакович Зилберберг, “SOVPLASTITAL” масъулияти чекланган жамияти низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 3 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган. Даъвои қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда қўшимча жавобгар “PREMIUM GLOBE INVESTMENT” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “SPI & OWT” қўшма корхонасининг устав фондидаги 4 фоиз улушни олди-сотдиси ҳақида 2020 йил 9 октябрдаги 42-сонли шартнома бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Аида Асамидиновна Эшеметовага ўтказилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қолган иштирокчиларга улуш 139 112 736 сўмга таклиф этилмаганлигини асос қилиб кўрсатишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 15 апрелдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвои қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Суд ҳужжатиغا ФК 224-моддасининг биринчи қисми асос сифатида кўрсатилган. ФК 224-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, кимошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно [8].

Улушни бегоналаштиришнинг иккинчи хил усули бу жамият иштирокчисининг улушини сотишдан бошқача тарзда воз кечишдир. Улушнинг уни сотишга қараганда ўзгача тарзда воз кечиш йўли билан ўтказиш тушунчаси ФКнинг 502-моддасида белгиланган ҳада шартномасининг юридик конструкциясига мувофиқ келади. Хусусан, ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкый мажбуриятдан озод қилади ёнки озод қилиш мажбуриятини олади.

Жамиятнинг уставида жамият иштирокчисининг улушини сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг ёки жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилиши мумкин. Агар жамиятнинг уставида бундай розиликни олиш зарурлиги назарда тутилган бўлса, жамият мурожаат этилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида ёки жамият уставида белгиланган бошқа муддат ичида жамиятнинг ёзма розилиги олинган бўлса ёхуд жамиятдан розилик беришга ёзма раддия олинмаган бўлса, бундай розилик олинган деб ҳисобланади ва ушбу жараёндан кейингина улушдан учинчи шахслар фойдасига воз кечишга йўл қўйилади. Қонунда белгиланган муддатга риоя қилинмаган ҳолда улушни сотишдан бошқача тарзда воз кечиш битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Жамиятнинг устав фондидаги улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб жамиятнинг уставида назарда тутилмаган бўлса, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Шу боис, улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш процедурасини амалга оширишда, жамиятнинг таъсис ҳужжатларини ўрганиб чиқиш зарур. Чунки, таъсис ҳужжатида белгиланган шаклга риоя қилинмаган ҳолда улушдан ўзганинг фойдасига воз кечишга доир битим кейинчалик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёхуд бир неча иштирокчисига сотишда қонун талабларига риоя қилинмаган тақдирда, ушбу ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш - сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш, сотишдан бошқача тарзда воз кечишда эса битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судга тақдим этиш йўли билан бартараф этилиши мумкин.

Улушга нисбатан ҳуқуқни расмийлаштириш учун улушнинг бошқа шахсга ўтишини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда улуш сотилганлиги ёки улушга доир

ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечилганлиги тўғрисида жамиятни ёзма равишда хабардор қилиш керак. Амалиётда буни жамиятнинг ижрочи органига улушнинг олди-сотди, улушга доир ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечиш шартномаси, улушни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки сотувчи (ҳуқуқ эгаси) билан харидор (ҳуқуқни қабул қилувчи) биргаликда имзолаган ва ҳуқуқнинг ўтишини хабар қиладиган бошқа ҳужжатнинг нусхасини имзо чеқдириб топшириш йўли билан қилиш мумкин. Улуш бошқа шахсга ўтганлиги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар имкон қадар қисқа муддатда жамиятга топширилиши керак. Чунки, харид қилувчи унга сотиб олинган улушлар воситасида берилган ҳуқуқларни фақат ана шундай хабар берилганидан кейин амалга ошира олади.

Қонун талабларига мувофиқ улуш сотилганда ёки улушдан бошқача тарзда воз кечилганда жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлади. Жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кириши туфайли, ушбу масала жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилиши лозим. Чунки, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 40-бандига кўра, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни қайта рўйхатдан ўтказишда, муассиснинг муассислар рўйхати ўзгаришига розилиги мавжуд эмаслиги, давлат рўйхатидан ўтказишни, қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

Амалиётда, улуш сотилганда ёки сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечилганда, улушнинг янги эгаси ҳуқуқларини амалга оширишда жуда кўп ҳолларда тўсиқларга учрайди. Бу ҳолат, айниқса, корпоратив муносабатларда ички келишмовчиликлар мавжуд бўлган иштирокчилар бошқарувидаги жамиятларда намоён бўлади. Натижада манфаатдор шахслар томонидан судларга турли хил мазмундаги, жумладан жамият иштирокчиларига таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш ва жамият таркибидаги ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъволар киритилади. Қонунда иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун белгиланган камида ўттиз кунлик муддат ҳамда судда ишларини кўриш (бир ой) ва суд ҳужжатининг қонуний кучга кириши (бир ой) учун белгиланган процессуал муддатлар, шу давр мобайнида улуш эгасига мулкдор сифатида мулк ҳуқуқидан тўла-тўқис фойдаланиш ҳуқуқини чекланишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида қонун талаблари ҳам бузилади. Зеро, таъсис ҳужжатлари маълумотларидаги, шу жумладан таъсис ҳужжатларининг устав фонди миқдоридagi, муассислар таркибидаги, шунингдек бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар (қўшимчалар) - тегишли ўзгаришлар ваколатли шахс томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) устав фондидаги улушлари (ҳиссалари) ўзгариши - тегишли битим амалга оширилган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим [9].

Қонунда юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўлиши тўғрисида тушунтиришлар берилган бўлса-да, уларнинг иштирокчи сифатидаги мақоми қачон вужудга келиши аниқ кўрсатилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 4-бандида шахснинг ҳўжалик ширкатининг иштирокчиси (акциядори) эканлигини аниқлаш учун:

тўлиқ ва командит ширкатлардан таъсис шартномасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардан таъсис шартномаси (агар муассислар сони икки ва ундан ортиқ бўлса) ва жамият уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

акциядорлик жамиятларидан акциядорлар реестридан кўчирма талаб қилиб олиниши лозимлиги белгиланган [10].

Пленум қарорида берилган тушунтиришга қараганда, “жамиятнинг иштирокчиси” мақоми тегишинча таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилиб, белгиланган тартибда

рўйхатдан ўтказилгандан кейин вужудга келади.

Аммо, Қонун 20-моддасининг йигирма қисмида ушбу Қонунда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуш (улушнинг бир қисми) очиқ кимошди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улушнинг бир қисмининг) олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, жамиятнинг иштирокчисига айланиши белгилаб берилган. Яъни, ушбу ҳолатда улушни сотиб олган шахснинг тўғридан-тўғри иштирокчи мақомини олиши белгиланган. Пленум қароридан ушбу ҳолат назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Қонун 20-моддасининг ўн иккинчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи мазкур воз кечиш тўғрисида жамият ёзма равишда хабардор қилинган пайтдан эътиборан жамият иштирокчисининг ҳуқуқларини амалга оширади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолатда эса улушни олган шахс иштирокчи ҳисобланмайди, фақат иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Улуш сотилганда (очиқ кимошди савдоси бундан мустасно) эса Қонуннинг ушбу нормасида сотиб олувчи қачондан бошлаб иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

Фикримизча, улуш эгасининг ҳуқуқларини кафолатини таъмилаш мақсадида ушбу жараёни ўзини соддалаштириш лозим. Масалан, “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” Россия Федерал Қонуни 21-моддасининг 12-бандига кўра, улушни ёки улушнинг бир қисмини бегоналаштиришга қаратилган битим нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб, нотариал тасдиқлаш талаб қилинмайдиган ҳолларда, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтдан бошлаб, уни олувчига ўтади [11]. Германия Федератив Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ акциядорнинг шахси ёки унинг иштироки даражаси ўзгарганда, компанияга нисбатан акция эгаси бўлиб фақат шу тарзда тижорат реестридаги акциядорлар рўйхатига киритилган шахс ҳисобланади [12]. Мазкур Қонунда ҳам акцияга нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тегишли ваколатли органга тақдим этилиши ва рўйхатга олиниши, шахснинг акциядор сифатида тан олиниши учун асос бўлиши белгиланган.

Баён этилганларга асосан, улушга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритган шахс, бу борада жамиятни хабардор қилган ҳолда, улушни ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ваколатли давлат органига тақдим этишининг ўзи, уни иштирокчи сифатида рўйхатдан ўтказилиши ва тан олиниши учун кифоя бўлиши керак. Қонун ҳужжатларига мазкур мазмундаги ўзгартиришларнинг киритилиши, улушга нисбатан мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини мустақамлаш билан бир қаторда, сансалорликларни олдини олишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, корпоратив бошқарув соҳасидаги муайян муаммоларни ҳал этиш орқали корпоратив муносабатларни барқарор ривожланишига ва жамият фаолиятининг самарадорлигини оширишга замин яратади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Halsbury's Laws of England. // URL: <https://www.lexisnexis.co.uk/products/halsburys-laws-of-england.html>.
2. Фатхутдинов Р. С. Уступка доли в уставном капитале ООО: Теория и практика. М.: Волтерс Клувер, 2009.
3. Постановление Президиума ВАС РФ от 15.07.2014 N 3640/14.
4. МЧЖда улуш: сотиш учун нарх // URL: [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/mchjda\\_ulush\\_sotish\\_uchun\\_narh](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/mchjda_ulush_sotish_uchun_narh).
5. Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 4-2001-1903/2577-сонли иши.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарори // URL: <https://www.lex.uz/docs/1590543>.
7. Қарши туманлараро иқтисодий судининг 4-1802-1801/1766-сонли иши.



8. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2021/17728-сонли иши.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 9 февраль, 66-сон // URL: <https://lex.uz/uz/docs/3111347>.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори.

11. Россия Федерациясининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” 1998 йил 8 февралдаги N 14-ФЗ-сонли Қонуни // URL: <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102051516&intelsearch=08.02.1998+14>.

12. Германия Федератив Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги 1892 йил 20 апрелдаги Қонуни // URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/gmbhg/>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ШАМСИДДИНОВА Озода Буриевна**

Докторант базовой докторантуры (PhD) Высшей школы судей  
при Высшем судейском совете Республики Узбекистан  
E-mail: ozodashamsiddinova@mail.ru

**КАРИМОВА Зулфизар Лочиновна**

Докторант базовой докторантуры (PhD) Высшей школы судей  
при Высшем судейском совете Республики Узбекистан  
E-mail: kzulfizar91@mail.ru

## ЖИЛЫЕ ПОМЕЩЕНИЯ КАК ОБЪЕКТ ИМУЩЕСТВЕННЫХ ПРАВООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СУПРУГАМИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ШАМСИДДИНОВА О.Б.,  
КАРИМОВА З.Л. Жилые помещения как объект имущественных правоотношений между  
супругами // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) С. 26-31.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-3>

### АННОТАЦИЯ

В статье осуществлен анализ норм гражданского, семейного и жилищного законодательств, касающихся раздела недвижимого имущества между супругами при расторжении брака. Даны определения понятий «общее имущество супругов», «долевая собственность», «жилое помещение» согласно законодательству Республики Узбекистан. Приведена статистика Верховного суда Республики Узбекистан, касательно вселения и выселения. Разобрано дело из судебной практики.

**Ключевые слова:** общая совместная собственность, долевая собственность, жилище, супруги, жилое помещение, раздел жилья, Гражданский кодекс, Жилищный кодекс, Семейный кодекс.

**ШАМСИДДИНОВА Озода Бўриевна**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби таянч докторанти (PhD)  
E-mail: ozodashamsiddinova@mail.ru

**КАРИМОВА Зулфизар Лочиновна**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби таянч докторанти (PhD)  
E-mail: kzulfizar91@mail.ru

**ТУРАР-ЖОЙЛАР ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДАГИ МУЛКИЙ ҲУҚУҚИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА****АННОТАЦИЯ**

Мақолада эр-хотиннинг мол-мулкани, шу жумладан, никоҳни бекор қилишда турар-жойларини бўлинишга доир фуқаролик, оила ва уй-жой қонунчилиги нормалари таҳлил қилинган. «Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки», «улушли мулк», «турар-жой» тушунчаларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан таърифлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг турар-жойга киритиш, уйдан кўчириш бўйича статистикаси берилган. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг уйга киритиш бўйича суд қарорларидан бири мисол тариқасида келтирилган.

**Калит сўзлар:** умумий биргаликдаги мулк, биргаликдаги мулк, уй-жой, эр-хотин, турар-жой, уй-жой бўлиниши, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Уй-жой кодекси, Оила кодекси.

**SHAMSIDDINOVA Ozoda**

PhD candidate of the Supreme School of Judges under the  
Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: ozodashamsiddinova@mail.ru

**KARIMOVA Zulfizar**

PhD candidate of the Supreme School of Judges under the  
Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: kzulfizar91@mail.ru

**LIVING QUARTERS AS AN OBJECT OF PROPERTY RELATIONS BETWEEN SPOUSES****ANNOTATION**

The article analyses the norms of civil, family and housing legislation, concerning the division of property by spouses, including residential premises upon dissolution of marriage. The article also defines the concepts of “common property of spouses”, “shared property” and “living quarters” according to the legislation of the Republic of Uzbekistan. It cites statistics from the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan on occupancy of housing and eviction from housing. One example is given of a court decision handed down by the Uchtepa inter-district court for civil cases in Tashkent concerning occupancy of a house, and the grounds for the legislation on which the decision was based.

**Keywords:** Common joint ownership, shared ownership, housing, spouses, residential premises, division of housing, Civil Code of the Republic of Uzbekistan, Housing Code, Family Code.

Имущество как материальная база существования и активной жизненной позиции и благосостояния семьи является важным элементом жизни человека и гражданина.

При расторжении брака редким экс-супругам удается сохранить партнерские отношения и без лишних эмоций подойти к вопросу раздела совместно-нажитого имущества.

В судебной практике встречается довольно большое количество спорных случаев, связанных с разделом недвижимого имущества между супругами.

Согласно ч. 1 и 2 ст. 23 Семейного кодекса Республики Узбекистан отмечается что: «Имущество, нажитое супругами во время брака, а также приобретенное до регистрации брака на общие средства будущих супругов, является их общей совместной собственностью, если законом или брачным договором не предусмотрено иное.

К имуществу, нажитому супругами во время брака (общему имуществу супругов),

относятся доходы каждого из супругов от трудовой деятельности, предпринимательской и результатов интеллектуальной деятельности, полученные ими денежные средства: пенсии, пособия и иные выплаты, не имеющие специального целевого назначения (суммы материальной помощи, суммы, выплаченные в возмещение ущерба в связи с утратой трудоспособности вследствие увечья либо иного повреждения здоровья и другие). В целом же имущество делится вне зависимости от того, на чье имя – мужа или жены - оно было приобретено, или на чье имя были внесены денежные средства. При этом доли супругов признаются равными. За чей счет наживались материальные блага и у кого из супругов в период брака были большие доходы, при определении долей не учитывается».

Как было выше указано жилое помещение – особый объект имущественных отношений. Ценность этого помещения определяется не только стоимостью ее как недвижимой вещи, но и тем, что оно служит удовлетворению насущных потребностей человека. Согласно статье 9 Жилищного кодекса Республики Узбекистан указывается, что: «Жилым помещением признается помещение, отвечающее установленным санитарным, противопожарным, техническим требованиям, предназначенное для постоянного проживания граждан, а также для использования в установленном порядке в качестве специализированных домов (общежития, дома маневренного жилищного фонда, дома-интернаты для инвалидов, ветеранов, одиноких престарелых, а также детские дома и дома иного специального назначения).

Поскольку жилые помещения - объекты весьма дорогостоящие, они часто приобретаются в собственность нескольких лиц. Для супругов наличие общего жилого помещения - явление вполне естественное. Часто жилые помещения приобретаются супругами в период брака за счет общих средств. При этом во многих случаях жилое помещение, приобретенное супругами совместно, является единственным. При разводе разделу подлежит все имущество супругов, которое было приобретено ими в период брака. Данное обстоятельство приводит к необходимости раздела жилого помещения при прекращении супружеских отношений, а иногда и в период брака. Раздел жилого помещения может быть произведен по соглашению сторон, а при наличии спора - в судебном порядке. Под «разделом» понимается выделение каждому из супругов части жилого помещения в натуре. Этим раздел отличается от определения долей в праве собственности - речь идет о сохранении режима общей собственности, но долевой, а не совместной. Доли же выделяются в идеальном выражении.

В последнее время в судах встречаются большое количество споров, возникающих по поводу раздела жилых помещений, принадлежащие супругам на праве общей собственности, на вселение одного из супругов в жилое помещение, а также выселение из него.

Так, согласно статистике Верховного суда Республики Узбекистан количество дел, рассмотренных судом и по которым были приняты решения за 2020 год по поводу вселения в жилое помещение составляет 1798, из которых 1368 было удовлетворено, а по остальным – 221 делам было вынесено решение об отказе в иске. Количество дел по поводу выписки из жилья за период с 2018 по 2020 года составляет 73 [3].

Здесь в качестве примера, приведем одно из судебных решений Учтепинского межрайонного суда по гражданским делам г.Ташкента [4] о вселении в дом, и основания: со ссылками на действующее законодательство Республики Узбекистан, в соответствии которого было принято судебное решение.

Так, истцом О.С. было обращение в суд с иском о вселении в жилое помещение ответчика А.Ф. В ходе судебного заседания были выяснены некоторые обстоятельства изложенные истцом О.С.: что брак с ответчиком был зарегистрирован в отделе ЗАГС Учтепинского района г.Ташкента. От брака имеются двое несовершеннолетних детей, после свадьбы супруги проживали в доме родителей ответчика в Кашкадарьинской области. А с 2014 года с сентября месяца переехали в г.Ташкент, и стали жить в квартире, находящемся в Учтепинском районе г.Ташкента, в котором проживали до 2019 года. После этого, по службе им пришлось жить в служебных помещениях по адресу: г.Ташкент Бектемирский район до 2021 года. В 2021 году в феврале месяце её супругом было приобретено жилье,

то есть «квартира» и оформлено на имя ответчика. Хотя истец и несовершеннолетние были прописаны, после окончания строительных работ, семья должна была въехать в дом, но ответчик решил их не впускать. В свою очередь, в ходе судебного заседания ответчик не признал исковые требования истца и подтвердил, что эта квартира была куплена на его собственные сбережения и денежных вкладов истца в эту квартиру не было, и перед переездом у супругов начались разногласия и было принято решение о разводе. В этом деле судом были выяснены следующие обстоятельства в пользу истца: спорная квартира была нотариально заверена и законным собственником квартиры является ответчик, и брак между истцом и ответчиком не был расторгнут. На основании выявленных обстоятельств суд вынес решения, согласно приведенным нормам, законодательства Республики Узбекистан:

- во-первых, согласно ч. 1 и 2 ст. 32 Жилищного кодекса Республики Узбекистан: «Члены семьи собственника жилого дома, квартиры, а также граждане, постоянно проживающие с ним, вправе пользоваться наравне с ним помещениями в доме, квартире, если при их вселении не было письменно оговорено иное. Они вправе вселять в предоставленное им собственником жилое помещение своих несовершеннолетних детей, вселение других членов семьи допускается только с согласия собственника жилого дома, квартиры. Право пользования жилым помещением сохраняется за этими лицами и в случае прекращения семейных отношений с собственником жилого дома, квартиры. Порядок пользования жилым помещением между собственником дома, квартиры и бывшими членами его семьи, а также гражданами, постоянно проживающими с ним, определяется соглашением сторон. Членами семьи собственника жилого помещения признаются постоянно проживающие совместно с ним супруга (супруг) и их дети. Родители супругов, а также постоянно проживающие с собственником дети, имеющие свои семьи, и их супруги могут быть признаны членами семьи собственника только по взаимному согласию, если ранее они не приобрели это право» [5].

- во-вторых, согласно статье 164 Гражданского кодекса Республики Узбекистан: «Право собственности представляет собой право лица владеть, пользоваться и распоряжаться принадлежащим ему имуществом по своему усмотрению и в своих интересах, а также требовать устранения всяких нарушений его права собственности, от кого бы они ни исходили. Право собственности бессрочно» [6].

- в-третьих, согласно ч.1. ст. 23 Семейного кодекса Республики Узбекистан: «Имущество, нажитое супругами во время брака, а также приобретенное до регистрации брака на общие средства будущих супругов, является их общей совместной собственностью, если законом или брачным договором не предусмотрено иное». А согласно ч.1 ст. 24 указанного кодекса: «Супруги имеют равные права владения, пользования и распоряжения имуществом, являющимся их общей совместной собственностью» [7].

- в-четвертых, согласно абзацам 3 и 4. п. 5 Постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 14 сентября 2001 года «О судебной практике по жилищным спорам» установлено, что лицо, претендующее на жилое помещение, должно быть допущено к проживанию в доме в случае принадлежности к числу лиц, указанных в ч. 2 и 3 ст. 32 Жилищного Кодекса, либо по иному основанию определять свое правовое положение для проживания в доме [8].

Необходимо важным условием является что при рассмотрении судебного дела необходимо определить: является ли спорное жилое помещение совместно нажитым имуществом или право собственности на данное имущество было приобретено одним супругом до вступления в брак или после прекращения отношений. Законодательством страны установлено три способа раздела жилья: первым является долевой способ (определяет размер части каждого супруга); вторым - отчуждение жилой недвижимости одному из супругов с выплатой долевой стоимости; третьим - отчуждение без материального возмещения [9].

Что касается общей долевой собственности на недвижимость, то она бывает двух видов:

- Долевая. Квартира юридически уже поделена на доли и у каждого собственника на руках имеется соответствующее свидетельство (Имущество может находиться в общей

собственности с определением доли каждого из собственников в праве собственности (долевая собственность) [6].

- Совместная. Обычно возникает на имущество, которое муж и жена нажили во время брака. В этом случае доли не определены, поскольку супруги не заключали брачный договор или не выделяли доли в момент приобретения жилья.

Таким образом, получается, что если жилье находится в долевом владении, то смысла выделять доли нет, так как они уже официально оформлены [10].

Согласно статье 223 Гражданского кодекса Республики Узбекистан: “Имущество, находящееся в долевой собственности, может быть разделено между ее участниками по соглашению между ними. Участник долевой собственности вправе требовать выдела своей доли из общего имущества. При недостижении участниками долевой собственности соглашения о способе и условиях раздела общего имущества или выдела доли одного из них участник долевой собственности вправе в судебном порядке требовать выдела в натуре своей доли. Если выдел доли в натуре не допускается законом или невозможен без несоразмерного ущерба имуществу, находящемуся в общей собственности, выделяющийся собственник имеет право на выплату ему стоимости его доли другими участниками долевой собственности”.

С юридической точки зрения подобный раздел означает прекращение общей бездолевой собственности и возникновение раздельной. Каждый из супругов становится собственником части общего имущества. Разделу общего имущества супругов посвящены статьи 27 и 28 Семейного Кодекса Республики Узбекистан.

Раздел общего имущества супругов может быть произведен как в период брака, так и после его расторжения по требованию любого из супругов, а также в случае заявления кредитором требования о разделе общего имущества супругов для обращения взыскания на долю одного из супругов в общем имуществе супругов [1]. Подобное правило не является нововведением семейного законодательства.

Очень часто об этом свидетельствует судебная практика, где имеет место раздел, связанный с расторжением брака. Он проводится, как правило, в принудительном порядке. Конечно, в случае спора раздел общего имущества супругов, а также определение долей супругов в этом имуществе производятся в судебном порядке (п.3 ст.27 Семейного Кодекса Республики Узбекистан). Так, ст. 28 Семейного Кодекса Республики Узбекистан предусматривает, что суд вправе отступить от начала равенства долей супругов в их общем имуществе исходя из интересов несовершеннолетних детей и (или) исходя из заслуживающего внимания интереса одного из супругов, в частности, в случаях, если другой супруг не получал доходов по неуважительным причинам или расходовал общее имущество супругов в ущерб интересам семьи. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 июля 2011 года № 06 «О практике применения судами законодательства по делам о расторжении брака» уделил проблемам раздела общего имущества супругов [8].

Таким образом, вывод заключается в том, что жилое помещение как объект имущественных правоотношений между супругами является имуществом, по которому возникают множество спорных случаев на практике: споры, связанные с приватизацией жилья, выселение из жилья, вселение в жильё, установление порядка пользования жильём, потеря правом на пользование жильём и другие споры. Но не на все эти споры можно вынести справедливое судебное решение. Так как сам процесс развода, обычно влечёт за собой раздел имущества супругов. Если в их собственности было жилье, то предстоит его разделить. На наш взгляд, самый оптимальный вариант — это составить соглашение о разделе имущества или следовать условиям брачного договора, если таковые имеются. Что в свою очередь, позволит сторонам избежать споров и несправедливого раздела недвижимого имущества. Но в случае, отсутствия компромисс — остаётся вариант с разделом жилого имущества через суды.

Хотя в целом, раздел жилого помещения осуществляется по общим правилам, установленным гражданским, семейным и жилищным законодательством, следует учитывать ряд особенностей, связанных со спецификой оснований приобретения жилого

помещения, а также с режимом самого жилого помещения. И поскольку жилое помещение имеет строго целевое назначение, раздел такого объекта в натуре возможен лишь в случае, когда каждому из супругов может быть выделено отдельное жилое помещение, отвечающее требованиям, необходимым для признания его пригодным для постоянного проживания.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Семейный кодекс Республики Узбекистан // URL: <https://lex.uz/docs/104723#160633>.
2. Жилищный кодекс Республики Узбекистан // URL: <https://www.lex.uz/acts/106134>.
3. Статистика Верховного суда Республики Узбекистан // URL: [sud.uz/ru/](http://sud.uz/ru/).
4. Судебное решение Учтепинского межрайонного суда по гражданским делам города Ташкента за № 2-1004-2107/7949 от 16 августа 2021 года.
5. Жилищный кодекс Республики Узбекистан // URL: <https://www.lex.uz/acts/106134>.
6. Гражданский кодекс Республики Узбекистан // URL: <https://lex.uz/docs/111181>.
7. Семейный кодекс Республики Узбекистан // URL: <https://lex.uz/docs/104723#160633>.
8. Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 14 сентября 2001 года «О судебной практике по жилищным спорам» // URL: <https://www.lex.uz/acts/1452369>.
9. “Раздел имущества супругов при расторжении брака” - Фазлыева Р.А. - Электронный научный журнал «Дневник науки» // URL: <http://www.dnevniknauki.ru/images/publications/2020/3/law/Fazlev.pdf>.
10. URL: <https://www.eduklgd.ru/sovety/>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЯКУБОВА Ирода**

Тошкент давлат юридик университети “Интеллектуал Мулк ҳуқуқи” кафедраси дотсенти  
в.б., юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (П?д)  
E-mail: legislate16i@mail.ru

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ЖАМОАВИЙ БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

**For citation (iqtibos keltirish uchun, для цитирования):** ЯКУБОВА И. Муаллифлик ҳуқуқи бўйича мулкий ҳуқуқларни жамоавий бошқарув ташкилотларини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим масалалар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 32-39.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-4>

### АННОТАЦИЯ

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш институтини ташкил этиш тарихи, жамоавий бошқарув ташкилотларининг ваколатлари, функциялари ва уларнинг турлари, муаллифлик ҳуқуқини жамоавий бошқариш ва вакиллик тушунчаси ўртасидаги фарқ билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, мавзу доирасида ҳуқуқ эгалари, жамоавий бошқарув ташкилотлари томонидан берилган ваколатлар асосида ўз номидан асарлар (муаллийлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари)дан фойдаланадиган шахслар билан шартномалар тузиши; муаллифлик ҳуқуқи эгаларига тўловларни йиғиш, тарқатиш ва тўлаш масалалари ҳам атрофлича ўрганилган. Ушбу институтни такомиллаштириш билан боғлиқ айрим долзарб муаммоларга, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларига ва миллий қонунчиликнинг қиёсий ҳуқуқий таҳлиliga, шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар олимларининг фикрларига эътибор қаратилган. Муаллифлик ҳуқуқини ривожлантириш учун илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

**Калит сўзлар:** муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоавий бошқариш, асарни омма олдида ижро этиш.

**ЯКУБОВА Ирода**

И.о. доцента кафедры «Права интеллектуальной собственности»  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
E-mail: legislate16i@mail.ru

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВ КООПЕРАТИВНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ



**АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрены вопросы, связанные с историей института защиты авторских прав, полномочиями, функциями и видами организаций коллективного управления, отличием понятия коллективного управления авторским правом от понятия представительства. Также, в рамках предмета правообладатели заключают договоры с лицами, использующими произведения (объекты авторского права и смежных прав) от своего имени на основании полномочий, предоставленных организациями коллективного управления. Сбор, распределение и выплата правообладателям также были подробно изучены. Уделено внимание некоторым актуальным вопросам, связанным с совершенствованием данного института, международным стандартам защиты авторских прав и сравнительно-правовому анализу национального законодательства, а также взглядам ученых Узбекистана и других стран. Сделаны предложения и рекомендации, имеющие научное и практическое значение для развития авторского права.

**Ключевые слова:** авторские права, защищать авторские права в принудительном порядке, вознаграждение по авторским договорам, коллективное управление авторскими и смежными правами, публичное исполнение произведения.

**YAKUBOVA Iroda**

Doctor of philosophy in law (PhD), Acting Associate Professor Department «Intellectual property law» of Tashkent State University of Law  
E-mail: legislate16i@mail.ru

**SOME ISSUES RELATED TO THE IMPROVEMENT OF COLLECTIVE MANAGEMENT ORGANIZATIONS****ANNOTATION**

The issues related to the history of the establishment of the institution of copyright protection, with the division of powers of collective management organizations, with the functions of organizations and their types, with the difference between collective management of copyright and such a concept as representation are touched upon. In addition, within the framework of the subject, it was studied in detail how right holders enter into agreements with persons using works (objects of copyright and related rights) on their own behalf on the basis of powers granted by collective management organizations, as well as collection, distribution and payment of royalties to right holders. Attention is paid to some urgent problems related to the improvement of this institution, international standards for copyright protection and comparative legal analysis of national legislation, as well as the opinions of scientists from Uzbekistan and other different countries. Suggestions and recommendations were put forward of scientific and practical importance for national copyright law.

**Keywords:** copyright, to enforce copyright, royalty, copyright and related rights collective management, public performance or display of a work.

Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий бошқарувчи ташкилотлар нисбатан янги ҳисобланади. “Ўзбекистон муаллифлар ва ижрочилар гильдияси” жамоат бирлашмаси 2006 йил 20 декабрда ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда фаолият юритаётган бошқа шундай нодавлат ноижорат ташкилотларга нисбатан анча аввал ташкил этилган.

Асарлардан фойдаланишнинг янги юқори технологик соҳаларида муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишнинг юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлари туфайли, ҳуқуқларни жамоавий бошқаришнинг турли хил схемалари тобора кенг қўлланилиши учун асос бўлмоқда. Шу туфайли асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланувчи шахслар кўплаб муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари билан шартнома тузиш ўрнига, уларнинг манфаатларини ифода этувчи ва “муаллифлик ҳуқуқини жамоавий бошқариш”

деб номланган ихтисослашган ташкилот билан шартнома тузиш имкониятига эга бўлишади [1]. Кўп ҳолларда, бундай схема муаллифларнинг фойдаланувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқларини чекламайди, балки уларни муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоавий амалга ошириш имконияти билан тўлдиради.

Кўпинча “муаллифлик ҳуқуқлари жамиятлари” ёки “муаллифлик ҳуқуқлари жамиятлари” деб номланадиган жамоавий бошқарув ташкилотлари ҳар бир муаллифлик ҳуқуқи эгасига фойдаланувчилардан олинган маблағларни йиғишади ва тўлайдилар, бунинг натижасида ҳуқуқ эгалари уларга тегишли бўлган ҳақни олишига, фойдаланувчилар эса ўз фаолиятини қонуний равишда амалга ошириш имкониятига эга бўлишади.

Хўш ушбу жамоатчилик бошқаруви нима учун керак ва у қандай тамойилларга асосланиши керак? Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асар муаллифига асардан ҳар қандай шаклда фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқини беради, ушбу ҳуқуқнинг рухсат этилган чекланишларини тўлиқ белгилайди, асардан бошқаларга фойдаланиш ҳуқуқини беради шунингдек шартномани восита деб атаб, уни амалга ошириш механизмини ҳам белгилаб беради. Агар, асар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган бўлса, унда сиз муаллиф ёки унинг меросхўрлари билан шартнома тузиш орқали ундан фойдаланиш имкониятини олишингиз мумкин. Шунга ўхшаш қоидалар турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан ҳам қўлланилади [2].

Бироқ, бундай схемани амалиётда амалга ошириш қийиндир. Бундай ҳолатда, биз ҳуқуқий жиҳатларини эмас, балки ҳақиқий имконият йўқлигини назарда тутяпмиз, яъни баъзи ташкилотлар ўз фаолиятининг хусусиятларига кўра ҳар бир фойдаланилган асар (ижро, фонограмма) муаллифи (ҳуқуқ эгаси) билан шартнома туза олмайди. Бунга сабаб ушбу асарларнинг жуда кўплиги ва ҳуқуқ эгалари, ўз навбатида, буни жисмонан ҳал қила олмайдилар, чунки уларнинг асарларидан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан кўп сонли фойдаланувчилар фойдаланадилар [3].

Муаммони ҳал қилиш эса-муаллифларнинг асарларидан фойдаланадиган шахслар билан муносабатларга киришишда бир вақтнинг ўзида кўп сонли ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган ихтисослашган ташкилотларни, яъни жамоавий бошқарув ташкилотларини яратиш ҳисобланади. Жамоавий бошқарув муаллифлик ҳуқуқи тизимида ҳуқуқ эгаларига жамоавий бошқарув ташкилоти орқали ўз ҳуқуқларини бошқаришни талаб қиладиган ёки рухсат берадиган имкониятдир [4].

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни яқка тартибда бошқариш ҳар доим ҳам реалликка яқин бўлмаслиги мумкин. Мисол учун, муаллиф, ижрочи ёки продюсер, қўшиқдан фойдаланганлик учун лицензия ва ҳақ олиш масаласида музокара ўтказиш учун ҳар бир радиостанцияга мурожаат қила олмайди. Бошқа томондан, радиостанция учун ҳам ҳар бир қўшиқдан фойдаланиш учун ҳар бир муаллиф, ижрочи ва продюсердан алоҳида рухсат олиш ҳақиқатдан йироқ. Жамоавий бошқарув ташкилотлари ҳар икки томон манфаати ва ҳуқуқ эгалари учун иқтисодий мукофот ҳуқуқларини расмийлаштиришни енгиллаштиришга хизмат қилади [5].

Профессионал жамоавий бошқарув ташкилотларига ўз ҳуқуқларини бошқариш учун рухсат бериш ёки мандат бериш орқали муаллифлар, ижрочилар, ишлаб чиқарувчилар ва бошқа ҳуқуқ эгалари ушбу ҳуқуқларни бошқаришни соддалаштириши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқлар ва жамоавий битимлар жамоавий бошқарув учун муқобил ечим тақдим эта олиши мумкин. Жамоавий бошқарув ташкилотлари, кўп ҳолларда, нотижорат ташкилотлари, уларнинг ҳуқуқий шакли хусусий ёки оммавий бўлиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик асар муаллифига асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай тарзда тўлиқ фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқларни мустаҳкамлайди ҳамда унинг амалга ошириш механизмларини ва ушбу ҳуқуқларнинг чекланиши мумкин бўлган ҳолатларни белгилайди. Муаллифлик ҳуқуқларидан бошқа шахслар шартнома орқали фойдаланиши мумкин. Агар, асар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган бўлса, муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси билан шартнома тузиш орқали ундан фойдаланиш имкониятини эга бўлиш мумкин [6].

Баъзи ташкилотлар ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари туфайли фойдаланилган

ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ҳар бир асарнинг муаллифи билан шартнома тузиб чиқа олмайди чунки, асарлар жуда кўп ва уларнинг муаллифлари ҳам турлича. Бундан ташқари муаллифлар ҳам ўзларининг асарларидан фойданувчилар сони кўп бўлганлиги учун уларнинг ҳар бири билан шартнома тузиб чиқа олмайди. Бир пайтнинг ўзида кўплаб муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг манфаатларини ифодаловчи муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий бошқарадиган махсус ташкилотларни тузиш муаллифлик ҳуқуқи эгалари ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланувчилар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган юқорида қайд этилган муаммоларга ечим бўла олади [7].

Жамоавий бошқарувнинг моҳияти шундан иборатки, унда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар муаллифлар ва муаллифлик ҳуқуқи эгалари билан шартномалар тузган ҳолда ўзларига ушбу ҳуқуқларни бошқариш мажбуриятини оладилар. Шу билан бирга ҳуқуқ эгасининг номидан ўзига ваколатлар асосида бошқа шахслар, яъни, асардан фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш, ҳуқуқ эгаларига тўланадиган ҳақларни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш каби вазифаларни бажаради. Шунингдек, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилади. Бунда жамоавий бошқаришнинг характерли томони, бир вақтнинг ўзида ва кўплаб ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб умумий шартларда ҳимоя қилиниши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни ҳал этиш, Ўзбекистон иқтисодиётида институционал ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим услубий асос ҳисобланади, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган чоралар мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркинлаштиришни амалга ошириш мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш истиқболининг асосий йўналиши эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрни ўсиб боради, улар давлат идоралари функсияларининг бир қисмини ихтиёрий равишда ўз зиммаларига оладилар. Бу функсияларни улар маъмурий идора сифатида эмас, жамоат бирлашмаси сифатида амалга оширадилар. Бинобарин, бу функцияларни моҳияти ҳам, уларни амалга ошириш усуллари ҳам ўзгаради. “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 45-моддасида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бошқариш бўйича жамоат ташкилотлари ваколатлари белгилаб қўйилган. Ҳозирги вақтда кўплаб дунё мамлакатларида бундай ташкилотлар кўплаб тузилган ва самарали фаолият юритмоқда [8].

Тўғри, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар субъектлари ўз ҳуқуқларини шахсан ёки қонуний вакиллар орқали бошқаришлари мумкин. Бироқ, бунда, биринчидан, ижодкор муаллиф ўз вақтининг бир қисмини бунга ажратишга мажбур бўлади, натижада ижодий фаолиятдан анча чалғийди, иккинчидан, ижодкор бу масалада ҳам зарур малака, билимларга (хусусан, шартномалар тузиш, унинг ижросини назорат қилиш, асарлар ва ижролардан фойдаланувчиларни кузатиб бориш бўйича) эга бўлавермайди ва натижада бундан кутилган натижа ҳар доим кўнгилдагидек бўлавермайди.

Жамоавий бошқарувнинг моҳияти шундаки, унда иштирок этган ташкилотлар муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари билан шартномалар тузадилар, ушбу ҳуқуқларни бошқариш бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар; ҳуқуқ эгалари, жамоавий бошқарув ташкилотлари томонидан берилган ваколатлар асосида ўз номидан асарлар (муаллийлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари)дан фойдаланадиган шахслар билан шартномалар тузади; муаллифлик ҳуқуқи эгаларига тўловларни йиғиш, тарқатиш ва тўлаш; судда муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини, шунингдек баъзи ташкилотлар ўз аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш функсияларини ҳам бажарадилар[9].

Муаллифлик ҳуқуқини жамоавий бошқариш институти туфайли муаллифлик ҳуқуқлари индивидуал асосда амалга оширилиши мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган мутлақ мулк ҳуқуқларини амалга ошириш мумкин. Айнан мазкур институтнинг самарали фаолият

кўрсатиши Ўзбекистоннинг муаллифлик ҳуқуқи соҳасида имзолаган шартномалари доирасидаги мажбуриятларини бажариш имкониятини оширишда муҳим ўрин тутди.

Ушбу ташкилотнинг мақсади ва вазифалари муаллиф ва ижрочиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар хил тадбир ҳамда лойиҳалар ўтказиш орқали ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш эканлиги унинг уставида белгилаб қўйилган.

Ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш ва уларни қўллаш амалиёти муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқариш мураккаб тизим деган фикрга қўшилишга имкон беради. Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқариш муаллифлар (бошқа муаллифлик ҳуқуқи эгалари) ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошира олмаслиги, ҳимоя қила олмаслиги ва қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолларда қўлланилади:

1. муаллифлар (бошқа муаллифлик ҳуқуқи эгалари) томонидан уларнинг асарларини турли фойдаланувчилар томонидан эксплуатация қилиниши шартлари бўйича музокара ўтказиш ҳуқуқларини ушбу мақсадлар учун махсус яратилган ташкилотларга ўтказилиши;

2. ҳуқуқлари бошқарувга ўтган асарлардан фойдаланишни назорат қилиш;

3. муаллифлар (бошқа муаллифлик ҳуқуқи эгалари) учун ҳақ тўлаш ва улар ўртасида йиғилган ҳақни тақсимлаш;

4. муаллифлар (бошқа муаллифлик ҳуқуқи эгалари)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш.

Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқариш тизими махсус яратилган ташкилотлар томонидан бошқа функсияларнинг бажарилишини ҳам назарда тутиши мумкин. Бундан ташқари, улар тўғридан-тўғри миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига, маълум бир давлатнинг сиёсий тизимига, унинг иқтисодий тизимига, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимидаги муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш ташкилотларининг ролига ва бошқаларга боғлиқ. Худди шу омиллар маълум бир давлат муаллифларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқариш тизимининг бошқа хусусиятларини белгилайди: муаллифларнинг ҳуқуқларини бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун асослар, тегишли ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, муаллифлар (бошқа муаллифлик ҳуқуқи эгалари)га ҳақ тўлаш ўтказиш учун асослар ва бошқалар.

Айрим давлатларда муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқариш фаолияти нафақат юқорида айтиб ўтилган хусусиятлар билан тавсифланади. У ўтган ярим ярим йил ичида ушбу соҳада жаҳон амалиёти томонидан ишлаб чиқилган ягона тамойилларга асосланган ва ташкил этилган. Ушбу тамойиллар орасида қуйидагилар мавжуд:

1) махсус тузилган ташкилотларга ўз эгалари томонидан шартнома асосида ёки қонун нормаларига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқини бошқариш ваколатини бериш;

2) қоида тариқасида муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқариш бўйича ташкилотлар фаолиятининг нотижорат характери;

3) бошқарувга топширилган асарлардан, қоида тариқасида, барча потентсиал фойдаланувчилар учун бир хил бўлган шартларда фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

4) жамоавий асосда муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширадиган ва ҳимоя қиладиган ташкилотлар фаолиятини махсус қонунчилик билан тартибга солиш;

5) Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган чеклашлар қўлланилмайди. Ҳуқуқ эгаларининг турли ҳуқуқлари ва турли тоифалари бўйича алоҳида ташкилотларни ёки бир тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб турли ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотларни ёхуд турли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб, ҳуқуқларнинг бир турини бошқарувчи ташкилотларни тузишга ёъл қўйилади.

МДҲ етакчи мамлакатларининг ушбу соҳада фаол ҳамкорлик қилиши, Жаҳон савдоси доирасида халқаро мажбуриятлар ва режаларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий параметрларини яратиш истаги вазиятнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги ПҚ-1536-сон қарори [10] билан тузилган юқоридаги икки давлат бошқаруви органи негизда Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этилди. Ушбу даврдан бошлаб бу каби вазифалар муаллифлик ҳақлари (гонорар)ни йиғиш ва тақсимлаш) билан хусусий турдаги ташкилотлар фаолият юритишига ёъл очилди. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқи бўйича мутахассис Б.Тошев ҳам «Республикамизда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқарувчи ташкилотларни тузиш зарурати мавжуд» [11], деган фикрларини илгари сурган.

Ушбу даврдан бошлаб турли даврларда мамлакатимизда “Муаллифлар ва ижрочилар гильдияси”, “Артмадад” жамғармаси, “Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари палатаси” каби турли мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолият юритган. Бироқ, бугунга келиб жамоат бирлашмалари турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. 2010 йил 21 декабрда тузилган Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари палатаси муалифларнинг, ижрочиларнинг, фонограмма тайёрловчиларнинг ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқариш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келмоқда. Сўнги йилларда юртимизда соҳага эътиборнинг анча кучайганлигини 2019 йилдан ҳозирги пайтгача мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқарувчи 4 та нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилганлигидан кўриш мумкин. Хусусан, 2019 йилда 3 та ташкилот-“Ўзбекистон муаллифлик ва турдош ҳуқуқ эгалари жамоат бирлашмаси”, “Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилоти”, “Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти” нодавлат нотижорат ташкилот сифатида адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган [12].

Ўзбекистон муаллифлик ва турдош ҳуқуқ эгалари жамоат бирлашмаси ташкилот аъзолари бўлган фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлари, фонограммалар ижрочилари, ишлаб чиқарувчилари ҳамда бошқа муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳибларининг мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш каби мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўйган.

Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотининг мақсад ва вазифалари фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлари, фонограммалар ижрочилари, ишлаб чиқарувчилари ва бошқа муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳибларининг мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муаллифлик ва турдош ҳуқуқларини амалга ошириш, таъминлаш ҳамда уларни жамоавий бошқаришга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти ҳамташкilot аъзолари бўлган фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлари, фонограммалар ижрочилари, ишлаб чиқарувчилари ва бошқа муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳибларининг мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш ва бошқаларни амалга ошириши ташкилотнинг уставида қайд этилган.

Ушбу мавзу доирасида бир қатор принципал ҳолатлар вужудга келади. Жамоа бошқаруви соҳасида ривожланаётган муносабатлар давлат ёки хусусий ҳуқуқ нормаларига бўйсунадими? Бир қарашда, бу ўқув жараёнидаги саволга ўхшайди. Профессор Б.М.Гонгало [13] қуйидагиларни таъкидлайди: “расмий мантиқ нуқтаи назаридан, бирон бир нарсани таснифлаб, кейин бир нарсани бошқасида топиб бўлмайди. Агар, биз ҳуқуқни хусусий ва оммавий деб ажратадиган бўлсак, шубҳасиз, биз оммавийда хусусийни ва хусусийда оммавийни кўрсата олмасдик». Бироқ, дифференциация мақсад эмас, балки аниқ қўлланма, қарорларнинг амалий самарадорлиги мезонидир.

2020 йилнинг 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сон фармони қабул қилинди. Фармонда, жумладан, маданият ва санъат соҳаси вакилларининг “Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси”ни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслари давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди ва шунга асосан муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи яна бир нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди.

Маданият вазирлиги Палата фаолиятининг дастлабки босқичларида уни қўллаб-

қувватлаш учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир млрд.сўм ажратилишини таъминлаши лозимлиги ҳамда Бош вазирнинг ўринбосари ва Маданият вазири Палата ҳамда мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини ташкил этишга ҳар томонлама кўмаклашиши кўрсатиб ўтилди.

Ушбу соҳада изланиш олиб борган Г.Худайбердиеванинг фикрига қайд этиб ўтганидек [14], муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида мамлакатимизда жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, унинг қонунчилик асослари кучайтирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси зиммасига олган мажбуриятларини бажариш орқали мамлакатимизнинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, ижрочиларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва мулкый ҳуқуқларини жамоавий асосда самарали бошқариш тизимини янада такомиллаштириш кун тартибига чиқди.

Мулкый ҳуқуқларни жамоавий бошқариш институтининг ҳуқуқий асосларига оид масалалар амалдаги қонунчиликда белгиланган бўлсада вақт ўтгани саритакомиллаштирилиб борилмоқда ва бугунги кунда ҳам ушбу жараён якунланмаган [15].

Муаллифларнинг мулкый ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни, “Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январдаги 10-сон қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниб келинмоқда.

Умуман олганда муаллифларнинг ва турдош ҳуқуқ эгаларининг мулкый ҳуқуқларини жамоавий бошқариш институти тарихан қисқа давр ичида катта йўлни босиб ўтди [16].

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, бугунги кунда дунёда интеллектуал мулкнинг иқтисодий таъсири ортиб бориши билан муаллифларнинг ҳуқуқларини самарали бошқариш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, соҳага оид қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ҳар қачонгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ Ўзбекистонда ҳам муаллифлар ва ижрочиларнинг ўзаро манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотлар, бирлашмалар, жамиятлар, клублар тузиш ҳамда интеллектуал мулк ҳимояси бўйича дунё миқёсидаги Халқаро ташкилотлар билан алоқани йўлга қўйиш айна муддаодир. Бундай жамиятлар шоир, драматург, бастакор, ижрочиларни ихтиёрий равишда бирлаштириб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, асарлар репертуарини тузиш, тегишли муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш, шунингдек, хорижий муаллиф ва ижрочилар ҳуқуқлари, манфаатларини республикамиз ҳудудида ҳимоя қилиш каби мақсадлар асосида фаолият юритиши керак. Республикамизда мавжуд интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича консалтинг идоралари сонини ошириш билан бирга улар фаолиятини ҳозирги глобал ахборот алмашинуви жамияти талабларига мослаштириш лозим.

Шунингдек, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, хусусан интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда институционал муаммолардан бири бу телевидение фаолияти билан боғлиқ. Маълумки, телевидение бир томондан муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларини вужудга келтирувчи даргоҳ, иккинчидан бундай турдош объектлардан энг асосий фойдаланувчилардан бири ҳисобланади. Бундай фойдаланишда телевидение ўз миллий манфаатларини, мамлакат ижодкорлари манфаатларини ҳисобга олмоғи лозим. Бугунги кунда Фарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида телевидениеда кўрсатилаётган хорижий фильмларни квоталаштириш мавжуд. Масалан, Франция фильмларидан АҚШ телестудиялари қанча фойдаланган бўлса, Францияда ҳам АҚШ фильмларига шунча квота белгиланади. Бу бир томондан валютани мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишига тўсиқ бўлса, иккинчи томондан хорижий давлатларда ўзбекистонлик субъектлар томондан яратилган муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларини кенгроқ қўлланишга олиб келар эди. Ўзбекистон Республикаси телевидениеси ҳозирча бундай квоталаштиришни МДҲ мамлакатлари учун жорий этса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бозор тизими товар-пул муносабатларининг энг мақбул, энг оптимал ҳуқуқий шакли сифатида шартномалардан кенг

фойдаланишини тақозо этади.

Ўзбекистон шароитида дунёнинг бошқа давлатлари нисбатан узоқ муддат босиб ўтган йўлни хорижий давлатларнинг тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тезроқ ушбу институтни ривожлантириш унинг шаклланиш тарихини ўрганиш зарур.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. –Т.: Меҳнат, 2003.
2. О. Оқюлов. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Докторлик диссертациясининг муаллифлик автореферати. Юр. Фанлар. Т.: ТГЮИ. 2000 - С. 328.
3. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2006 йил 20 июль, ЎРҚ-42-сон // <https://www.lex.uz/acts/1022944>
4. The biography of Firmin Ge´mier may be found online: <[www.answers.com/topic/firming-mier](http://www.answers.com/topic/firming-mier)>
5. Leanovich, E.B. ‘Problems of legal regulation of Internet relations with a foreign element’. Internet resource: <http://www.evolution.info>
6. Stanieri A., Zeleznikow J., Gawler M. and Lewis B, 1999 A hybrid-neutral approach to automation of legal reasoning in the discretionary domain of family law in Australia, Artificial intelligence and law,7(2-3).
7. Brams, S.J. and Taylor, A.D. (1996) Fair division from cake cutting to dispute resolution. Cambridge: Cambridge University Press.
8. ЯКУБОВА И. ПОНИМАНИЕ КОЛЛЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ АВТОРСКИХ ПРАВ В ИСТОРИЧЕСКОМ КОНТЕКСТЕ //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2020. – Т. 1. – №. 6. – С. 76-80. // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/144>
9. <[www.cisac.org](http://www.cisac.org)>
10. О‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-й., 22-23-сон, 227-модда; 2016-й., 45-сон, 520-модда; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 03.03.2018-й., 06/18/5329/0846-сон // <https://lex.uz/acts/-1815463>
11. Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: 2010.
12. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестри // <https://www.minjust.uz/uz/interactive/reestr-nocommerce/>
13. Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. –Т.: Меҳнат, 2003.
14. Худайбердиева Г.А. Турдош ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари. - Т., 2006.
15. Leanovich, E.B. ‘Problems of legal regulation of Internet relations with a foreign element’. Internet resource: <http://www.evolution.info>
16. Yakubova I., Yakubov A. Problems Of Copyright Protection: Plagiarism And Piracy On The Internet // Turkish Journal of Computer and Mathematics Education Vol.12 No. 4 (2021).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

**МАРИПОВА Севархон Арибжановна**

Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, доцент

E-mail: sevar5065@mail.ru

## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ ВА КЕЛИШУВ БИТИМИНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** МАРИПОВА С.А. Фуқаролик процессида медиатив келишув ва келишув битимининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 40-45.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-5>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролик судларида келишув битими тузиш билан медиация тартиб-таомилини қўллаш орқали медиатив келишув тузининг ўзига хос хусусиятлари, тартиби, процессуал шакл ва тартиб-таомилга оид ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, бу борадаги илмий жамоатчиликнинг қарашлари ҳамда тадқиқотчининг мустақил позицияси ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Суд, келишув битими, процессуал тартиб, низо, даъвогар ва жавобгар, тарафлар, медиатив келишув, кокус, фаол эшитиш, рефрейминг, фрейминг, эхо такрорлаш, раппорт, ижро этиш.

**МАРИПОВА Севархон Арибжановна**

Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доцент

E-mail: sevar5065@mail.ru

## СХОДСТВО И РАЗЛИЧИЯ МЕДИАТИВНОГО СОГЛАШЕНИЯ И ДОГОВОРНОГО СОГЛАШЕНИЯ В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются специфика, порядок, процессуальные формы сходства и различия медиативного соглашения посредством применения медиативных процедур в гражданских судах, общие взгляды научной общественности и самостоятельная позиция исследователя.

**Ключевые слова:** Суд, мировое соглашение, процессуальный порядок, спор, истец и ответчик, стороны, медиативное соглашение, кокус, активное слушание, рефрейминг, фрейминг, экзоповтор, раппорт, исполнение.



MARIPOVA Sevarkhon

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice, Associate Professor  
E-mail: sevar5065@mail.ru

## SIMILARITY AND DIFFERENCES OF MEDIATIVE'S AGREEMENT AND TREATY AGREEMENT IN CIVIL PROCEEDINGS

### ANNOTATION

This article discusses the specific features, procedure, procedural form and procedure of making a mediative agreement by applying the procedure of mediation with the conclusion of a conciliation agreement in civil courts, the similar and different aspects of the procedure, the views of the scientific community in this regard as well as the independent position of the researcher are taken into account.

**Keywords:** Court, conciliation agreement, procedural order, alternative settlement of the dispute, claimant and liable, parties, mediative agreement, concourt, active hearing, execution.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 80-бандида фуқаролик ва ҳўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳўқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш, даъвогар томонидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган бўлса, агар қонун ёки шартномада мазкур тоифадаги низолар учун бундай тартиб назарда тутилган бўлса, даъвони қабул қилишни рад этиш тартибини киритиш вазифаси белгиланган эди [1].

Шу билан бирга, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳўқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш ҳам назарда тутилган. Мамлакатимизда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳўқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу соҳада ислохотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда. Бугунги мақоламизда айнан ушбу институтлардан бири бўлган медиация институтининг фуқаролик процессининг яна бир алоҳида институти бўлган келишув битими тузиш билан ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтамыз.

Келишув битимлари ҳўқуқий муносабат субъектларининг, умуман олганда, жамият аъзоларининг ўзаро қарама-қаршиликларини бартараф этишдаги мақбул воситалардан бири ҳисобланиб, тарафлар низони ҳал этиш шартларини келишув асосида, ўз манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро музокаралар орқали белгилайди. Фикримизча, ҳўқуқий муносабат субъектлари ўртасида келишув битимларининг тузилишида асосий шартлардан бири фуқаролик процесси тарафларининг эркин ҳўқуқ ва ўз хоҳиш-истагини эркин билдириш тамойилининг амал қилиши ҳисобланади.

Профессор М.Мамасиддиқовнинг таъкидлашича, келишув битими тарафлар ўртасидаги мурося, яъни фуқаролик ҳўқуқидаги шартнома бўлиб хизмат қилади. Судга мурожаат этмай

тузилган келишув битими суддан ташқари ҳисобланади. Суддан ташқари тузилган келишув битими агарда тарафлардан бири шартномани бажаришдан бош тортса ёки бажармаса, иккинчи тарафни шу муносабат билан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай битим суд томонидан тасдиқланганидан сўнггина юридик кучга эга ҳисобланади. Судга тегишли келишув битими - бу тарафларнинг келишмовчиликларни ўзаро ҳал этиб тузган шартномасидир ва қуйидаги талабларга жавоб бериши керак. Фуқаролик ҳуқуқий шартнома сифатида фуқаролик ҳуқуқининг барча қоидаларига мос келиши лозим. Шунингдек, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши, келишув битими тузилганидан сўнг суд ишни юритишни тугатганидан сўнг, худди шундай даъво билан судга мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. Агар тарафлар уни ихтиёрий ижро этмаса, унинг ижроси мажбурий тартибда ижро этилади [2, Б.282-283].

Шунингдек, тадқиқотчи И.Жўраев келишув битимини тўғри тузиш ва тасдиқлаш жуда муҳимлигини, чунки келишув битими ҳал қилув қарорлари билан низони ҳал қилишдан бир неча жиҳатлари билан устун туради, яъни келишув битими тарафларни мурожаат келтириш йўлидаги дастлабки қадам бўлса, суднинг қарори улар ўртасидаги низони янада чуқурлаштириши мумкин, суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишда мажбуриятлар унсурлари мавжуд, келишув битимини эса тарафлар ўз ихтиёри ва имкониятига асосан тузишлари ҳақидаги фикрни илгари суради [3, Б.44-46].

Бизнингча профессор М.Мамасиддиқов ва И.Жўраевнинг келишув битимига оид таърифи фуқаролик профессуал ҳуқуқ назарияси ва амалиёти умумлашмаси асосида илгари сурилганлигини эътироф этган ҳолда таъкидлаш ўринлики, келишув битими ўзаро келишишга асосланган ва низони ҳал қилиш юзасидан тарафларнинг ёзма келишуви ҳисобланиши билан бирга даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилади ва келишув битимини тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Шунингдек, келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарздан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин.

Агар келишув битимида суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлаш чоғида, умумий тартибда ҳал этади.

Келишув битими фақатгина низолашаётган тарафлар учун оптимал натижа бўлмай, у яна судлар учун ҳам ижобий натижа ҳисобланади. Айрим олимлар келишув битимининг тузилишига эришиш суднинг келажакда асоссиз қарорлари чиқиб қолиши мажбуриятдан озод қилади, деган фикрни ҳам билдиради ва суд томонидан тасдиқланган келишув битимини суд қарорига тенглаштиради. Сабаби, у ҳам суд томонидан тасдиқлангандан кейин мажбурий ижро этилиши хусусиятига эга бўлади.

Низони суд орқали ечимини топиш муаммо эмас, бироқ, қоидага кўра, уни бу усул билан тўлиқ ҳал қилишнинг деярли имконияти бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки низо тарафларида салбий эмоционал ҳолат сақланиб қолиши натижасида конфликт узоқ вақт давом этиб бораверади. Айнан шу сабабли ҳа низоларни судсиз ҳал этишнинг муқобил усулларини кенгроқ амалиётга жалб этиш ҳуқуқий муносабат иштирокчиларида ижтимоий ҳамкорликнинг сақланиб қолишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида айнан сўнгги йилларда низоларни ҳал этишнинг муқобил ва халқаро миқёсда умумэътироф этилган усулларидан бири бири – медиация институтидир. Маълумки, 2018 йил 3 июлида имзоланган “Медиация тўғрисида”ги [4] қонун 2019 йилнинг 1 январидан эътиборан амал қила бошлади. Шу муносабат билан жамиятимизда медиация институтининг туб моҳиятини англаб етиш, фуқаролар онгига сингдириш, унинг аҳамиятини, уни низоларни суд тартибида ҳал этишдан афзалликларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, изоҳлаб бериш ўта долзарб масалага айланди.

Медиациянинг долзарблиги шундаки, бир томондан, дунё миқёсида кўплаб хорижий давлатлар амалиётида медиациянинг кенг миқёсда қўлланилаётганлиги, шунингдек, халқимизнинг тарихан шаклланган, бироқ ҳозирда фақат ижтимоий ҳаётда истемолда қўлланилаётган “муроаи мадора” деган қадрияти ҳамда анъаналарини қайта жонлантириш

эҳтиёжи кун тартибига чиққанлигидадир. Шунга кўра, медиация институтининг халқаро назарий – ҳуқуқий асосларини, юридик ҳамда ижтимоий – маънавий табиатини, мазмунини, принципларини, структурасини, ўзига хос хусусиятлари ҳамда белгиларини, таснифи (моделлари)ни комплекс мушоҳада этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Профессор Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича медиация малакали ва ваколатли мутахассис (вакил) томонидан ўзгача маҳорат, назокат ва маданият билан ўтказиладиган музокаралардан иборат бўлади. Унинг муваффақияти кўп жиҳатдан медиаторнинг тажрибасига, малакасига, билимдонлигига, дипломатик фазилатларига, ваколатлигига, тарафларнинг фикрини ҳурмат билан тинглаш, мулоҳаза юритиш, таҳлил этиш ва оқилона уйғунлаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади [5].

Тадқиқотчи Х.Жўраева эса медиаторнинг вазифаси низолашувчи томонларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлади. Медиатор далилларни текширмайди, тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди. Холис учинчи шахс – медиатор аслида суд ҳам, арбитр ҳам эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор қабул қилмайди [6].

Медиация – можарони холис, адолатли бундан манфаатдор бўлмаган учинчи томон – медиатор (воситачи) иштирокида ҳал этишнинг муқобил шакли ҳисобланиб, медиатор низо юзасидан низолашувчи томонларга энг қулай бўлган келишувга эришишларида ёрдам беради. Медиацияда томонлар низони бартараф этишга ҳамда уни ҳал этиш шарт-шароитларига доир қарор қабул қилиш жараёнини тўлиқ назорат қила оладилар [7].

Юқоридаги муаллифларнинг қарашларини эътироф этган ҳолда, таъкидлаб ўтиш лозимки, медиация – лот. “mediare” сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилмоқ, ўртада турмоқ, орага тушмоқ деган маънони англатади. Шунингдек, “медиация” – (инг. “mediation” – воситачилик) – низоларни муқобил (судгача) ҳал қилиш усули бўлиб, унда низолашувчи тарафларга холис, бетараф медиатор ўзаро мақбул келишувга эришишга ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ва тарафларнинг ҳеч бирига маслаҳат беришга ҳақли эмас. Алоҳида эътибор қаратиш лозимки, медиатор тарафларнинг талабларидан (позиция) келиб чиқиб, уларни асл манфаатларини аниқлаши лозим, бу ҳолатда медиатор бир қатор медиация инструментларидан (фаол эшитиш, рефрейминг, фрейминг, эхо такрорлаш, раппорт ва бошқалар) фойдаланиши лозим.

Медиатив келишувнинг тарафларга манфаатли бўлган афзаллиги сифатида тарафлар низони судда кўриш жараёнида бундай келишувга эришса, давлат божи тўлашдан озод этилади ёки тўланган давлат божи қайтарилади ва натижада уларнинг маблағи ўз ихтиёрида қолади [4]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, медиатив келишувга эришилишида медиаторнинг хизмати муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қонунда медиаторга доир қатор талаблар белгиланган. Агар яна тарафлар манфаати нуқтаи назаридан гапирадиган бўлсак, медиатор медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши, низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний восита ва усулларидан фойдаланиши, ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт. Медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Юқоридагиларга кўра фуқаролик судларида келишув битими тузиш билан медиация институтининг мазмуни, моҳияти ва амалга ошириш тартибига кўра қуйидаги фарқларини ажратиш лозим.

Биринчидан, низоларни ҳал қилишда суд тизимининг афзалликларига қарамай, унинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Шулардан асосийси сифатида судлардаги иш ҳажмини юқорилигини кўрсатиш мумкин, шунингдек, жараённи ошкора ўтиши, вақт ва ортиқча маблағни сарфланиши, асабларни бузилиши (соғлиққа таъсири), судда фақат бир томоннинг ғолиб бўлиши, иккинчи томоннинг норозилиги сабабли жараён апелляция ва

кассация инстанцияларигача бориши мумкин.

Иккинчидан, суд тартибидан фарқли равишда низолашувчи шахслар медиаторни ўзлари танлайдилар ва медиация жараёнига ихтиёрий киришадилар. Судда тарафлар судьяни танлай олмайди, тарафлар судга судловлилик қоидаларига риоя этган ҳолда мурожаат қилишга мажбурлар. Шунингдек, тарафлар медиаторга онлайн мурожаат қилишлари, ёки низони комедиатор (икки ва ундан ортиқ)лар иштирокида ҳал этишлари, низони ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган мутахасисни ўзлари танлашлари мумкин.

Учинчидан, иш юритиш вазифалари жиҳатидан қарасак, суднинг вазифаси тарафларнинг қайси бири ҳақ ёки айбдорлигини аниқлашдан иборат бўлса, медиация тарафларнинг келишувига эришишга ҳамда медиаторнинг ёрдами билан низони ҳал қилишнинг турли ҳил ечимларини муҳокама қилишга қаратилган.

Тўртинчидан, иш юритишнинг тартибига кўра, медиация суд жараёнига нисбатан махфий тарзда ўтказилади ва ҳар бир тараф истаган вақтида уни давом эттиришдан бош тортиши мумкин, судда эса аксинча, музокараларни исталган вақтда тугатиб бўлмайди, жараён ҳам ошқора бўлади. Шунингдек, судда вақт чегараланганлиги сабабли тарафларга низо бўйича муаммоларни батафсил етказишга ҳар доим ҳам имконият бўлмайди, медиацияда тарафлар истаганларича барча масалаларни бемалол муҳокама қиладилар.

Бешинчидан, низолар суд тартибида ҳал этилишида судья суд тартибининг босқичларига қатъий риоя этиши талаб этилади, медиация тартиб-таомилида эса тарафлар низони ҳал қилиш учун қонунда назарда тутилган муддатлардан чиқмаган ҳолда, ҳар қандай босқични қайта такрорлашлари, унга аниқлик киритиши, ёки маълум бир босқични четлаб ўтишлари мумкин.

Олтинчидан, медиациянинг яна бир фарқли ва устивор жиҳатларидан бири, тарафлар медиатив келишувга эришишлари жараёнида медиатор билан яккама-якка (кокус) тартибда музокаралар олиб бориши мумкин, суд тартибида келишувга эриши жараёнида суд тарафлар билан алоҳида учрашув (фақатгина ишни судда кўришга тайёрлаш босқичидан ташқари) ўтказишига процессуал жиҳатдан йўл қўйилмайди.

Еттинчидан, процессуал тартиб ва ишни олиб бориш тартибига кўра, суд жараёни процессуал қонунлар доирасида ўтказилади, қарор фақат қонунга асосланиб қабул қилинади, медиация тартиб-таомилида медиатив келишув эса тарафларнинг хоши-истаклари асосида қабул қиладилар.

Саккизинчидан, судда низолашаётган тарафлар суд қароридан норози бўлган тақдирларида ҳам уни бажаришга мажбурлар. Медиацияда барча қарорлар фақат тарафларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинади ва улар ихтиёрий равишда уни бажариш мажбуриятини оладилар.

Тўққизинчидан, суд тартибидаги келишув битими тузилиши, суд ишини юритишнинг тугатилишига ва тарафларнинг ушбу талаб ва асосларга кўра қайта судга мурожаат қилиларига тўсқинлик қилса, медиатив келишув эса тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини келгусида суд тартибида ҳимоя қилишларини чекламайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида мамлакатимизда медиация институтининг янада такомиллаштириш, медиация институтининг афзалликларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ортиқча сарф-ҳаражатлар, тарафлар ўртасидаги низоли муносабатларни барҳам топтириш мақсадида, иқтисодий процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчиликка, апелляция ва кассация босқичларида ҳам тарафларга низони медиатив келишув асосида тамомлашни тартибга солишга қаратилган механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>

2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.н., проф.Д.Ю.Хабибуллаев. –Тошкент. “Lesson press” нашриёти.2020.-607 б.

3. И.Жўраев. Низоларни ҳал этишда келишув битимининг ўрни / *Huquq va burch* #3 (171) / 2020
4. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/3805227>.
5. Ҳ.Т.Одилқориев. Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. – Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyot- matbaa uyi, 2019. – 362 б. –Б. 127..
6. Жўраева Х. Медиация – муросаи мадора // “*Huquq va burch*”, 2019, №2, 50 – бет.
7. Гаффарова Ш.Н. Медиация - ижтимоий низоларни бартараф этишнинг муқобил усули сифатида // “Фуқаролиқ жамияти институтларини ривожлантириш ва ёшларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари ” республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами, 2018 йил 8 июнь, 120 бет.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

**ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович**

Юристар малакасини ошириш маркази доценти в.б.,  
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: kuchkarovk@bk.ru

### ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ҚУЧҚАРОВ Х.А. Педагог ходимларни меҳнат муносабатларини тартибга солишда моддий ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 46-52.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-6>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада педагог ходимларни малакасини ошириш, уларни таълим жараёнидаги мажбуриятларини белгилаш, уларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, педагог ходимларни меҳнат муносабатларида иштирокининг муаммоли жиҳатлари ва уларнинг ечимига доир таклифлар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Педагог, малака ошириш, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, нодавлат таълим муассасаси, давлат таълим талаблари ва таълим стандартлари, аттестация.

**КУЧКАРОВ Хамидулло Абдурасулович**

Доцент Центра повышения квалификации юристов,  
доктор философии по юридическим наукам (Phd)  
E-mail: kuchkarovk@bk.ru

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НОРМ МАТЕРИАЛЬНОГО ПРАВА В РЕГУЛИРОВАНИИ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ РАБОТНИКОВ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье содержатся предложения по повышению квалификации педагогов, определение их обязанностей в образовательном процессе, совершенствование системы их аттестации, проблемные аспекты участия педагогов в трудовых отношениях и пути их решения.

**Ключевые слова:** Педагог, повышение квалификации, дошкольное образование, общее среднее образование, высшее образование, негосударственная образовательная организация, государственные образовательные требования и образовательные стандарты, аттестация.

**KUCHKAROV Hamidullo**Associate Professor at the Lawyers' Training Center,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: kuchkarovk@bk.ru**IMPROVING THE NORMS OF SUBSTANTIVE LAW IN THE REGULATION OF LABOR  
RELATIONS OF TEACHERS****ANNOTATION**

This article contains proposals for improving the qualifications of teachers, defining their responsibilities to the educational process, improving the system of their certification, problematic aspects of the participation of teachers in labor relations and ways to solve them.

**Keywords:** Teacher, training, preschool education, general secondary education, higher education, non-state educational organization, state educational requirements and educational standards, attestation.

Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ҳозирги кундаги асосий вазифа сифатида таълимни ташкил этиш, унинг узликсизлигини таъминлаш ва сифатини юқори даражага кўтариш, бошқариш, молиялаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, шунингдек педогогик ходимларнинг ижтимоий моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш каби масалаларнинг ҳал қилинишига қаратилган.

Айни вақтда мамлакатимизда таълим тизими ва ундаги таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги ислохотлари таҳлил қилиниб, шунга кўра таълим тизимини модернизациялаш унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиб олиб борилмоқда ва бу борада бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида мактабгача, умумий ўрта таълим, олий таълим тизимини ривожлантириш, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияция, [1] ҳамда 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияция қабул қилинди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг “**Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш**” деб номланган устувор йўналишида ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш, касбга ўқитиш кўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш, мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш каби вазифалар белгиланди.

Ушбу устувор йўналишда шунингдек, мактабларни ривожлантириш миллий дастурини

жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш, малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш, таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлаш каби аниқ мақсадларнинг белгиланиши бу борадаги ислохотларнинг самара ва натижадорлигини оширига хизмат қилади [3].

Таъкидлаб ўтиш лозимки, таълим соҳасининг марказида таълим олувчи турса, давлат таълим талаблари ва таълим стандартларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бевосита педогог ходимлар зиммасига масъуият қлайди. Педогог ходимлар ўз меҳнат вазифаларини амалга оширишда қонунчилик талаблари ва меъёрларига риоя этишлари лозим.

Ушбу мақоламизда таълим соҳасини бошқариш ва амалга оширишга масъул бўлган педогог ходимларнинг меҳнат муносабатларидаги фаолиятини тартибга солишга қаратилган моддий ҳуқуқ нормалари, қонунчиликдаги мавжуд муаммолар уларни бартараф этиш, ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтамыз.

Меҳнат муносабатларини қоида тариқасида босқичларга бўлсак, шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати иш берувчи томонидан қабул қилинган вақтдан бошлаб у меҳнат муносабатларининг ва бир вақтнинг ўзида иш берувчи томонидан иш қабул қилиш рад этилган тақдирда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатнинг низолавланувчи субъектига айланади.

П.В.Бизюков меҳнат низоси ўз манфаатлари ва позицияларини ҳимоя қилиш бўйича фаол ҳаракатлар босқичига ўтган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги зиддиятдир деган қарашни илгари суради [4].

Ҳуқуқшунослар Й.Турсунов ва Ш.Газиёвлар эса меҳнат низоларига оид ҳуқуқий муносабатлар, бу-ҳуқуқи бузилган деб тахмин қилинаётган шахс билан ана шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган деб гумон этилаётган томон ўртасидаги тортишувлардан иборатлигини илгари суради [5].

А.Инояттов эса, меҳнат низолари деганда иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ҳамда меҳнатга оид бошқа шартномаларни қўллаш, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартириш масалалари юзасидан келиб чиқадиغان келишмовчиликлар тушунилиши илгари сурилади [6, Б.351].

Юқоридагиларни инобатга олиб, таъкидлаб ўтиш лозимки, меҳнат низоларининг келиб чиқишига ходимнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган истагисабаб бўлса, иш берувчи томонидан эса меҳнат қилиш ҳуқуқини қонун ва қонун ости ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда амалга оширилишини таъминлашга бўлган истаги сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган.

Меҳнат кодексининг 78-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди. Ушбу модданинг иккинчи қисми бешинчи хатбошисида муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланиши акс этган.

Ушбу банддаги “бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно” жумласи ҳаволаки норма саналиб, албатта алоҳида меҳнат соҳасини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатида белгиланган чеклашларга риоя этиш тартибини белгилайди.

Айнан шундай чеклаш акс этган қонунчилик нормасидан бири 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-595-сонли “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасида акс этган.



Ушбу модда мактабгача таълим ва тарбия тизимида меҳнат фаолиятини амалга оширишга доир чекловлар деб номланиб, ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, педагогик фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлари ёки жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар, шунингдек қасддан жиноятлар содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинган шахслар мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Мантиқан ёндашилса қонунчи қарувчи ушбу ҳолатда мактабгача ёшда бўлган болаларнинг соғлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлигини инкор этиб бўлмайди. Лекин бу ўринда педагог ходим томонидан қасдан содир этиладиган келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари масаласи муҳим санлади. Чунки педагог аслида болажон ўз касбининг устаси беозор инсон бўлиши мумкин, лекин у томонидан қасдан жиноят содир этиш, бу ўринда болажонларга эмас аксинча меҳнат муносабатларидан ташқари вазиятда содир этилса ҳам айнан юқоридаги оқибат ўз кучини сақлаб қолади. Бу ерада яна муҳим бир масала борки, ўша педагог олий таълимни мактабгача таълим йўналишини тамомлаган бўлса, унда унинг олдида иккита йўл қолади, ёки таълим соҳасини ташлаб бошқа ҳунарни эгаллаши ёки олий таълимни бошқа педагогик соҳасида қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олишига тўғри келади. Бизнингча ушбу ҳолатда юқоридаги нормага қуйидагича., **“Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, педагогик фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлари ёки жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар, шунингдек меҳнат фаолиятига доир қасддан жиноятлар содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинган шахслар мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас”** деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Амалиётда шундай ҳолатлар учраб турадики, ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнатни ташкил этиш юзасидан низолар келиб чиққан вақтда ҳуқуқ нормасини қўллашда ягона амалиётнинг мавжуд эмаслиги, ёки мавжуд норматив ҳужжатларда аниқ мезонларнинг белгиланмаслиги турли ҳилдаги қарашларни келтириб чиқаради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрда 572 сонли “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва педогог ходимларнинг аттестациядан ўтказишнинг замонавий тартиблари белгиланди [7].

Мазкур қарорнинг иккинчи бандига мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш уларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўқув фани бўйича малака синовини ўтказиш орқали амалга оширилиши белгиланди. Ушбу қарор асосида қабул қилинган Низомнинг тўртинчи бандига мувофиқ педагог кадрлар ҳар беш йилда бир марта навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилиши, шунингдек илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёки олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрлар касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилиши белгиланди [8].

Меҳнат кодексининг 84-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, педогог ходим иш берувчи томонидан ишга қабул қилишда суҳбат натижаларидан қониқарли деган хулоса асосида ишга қабул қилинган тақдирда, синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари томонидан унинг билим даражаси паст баҳоланса, шунингдек мазкур педагог умуман ўқув фани мавзуларини синф ўқувчиларига етказиб бера олмаса (бунда педагогнинг ўқув йилининг уч йилини қўшни республикаларда онлайн тарзда ўқиганлигини, тўртинчи курсдан эса мамлакатимиздаги олий ўқув юртларидан бирига белгиланган тартибда ўқишини кўчирганлигини истисно

қилмаганда) у билан менат шартномани бекор қилишнинг умумий тартиби мавуд эмас. Чунки педогогнинг билим даражаси унинг малакасини ифодалайди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрда 572 сонли “Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ уч йил тўлмагунча аттестациядан ўтказиш имкони мавжуд эмас. Шунингдек ушбу ходим билан ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлиги сабабли Меҳнат кодексининг 100-моддаси, иккинчи қисмининг учинчи банди ёки тўртинчи банди билан меҳнат шартномани бекор қилиш имкони ҳам мавжуд бўлмайди. Тўғри Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасининг биринчи қисми учинчи хатбошисида “ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши” педогогнинг мажбурияти сифатида белгиланган бўлсада, ушбу талаб педогогнинг малакасига боғлиқлиги сабабли ички меҳнат тартиби қоидаси сифатида белгиланмаган [9]. Бироқ айна вақтда мамлакатимизда таълим соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [10] билан тасдиқланган “2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури”га киритилган ўзгартиришга мувофиқ, эндиликда педогог ходимлар ҳар уч йилда эмас, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрлари малакасини ошириш даврийлиги ушбу муассасалар эҳтиёжига қараб белгиланиши, тингловчиларни ўқитиш муддатлари давлат талабларига мувофиқ ва уларнинг касб тайёргарлиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланишига оид ўзгартириш киритилди. Айна вақтда ушбу талаб ҳам мамлакатимизда сифатли таълим жараёнига эришишни таъминловчи восита сифатида қаралиши мумкин эмас. Аксинча таълим сифатига эришиш учун, педогог ходимларга қўйиладиган талабларни янада замон талабларига мослаштириш, уларни малакасини оширишни узликсизлигини таъминлаш, шунингдек аттестациядан ўтказиш тизимини янада соддалаштириш, олий таълим битирувчиларини ишга кирган кунидан бошлаб бир йилдан сўнг мажбурий аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш, аттестация натижаларига кўра эса уларни мажбурий малака ошириш механизмларини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик соҳада меҳнат қилаётганларни меҳнат муносабатларидаги муаммоли масалалардан яна бири, уларнинг таълим билан меҳнат фаолиятини бирга олиб бориш вақтидаги низолардир. Меҳнат кодексининг 248-258-моддаларида ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шароитлар яратиб бериш, таълим муассасаларида ўқиётган ходимлар учун имтиёзлар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун йиллик таътиллар бериш вақти, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топшириш учун ходимларга бериладиган таътиллар, ўқув юрти жойлашган ерга бориш учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар бериш каби масалалар ўрин олган. Шу ўринда савол пайдо бўлади, ушбу имтиёзлар хорижий олий ўқув юртларида, айниқса ҳукуматимиз томонидан тан олинмаган, ёки топ 1000 талик рўйхатига киритилмаган олий ўқув юрти талабаларига ҳам тадбиқ этиладими деган саволга қонунчилик нуқтаи назаридан жавоб бериш вақти келди. Меҳнат кодексининг 3-моддасига мувофиқ Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади. Амалиётда энг кўп учраётган саволлардан бири қўшни республикаларнинг олий таълим муассасаларида таълим олаётган ўрта махсус маълумотга эга ходимларга Меҳнат кодексининг 248-258-моддаларида назарда тутилган имтиёзлар тадбиқ этиладими, тадбиқ этилса қайси асосларга кўра қўллашимиз мумкинлиги масаласини аниқлаштириш муҳим вазифа саналади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш

учун тенг ҳуқуқлар кафолатланганлигини инobatга олиб Меҳнат қонунчилигида назарда тутилган юқоридаги имтиёзлар тадбиқ этилиши мумкинми? деган савол вужудга келади.

Й.Турсунов ушбу масалада қуйидаги қарашни илгари суради., “Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар деганда узлуксиз таълимнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим турлари сиртдан, тегишли ҳолларда эса, кечки ёки бошқа шаклларда таълим олаётган, корхона ва ташкилотларда меҳнат шартномасини тузиш асосида меҳнат муносабатлари бўлиб турган шахслар назарда тутилади” [11, Б.788].

Бу борада Й.Турсуновнинг қарашларини қўллаб қувватлаган ҳолда айтиш ўринлики, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига муовфиқ, яъни, таълим тизими давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўз ичига олишини ва таълим тизими ягона ва узлуксиз эканлигини инobatга олсак юқоридаги кафолатлар мамлакатимиз ваколатли органлари томонидан тан олинмаган ёки ўзаро келишув бўлмаган, ҳамда дунё миқёсида тан олинмаган хорижий олий ўқув юртларида тахсил олаётган ходимларга тақдим этилмаслиги лозим. Айнан ушбу масалаларда ҳилма-хил қарашлар ва қонунчилик ҳужжатларини турли талқин қилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларида ушбу масалани аниқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **педогог ходимларни меҳнат муносабатларини тартибга солишда моддий ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш масаласида қуйидаги хулосаларни илгари суриш лозим:**

**биринчидан, педагог ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда Меҳнат кодексининг умумий талабларига мувофиқлаштириш;**

**иккинчидан, мазкур соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари мазмунига мувофиқ мамлакатимиз миллий манфаатларини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим;**

**учинчидан, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмларини янада соддалаштириш ҳамда узликсизлигини таъминлаш;**

**тўртинчидан, педагог ходимларнинг энг аввало вақт меёрларини аниқлаштириш келгусида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.**

#### **Иқтибослар / Сноски / References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4312785>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4327235>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

4. Ан Юлия Николаевна Современные научные подходы к сущности понятия «Трудовой конфликт» // Вестник СИБИТа. 2013. №2 (6). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-nauchnye-podhody-k-suschnosti-ponyatiya-trudovoy-konflikt> (дата обращения: 10.03.2022)

5. Турсунов Й, Газиёв Ш. Меҳнат низолари ва уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий муаммолари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009.

6. Иноятлов А. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқи. Тошкент, 2002.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрда 572-сонли “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/5641270>.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сон қарорига 1-илова “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим

ташкilotлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом // <https://lex.uz/docs/5641270>.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон // <https://lex.uz/docs/5013007>.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/370731>.

11. Й.Турсунов. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар // <https://adolatnashr.uz/uploads/15.Mehnat%20kodeksiga%20sharh.pdf>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**ШАЙЗАКОВ Шодияр Ибрагимович**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)  
E-mail: shodiyor-14@mail.ru

### ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮҚОРИ СУД ИНСТАНЦИЯСИДА ҚАЙТА КЎРИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ШАЙЗАКОВ Ш.И.  
Ўзбекистонда маъмурий суд ҳужжатларини юқори суд инстанциясида қайта кўришда  
прокурор иштирокининг айрим жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста –  
Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 53-61



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-7>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки, прокурорнинг апелляция ва кассация инстанциясидаги роли ҳақида фикр юритилган. Муаллиф томонидан маъмурий суд ишларини юритишда судга мурожаат қилишга ваколатли бўлган шахслар, жумладан прокурорнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириши, протест келтириш ва уни судда кўриб чиқиш асослари, апелляция ва кассация инстанциясида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, миллий қонунчиликдаги муаммолар, апелляция ва кассация инстанциясида протестни чақириб олиш, бу борадаги айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” қонуни, маъмурий суд ишларини юритиш, апелляция ва кассация инстанцияси, прокурор, протест келтириш шартлари, прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари.

**ШАЙЗАКОВ Шодияр Ибрагимович**

Преподаватель Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор  
философии по юридическим наукам (Phd)  
E-mail: shodiyor-14@mail.ru

### НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ УЧАСТИЯ ПРОКУРОРА В РАССМОТРЕНИИ АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДЕБНЫХ ДОКУМЕНТОВ В ВЫСШИХ ИНСТАНЦИЯХ СУДА УЗБЕКИСТАНА

**АННОТАЦИЯ**

В статье приводятся мнения о проводимых судебно-правовых реформах в Республике Узбекистан, участии прокурора в административном производстве и его роли в апелляционной и кассационной инстанциях. Автором изучены опыт зарубежных стран в области лиц, уполномоченных на обращение в суд в рамках административного производства, в том числе внесение прокурором протеста на судебные решения, основания внесения и рассмотрения в суде, особенности участия прокурора в апелляционной и кассационной инстанциях, отзыв протеста в апелляционной и кассационной инстанциях, проблемы национального законодательства.

**Ключевые слова:** Административно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре», административное производство, апелляционная и кассационная инстанции, прокурор, условия обжалования, особенности участия прокурора.

**SHAYZAKOV Shodiyar**

Lecturer at the General Academy Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: shodiyor-14@mail.ru

**SOME ASPECTS OF THE PROSECUTOR'S PARTICIPATION IN THE REVIEW OF ADMINISTRATIVE COURT DOCUMENTS IN THE SUPREME COURT INSTITUTION IN UZBEKISTAN****ANNOTATION**

The article discusses the ongoing judicial and legal reforms in the Republic of Uzbekistan, the participation of the prosecutor in administrative proceedings, the role of the prosecutor in the appellate and cassation instances. The author has studied the experience of foreign countries regarding the persons authorized to appeal to the court in administrative proceedings, including the prosecutor's objections lodged against court decisions, the grounds for its lodging and consideration in court, aspects of the prosecutor's participation in the appellate and cassation instances, national legislation issues, as well as the withdrawal of protest in the appellate and cassation instances.

**Keywords:** The Code of Administrative Proceedings of the Republic of Uzbekistan, the Law of the Republic of Uzbekistan "On the Prosecutor's Office", administrative proceedings, appellate and cassation instances, prosecutor, terms of appeal, aspects of participation of the prosecutor.

Маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар билан боғлиқ ишларнинг дастлабки судда кўрилишида қонун талабларига риоя қилинмаган, мураккаблиги ёки бошқа сабабларга кўра ишнинг муайян ҳолатлари очилмай қолишига йўл қўйилган бўлса, бундай ҳолатлар юқори инстанция судларида апелляция ва кассация тартибида аниқланиши ва тузатилиши мумкин.

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, юқори инстанция суди биринчи инстанция судидан фарқли равишда фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига, ваколатларига эга бўлиб, бошқа мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилган. Апелляция ва кассация институти суднинг қарорлари ва ҳал қилув қарорларини қонунийлиги ҳамда асосланганлигини текшириш бўйича юқори инстанция судининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси эканлиги кўрсатилган [1, Б.343].

Ш.Шораҳметовнинг фикрича, судда қабул қилинган қарорлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилади. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасидан норози бўлган шахслар юқори турувчи судга шикоят, прокурор эса протест билан мурожаат қилиб,

ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбур эканлигини таъкидлайди [2, Б.348]. Олимлар тўғри таъкидлаган бўлсада, лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.07.2020 йилги ПФ-6034-сонли Фармонида [3] асосан 01.01.2021 йилдан апелляция ва кассация институти такомиллаштирилди. Шу сабабли, апелляция инстанцияси қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичи бўлиб, кассация инстанцияси қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичи ҳисобланади. Шунингдек, биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган қарорлар фақатгина тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилиб қолмасдан, балки, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларга ҳам тегишли бўлиб, ушбу шахсларда ҳам қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат шикоят ёки протест шаклида амалга оширилади.

Амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (кейинги матнларда МСИЮТК деб юритилади) 200 ва 224-моддаларига асосан қуйидаги шахслар апелляция ёки кассация тартибда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят (протест) келтириш орқали юқори судга мурожаат қилади:

- ишда иштирок этувчи шахслар;
- ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар;
- прокурор, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил [4].

Прокурор ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқли ўлароқ “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига асосан процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтириш орқали судга мурожаат қилади [5]. МСИЮТКнинг 5-моддасида апелляция, кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда, шунингдек ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда шикоят (протест) шаклида судга мурожаат қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида” 03.07.2020 йилги 11-сонли қарорида [6] маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича апелляция, кассация инстанцияси судларига мурожаат фақатгина шикоят шаклида амалга оширилиши кўрсатилган. Бу эса қонунчиликни турли хил талқин этишга олиб келади.

Шу сабабли ҳам Пленум қарорининг 2-бандидаги “.....судга мурожаат қилиш: ..... апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.” деб қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд қарорларига нисбатан ишнинг қандай ҳал этилишидан моддий манфаатдор бўлмаган, зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдек муҳим вазифалар юклатилган прокурорлар томонидан протестларнинг келтирилиши суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Прокурорнинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан берилган апелляция протести ёхуд хусусий протести, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан берилган кассация протести ёхуд хусусий протести ҳамда янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш ҳақида берган аризаси суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текшириш қўзғатилишига асос бўлади.

Прокурорнинг юқори суд инстанциясида иштирок этиши суд фаолиятини назорат

қилиш эмас, балки қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам прокурорнинг юқори суд инстанциясида иштирок этиши ҳақида олимлар турли хил фикрлар билдиришган. Масалан, Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурорнинг апелляция инстанцияси судида иштирок этиши икки шаклда амалга оширилади. Биринчиси, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан протест келтириш ва иккинчиси, тарафлардан бирининг шундай суд қароридан норози бўлиб шикоят аризаси берганида бу тўғрида фикр бериш йўли билан иштирок қилиши эканлигидир [7, Б. 425]. Лекин, олимнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, биринчи инстанция судларида ҳам бошқа шахслар томонидан қўзғатилган ишлар бўйича ҳам прокурор иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолатда прокурор иш юзасидан ўзининг қонуний фикрини беради. Шунинг учун назаримизда юқори инстанция судларида прокурор фақатгина протест бериш орқали иштирок этади.

Прокурор юқори судларда протест орқали иштирок этар экан, ушбу апелляция протестлари туманлараро маъмурий суднинг ҳал қилув қарори устидан берилганда — Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан;

худудий ҳарбий суднинг ҳал қилув қарори устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади (МСИЮТК 201-моддаси).

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқини амалга оширишнинг дастлабки шарти — бу объектив, субъектив ва формал асосларнинг мавжуд бўлишидир:

– объектив асоси - апелляция шикояти ёки протести объектининг мавжудлиги, апелляция шикояти ёки протести бериш муддатига риоя қилиш, ишнинг апелляция суди судловига тегишлилигига риоя қилишидир;

– субъектив асоси - апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг муайян доираси мавжудлиги, улар ва вакилларининг муомала ва ҳуқуқ лаёқатига эгаллигига риоя қилишдан иборат;

– формал асоси - апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш ва уни расмийлаштиришнинг қонунда белгиланган қоидаларидан иборат [8, Б. 236-237].

Назаримизда мазкур шартларнинг тўлиқ мавжуд бўлиши апелляция шикояти ёки протестининг назарий жиҳатдан тугал ҳисобланишига ҳисса қўшсада, юқоридаги фикрларни биров тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, апелляция шикояти ёки протести объектив жиҳатдан қонунда кўрсатилган муддатга яъни, тарафларнинг шикояти ёки прокурор протести ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида тегишли судга юборилиши керак. Агар муддат ўтказиб юборилган бўлса, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи ҳам объектив томонни қамраб олади.

Субъектив жиҳатдан фақатгина апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг муайян тоифасини қамраб олиши биров мунозарали. Масалан, апелляция протести келтириш ҳуқуқи прокуратура органларида фақатгина прокурорларга берилган бўлиб, бу амалиётда турли сарсонгарчилик ҳолатларини келтириб чиқаради. Шунингдек, иш ҳажми юқорилиги сабабли прокурор томонидан имзоланмаган протест туман прокурори ўринбосари томонидан имзоланган ҳолатларда судда тарафлар ваколатсиз шахс томонидан имзоланганлиги важи келтирилаётганлиги ва ишни кўрмасдан қолдириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Фуқаролик процессуал кодекснинг 386-моддасига кўра [9], апелляция протестини прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди. Жиноят процессуал кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида [10] прокурор ва унинг ўринбосари ҳукм устидан апелляция протест билдиришга ҳақли эканлиги қайд қилинган. Шу сабабли, прокурор ўринбосарлари ҳам субъектлар доирасига киритилиши лозим.

Апелляция шикояти бериш ёки протест келтиришнинг формал шартда ҳужжатларни моддий ва процессуал қонун нормалари асосида расмийлаштириш талаб этилади, яъни биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан берилган апелляция



шикояти (протести) келтириш МСИЮТКнинг 204-206-моддалари талабларига қатъий риоя қилиниши лозим. Акс ҳолда суд томонидан протест иш юритувга қабул қилиш рад қилиниши, иш юритишдан тугатилиши ёки кўрмасдан қолдирилиши мумкин.

Формал шартининг яна бир жиҳати ишни судда кўриб чиқишнинг процессуал тартибига риоя қилиниши, апелляция инстанциясида суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослигини янги далиллар орқали текшириши ва янги фактларни аниқлаши ҳам мумкин. Ёки ариза предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмаслиги ва кўриб чиқилмаслигини таъкидлаш жоиз.

Маъмурий қонунчилик талабига мувофиқ, апелляция судлари қуйидагилар доирасида ишни мазмунан кўриб чиқади:

– биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ текширган-текширмаганлиги;

– суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланган-исботланмаганлиги;

– ҳал қилув қарори, ажрими (қарори)да баён қилинган суд хулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

– моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган-бузилмаганлиги, улар тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлиги;

– биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари қонун талабларига мувофиқлиги.

Шу жиҳатдан ҳам апелляция институти маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқининг мустақил тармоғи сифатида, бизнингча қуйидаги ўзига хос белгиларга эга:

– биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан манфаатдор шахс томонидан апелляция шикаюти ёки протести юқори турувчи судга қонунда белгиланган тартибда берилади;

– манфаатдор шахс томонидан апелляция шикаюти ёки протестида биринчи инстанция судининг иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ёки исботланмаганлиги, суд томонидан баён қилинган хулосалар иш ҳолатига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ ёки процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, нотўғри қўлланилганлиги асос қилиб келтирилади;

– апелляция шикаюти ёки протести биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори (ажрими) эълон қилинган кундан бошлаб қонунда белгиланган муддат ичида манфаатдор шахслар томонидан айна бир низо юзасидан бир марта берилади;

– биринчи инстанция суди қарорининг устидан апелляция шикаюти (протести) берилиши, унинг қонуний кучга киришини тўхтади, агар суднинг қарори апелляция инстанцияси суди томонидан бекор қилинмаса, қонуний кучга киради ва ижрога қаратилади;

– апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўришда янги далиллар ва янги фактларни ҳам кўриб чиқади;

– апелляция шикаюти (протести) бўйича ишлар коллегиял тарзда кўриб чиқилади;

– апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарорини ўзгартиришсиз қолдиришга, ўзгартиришга, бекор қилишга ва иш бўйича янги қарор қабул қилишга, қонунда кўрсатилган ҳолатларда, ишни биринчи инстанция сифатида қайта кўришга, ишни кўрмасдан қолдиришга, иш юритишни тугатишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси судига шикают (протест) келтирилганда иш ариза предмети доирасида кўриб чиқилади. Шу каби, прокурор ҳам биринчи инстанцияда кўрилган ариза предмети доирасида протест келтиришга ваколатли ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахсларга протестнинг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция протестига илова қилинади. Процессуал қонун суд қарори устидан протест келтирувчи прокурорга ҳам бир қатор талабларни белгилайди. Масалан, агар апелляция протести процессуал тартиб-қоидаларга риоя қилинмаган бўлса, МСИЮТКнинг 209-210-моддаларига асосан протестни иш юритишга қабул қилиш рад этилади ёки протест қайтарилади. Шу сабабли, апелляция ва кассация инстанцияларида ишни суд мажлисида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция судида кўриш қоидалари бўйича ўтказилишини инобатга олиб, прокурор

протест келтиришдан олдин иш ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Суд мажлисида иштирок этувчи прокурор эса қонуний ва асосли апелляция, кассация ва хусусий протестларни қувватлаши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига зид қабул қилинган суд қарорлари ва ажримларини бекор қилиш ёки ўзгартиш чораларини кўради. Ишда иштирок этувчи прокурорлар ўз ишларини ташкил қилишда, шикоят ёки протест билан келиб тушган бирорта маъмурий иш уларнинг эътиборидан четда қолиши керак эмас. Прокурор ҳар бир маъмурий ишни, шикоят ёки протестга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш орқали суд қарорларининг қонуний ва асослилигини текширади. У шикоят ёки протест важларини иш ҳужжатларига мослигига алоҳида эътибор бериши керак. Агар протест қонуний ва асосли суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришга қаратилган бўлса, бундай протестни чақириб олиш юзасидан юқори турувчи прокурорни хабардор қилиши ёки уни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида фикр бериши мақсадга мувофиқ.

Юқори инстанцияси судида иштирок этувчи прокурор шикоят ёки протест важлари доирасида эмас, балки бизнингча бутун иш бўйича фикр бериши керак. Агар иш бўйича моддий ва процессуал қонун нормалари бузилган бўлса, улар шикоят ёки протестда қайд қилинган-қилинмаганлигидан қатъи назар, суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида фикр билдиради.

Етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатлардагина апелляция протести келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунига қадар протестни чақириб олишга ваколатли ҳисобланади. Бироқ, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддаси талабига кўра, протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олишга ҳақли эканлиги қайд қилинган.

Бизнингча, амалдаги Ўзбекистон қонунчилигидаги ушбу нормалар ўртасида номувофиқлик мавжуд. Прокурор протестни суд мажлиси бошлангунига қадар чақириб олиши нотўғри амалиёт. Буни қуйидаги таҳлилий маълумотлар билан изоҳлаш мумкин, масалан, 2018 йилда 1 та кассация, 2019 йилда 1 та апелляция, 2 та кассация, 2020 йилда 1 та апелляция, 2 та кассация, 3 та назорат тартибида, 2021 йилда 6 та апелляция протестлари прокурорлар томонидан иш бошлангунга қадар ёки суд муҳокамаси даврида чақириб олинган [11]. Юқори турувчи инстанция янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлашини инobatга олиб, апелляция протестида келтирилган важлар суд маслаҳатхонага киргунга қадар тўлиқ текширилиши, ўз исботини топмаган тақдирда ёки зарурият туфайли чақириб олишга йўл қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, МСИЮтКнинг 216-моддасида, иқтисодий процессуал кодекснинг 275-моддасида [12], апелляция протести келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунига қадар протестни чақириб олишга ҳақли эканлиги, фуқаролик процессуал кодекснинг 393-моддасида, апелляция протести келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Қозоғистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 73-моддасида, ариза берувчи ўзининг ёзма аризаси асосида маъмурий иш бўйича суд томонидан қарор қабул қилингунига қадар апелляциясини қайтариб олишга ҳақли эканлиги кўрсатилган [13]. Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 221-моддасига кўра, прокурорнинг апелляция тақдимномаси суд ҳужжати қабул қилингунига қадар чақириб олинишига йўл қўйилади [14, Б.431].

Суд ҳужжатлари апелляция тартибида мазмунан кўриб чиқилганидан сўнг ишни кассация тартибида қайта кўриб чиқиш муҳим босқич ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.07.2020 йилги ПФ-6034-сонли Фармонида асосан 01.01.2021 йилдан назорат инстанцияси бекор қилинганлиги муносабати билан кассация босқичи такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд

ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 12.01.2021 йилги Қонуни [15] билан МСИЮТКга тегишли ўзгаришлар киритилди. Унга асосан биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикоятни ёки прокурор протести Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади. Бу инстанциянинг мақсади ишни қайтадан кўриш ва ишнинг шикоят ёки протест қилинган қисми бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилганлигини текширишдан иборат.

Кассация шикоятни (протести) апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши мумкин (МСИЮТК 227-модда).

Бундан кўринадики, кассация тартибида протест келтириш ёки шикоят бериш учун албатта иш апелляция инстанциясида кўрилиши шарт. Шундагина тарафлар кассация тартибида шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин бўлади.

Шу ўринда савол туғилади? Агар аризаچи биринчи инстанция судида кўрилган маъмурий ёки оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишлар юзасидан қабул қилинган суд қароридан норози бўлиб, апелляция тартибида тарафлар шикоят ёки прокурор протест келтириш муддатини узрсиз сабабларсиз ёки суднинг хатти-ҳаракати орқали муддатни ўтказиб юборган бўлса, бундай ҳолатда кассация протести ёки тарафлар шикоятни қандай тартибда кўриб чиқилади.

МСИЮТКнинг 203-моддасига кўра, қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикоятни ёки протести ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши лозим. Агар муддат ўтказиб юборилган бўлса, шикоят ёки бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, апелляция шикоятини ёки протестини бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилиши ва тикланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 12.01.2021 йилги Қонуни амалдаги қонун нормалари такомиллаштирилиши муносабати билан МСИЮТКнинг 230<sup>1</sup>-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикоятни ёки протести бўйича суддан ишни талаб қилиб олишга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларнинг ўринбосарлари ҳам иш бўйича тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлганда, кассация протести келтириш тўғрисидаги масаласини ҳал этиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга ваколатли эканлиги белгиланди.

Қонун туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарларига кассация тартибида протест келтириш ҳуқуқини бермаган. Ишни чақириб олган туман (шаҳар) прокурори туманлараро судининг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан протест келтирилиши лозим деб топса, юқори турувчи прокурорга ишни кассация тартибида кўриш зарурлиги тўғрисида тақдимнома киритади. Бундай ҳолларда протест киритиш ёки киритмаслик масаласини юқори турувчи прокурор ҳал этади.

Ишни ўрганиш юзасидан етарли асослар топилганда, кассация тартибида протест келтирилади ва иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида МСИЮТКнинг 239-моддаси талаблари асосида кўриб чиқилади. Иш кассация тартибида кўрилатганда биринчи ва апелляция инстанциялари суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини иш материаллари бўйича текширилади. Бу босқич судида янги далиллар текширилмайди ва янги фактлар аниқланиши мумкин эмас. Иш шикоят ёки протест доирасида кўриб чиқилади.

Протест келтириш масаласини ҳал қилиш протест келтиришга ҳуқуқли бўлган шахсларнинг ҳуқуқ доирасига кирганлиги сабабли, протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам шу шахсларга берилган. Прокурор келтирган протестни юқори турувчи прокурор ҳам тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Бундан ташқари, МСИЮТКнинг 173, 223, 247-моддалари талабларига асосан апелляция, кассация инстанцияси судларига, шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши қонунда назарда тутилган ҳолатларда, шунингдек суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят қилиниши мумкин.

Биринчи инстанция суди ажрими устидан берилган апелляция, кассация тартибидаги хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш ва уларни кўриш суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Иш якуни бўйича МСИЮТКнинг 219, 243-моддаларига мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси суди қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

- 1) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришсиз қолдиришга;
- 2) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга;
- 3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;
- 4) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;
- 5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга.

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари МСИЮТК 244-моддаси биринчи қисмининг 4-банди, яъни моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги аниқланган ҳолатларда, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтиради ва ишни кассация тартибида такроран кўриш умумий қоидалари асосида амалга оширилади.

Назаримизда, прокурорнинг кассация инстанциясидаги иштироки қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- фуқаролар ва юридик шахсларнинг суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорларини кассация тартибида қайта кўриш ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқиш ва зарур деб топилган ҳолатларда суд ҳужжатларининг қонунийлигини, асосли ва адолатли эканлигини текшириш мақсадида маъмурий ишларни суддан чақириб олиш;
- мурожаатларга асосан ишни ўрганиш якуни бўйича суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорининг қонунийлиги, асосли ва адолатли эканлигини қайта ўрганиб чиқиш мақсадида кассация тартибида протест келтириш;
- кассация тартибида ишни қайта кўришда иштирок этиб, фикр билдириш;
- ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириши ва унда иштирок этиб, иш юзасидан қонуний фикр билдириш имконияти мавжуд.

Демак, юқори инстанция судларида маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни юритишда прокурор иштироки маъмурий ишларни қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқилишининг самарали воситаларидан бири бўлиб, бу орқали қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Гражданско-процессуальное право России. - М.: Былина, 1992. - 343 с.
2. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи.

Дарслик– Тошкент, “Адолат” нашрётти. 2001. – 348 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034 сонли Фармони // URL:<http://lex.uz/docs/4910841>.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс. 2018 йил 26 январь. № ЎРҚ-462 // URL:<http://lex.uz/docs/3527389>.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 2001 йил 29 августдаги Қонуни. №257-II. // URL: <http://lex.uz/docs/106197>.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида” 2020 йил 3 июлдаги 11-сонли Қарори. // URL:<http://lex.uz/docs/4902531>.

7. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Тошкент., 2008. 425 - б.

8. Борисова Е.А. Апелляция в гражданском (арбитражном) процессе: 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Городец, 2008.- 119 с.; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 2018 йил 22 январь, № ЎРҚ-460 // URL: <http://lex.uz/docs/3517221>.

9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрь., №2013-XII // URL:<http://lex.uz/docs/3517221>.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали // URL:<http://report.bp.gov/login?1#>.

11. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 2018 йил 24 январь, №ЎРҚ-461 // URL:<http://lex.uz/docs/105533>.

12. Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан 29 июня 2020 г. №350-VI // URL:<http://www.adilet.zan.kz>.

13. Сборник законодательных актов по административному судопроизводству. 3-е издание. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. – 431 с.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2021 йил 12 январдаги Қонун, №ЎРҚ-662 // URL:<http://lex.uz/docs/5213979>.

15. Караваева Е.В. Вопросы апелляционного производства в гражданском процессе: Дис.... канд. юрид. наук. - Саратов: 2005.- 71 с.

16. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. / ю.ф.д. З.Н.Эсонова умумий таҳрири остида.-Тошкент: ТДЮИ, 2013. 236-237 б.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

**ОЧИЛОВ Хасан Рашидович**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши  
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси  
E-mail: Xasanochilov1982@gmail.com

### ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ТУЗИЛИШИ ГЕНЕЗИСИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ОЧИЛОВ Х.Р. Жиноят таркиби тузилиши генезиси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 62-69.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-8>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноий жавобгарлик асоси бўлган жиноят таркибининг умумий тавсифи, ривожланиш тарихи масалалари ёритилган. Хусусан, жиноят таркибига нисбатан турли ёндашувлар жумладан, теологик назариялар ҳамда уларнинг жиноят таркиби корпусининг шаклланишида қўшган ҳиссаси масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, қадимги Рим, Хаммурапи ва Ману қонунларида жиноят таркиби масалалари ўрганилган. Жиноят таркибининг миллий қонуничилигимиз тарихида шаклланиши масалалари тадқиқ қилинган. Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноят таркиби масаласи мавжуд бўшлиқлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** жиноят таркиби, жиноят струкураси, Хаммураппи қонунлари, Ману қонунлари, шариат қонулари, Қадимги Рим қонунлари, Ҳидоя, айб, corpus delicti, thatbestand, жиноятнинг ашъёвий далиллари, объект, объектив томон, субъектив томон, субъект.

**ОЧИЛОВ Хасан Рашидович**

Слушатель Высшей школы судей при  
Высшем судебном совете Республики Узбекистан  
E-mail: Xasanochilov1982@gmail.com

### ГЕНЕЗИС СТРУКТУРЫ СОСТАВА ПРЕСТУПЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье дается общая характеристика состава преступления, являющегося основанием уголовной ответственности, история его развития. В частности, изучены

различные подходы к составу преступления, в том числе богословские теории и их вклад в формирование состава преступления. Состав преступления было изучено в законах Древнего Рима, Хаммурапи и Ману. Изучена история национального законодательства вопросы формирования состава преступления. Выявлены пробелы касательно состава преступления в действующем Уголовном кодексе Республики Узбекистан, а также даны предложения и рекомендации по их устранению.

**Ключевые слова:** состав преступления, структура преступления, законы Хаммурапи, законы Ману, законы шариата, законы Древнего Рима, Хидоя, вина, corpus delicti, thatbestand, вещественные доказательства преступления, объект, объективная сторона, субъективная сторона, субъект.

**OCHILOV Khasan**

Student of the Higher School of Judges under the  
Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: Xasanochilov1982@gmail.com

## GENESIS OF THE STRUCTURE OF THE CORPUS DELICTI

### ANNOTATION

This article reveals the general characteristics of the corpus delicti, which is the basis of criminal liability, questions of the history of its development. In particular, various approaches to the corpus delicti, including theological theories and their contribution to the formation of corpus delicti, have been studied. In addition, the issues of corpus delicti were studied in the laws of Ancient Rome, Hammurabi and Manu. The questions of formation of corpus delicti in the history of national legislation are investigated. The gaps in the current Criminal Code of the Republic of Uzbekistan regarding the corpus delicti, as well as proposals and recommendations for their elimination are considered.

**Keywords:** corpus delicti, crime structure, laws of Hammurapi, laws of Manu, Sharia laws, laws of Ancient Rome, Hidoya, guilt, corpus delicti, thatbestand, material evidence of a crime, object, objective side, subjective side, subject.

Бугунги кунда деярли барча мамлакатларнинг миллий жиноят ҳуқуқи тизимида «жиноят таркиби» мустақам ўрин эгаллаган бўлиб, содир этилган жиноятлар структураси (скелетини) ташкил этмоқда ҳамда [1, Б.117], дастлабки тергов ва суд фаолиятининг ўзига хос формуласи ҳисобланади [2, Б.25].

Жиноят таркибининг жиноят ҳуқуқи тизимида бундай муҳим ўрин эгаллаши ва аҳамият касб этиши учун қатор йиллар талаб этилди.

Тарихдан маълумки, давлатчиликка асос солинган вақтлардан бошлаб жиноят ва жазо, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда адолатли жазо тайинлаш масалалари мунтазам кун тартибидаги долзарб мавзуларидан бири бўлиб, ўша вақт олимларининг чуқур баҳс-мунозарларга сабаб бўлиб келган.

Хусусан, шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб эътироф этиш ҳамда содир этилган жиноят турини аниқлаш масаласи муҳим ҳисобланган.

Инсоният тарихида дастлабки қонун ҳужжатларидан бири ҳисобланган Хаммурапи қонунларида жиноят ва жазо масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, жиноий жавобгарлик масаласида жиноят таркибини чуқур ўрганиш, шунингдек, судьянинг нотўғри қарор қабул қилганлиги учун жавобгарлик белгиланганлиги, шахсни айбдорлик масаласини чуқур таҳлил қилиш талаб қилинганлигини назарда тутувчи нормалар мавжуд бўлганлигини кузатишимиз мумкин (5-модда) [3, Б.225-303]. Ушбу нормаларда жиноят таркибининг объекти, объектив томони, субъектив томони ва субъекти, шунингдек, норма диспозицияси

ҳамда санкцияси масалалари таҳлил қилинганлиги диққатга сазовордир.

Қадимги Рим ҳуқуқшунослари эса, жиноят процессида жиноят қидирув фаолиятини амалга оширишнинг етти схемасини ишлаб чиқишиб, ушбу ҳолатлар тергов томонидан тўлиқ аниқланиши лозим деб ҳисоблашган. Ушбу ҳолатлар: «Quis, quid, ubi, quando, cur, quomodo, quibus auxiliis», деб номланиб, яъни жиноят ким томонидан содир этилди, айнан қандай жиноят содир этилди, қаерда содир этилди, қачон содир этилди, жиноят қандай усуллар билан содир этилди, жиноят содир этилишида нималардан фойдаланилди деган саволларга жавоб бериш лозимлигини англатган [4, Б.153-154].

Барча теологик назариялар (ману қонунлари, библия ва шариат қонунлари)да ҳам жиноят ва жазо масалаларига алоҳида тўхталиб, жиноят содир этилишида **шахснинг айбдорлик масаласини** аниқлаш асосий ўринни эгаллаган.

Хусусан, мамлакатимиз тарихида ислом дини асосий дин бўлганлиги сабабли, мазкур дин (шариат қонунлари)да жиноят ва жазо масалаларига тўхталиб ўтсак. Маълумки ислом дини бизнинг диёрларга VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кириб келган ҳамда то 1920 йилларгача барча мавжуд ижтимоий муносабатларни, жумладан жиноят ва жазо масалаларини ҳам тартибга солган.

Б.Марғиновичнинг «Ҳидоя» асарида жиноят деб, қонун тилида шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади деб таъриф берилган [5, Б.211].

М.Ражабова ислом ҳуқуқининг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқ қоидаларини диққат билан таҳлил қилсак, уларнинг ҳар-бири замонавий жиноят ҳуқуқига ўхшаш жиноят таркибидан ташкил топганлигига амин бўламиз деб таъкидлайди. У ўзининг фикрларини давом эттириб жиноят таркибининг асосий элементи ҳисобланган жиноят объекти шариат қонунларида умумий объект сифатида дин ва давлат асослари, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, номуси, мулкнинг турли шакллари, хусусий мулклар, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, диний қоидалар, савдо-сотик тартиб-қоидалари, одил судлов асослари ва бошқа қатор ижтимоий муносабатларни ташкил этган. Шунингдек, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашда жиноят предмети ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Хусусан, ўзгалар мулкни талон-торож қилишни ўғрилиқ деб баҳолашда талон-торож қилинган мулк (ашё) тури ва миқдори аниқ белгиланиши талаб этилган. Жиноят предмети масаласидаги қарашларда (Абу Ханифа ва Имом Шофиъий) тавофутлар учраб турган [6, Б.188-193]. Жиноят таркибининг иккинчи элементи – объектив томони ижтимоий хавфли қилмишни ифода этиб, жиноятлар ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан (закот тўламаслик, битимлар юзасидан мажбуриятларни бажармаслик ва б.қ.) содир этилади деб таъкидланган. Шунингдек, жиноятлар моддий ва формал таркибли жиноятларга бўлинган ва таҳлил қилинганлиги диққатга сазовордир [6, Б.200-203].

Жиноят содир этиш усуллари эса, жиноятларни бир-биридан фарқлашда ва квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, ўзгалар мулкни талон-торож қилишда агарда ўзганинг мулки яширин равишда талон-торож қилинса – ўғрилиқ, очикдан-очик талон-торож қилинса – талончилик, зўрлик ишлатиб талон-торож қилинса – босқинчилик ҳамда ишониб топширилган (омонатга хиёнат) – ўзлаштириш сифатида баҳоланган [6, Б.196-204].

Жиноят таркибининг учинчи белгиси бу жиноят субъектидир. Шариатда ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор берилган. Ислом жиноят ҳуқуқида фақатгина жисмоний шахснинг жиноят субъекти бўла олиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларнинг белгиланганлиги ушбу ҳуқуқ тизимининг нақадар мукамал эканлигини ифодалайди. Француз олими Р.Шарл мусулмон жиноят ҳуқуқида жиноят субъекти тушунчасининг батафсил ёритилганлигини юқори баҳолаб “Европа қонунларига биноан ҳайвон ва ўликлар устидан ҳам суд ҳукми чиқарилаётган бир пайтда мусулмон ҳуқуқи жинойий жавобгарлик масаласини ҳал этишда бундай ёндашишдан воз кечиб, ислом ҳуқуқи европа ҳуқуқ тизимидан юз йилларга илгарилаб кетган эди” деган фикрни билдирган [7, Б.43]. Шунингдек, жиноят субъекти ақли расо ҳамда маълум бир ёшга (15 ёш) етган бўлишлиги талаб этилган [6, Б.206].

Жиноят таркибининг охириги белгиси – жиноятнинг субъектив томони (айбнинг мавжудлиги) ҳам жавобгарликка тортишнинг асоси сифатида исботланиши талаб этилган.



Умумий қоида тариқасида шариат қонунларида жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкинлиги назарда тутилган. Жумладан Б.Марғиновичнинг «Ҳидоя» асарига одам ўлдирининг 5 тури ажратиб кўрсатилади.

1. қасддан ўлдириш;
2. қасдга ўхшаш ўлдириш;
3. беқасд (эҳтиётсизлик) ўлдириш;
4. беқасдга ўхшаш (эҳтиётсизликнинг бепарволик шакли) ўлдириш;
5. сабабли қотиллик [5, Б.625].

Шуни қайд этиш лозимки, ислом ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ (англо-саксон ва континентал) тизимларидан фарқи шундаки, ислом ҳуқуқида нормалар бир бутун мажмуа сифатида берилган. Ҳуқуқий нормалар тузилиши бўйича бир-бири билан чамбарчас боғлиқ деб қаралади ва тармоққа ажратилмаганлиги билан ифодаланади.

Жиноят ва жазо масалаларига оид қарашлар умуман инсоният цивилизациянинг ривожланиши XVI асрнинг охирига келиб Европага кўчди десак муболаға бўлмайди. Мазкур даврга келиб сўзсиз –“жиноят таркиби” атамаси махсус тушунтиришларни талаб эта бошлади. Бугунги кунда умумий қоида сифатида қабул қилинган, италиялик машҳур ҳуқуқшунос олим Проспер Фаринциус томонидан 1581 йилда ўзининг асарига айтилган «*Primum inquisitionis requisitum est probato corporis delicti*» (суд терговининг биринчи талаби бу содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг мавжудлигини аниқлаш) тушунчаси содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб топиш ҳамда шахсни жиноий жавобгарликка тортишда жиноят таркибининг мавжудлиги талаб этилишига расмий жиҳатдан асос солинишига олиб келди [8, Б.48-50].

Натижада ушбу «*corpus delicti*» атамаси бутун Европага кўчиб ўтди ҳамда XVIII асрнинг ярмига қадар инквизиция ҳамда жиноят қидируви процессида қўлланилиб келинди. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу атаманинг жиноят процесси жараёнларига татбиқ этилиши инквизиция ҳамда жиноят қидируви (тергов) жараёнларининг тузилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнларнинг уч қисмга «**қидирув, тергов ва суд**» жараёнларига бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Ўз навбатида жиноят қидируви икки босқичда: *inquisition generalis* ва *inquisitio specialis* амалга оширилди. Биринчи босқичда, (*inquisition generalis*) жиноят содир этилиш факти ҳамда ким томонидан содир этилганлини ўрганилган бўлса, иккинчи босқичда (*inquisitio specialis*) аниқ шахснинг жиноят содир этишда айбдорлиги масалалари ўрганилган [9, Б.17–18].

Дастлабки вақтларда «*corpus delicti*» атамаси **ўлдирилган шахс** мурдаси деган маънони англатиб, мурдани кўздан кечириш жиноят содир этилганлиги фактини аниқлаш усуллари билан бири деб ҳисобланган. Кейинчалик мазкур тушунча кенгроқ талқин қилиниб жиноят содир этишнинг ташқи моддий белгиларининг йиғиндиси (масалан: ўзагалар мулк талон-торож қилишда айбдор томонидан фойдаланилган восита ва қурол ёки у томонидан мулк сақланадиган бинога етказилган зарар, турли кўринишдаги жиноят излари ва ҳ.к.)ни англатган. Шунингдек, жиноят содир этилганлиги фактини тасдиқловчи турли далилларни тўплашни назарда тутган [10, Б.67].

Процессуал термин ҳисобланган «*corpus delicti*» атамаси Немис криминалисти Клеин томонидан немис тилига «**thatbestand**» деб таржима қилиниб, ушбу сўз **ЖИНОЯТНИНГ ашъёвий далиллари** маъносини англатган. Жиноят таркиби назарияси асосчиси ҳисобланган **А.Фрейбах** биринчи бўлиб жиноят ва жазо соҳасида «жиноят таркиби» (таржимаси жиноятнинг ҳақиқий ҳолати) тушунчасини амалиётга киритган. Моддий жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу тушунча замирида «муайян турдаги ноқонуний қилмишнинг ҳуқуқий тушунчасида мавжуд бўлган инсон ҳатти-ҳаракати ёки ҳодиса белгиларининг йиғиндиси – жиноят ҳуқуқий ҳолати (*corpus delicti*)» сифатида намоён бўлиши деб таъкидланган [11, Б.78–79].

Замонавий жиноят таркибининг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилган қарашлар сифатида И.Кант ва Ф.Гегелларнинг ҳуқуқ фалсафасига оид классик қарашлари ҳисобланади. Уларнинг ушбу ғоялари асосида жиноят таркиби ҳақидаги қарашлар иккига (гегел ва кант)чилар гуруҳига ажралиб кетган. Кант қарашлари асосида немис олимлари

жиноят таркибига жиноятнинг ташқи белгиларини, хусусан, жиноятчи шахснинг жиноий хулқ-атворини (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни ифода этувчи объектив томон белигиларини киритишган. Ушбу ҳолатда жиноят таркибининг субъектив томони ҳамда субъектига оид элементлар жиноят таркибидан ташқарида қолиб кетган ҳамда жиноят таркибининг зарурий элементи сифатида эътиборга олинмаган [12, Б.106].

Канчилик фалсафаси асосида таълим олган А.Фейербах жиноят таркиби атамасига фақатгина объектив томон белгилари асосидан келиб чиқиб ёндашган ҳамда субъектив томон белгиларини жиноят таркиби ичига киритмаган. Айрим ҳоллардагина субъектив томон зарурий белгиси ҳисобланган айб (қасд)ни жиноят таркибига киритиб ўтган [13, Б.4].

А. Фейербах томонидан ишлатилган «thatbestand», яъни жиноят таркиби атамасига кейинчалик объектив томон белгилари билан бирга субъектив томони белгилари ҳам киритилиши лозим эканлигини англата бошлади [14, Б.242].

А.Фейербахнинг жиноят таркибига нисбатан ушбу бир-бирига қарама-қарши қарашлари (бир тарафдан жиноят таркибига субъектив томон белгиларини де-юре жиҳатдан киритмаслиги, иккинчи тарафдан эса, де-факто айрим ҳолатларда киритиши), унинг издошларини жиноят таркиби тушунчасини объектив ва субъектив томон белгилари мажмуи ташкил этиши ҳамда шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг ягона асоси бўлади деган фикрни билдиришларига сабаб бўлган. Ушбу тушунча ўз-ўзидан жиноят таркибида айб ва унинг унинг шакллариини ўрганишни тақозо қилишига олиб келди [15, Б.106].

Гегель фалсафасининг намоёндаларидан бири бўлган А.Ф.Бернер ҳам жиноят таркибини тўртта элемент – жиноят объекти, объектив томони, субъектив томони ҳамда субъект ташкил этиши ҳақида фикрларини илгари сурган [16, Б.463, 467].

Немис криминалистларининг давомчилари сифатида М.Бури тамом бўлган жиноятларда жиноят таркибининг субъектив ва объектив томони ҳақида тўхталиб, субъектив томони жиноий иродани ифоласа, объектив томон – ҳуқуқбузарликнинг ташқи томонини ифодалайди деб таъкидлайди [17, Б.55].

Н.Ратовский ўзининг жиноятларга суиқасд қилишга бағишланган диссертация тадқиқотида жиноят таркибининг иккита элементи ҳисобланган жиноят таркибининг объектив ва субъектив томони ҳақида тўхталиб, ёвуз ироданинг ташқи оламда намоён бўлиши деб таърифлайди [18, Б.18].

Секин асталик билан жиноят таркиби атамаси жиноят ҳуқуқи назариясида қадамба қадам шакллана бошлади. XIX аср ўрталарига келиб Россия империясида А.Фейербахнинг «thatbestand» атамаси қабул қилиниб рус тилига “**жиноят таркиби**” деб таржима қилиниб илмий доирага киритилган бўлсада, жиноят таркибига оид масалаларга олимлар томонидан деярли эътибор берилмаган ҳамда алоҳида махсус монографик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Г.И. Солнцеванинг маърузаларида ҳамда П.Д. Калмыкованинг дарсликларида ҳам ўша замон учун хос бўлган жиноятлар ҳақида қарашлар илгари сурилган бўлсада, жиноят таркиби ҳақида аниқ қарашлар берилмаган. Жиноят таркиби ҳақидаги масалалар Л.С. Белогриц Котляревский, Л.Е. Владимирова, А.Ф. Кистяковский, Н.А. Неклюдова, П.П. Пусторослева, Н.С. Таганцева асарларида қисқача баён этилганлигини кузатишимиз мумкин. 1871 йилда А.В. Лохвицкий томонидан нашр этилган жиноят ҳуқуқи курси ҳамда 1919 йилда чоп этилган Э.Я.Немировскийнинг дарслигида жиноят таркиби ҳақида умуман тўхталиб ўтилмаган.

А.Ф. Кистяковский жиноят таркиби ҳақида сўз юритиб, «сезиларли зарурий» элементлар йиғиндиси эканлигини, ушбу зарурий элементлар йиғиндисининг ёки бирор-бир элементининг мавжуд эмаслиги содир этилган қилмишнинг жиноят деб эътироф этилишини инкор этади деган фикрни илгари сурган. Муаллиф жиноят таркибининг тўртта элементини: 1. «жиноят содир этган шахс (субъект)»; 2. «объект ёки предмет»; 3. «жиноят содир этган шахснинг содир этган қилмишига нисбатан ички руҳий муносабати»; 4. «қилмиш, ва унинг оқибатлари ёки субъектнинг ташқи ҳаракатлари ва унинг оқибатлари»ни [19, Б.265] ажратиб кўрсатган.

Н.А.Неклюдов жиноят белгилари йиғиндисини умумий ва махсус кўринишдаги турларга бўлиб ўрганади. Умумий белгилар йиғиндиси деганда, барча жиноят турлари учун тааллуқли

бўлган белгилар йиғиндисига айтилса, махсус белгилар йиғиндиси – алоҳида турдаги конкрет жиноятлар белгиларининг йиғиндиси деган фикрни билдиради. Жиноят таркибининг белгилари эса, ўз навбатида зарурий ҳамда тасодифий белгиларига бўлинади деган ғояни илгари суради. Биринчи турдаги белгиларга – ушбу белгиларнинг мавжуд эмаслиги жиноят мавжуд эмаслигини англатса, иккинчи турдаги белгилар – ушбу белгиларнинг мавжуд эмаслиги қилмишни жиноят эканлигини инкор этмасада, жазо ва унинг миқдорига таъсир қилиши мумкин бўлган белгиларларга айтилади деган фикрни билдирган [20, Б.22–23].

П.П. Пусторослев ўзининг жиноят ҳуқуқига бағишланган маърузаларида жиноят таркиби бу жиноят ҳақидаги барча шароитлар ва белгилар йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир вақтда мавжуд бўлишлиги зарурияти ҳуқуқбузарликни жиноят деб эътироф этишнинг асосий талабидир деб таъкидлаган.

Умумий белгилар йиғиндиси учта зарурий белигилар: 1) субъект ёки жиноят ташкилотчиси; 2) объект ёки жиноят предмети; 3) жинoий қилмишдан иборат бўлади. Махсус белгилар йиғиндисини «бир турдаги жиноят турларини ёки ўхшаш жиноятларни тавсифловчи белгилар» ташкил этади деб таъкидлайди [21, Б.199].

Н.С.Таганцев жиноят таркибига «жинoий қилмишни тавсифловчи белгилар» йиғиндиси деб таъриф беради. Ушбу белгиларга ҳаракатланувчи шахс – жинoий қилмиш айбдори; айбдорнинг ҳаракатлари қаратилган нарса – жинoий тажовуз объекти ёки предмети; жиноятнинг ўзи яъни, жиноятнинг ички ва ташқи томони. У жиноят таркиби белгиларининг мавжудлиги жинoий жавобгарлик асосини ташкил этади деб ҳисоблайди [13, Б.366–367].

Л.С.Белогриц, Котляревский, Н.Д.Сергеев и И.Я.Фойницколар томонидан нашр этилган жиноят ҳуқуқи дарслигида жиноят таркиби (*corpus delicti*) бу «жинoят» тушунчасининг ташқи ва ички хусусиятларига хос белгиларни ўзида ифодаловчи белгилар мажмуига айтилади деб таъриф беришган. Улар ҳам жиноят таркибининг умумий ва махсус белгиларини ажратишган. Умумий белгилар – «жинoятнинг мавжудлигини амалда таъминлашга хизмат қиладиган турдош белгилар йиғиндиси бўлса»; махсус белгилар – «алоҳида турдаги жиноятлар учун хос бўлган белгилар йиғиндиси бўлиб, жиноятларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилади» деб фикр билдиришган. Муаллифлар жиноят таркибининг умумий белгиларига: 1) жиноят субъекти; 2) жиноят объекти; 3) жинoий қилмиш ва оқибатни киритишган [22, Б.43]. Шунингдек, жиноят таркибининг муаммоли жиҳатлари С.М.Будзинский и В.Д.Спасовичларнинг жиноят ҳуқуқининг умумий қисм қoидаларига бағишланган диссертация ишларида ҳам ёритилган. В.Д.Спасович ўзининг илмий изланишларида жиноят бу жиноят предметининг ҳамда айбдорининг мавжудлиги билан изоҳланади деб таъкидлайди. Бундан ташқари, жиноят ўзида тўртта элементни, жиноятнинг ташқи тарафини ифодаловчи иккита белги – қилмиш ва оқибат ҳамда ички белгиларини ифодаловчи – ирода ва тафаккурни ифода этиши лозим деб ҳисоблайди [23, Б.92–93].

Мамлакатимиз олимлари томонидан жиноят таркиби тушунчасига биинчилардан бшқиб, О.Расулов, М.Усмоналиев ҳамда М.Рустамбоев, А.Якубовлар томонидан алоҳида тўхталиб ўтилган ва илмий таърифлар ишлаб чиқилган.

Мазкур олимлар жиноят таркиби ҳақидаги ўз қарашларини ўша вақтда амалда бўлган жиноят қонунлари доирасида беришга ҳаракат қилишган ҳамда улар томонидан жиноят таркиби ҳақида турли фикрлар билдирилганлигига қарамай, уларнинг кўпчилиги жиноят таркиби тушунчаси объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат эканлигини тан оладилар. Жиноят таркиби ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида аниқлашга хизмат қилади деб таъкидлайдилар.

М.Усмоналиев жиноят қонунда кўзда тутилган муайян ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жинoийлигини ифодаловчи томонлар (элементлар) йиғиндисига жиноят таркиби деб айтилади деб таъкидлайди [24, Б.128].

М.Х.Рустамбоев жиноят таркиби деганда, аниқ ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси тушунилади. Бу элементлар жиноят қонунда мустаҳкамланганлиги боис, у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг жинoт деб баҳоланмоғи учун зарур ҳисобланади деб таъкидлайди [25, Б.137].

Мамлакатимизда жиноят таркиби тушунчасининг таърифи тўғридан-тўғри жиноят

қонуни нормаларида акс эттирилиши тарихига назар солсак, 1922, 1926, 1959 ҳамда 1994 йиллардаги Жиноят кодексларида «жиноят таркиби» тушунчасига тўғридан-тўғри таъриф берилмаганлигини кузатишимиз мумкин.

Лекин мазкур жиноят кодексларида жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашга бағишланган Жиноят кодексининг бобларида жиноят таркибига тааллуқли қоидалар акс эттирилганлигини кўрамыз. 1922 йилда йилда қабул қилиниб, мазкур йил 1 июндан бошлаб бутун РСФСР ҳудудида қонуний кучга кирган РСФСРнинг Жиноят кодексининг Умумий қисм «Жазо қўллашнинг умумий тамойиллари» номли 2-боби 11 ва 17-моддаларида жиноят таркибининг субъектив томони ва субъекти масалалари ёритиб берилган ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашнинг асоси сифатида белгиланган [26, Б.3].

1959 йил 21 майда қабул қилиниб 1960 йил 1 январдан қонуний кучга кирган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят Кодекси 3-моддасида, жиноят содир қилишда айбдор бўлган, яъни жиноят қонунида кўзда тутилган, жамоат учун хавфли ҳаракатларни қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этган шахсларгина жиноий жавобгарликка тортилади ва жазоланади деган қоида белгиланган [27, Б.6].

Мазкурқоидада ҳам жиноят таркиби тушунчаси алоҳида тўлиқ ёритиб берилмаганлигини кузатамиз.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда амалда бўлиб турган Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмида «Ушбу Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади» деган қоида белгиланган [28, Б.8]. Лекин мазкур кодексда жиноят таркиби тушунчаси аниқ ёритиб берилмаганлиги сабабли, мазкур кодекснинг 16-моддаси қоидасини тўлиқ тушунишни қийинлаштиради. Яъни жиноят таркибининг барча аломатлари деганда, айнан қайси элементларни назарда тутилиши жиноят ҳуқуқи назарияси қоидаларидан келиб чиқиб аниқланади. Амалдаги жиноят қонунида жиноят таркиби элементлари сифатида, жиноят объекти, объектив томони, субъектив томони ва субъекти тарқоқ ҳолда берилганлигини кузатиш мумкин. Жиноят объекти – Жиноят кодексининг 2-моддасида, объектив томон – 14-моддасида, субъектив томон – V-бобида, субъект – IV – бобида кўрсатилган. Лекин мазкур белгилар айнан жиноят таркибининг зарурий элементлари эканлиги қонуннинг ҳеч бир моддасида тўғридан- тўғри кўрсатилмаган. Ушбу ноаниқликни тузатиш ҳамда амалдаги Жиноят кодексиде «жиноят таркиби»га қонуний таъриф бериш Жиноят қонуни сўзсиз амал қиладиган «Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи» қоидаларини амалда тўғри қўллаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилар эди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, амалдаги Жиноят кодексининг 16-моддаси «Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари» 2-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

**«Ушбу Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.**

**Жиноят таркиби аломатларини – жиноят объекти, объектив томони, субъектив томони ҳамда жиноят субъектига оид зарурий ва факультатив белгилар йиғиндиси ташкил этади».**

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Игнатов А. Н. Состав преступления // Уголовное право России: в 2 т. / под ред. А. Н. Игнатова, Ю. А. Красикова. М., 2008. Т. 1.
2. Бойко А. И. Преступное бездействие. СПб., 2003
3. Волков И.М. Законы вавилонского царя Хаммураби. М., 1914 Дьяконов И.М. Законы Вавилонии, Ассирии и Хеттского царства // Вестник древней истории 3. 1952. С.225-303
4. Чельцов-Бебутов М. А. Курс уголовно-процессуального права. Очерки по истории суда и уголовного процесса в рабовладельческих, феодальных и буржуазных государствах. СПб., 1995.
5. Бурҳониддин Марғинович. Ҳидоя. Т., 1983,
6. М.Ражабова. Ислом ҳуқуқ: жиноят ва жазо: ўқув-қўлланма – Тошкент: “Ўзбекистон

халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 284 – бет

7. Р.Шарль “Мусульманское право”. М., 1959.
8. Завьялова, К. В. Содержание понятия «состав преступления» / К. В. Завьялова. — Текст : непосредственный // Новый юридический вестник. — 2020. — № 7 (21). // URL: <https://moluch.ru/th/9/archive/174/5402/>
9. Познышев С. В. Элементарный учебник русского уголовного процесса. М., 1913.
10. Будзинский С. М. Начала уголовного права. Варшава, 1870.
11. Фейербах П. А. Уголовное право. СПб., 1810.
12. Пионтковский А. А. Преступление // Курс советского уголовного права: в 6 т. / А. А. Пионтковский, П. С. Ромашкин, В. М. Чхиквадзе. Иркутск, 1970. Т. 2.
13. Таганцев Н. С. Курс русского уголовного права. Часть общая. Кн. 1: Учение о преступлении. СПб., 1874.
14. Учение о составе преступления в уголовном праве России и Китая: сравнительно-правовое исследование / под ред. В. С. Комиссарова, А. И. Коробеева, Хе Бенсуна. СПб., 2009.
15. Пионтковский А. А. Преступление // Курс советского уголовного права: в 6 т. / А. А. Пионтковский, П. С. Ромашкин, В. М. Чхиквадзе. Иркутск, 1970. Т. 2
16. Бернер А. Ф. Учебник уголовного права. Части общая и особенная. С примечаниями, приложениями и дополнениями по истории русского права и законодательству положительному Н. Неклюдова. Т. 1: Часть общая. СПб., 1865.
17. Колоколов Г. К учению о покушении. М., 1884.
18. Ратовский Н. О покушении на преступление. Казань, 1842.
19. Пионтковский А. А. Преступление // Курс советского уголовного права: в 6 т. / А. А. Пионтковский, П. С. Ромашкин, В. М. Чхиквадзе. Иркутск, 1970. Т. 2.
20. Неклюдов Н. А. Общая часть уголовного права. СПб., 1875.
21. Пусторослев П.П. Русское уголовное право. Общая часть. Юрьев, 1907.
22. Краткий курс русского уголовного права. Киев, 1908.
23. Спасович В.Д. Учебник уголовного права. СПб., 1863. Т. I. 19. Крылова Н. Е. Дискуссионные вопросы учения о составе преступления // Вестник Московского университета. Сер. 11: Право. 2012. № 4.
24. Усмоналиев М. Жинойат ҳуқуқи (Умумий қисм) дарслик. Тошкент., “Янги аср авлоди”, 2010, 6-664.
25. Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 1. Jinoyat haqida ta’limot. Darslik. 2-nashr, to’ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 441 bet.
26. Уголовный Кодекс РСФСР 24 мая 1922 года // [https://pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK\\_RSFSR\\_1922\\_goda.pdf](https://pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK_RSFSR_1922_goda.pdf).
27. Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилинган.Ўзбекистон ССР Жинойат Кодекси (1971 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Т., Ўзбекистон, 1971. 311-бет.
28. Ўзбекистон Республикасининг Жинойат Кодекси // <http://old.lex.uz/docs/111453>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**МАВЛОНОВ Темур Анвар ўгли**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси таянч докторанти  
E-mail: temurmavlonov12345@gmail.com

## ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** МАВЛОНОВ Т.А. Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш тушунчаси ва тарихи // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 70-77.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-9>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш билан боғлиқ тушунчалар таснифи, процессуал қонунчиликдаги айрим тушунчалар қўллаш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, мулкий зиённи қоплаш билан боғлиқ тарихий ҳолатлар акс эттирилган. Зиён ва зарар тушунчалари ва уларни қўллаш жараёнида тушунчалар билан боғлиқ муаммолар, мулкий ва моддий зарар тушунчалари, жиноят процесси иштирокчиси сифатида фуқаровий жавобгар тушунчаси, мулкий зиённи қоплашнинг асосий механизмларидан бири сифатида мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ айрим фикрлар баён этилган. Мамлакатимизда илк давлатчиликнинг вужудга келишидан бошлаб то илк ўрта асрларга қадар мулкий зиённи тарихи билан боғлиқ адабиётлар ўрганилиб, умумий хулоса қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** зарар, мулкий зиён, хатлаш, фуқаровий жавобгар, зиённи қоплаш, мулкий зиён тарихи, туркий давлатлар, Вандидот, мотив.

**МАВЛОНОВ Темур Анвар угли**

Докторант базовой докторантуры Академии МВД РУз  
E-mail: temurmavlonov12345@gmail.com

## ПОНЯТИЕ И ИСТОРИЯ СТРАХОВАНИЯ ИМУЩЕСТВЕННОГО ВРЕДА В РЕЗУЛЬТАТЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье описывается классификация понятий, связанных с возмещением имущественного вреда, причиненного преступлением, проблемы с применением отдельных понятий в процессуальном праве, а также исторические аспекты, связанные с возмещением имущественного вреда. Изложены проблемы, связанные с понятиями ущерба и убытков в процессе их применения, имущественного и материального вреда, гражданско-правовой

ответственности как участника уголовного судопроизводства, некоторыми представлениями, связанными с арестом имущества как одним из основных механизмов о возмещении имущественного ущерба. Изучена литература по истории порчи имущества от возникновения первой государственности до раннего Средневековья в нашей стране, на основе чего сделан общий вывод. Разработаны авторские предложения по внесению изменений и дополнений в некоторые статьи Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** ущерб, имущественный ущерб, арест, гражданский ответчик, возмещение убытков, история имущественного ущерба, тюркские государства, вандидот, мотив.

**MAVLONOV Temur**

PhD candidate of the Academy of the MIA of the Republic Uzbekistan

E-mail: temurmavlonov12345@gmail.com

## THE CONCEPT AND HISTORY OF PROPERTY DAMAGE COMPENSATION AS A RESULT OF CRIME

### АННОТАЦИЯ

The article describes the classification of concepts related to compensation for property damage caused by crime, problems with the application of certain concepts in procedural law, as well as historical cases related to property damage compensation. Problems related to the concepts of damage and loss in the process of their application, the concepts of property and material damage, the concept of civil liability as a participant in criminal proceedings, some ideas related to the seizure of property as one of the main mechanisms of compensation for property damage. The literature on the history of property damage in our country from the emergence of the first statehood to the early Middle Ages has been studied and a general conclusion has been made. Author's proposals for amendments and additions to some articles of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan have been developed.

**Keywords:** damage, property damage, seizure, civil liability, indemnification, history of property damage, Turkish states, Vandidot, motive.

Инсоният яратилибдики ер юзида жиноятлар мавжуд ва бу жиноятлар бу кунга қадар содир этилмақда. Жиноятлар эса шахс, жамият, давлат манфаатларига маълум даражада зарар етказмоқда. Жиноят ва зарар тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг иккисини бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Лекин, фақатгина фақат жавобгарлик қўллабгина мақсадга эришиб бўлмайди. Жабрланувчи шахслар аксарият ҳолларда жиноят содир этган шахсларининг жавобгарликка тортилишига эмас, балки ўзларига етказилган зарарнинг қоплаб берилишидан кўпроқ манфатдордирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорида таъкидланишича, “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлатнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади” [1]. Шунингдек, мулкий зиённинг қопланиши юқорида келтирилган субъектларнинг давлатга ва унинг қонунларга бўлган ишончини янада оширишга, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига хизмат қилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасига кўра дастлабки тергов ва суд муҳокамасини олиб бориш жараёнида жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори ҳисобланади, бу эса нафақат зарарни қоплаш масаласини ҳал этиш, балки

жиноятни квалификация қилиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Тадқиқотимиз жараёнида мулкий зиён тушунчасини туб моҳиятини англаб етишимиз учун, аввало зиён ёки зарар тушунчаларини англаб олишимиз лозим. Зарар ёки зиён бу субъектларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида бошқа бир субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида зарар тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади”.

Шунингдек, ўзбек тилининг этимологик лўғатида мурожаат қилиб, зарар сўзи “зиён келтирди” маъносини англатувчи арабча “дзарра” феълининг ўзагидан келиб чиққанлиги, ўзбек тилида бу сўзнинг “зиён” маъносида ишлатилишини учратдик [2, Б.140].

А.В. Волков зарарнинг қуйидаги тушунчасини таклиф қилади: “Зарар тушунчаси, одатда, шахсга, унинг қадр-қиммати, шаъни, ишчанлик обрўси, соғлиги ёки мол-мулкига маълум кўринишда зарар этказиш, тартибсизлик, ноқулайлик, йўқотиш ёки этишмовчиликни вужудга келтириш факти билан белгиланади. Шу маънода, “йўқотиш” тушунчасининг ўзи маълум бир йўқотилган ҳуқуқий ёки моддий имконият шаклида дастлаб этказилган зарар, хусусан, фуқаролик ҳуқуқида бой берилган фойда деб аталадиган нарсадир” [3, Б.26].

И.Г. Кожин бу фикрларга қўшилган ҳолда зарар тушунчасига қуйидагича тариф беришни таклиф қилади: “жиноят туфайли етказилган зарар, субъектнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига жинойий тажовуз қилиниши натижасида шахснинг (жисмоний ёки юридик) мулкий ёки номулкий хусусиятга эга бойликларига етказилган салбий оқибатларни ташкил этади” [4, Б.9].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари зарар ва зиён тушунчалари бир қаторда қўлланилиб келади ва бу эса кўпчилик ҳолларда ўзаро мунозарали ҳолатларга сабаб бўлади. Б.М. Хамроқулов “зарар” ва “зиён” тушунчаларини юридик жиҳатдан таққослаб, бу тушунчалар маъно жиҳатдан ўзаро фарқ қилишини айтиб ўтган. Унга кўра, “ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) моддий неъматларни қамраб олса зарар келиб чиқади. Ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари камситилса зиён келиб чиқади” [5, Б.7].

Ўзбек тилининг изоҳли лўғатида “зарар” тушунчаси “шикаст”, “зиён”, “йўқотиш” маъноларини, “зиён” тушунчаси эса “зарар”, “йўқотиш” маъноларини ифодалаши, шунингдек, русча-ўзбекча ва инглизча-ўзбекча лўғатларда бу икки тўшунча ўзаро синоним эканлигини кўришимиз мумкин [6, Б.133, 147].

Д.Р. Тўраева «зарар» ва «зиён» синоним сўзлар эмаслиги, балки юридик жиҳатдан ўзаро фарқ қиладиган тушунчалар эканлигини, шунингдек агар ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) моддий неъматларни қамраб олса, “зарар келиб чиқиши” ҳамда “мулкий зиён” жумласи ўрнига “моддий зарар” жумласини қўллашни, “моддий зарар” тушунчаси “мулкий зиён”га қараганда кенг тушунча эканлиги, “мулкий зиён”ни ҳам қамраб олиши ҳақида фикр билдирган [7, Б.16].

Зарар (ҳуқуқда) — бир шахсга иккинчи бир шахснинг ҳуқуқбузарлиги туфайли етказилган пул шаклидаги зиён [8, Б.35].

Шунингдек, Д.Р. Тўраева томонидан зиён тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини беради: “Зиён” жабрланувчини камситиш, жисмоний оғриқ, маънавий (руҳий) азоб чекиши, соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқдир ва бунинг натижасида фуқаронинг мулки йўқолиши (камаиши) ҳам мумкин. Лекин бошқа ҳолатларни, масалан, “бой берилган фойда”ни қамраб олмайди, жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъво, бевосита зиённигина эмас, балки кўрилган зарарни ҳам ундиришни кўзда тутуди [7, Б.16].

Фикримизча, зарар тушунчаси зиён тушунчасига нисбатан кенгроқ маънода қўлланилиб, ҳуқуқбузарлик натижасида юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли мол-мулк, мулкий ҳуқуқ ҳажмининг камаишига ёки йўқотилиши, бекор бўлишига олиб келадиган моддий



зарар ёки номоддий неъматнинг (жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи, шаъни, қадр қиммати, руҳий ҳолати) шикастланиши ёинки ундан маҳрум бўлиниши тушунилади. Бундан келиб чиқадики, зарар моддий, маънавий ёки жисмоний хусусиятни ўзида акс эттиради. Маънавий ва жисмоний зарар фақатгина жисмоний шахсларгагина етказилиши мумкин. Моддий зарар эса ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга етказилиши мумкин.

Мулкий зиён тушунчасига тўхталадиган бўлсак, “мулкий” сўзи “эга бўлди” маъносини ифодаловчи “малака” сўзи асосида шаклланган [2, Б.285] бўлиб, “мулкка ва унга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган” маъносини англатади [6, Б.634].

Ислонда мулк тушунчаси турли масҳабларда турли таълқин этилади. Баъзи ислон ҳуқуқшунослари мулкни қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шартлигини такидлаганлар: яроқлилиқ, хусусий бўла олиш. Ханафий уламоларнинг фикрича, у жамғарилиш хусусиятига эга бўлиши шарт. Шофеъий ва ханбалий масҳабининг тарафдорлари инсон меҳнати пул билан ўлчанадиган бўлса, уни ҳам мулк дейиш мумкинлигини такидлаганлар. Шиа масҳаби ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра мулк хусусий мулк бўла олиши, айланма фойда предмети бўлиши ҳамда инсонга фойда келдтириши лозимлиги такидланган [9, Б.21-22].

Яъни, мулкий зиён маълум бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулкка ва унга эгалик қилиш билан боғлиқ муносабатларига салбий маънодаги таъсири тушунилади.

У.А. Абдураҳмонов етказилган моддий зиёни шахсга етказилган зиён, мулкка етказилган зиён ва маънавий зарар каби кўринишларда таърифлаган [10, Б.14].

А.П. Рижаконинг таъкидлашича, “жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга тегишли товар моддий бойликларга таъсир этиш натижасида (уларни эгаллаб олиш, уларга шикаст етказиш, уларни йўқ қилиш ва ҳ.к.) етказилган моддий зарар ундирилиши лозим бўлган моддий зарар деб тан олинади” [11, Б.96].

Д.Р. Тўраева: “Моддий зарар – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли молмулкнинг шикастланиши ёки йўқолиши ҳамда мулкий ҳуқуқларга етказилган иқтисодий зарардир”, - деган фикрни билдириб ўтган [7, Б.16].

Т.Н. Тиллаевнинг фикрига кўра жиноят процессида моддий зарар тушунчаси мулкий зарар тушунчасига қараганда кенгроқ маънода таърифланади ва у ўз навбатида мулкий зарарни ҳам ўз ичига қамраб олади. Сабаби, жиноят натижасида мулкий зарар етказиш дейилганда, айнан мулкий муносабатларга етказилган зарар тушунилса, жиноят натижасида моддий зарар етказиш дейилганда мулкий зарардан ташқари жиноят туфайли етказилган бошқа шаклдаги (маънавий ва жисмоний зарардан ташқари) зарар тушунилиши лозим [12, Б.40].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 39<sup>2</sup>, 54, 56, 154, 211, 302, 313, 396, 398, 413, 457, 467-моддаларида “мулкий зарар” тушунчаси, 276, 277, 278, 283, 285, 304, 303, 305, 306, 307, 312, 470, 577-моддаларида эса “мулкий зиён” тушунчалари қўлланилганлиги, 84, 329, 497<sup>30</sup>-моддалида эса моддий зарар тушунчалари қўлланилганлиги ва бу тушунчалар бир маънони ифодалаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу тушунчалар орасидаги юридик коллизияни вужудга келтираётганлигини кузатишимиз мумкин. Т.Н. Тиллаевнинг фикрига қўшилган ҳолда зарар тушунчасининг кенг маънода қўлланилиши ва зиён тушунчасини ҳам ўзига қамраб олишини инобатга олиб, 276, 277, 278, 283, 285, 304, 303, 305, 306, 307, 312, 470, 577-моддаларида қўлланилган “зиён” тушунчасини зарар сўзига алмаштириш лозим.

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиёни қоплашни таъминлашнинг асосий механизмларидан бири мол-мулкни хатлаш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасида ҳукмининг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шартлиги белгилаб қўйилган. Шубҳасиз, бу жиноят натижасида етказилган мулкий зиёни қоплашни таъминлашнинг энг самарали механизми ҳисобланади. Шунингдек, юқорида келтирилган модданинг иккинчи қисмида “гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва

фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди” дейилган. Бундан англашилиб турибдики, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгар оиласи бўлган тақдирдагина уларнинг нормал турмушини таъминлаш учун мол-мулк хатланмаслиги мумкин. Норманинг ушбу тарзда ифодаланиши оиласи бўлмаган шахсининг ягона турар жойи ва ушбу моддада келтирилган бошқа буюмлари хатланиши мумкинлигини ифодаламоқда. Бизнингча, қонун чиқарувчи ушбу нормани қабул қилишда ушбу маънони ифода этмоқчи бўлмаган. Бошқа қонуности ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўyxатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарорида ҳам “қарздор ва унинг оиласининг” [13] деган жумла ишлатилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунининг 52-моддаси (Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк)да “Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса қаратилмайди” [14] дейилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддаси (Мол-мулкни хатлаш) иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз: Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгар ва (ёки) уларнинг оила аъзолари нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 58-моддасида айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкый жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган. Бу тушунча кўпчилик ҳолларда муомалага лаёқатли гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳам жиноят ишида фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиниши лозим деган фикр вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сон қарорининг 4-бандида бу ҳолат юзасидан қуйидагича шарҳ берилган: “Қонунга кўра, мулкый зиён учун жавобгарлик айбланувчи, судланувчига эмас, балки бошқа шахсга юклатилган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд тегишли жисмоний ёки юридик шахсни фуқаровий жавобгар сифатида ишда иштирок этишга жалб этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради ва унга ЖПК 59-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради” [1]. Лекин қонун нормасида, яъни ЖПКнинг 59-моддасида бундай маънони англаб олиш анча мушкул.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида жиноят натижасида етказилган зарарни ундиришда айбланувчи шахс фуқаровий жавобгар сифатида ишга жалб қилиниши мумкинлиги қайд этилган [15, Б.318].

Шу мақсадларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 58-моддаси (Фуқаровий жавобгар)нинг матнини қуйидаги таҳрирда баён этишда таклиф этамиз:

“Айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра бошқа мулкый жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.”

Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш барча замонларда ҳам давлат ва жамиятнинг асосий муаммоларидан бири бўлган. Бу муаммоларни тартибга солиш учун турли хил тартиб-қоидалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этила бошлаган. Биринчи қонунлар тузган ҳукмдор сифатида тарихга кирган Хаммурапи ўзининг жорий қилган тартиб-қоидалари барча учун – бадавлат ва қашшоқ кишилар учун бирдек бўлган. Хаммурапи

қонунларига кўра шифокор амалга оширган жаррохлик амалиёти натижасида бемор вафот этса, шифокорнинг қўллари кесиб ташланиши, бинокор қурган уй тўсатдан қулаб, бирон кишини босиб қолса, бинокор қатл этилиши қайд этилган [16, Б.49].

Ушбу қонунни ўрганишимиз жараёнида шуни кузатдикки, мулкка қарши жиноятлар учун асосий жазо ўлим жазоси бўлган, бу эса етказилган мулккий зиён учун жавобгарликнинг жуда оғир бўлганлигини кўрсатади. Ҳаёт ва соғлиқка зарар етказиш ёки бундай ҳаракатлар содир этиш учун уринишга талион жазо тизими жорий қилинган, яъни жазо жиноят натижасида етказилган зарарга тўлиқ мос келиши керак. Хаммурапи олдинги даврларга нисбатан талион тизимидан фойдаланишни сезиларли даражада кенгайтирди, товон тўлаш амалиётини эса кескин қисқартирди. Жазо қўллашдан асосий мақсад шахсни тарбиялаб, жамиятга қайтариш эмас, балки жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш ва бошқаларга ўрнак бўлиш бўлган [17, Б.15].

Мамлакатимизда илк давлатларнинг вужудга келишидан, яъни милоддан аввалги VIII-VII асрлардан то милодий VII асрга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда одат ҳуқуқи ва зардуштийлик динининг китоби бўлган Авесто муҳим аҳамият касб этган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида энг қадимий қомусий манба “Авесто” ҳисобланади. “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас манбаи сифатида диний-фалсафий, мулккий-ҳуқуқий муносабатларни акс эттиради. Авестонинг “Вандидот” [18, Б.106] китобида ҳуқуқий қоидалар ўз аксини топган. У қадимий муғларнинг одат ва анъаналарини, расм-русмларини, ахлоқ-одоб, маданият ва маорифни, қонунларини ўз ичига олган [19, Б.22]. Авестода ўрнатилган қоидаларга мувофиқ қонун чиқарувчи орган оқсоқоллар кенгаши – “Варзантапати” бўлиб, у жамият ҳаётида юзага келган ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилган. Катта оилада эса “Виспати” асосий вазифани бажариб, у қабила раҳбари, қоzi, диний руҳоний ҳисобланган [20, Б.133].

Авестода, аксарият ҳолларда, бир шахс томонидан содир этилган ҳаракат учун бутун бир оила ёки жамоа жавобгар бўлиши, зарарни қоплаш уларнинг зиммасига бирдек юклатилганлигини кузатишимиз мумкин.

Авестода бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай ҳолатда яхши ният, жиноят учун жазо, ҳалол меҳнат билан еришилган бойликни юқори баҳолаш, меҳнат қилмасдан бойлик орттириш масалалари диний ва маънавий томондан салбий фазилатлар ҳисобланади ва айна пайтда мавжуд фуқаролик ҳуқуқи концепциясининг муаммолари ва асосидир. Жумладан, амалдаги фуқаролик ҳуқуқи зарарни қоплашда ҳуқуқбузарликнинг мақсади ва мотивига алоҳида еътибор бермайди, балки зарарни қоплашни биринчи ўринга қўяди. Бизнинг фикримизча, зарарни қоплашда зарар миқдорини аниқлаш ва ундириш учун ҳуқуқбузарнинг мақсади ва мотивларини еътиборга олиш, шунингдек, зарарни ундиришда “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” меъзонларини ҳисобга олиш лозим [21, Б.318].

Шунингдек, бу даврда мавжуд бўлган одат ҳуқуқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу даврда туркий халқларда кўпроқ одат ҳуқуқлари кенг тарқалган ва бизгача Хитой манбалари орқали етиб келган. Шу манбаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, туркларнинг қадимги аجدодлари ҳисобланган хуннларда ёзма қонунчилик бўлмаган ва қонунлар оғзаки эълон қилиб турилган. [22, Б.47] Дунху (Ухуан) қабилаларида ўзига хос жиноят қонунлари мавжуд бўлиб, одам ўлдириш ва ўғрилиқ каби жиноятлар содир этил ҳолларда аймоқ (қишлоқ жамоаси) оқсоқолларига мурожат этилмай, зарарни қоплаш билан боғлиқ низони ҳал қилишга рухсат берилган. Одам ўлдиришда айбланган киши от ёки қўй тўлаш евазига жавобгарликдан қутулиши мумкин эди. Турк хоқонлигида ҳам одат ҳуқуқлари устувор бўлиб, безорилик оқибатида тан жароҳати етказилганда мулккий жазо – зарарни тўлатиш (қоплаш) жазоси берилган. Бунда келтирилган зарарнинг даражаси эътиборга олинган. Масалан, безорилик натижасида бирор кишининг кўзига жароҳат етказилса, жабрланувчига қизини ерга бериши, қизи бўлмаса, уйланиши учун зарур мулкни тақдим этиши лозим эди. Аъзоларининг бирортаси ишдан чиқарса, бу зарар ишга яроқли от билан қопланиши, от ёки бошқа ашёларни ўғирлаганлик учун эса ўғирланган ашё қийматининг ўн баробарини ундириб олиш билан чекланилган [22, Б.48-51].

Эфталлар ҳокимиятни қонунлар асосида бошқаришган. Жиноят содир этганлик учун

қаттиқ жазо чоралари қўлланилган. Ўғрилик содир этганларнинг бўйини кесиб қатл этиш ёки ўғирлаб кетган мулкнинг ўн баробари миқдорида ундириб бериш жазоси қўлланилган. [19, Б.26]

Амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг айрим нормаларида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддаси (Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси) ва 55-модда (Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар) ларида зарар етказган шахснинг мотив ва мақсадларини инобатга олган ҳолда қўлланиладиган енгиллаштирувчи нормалар берилган бўлсада, ушбу моддаларга таалуқли бўлмаган жиноятни содир этган шахсларнинг узғу маънодаги мотив ва мақсадларни кўзлаб содир этган ҳаракатлари учун енгиллаштирувчи норма мавжуд эмаслигини кузатишимиз мумкин. Қонунчилигимизга ушбу ҳолатларни ўзида акс эттирувчи нормаларни киритиш ва қилмиш учун жавобгарлик қўлланилаётганда мотив ва мақсадни инобатга олинишини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори. // URL: <https://www.lex.uz/docs/3115385>
2. Ўзбек тилининг этимологик лўғати / Ш. Раҳматуллаев. – Т.: Университет, 2003.
3. Волков А.В. Возмещение убытков по гражданскому праву России: Диссертация кандидата юридических наук. Волгоград, 2000.
4. Кожин И. Г. Уголовно-процессуальный механизм обеспечения возмещения вреда физическому лицу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень: Институт государства и права ТГУ, 2006.
5. Хамрақулов Б. М. Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2008.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лўғати. // А. Мадвалиев таҳрири остида. Давлат илмий нашриёти. Т.3. - Т., 2007. – Б.436.
7. Тўраева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(PhD) ... дис. автореф. – Т.: Ўз. Рес. ИИБ Академияси, 2020.
8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси “З” ҳарфи 35-б (National encyclopedia of Uzbekistan, letter “Z”)
9. Исхаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2005.
10. Абдурахмонов У. А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид. фан. номз. дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б.14.
11. Рыжаков А. П. Возмещение вреда, причиненного преступлением. – М.: Норма, 1999. – С. 96. (Ryzhakov A.P. Compensation for the harm caused by a crime. - M.: Norma, 1999. - P. 96.)
12. Тиллаев Т.Н. Жиноят процессида фуқаровий даво: Юрид. фан. номз. дис. – Т.: 2009. – Б.40.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарори // URL: <https://www.lex.uz/acts/1470263>
14. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/26477>
15. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси “Ф” ҳарфи 318-б.
16. Тарих. Қадимги дунё 6-синф: умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик / А. Сағдуллаев, В. Костетский. - Тузатилган ва тўлдирилган бешинчи нашр. -

Тошкент.: “Янгийўл полиграф сервис”, 2017. .

17. Кудинова Н.Т. Законы царя Хаммурапи. – Хабаровск.: Тихоокеанский государственный университет, 2013.

18. “Авесто”нинг ўзбек тилидаги таржимасида “Вандидод”. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқад Маҳкам таржимаси. – Т., 2001.

19. Давлат ва ҳуқуқ тарихи: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик // Н. Одилқориев, Н. Азизов, Х. Мадиримов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

20. Рахмонов Р.И. “Авеста” – великий историко-правовой источник // Проблемы современной науки и образования. – М., 2013. – № 2 (16).

21. Имамов Н.Ф. Авеста — источник гражданского права // Молодой учёный. Санкт-Петербург, 2014. – № 5.1 (64.1)/2014.

22. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. – Т., 2003.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РОЗИҚОВ Илҳом Истамович**

Бухоро вилояти юридик техникуми ўқитувчиси

E-mail: ilhomroziqov5@gmail.com

## ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** РОЗИҚОВ И.И. Жиной жазоларни қўллаш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 78-83.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-10>

### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар, шу жумладан Ўзбекистоннинг ривожланиш тарихи шахс ҳуқуқ ва эркинликлари институтининг ривожланиши ва такомиллашуви билан чамбарчасдир. Инсонпарварлик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш даражасига фаол таъсир кўрсатувчи кадриятлар йўналишидир. Мазкур тамойил инсон ва умуман, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш орқали давлатнинг алоҳида шахслар билан ўзаро муносабатлари даражасини белгилаб беради. Ушбу мақолада асосан жиноят ҳуқуқида жазо самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларига урғу берилиб, жазоларни инсонпарварлаштириш, уларни жамият талабига мос равишда янгилаш, жазони қўллашда жиноят қонунида мавжуд коррупцаген нормаларни бартараф этиш, суднинг ихтиёрига боғлиқ факторларни имкон қадар қисқартириш масалалари бўйича сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** жазони қўллаш самарадорлиги, жиноят, жазо, инсонпарварлик тамойили, давлат, инсон, жамоатчилик назорати, тарафлар розилиги, кенг жамоатчиликка ошкор этиш.

**РОЗИКОВ Ильхом Истамович**

Преподаватель Бухарского областного юридического техникума

E-mail: ilhomroziqov5@gmail.com

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ УГОЛОВНЫХ НАКАЗАНИЙ

### АННОТАЦИЯ

Сегодня история развития многих стран, в том числе и Узбекистана, тесно связана с развитием и совершенствованием института прав и свобод личности. Гуманизм – это линия ценностей, активно влияющая на уровень развития общественных отношений. Этот принцип определяет уровень взаимодействия государства с личностью путем создания

благоприятных условий для всестороннего развития человека и общества в целом. В данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты повышения эффективности наказания в уголовном праве, гуманизация наказаний, их модернизация в соответствии с потребностями общества, устранение коррупционных норм в уголовном праве, снижение факторов, связанных по усмотрению суда.

**Ключевые слова:** эффективность наказания, преступление, наказание, принцип гуманности, государство, человек, общественный контроль, согласие сторон, разглашение общественности.

**ROZIKOV Ilkhom**

Lecturer at the Bukhara Regional Law College

E-mail: ilhomroziqov5@gmail.com

## THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF INCREASING THE EFFICIENCY OF APPLICATION OF CRIMINAL PUNISHMENTS

### ANNOTATION

Today the history of the development of many countries, including Uzbekistan, is closely related to the development and improvement of the institution of individual rights and freedoms. Humanism is a value direction that actively influences the level of development of social relations. This principle determines the level of interaction between the state and individuals through the creation of favorable conditions for the full development of a person and society as a whole. This article discusses the theoretical and practical aspects of increasing the effectiveness of punishment in criminal law, the humanization of punishments, their modernization in accordance with the needs of society, the elimination of corruption norms in criminal law, and the reduction of factors related to the discretion of the court.

**Keywords:** effectiveness of punishment, crime, punishment, principle of humanity, state, person, public control, consent of the parties, public disclosure.

Миллий давлатчилигимизни ташкил қилиш, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш халқимиздан, илм аҳлидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан катта меҳнат, изланиш, шижоат талаб қилади. Бинобарин, ҳозирги даврда мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари олдида турган муҳим вазифалардан бири – миллий давлатчилик ва қонунчилигимизнинг назарий асосларини яратиш, мавжудларини эса янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бу вазифани халқимизнинг давлатчилик ва қонунчилик тарихига мурожаат қилмасдан, ўтмиш сабоқларидан тегишли хулоса чиқармай ҳал қилиш мушкул. Бунинг учун айти пайтда бизда барча имкониятлар мавжуд.

Янги Ўзбекистон жамиятида жазоларни инсонпарварлаштириш, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиқни қайта кўриб чиқиш бўйича бир неча бор такрорланган бўлсада, мазкур соҳада ҳанузгача кўзга кўринарли салмоқли ишлар амалга оширилмаяпти. Ваҳоланки, мазкур вазифаларни амалга ошириш учун республика президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони асосида 2018 йил 14 майда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиқини такомиллаштириш концепцияси” қабул қилинган [1, Б.4]. Ушбу концепцияга кўра, жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиғини, ахборот олиш эркинлиғини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини

такомиллаштириш, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очiqлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 16 июнь 2021 йилдаги фармони [2, Б.3] қабул қилинган бўлиб, мазкур фармоннинг 14-банди “б” кичик бандида “манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрдан бошлаб “тарафларнинг розилиги билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қилувчи, аҳоли соғлиғини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оилавий низоларга оид фуқаролик ишлари бўйича суд мажлислари (ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно)” телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Чунончи, мазкур фармоннинг ҳозирги кунда долзарблиги мен томонимдан мақолада илгари сурилган “Инсонпарварлик тамойилига асосланган жамоатчилик таъсири жазо назарияси”нинг туб моҳиятини ташкил этиб, тарафларнинг розилиги асосида уларга оид бўлган маълумотларни телеканаллар ва Интернет тармоғи орқали узатиш масаласининг асослилигини қуйидаги изоҳлар орқали таҳлил қиламиз.

Аввало «Инсонпарварлик тамойилига асосланган жамоатчилик таъсири жазо назарияси деганда, жиноят содир этган шахсга нисбатан давлат томонидан ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳақида жиноят процесси иштирокчиларидан ташқари бошқа шахсларнинг хабардор бўлиши инсоннинг табиий ҳуқуқларига тажовуз саналади (айбдордан психологик қасос олиш). Бунда жамоатчилик учун ошкоралик таъминлашда инсонпарварлик жазо назарияларининг тамойилларига мурожаат қилиниб, жиноят содир этган деб эътироф этилаётган шахсларнинг розиликлари, шунингдек жиноят иши бўйича ҳуқуқни қўллаш учун масъул бўлган давлат ходимларининг рухсати билан амалга оширилиши тушунилиши, бу қоидага истисно тариқасида “Ижтимоий персонификация”га учраган жиноятларни, яъни бутун жамият, худди битта шахс каби, жиноятни ўзларига нисбатан содир этилган деб ҳисобланган ҳолатлардагина (мисол учун давлатга қарши жиноятларни, террор, экстремизм ва ҳ.к), жиноятни содир этган деб эътироф этилган шахсларнинг розилигисиз, жиноят ишини юритишда ҳуқуқни қўллаш учун масъул давлат ходимларининг рухсати асосида кенг жамоатчиликка ошкор қилиш (бунда жамиятга нисбатан жиноят содир этган шахсга жамоатчилик фикри ҳам асосий жазодан ташқари қўшимча равишда алоҳида руҳий-психик босим сифатида таъсир кучига эга бўлади) тартибини қиритиш лозим» [3, Б.74].

Тарихдан маълумки, мамлакатимиз ҳудудида гоҳида яхлит, гоҳида бир-биридан мустақил тарзда фаолият кўрсатган давлат ёки давлатларнинг маъмурий бошқаруви, иш услублари-ю сиёсий тузуми узоқ йиллар давомида шариат қонунларига бўйсундирилган. Бинобарин, маҳкумнинг ахлоқан тузалишини узоқ кутгандан кўра, ўз даври учун оммага жуда тез таъсир қиладиган, керак бўлса қўрқув ва даҳшатга соладиган, жисмоний азоб-уқубат берадиган жазоларнинг самарасига кўпроқ эътибор қаратилган ва фойдаланилган. Жазонинг ижросини халқнинг кўзи олдида амалга ошириш каби қоидалар нафақат бизнинг мамлакатимиз жазолаш тизими тарихи билан, балки дунёдаги бошқа давлатларнинг жазони ижро этиш тизими тарихи билан ҳам боғлиқ ўзига хос бўлган умумий хусусиятдир [4, Б.217].

Аммо, утилитар хусусиятларга эга бўлган жазо назариясининг умумий профилактика (жиноятларни олдини олишнинг умумий функцияси) қисми бўйича илгари сурилган “жиноят содир этилганлиги юзасидан давлат фаолиятини кенг жамоатчиликка эълон қилиш” бўйича билдирилган қарашларининг бугунги дунё талабларига жавоб бермайдиган қуйидаги камчиликлари яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан:

- шахснинг давлат томонидан жавобгарликка тортиш жараёнлари субъектив сабабларга кўра ҳар доим ҳам қонуний ечимга сабаб бўлмади, илгари жамият учун хавфли деб топилган шахс, кейинчалик жамиятнинг жабрдийдаси сифатида қаралиши (масалан, минглаб беғуноҳ инсонларга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилиши ва реабилитация қилиниши);



- содир этилган жиноятларнинг тафсилотларини эълон қилиш бошқа шахслар томонидан худди шу тарздаги ҳаракатларни содир этиши учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши; (мисол учун фирибгар жуда катта миқдордаги мулкни ўзлаштирди, буни эшитган чорасиз бошқа инсон эълон қилинган айбдорнинг мулкка эга бўлиш усулини билиб олиб, кейинчалик мазкур тоифадаги жиноятларни содир этишига имкон яратилиши)

- жиноят содир этишда айбдор деб ҳисобланган шахснинг келажақдаги табиий ҳуқуқларини бузилиши, яъни жамоатчиликда шакллантирилган салбий фикр босими остида яшашга мажбур қилиниши;

- жазо, ҳуқуқий таъсир чоралари ва бошқа процессуал мажбурлов чораларининг эълон қилиниши асосий жазога қўшимча жазо тариқасида хизмат қилиши, яъни “жазо ичидаги жазо”лаш йўли орқали шахснинг шаъни ва қадр қимматини бадном қилишга уриниш,

- жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини кенг жамоатчиликка етказиш жараёни собиқ ЎзССРнинг 21.05.1959 йилдаги Жиноят кодексининг 32-моддасида алоҳида жазо, яъни “жамоат иззаси” тариқасидаги жазо кўринишида ифодаланганлиги ва ушбу жазо тури 22.09.1994 йилдаги Ўзб.Р.Жиноят кодекси билан бекор қилинганлиги [5, Б.21];

- жиноят содир этган шахс ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка ошкор қилиш масаласи ҳозирги кунда на жазо чораси, на мажбурлов чораси, на бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари сирасига киритиш мумкинлиги, яъни амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топмаганлиги;

- айбдор шахснинг қилмишларини ва унга нисбатан тайинланган жазоларни жамоатчиликка ошкор этиш, баъзи бир жиноят содир этган шахслар учун жамиятда машҳурликка эришиш йўли сифатидаги истакларини амалга оширишга хизмат қилиши;

- бугунги шиддат билан кириб келаётган медиа-ахборот оқими жамиятда эълон қилинган маълумотнинг телеграмм, фейсбук, ютуб, ватсап ва бошқа Интернет тармоқлари орқали бутун дунё жамоатчилигига тезда тарқалиши ва мазкур ахборотга эга бўлган шахслар томонидан жуда кўплаб муносабат билдирилиши ва мустаҳкамланиши натижасида руҳий босимнинг оммавий тус олиши (психологик жазо), натижада шахс ўзининг бегуноҳлигини исботлаш жараёнида қўшимча равишда жамоатчиликнинг ўзига нисбатан шаклланган нотўғри муносабатига дуч келиши;

- замонавий жамиятнинг олий қадрияти давлат эмас, балки инсон эканлигини инобатга олиб, жазони кенг жамоатчиликка эълон қилиш орқали давлатнинг жамиятни мазкур (жиноятларни олдини олишда умумий профилактика жазо назарияси) бошқариш усули маънан эскирганлигини тан олиш;

- жиноят қонунида жиноий жазоларни кенг жамоатчиликка эълон қилиш тартибини ўрнатилмаганлиги, гарчи одат ҳуқуқи асосида жиноят процессуал қонунчилигида иш юритиш белгиланмаган бўлсада, шахс ҳақидаги маълумотларни жамоатчиликка эълон қилиш-одат ҳуқуқи (СССР қонунчилигига одатланиш) асосида амалга оширилиб келинаётганлиги;

- жиноятчиликнинг олдини олишда умумий профилактика мақсадида жиноят содир этган инсоннинг шахсиятидан фойдаланиб эмас, балки жиноят қонунларида назарда тутилган ҳаракатлар ва уларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазоларнинг тарғиботини кучайтириш орқали эришиш мумкинлига эътибор қаратилмаганлиги.

Гарчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида ва Олий суд Пленумининг 2021 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида»ги қарорида [6, Б.11] тарафларнинг розилиги билан суд мажлислари телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали эфирга узатилиши масаласи белгиланган ва бу бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилган бўлсада, афсуски ҳозирги кунга қадар мазкур тартибларни белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига бирор-бир ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида ҳам “Жазо бошқа шахслар янги жиноят

содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади” деган тушунча ҳозирги кунда ҳам жазоданутилитар мақсадларда фойдаланиш давом этаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари олий қадрият деб ҳисобланадиган бир замонда айбдор шахсларни жазолаш орқали уларнинг табиий ҳуқуқларини, яъни шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини қурбонлиги эвазига бошқа шахсларни жиноят содир этмасликларини мақсад қилиб, жазо қўллашни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш ғоясига ижобий ёндошиб бўлмайди. Аслида эса бошқа шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш учун муайян бир шахсга жазони қўллаш жараёнини жамоатчиликка унинг розилигисиз эълон қилиш орқали эмас, балки жиноят қонунчилиги тарғиб қилиш, мақолалар ёзиш керак бўлса ҳар битта жиноят тури бўйича қонунлар қабул қилиш йўли орқали эришилиши мумкин.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқида жазо самарадорлигини ошириш учун Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги барча моддаларида назарда тутилган нисбий муайян санкцияларни (масалан 10 йилдан 15 йилгача, 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш; 100 бараваридан 200 бараваригача жарима ва х.к) судьялар томонидан ососланган ҳолда жазо тайинланиши учун қонун чиқарувчи томонидан жазо меъёрлари ва миқдорларини аниқ қилиб белгилашда ҳар бир модда санкциясига асосланган қўшимча қисмлар (шарҳлар) киритилиши ёки жазо тайинлаш критерияларини ишлаб чиқиш лозим.

Зеро, жиноят содир этган шахс деб эътироф этилган инсоннинг қилмишига яраша жазо тайинланиши, тайинланаётган ҳар бир жазо миқдори ва меъёри ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг мавҳум ички ҳиссиётига эмас, балки аниқ фактлар ва муайян мезонларга кўра асосланганлиги лозим.

Чунончи, жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини аниқлашда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларида етарли даражада жуда кўплаб тартиблар ва асослар белгиланган, лекин айбдорга нисбатан тайинланадиган жазонинг тартиблари, асослари ва исботи етарли даражада асосланмаган. Зеро, жиноят ва жазо бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларнинг айбдорлигини исботлашда, камида 14 хил тергов тергов ҳаракати ўтказилиши белгиланган, лекин жазо тайинлашда ЖК моддаси санкциясида биргина ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгиланган. Бунда, судья қайси ҳолатларда 10 йил, қайси ҳолатда 11, 12, 13, 14, 15 йил ёки 10 йилу 1 ой, 6 ой ва ҳ.к муддатларда тайинлаши мумкинлиги, ёки жазо санкциясида 200 бараваридан 400 бараваригача жарима жазоси назарда тутилган қилмишлар учун қайси ҳолатларда 200, 250, 300, 375 ёхуд 391 баравар миқдорида жарима жазоларининг, ҳатто 1 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳам қонуний асослари кўрсатилган бўлиши лозим. Процессуал қонунчиликда жазо меъёри миқдорининг аниқлашда ечим сифатида судьянинг ички ишончи ва ҳуқуқий онги устувор қилиб белгиланган, лекин шахсни айбдорлигини исботлашда айбдор деб эътироф этилган шахснинг содир этилган қилмишига нисбатан ҳуқуқий онги ёки ички ишончи ёхуд шунга ўхшаш ҳис туйғулари масаласига эътибор қаратилиши лозимлиги ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги белгиланмаган. Мазкур ҳолатда жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш масаласининг ноаниқлиги ва исботланмаганлиги, коррупциявий омилларни ва республикаи бўйлаб турли хил амалиётни шаклланишига олиб келади.

Адлия вазирлиги томонидан 2021 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларига оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари таҳлил қилиниб, 226 та қонунчилик ҳужжатларининг 75 тасида (33 фоизи) 302 та коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, қурилиш соҳасидаги 44 та қонунчилик ҳужжатларининг 23 тасида (52 фоизи) 124 та, соғлиқни сақлаш соҳасидаги 70 та қонунчилик ҳужжатларининг 13 тасида (19 фоиз) 41 та, олий таълим соҳасидаги 96 та қонунчилик ҳужжатларининг 27 тасида (28 фоизи) 91 та, давлат харидлари соҳасидаги 16 та қонунчилик ҳужжатларининг 12 тасида (75 фоиз) 46 та коррупциявий омиллар аниқланган [7, Б.2] бўлсада, афсуски жиноят қонунчилиги коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилмаган ёки коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилмаган ва баҳо берилмаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқида жазо қўллаш самарадорлигини оширишда қуйидаги таклифларни бераман:

- ҳуқуқни қўлловчи органнинг нисбий муайян жазоларни қўллаш ваколатларини максимал даражада қисқартириш, яъни ҳар бир жазонинг тури ва миқдори белгилашда аниқ

критериялар ишлаб чиқиб, қонуний мустаҳкамлаш;

- жарима жазоси ёки жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш миқдорини белгилашда, айбдорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдоридан келиб чиқиш;

- жазо қўллашда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг таъсирини аниқлаш;

- жазо тизимини мустаҳкамлаш

Ҳуқуқни қўлловчи органнинг жиноят қонуни нормасидаги нисбий муайян жазоларни қўллаш ваколатларини максимал даражада қисқартириш, нафақат жазо самарадорлигига таъсир қилувчи кўпгина омилларнинг талабларини бажаради, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигига ҳисса қўшади ва коррупцияни олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигитизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларитўғрисида” ПҚ-3723-сонли қарори / 15.05.2018 й/. <https://www.lex.uz/docs/3735818>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247- сонли Фармони 14-банди, <https://lex.uz/docs/5459107>.

3. Розиков.И. “Жиноят ҳуқуқида жазо назариялари” мавзусидаги магистрлик диссертацияси, ТДЮУ. УДК 343(043.3)(575.1) Давлат аттестацияси комиссиясининг 19.07.2021 йилдаги қарори, Тошкент-2021 й.

4. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси: Дарслик. 2 томли. Т. 1. – Тошкент,с 1998.

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, <https://www.lex.uz/acts/111453>.

6. Олий суд Пленумининг 2021 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарори. <https://sud.uz/qaror/>

7. Адлия вазирлиги, Жамоатчилик билан алоқалар бўлими, 11.05.2021. <https://m.minjust.uz/uz/press-center/news/101954/>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**НОРМАНОВА Клара Эшназаровна**

Мирзо-Улуғбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш  
бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси

## ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** НОРМАНОВА К.Э.  
Иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари  
// Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 84-89.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилишга оид илмий адабиётларда баён этилган фикр ва мулоҳазалар, мутахассисларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятлари очиб берилган, суд-тергов амалиётида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгилашда турлича ёндошувлар мавжудлиги аниқланган ва уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, жиноятда иштирокчилик институтининг ҳуқуқий табиатига доир мутахассисларнинг фикрлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** жиноятда иштирокчилик, жиноят иштирокчиларининг турлари, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчидик, уюшган гуруҳ, жинойий уюшма, жавобгарлик.

**НОРМАНОВА Клара Эшназаровна**

Старший следователь Следственного отдела при Управление координации  
деятельности органов внутренних дел Мирзо-Улугбекского района

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ В СОУЧАСТИИ

### АННОТАЦИЯ.

В статье анализируются взгляды и мнения, высказанные в научной среде по квалификации преступлений, совершенных в соучастии, а также мнения специалистов. Выявлены особенности социальной опасности преступлений, совершенных в соучастии. Установлено, что в судебно-следственной практике существуют различные виды толкования при определении ответственности за преступления, совершенные в соучастии. На основе чего, были разработаны предложения, направленные на их устранение. Кроме этого, изучено мнение специалистов о юридической природе института соучастия в преступлении.

**Ключевые слова:** соучастие в преступлении, виды соучастников преступления,

исполнитель, организатор, подстрекатели, пособники, простое соучастие, сложное соучастие, организованная группа, преступное сообщество, ответственность.

**NORMANOVA Klara**

Senior Investigator of the Investigation Department Department for the Coordination of the Activities of the Internal Affairs Bodies Mirzo-Ulugbek region

## SOME QUESTIONS OF QUALIFICATION OF CRIMES COMMITTED IN COMPLICITY

### ANNOTATION

The article analyzes the views and opinions expressed in the scientific literature on the qualification of crimes committed in complicity, as well as the opinions of specialists. The features of the social danger of crimes committed in complicity are revealed. It is established that in judicial and investigative practice there are different types of interpretation in determining responsibility for crimes committed in complicity. And also, proposals have been developed aimed at eliminating them. The opinions of experts on the legal nature of the institution of complicity in crime are also being studied, proposals and recommendations on qualification rules are being developed, arising from the types of accomplices to the crime and the scope of responsibility for crimes in complicity.

**Keywords:** participation in a crime, types of accomplices of a crime, an actor, organizer, instigators, accomplices, simple complicity, complex complicity, organized group, criminal community, responsibility.

Мамлакатимизда адолатли жамият ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёндаги асосий вазифа қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, жиноятчиликка барҳам бериш ҳамда уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳисобланади. Бунда қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришнинг учун ҳуқуқий асосларни яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тубдан яхшилаш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда фуқароларнинг фаоллигини ошириш ва ролини кучайтириш, қонунларни тўғри қўллаш билан жиноят содир этган ҳар бир шахсни жиноий жавобгарлиги ва уларга адолатли жазо қўлланилишини таъминлаш ҳамда бирор-бир фуқаронинг айбсиз жиноий жавобгарликка тортилиши ва судланишига йўл қўйилмаслигига эришиш лозим.

Наинки, суд-тергов амалиётида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш масаласида, жумладан айрим ҳолатларда жиноят қонунчилигида назарда тутилган иштирокчилик турлари ва шаклларининг нотўғри талқин қилиниши ёхуд терговчиларнинг дастлабки тергов давомида жиноятда иштирок этган шахслар қилмишларини тўлиқ ёритиб бера олмаётганлиги, иштирокчиликнинг бажарувчи, ташкилотчи далолатчи, ёрдамчи каби турлари ёки оддий, мураккаб, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма шаклларининг зарурий белгиларини батафсил исботлаб бера олмаётганлиги суд жараёнида ушбу шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилашда бир қатор қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилишда турлича ёндашувларнинг мавжудлиги, ҳуқуқ назариясида ҳам бу борада баҳс-мунозараларнинг борлиги ва мазкур қоидаларни аниқ белгилаб берувчи илмий-юридик адабиётларнинг етарли эмаслиги бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида илмий асосланган қоидаларни ишлаб чиқишни, мамлакатимиз жиноят қонунчилигининг иштирокчиликка оид нормаларини такомиллаштириш ҳамда қонунчиликнинг ўзида иштирокчиликка оид тушунча ва қоидалар кенгроқ ёритилишини

белгилаш учун асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳолбуки, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисида фикр юритганда, мазкур жиноятлар фуқароларнинг қонунларда белгиланган асосий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий хавф туғдиради, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулкани, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини, қолаверса, инсоният хавфсизлигини қўриқловчи ижтимоий муносабатларга таҳдид солади, халқаро муносабатларнинг издан чиқишига олиб келаши мумкин.

Дарҳақиқат, жиноят икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилганда, жиноят иштирокчиларининг ҳаракати ўзаро бирлашади ҳамда улар ўртасида келишув вужудга келади. Пировард нактижада бир киши томонидан содир этишнинг имкони бўлмаган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилади, шунингдек, қасддан жиноят содир этилишида, уларнинг биргаликда ҳаракат қилиши туфайли жиноятни тез ва пухта амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Табиийки, муайян турдаги жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг бирлашиши, улар ўртасида вазифаларни тақсимланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам қайсидир иштирокчи жиноят таркиби объектив томонини бевосита бажаради, бошқаси уни амалга ошириш учун қурол ёки воситалар тайёрлайди, жиноятни амалга ошириш режасини ишлаб чиқади, жиноят содир этилишига умумий раҳбарликни амалга оширади ёхуд уни содир этишга ундайди. Бу ўз навбатида иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини оширади, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни ва ҳар бир иштирокчининг жиноятда иштирок этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик белгилаш кераклигини келтириб чиқаради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқи доктринасида жиноятда иштирокчилик институтининг тузилишидан келиб чиқувчи ва жавобгарликни белгиловчи икки нуқтаи назар илгари сурилади. Унинг биринчиси, бу иштирокчиликнинг акцессор хусусиятини тан олинишидан келиб чиқади ва иккинчиси иштирокчиликка жинойий фаолиятнинг мустақил шакли сифатида қаралади.

Иштирокчиликнинг акцессор назарияси, жиноятда иштирокчиликнинг акцессор мажбурият сифатида тан олинишидан келиб чиқади, яъни ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг қилмиши иштирокчилик сифатида тан олиниши учун бажарувчининг жавобгарликка тортишга асослар мавжуд бўлишини талаб этади, унинг бўлмаслиги қилмишни иштирокчилик сифатида баҳоланмаслигига олиб келади. Бундай ҳолда иштирокчилик учун жавобгарлик бажарувчининг жавобгарлиги билан боғланади.

Ушбу назариянинг асосий қоидалари, биринчидан, иштирокчи ўз қилмиши учун фақатгина бажарувчининг ҳаракатлари жавобгарликни назарда тутсагина жавобгарликка тортилиши мумкинлиги (айнан бажарувчи жавобгарликка тортилган тақдирдагина, бошқа иштирокчилар жинойий жавобгарликка тортилишлари мумкин) ва иккинчидан иштирокчиларнинг жавобгарлиги бажарувчининг қилмиши учун ҳуқуқий баҳо берилган жиноят қонуни моддаси бўйича амалга оширилишини тақозо этиши [6, Б.83]дан келиб чиқади. Чунончи, ушбу нуқтаи назар М.Ю. Осипов томонидан ҳам қўллаб-қувватланган [4, Б.29]. Бироқ, айнан шу ҳолатга Н.В. Димченко «Иштирокчиликнинг ҳуқуққа хилофлик ва мустақил равишда ижтимоий хавфлилигини инкор қилувчи акцессорлик принципи, иштирокчилик учун жавобгарликка тортиш асослари билан боғлиқ муаммоларни ёки иштирокчиликни турларга ажратиш масалаларини ҳал эта олмайди. Фақат иштирокчиликдаги ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг ҳуқуққа хилофлилигини тан олиш иштирокчилик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий мустақиллигини тан олиш имкониятларидангина келиб чиқиши мумкин» [2, Б.16] – деб фикр билдаради.

Айни пайтда, биз мазкур фикрларни қисман қўллаб-қувватлаймиз. Ҳолбуки, фикримизча, иштирокчиликнинг акцессор хусусияти иштирокчилар ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа хилофлилигини бутунлай инкор эта олмайди, шунингдек, на ташкилотчи, на далолатчи, на ёрдамчи ўз ҳаракатлари билан жиноят таркибининг объектив томонини бажармайдилар. Шунинг учун иштирокчилар жавобгарлигини ҳал этишда уларнинг ҳаракатлари жиноят таркибини тўлиқ қамраб олиши шартлигини қайд этиш, уларнинг мустақил равишда жавобгарлигини асослашга уринишнинг самарасиз бўлиб қолишига олиб келади. Гарчи, жиноят иштирокчилари жавобгарлигининг акцессор назарияси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 30-моддаси биринчи қисмида ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар, дея қайд этилган.

Бироқ, бизнингча, иштирокчиликнинг акцессор табиатини тан олиш жиноятда иштирок этганлар жавобгарлиги бўйича ҳал этувчи масаласида бажарувчининг жавобгарлиги билан айнан боғлиқ эканлигини белгилаб бермайди. Негаки, иштирокчилик учун жавобгарлик ҳар доим ҳам бажарувчининг жавобгарлиги билан боғлиқ бўлмайди, чунки бир қатор ҳолларда у мустақил хусусиятга эга бўлади. Зеро, жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги масаласини белгилашдаги асосий муаммо бажарувчининг жавобгарликка тортилиши билан боғлиқ бўлмайди, балки бунда муаммо жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликка тортиш масаласини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб бериш билан ифодаланади.

Хусусан, мазкур масалага профессор А.Отажонов ўз эътиборини қаратар экан, у қуйидаги фикрларни билдириб ўтади. Унинг ёзишича, «Агар жиноят таркибини фақат бажарувчи бажариши мумкинлиги тўғрисидаги қоидадан келиб чиқиладиган бўлса, унда қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни на ёрдамчи, на долалатчи ва кўп ҳолларда ҳаттоки ташкилотчи ҳам жиноят таркибини шахсан ўзи тўғридан-тўғри бажармайди, балки уларнинг жавобгарлиги, улар жиноятда қатнашган тақдирда ҳам уларнинг жиноятда қай даражада айби борлигини аниқлаш орқали ҳал этилади. Гарчи, жиноят қонунида махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятларда иштирок этган умумий субъект белгиларига эга бўлган шахсни жавобгарликка тортиб бўлмайди, чунки унда ушбу жиноят таркибини ташкил этувчи жиноят субъектининг белгиси мавжуд бўлмайди. Масалан, «мансабдор ҳисобланмаган шахс» ҳоқимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг субъекти бўла олмайди, бироқ у ушбу жиноятда ташкилотчи, долалатчи ёки ёрдамчи бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан у фақат мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонуни нормаси доирасида иштирок этганлиги учунгина жавобгарликка тортилади. Аммо долалатчи ёки ёрдамчининг ҳаракатларида жиноят таркибининг объектив томон ҳаракатларининг мавжуд бўлмаслиги, жиноят таркибининг бошқа элементларини йўқлигини англамайди [7, Б.8],

Бундан ташқари, мазкур масала бўйича ушбу муаммони тадқиқ этган Р.Д. Шарапов қуйидагиларни билдиради: «Агар иштирокчиларнинг ҳаракатларида жиноят таркибининг белгилари мавжуд бўлмаса, улар нима учун жавобгарликка тортиладилар? Чунки, Жиноят кодексига асосан фақат ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Шунингдек, иштирокчилар ўзлари иштирок этган барча қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши ва жавоб бериши тушунарли, аммо уларнинг Жиноят кодексига қайд этилган жиноий жавобгарликка тортиш асослари бўйича жавобгарликка тортиш лозимлигини қандай тушунтириб бериш мумкин? Шу боис, иштирокчиликнинг акцессор назарияси ушбу муаммоларга аниқ жавоб бера олмайди [9, Б.12]. Шунинг учун фикримизча, мазкур масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳал этиш учун умумий жиноят таркиби мавжудлиги ҳолатида иштирокчиликда содир этилган жиноятларни ва иштирокчиликнинг тизимли назариясини асослаб бериш ва ишлаб чиқиш зарурдир.

Шубҳасиз, жиноий қилмишни иштирокчиликда содир этилган деб баҳолаш учун, албатта, иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги ўзаро ҳамкорлик ва икки томонлама субъектив алоқадорликнинг мавжуд эканлигини аниқлаш талаб этилади. Демак, бундай вазиятда шахснинг қилмишида иштирокчиликнинг зарурий белгилари аниқланмаса, ундай ҳолда, қилмишни иштирокчилик деб баҳолаш мумкин эмас. Бу борада иштирокчиликнинг объектив белгилари муҳим ўрин тутаяди. Юридик адабиётларда иштирокчиликнинг объектив белгилари ҳақидаги таълимот қуйидагича изоҳланади, яъни а) иштирокчиликда ҳар доим жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган икки ёки ундан ортиқ шахснинг мавжудлиги; б) жиноят содир этилишида уларнинг ҳамкорликдаги иштироки; в) жиноий натижанинг умумийлиги (ҳар бир иштирокчи учун ягоналиги); г) ҳар бир иштирокчининг қилмиши жиноий натижа ва улар ўртасидаги сабабий алоқадорликда бўлиши талаб этилади [5, Б.78; 3, Б.170; 8, Б.86]. Жумладан, А. Трухиннинг фикрича, «иштирокчиликнинг умумий объектив белгилари барча иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари жиноят натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган жиноий оқибат билан объектив алоқадорликда бўлиши, жиноят содир этилишида биргаллашиб қатнашиши, шунингдек ҳар бир иштирокчи жиноий оқибатнинг келиб чиқишига ўз ҳиссасини қўшишини тақозо этади» [8, Б.89].

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, юридик адабиётларда олдиндан ваъда берган ҳолда жиноятни яширишни жиноятда иштирокчилик, деб баҳолаб бўлмаслиги ҳақида фикрлар билдирилган. Жумладан, Л.Д.Гаухманнинг ёзишича, «олдиндан ваъда қилинмаган ҳолда

жиноятни яшириш, олдиндан ваъда қилинган ҳолда содир этилган жиноятни яширишдан фарқ қилади. Олдиндан ваъда қилинган ҳолда жиноятни яшириш жиноятда иштирокчилик деб баҳоланади, олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик эса жиноятга дахлдорликнинг мустақил шаклидир, яъни у қасддан қилинган ҳаракат бўлиб, бошқа шахс содир этган жиноят билан муайян боғлиқликда бўлсада, лекин у жиноятнинг бажарувчилари ва бошқа иштирокчиларига ёрдам бермайди. Иштирокчиликни ташкил этадиган жиноятни яшириш ва жиноятга дахлдорлик орасидаги тафовут шундаки, жинояга дахлдорликда жиноятни яшириш учун қилинадиган ваъда жиноят содир этилганидан сўнг амалга ошади ва шу боисдан жиноят уни яшириш билан сабабий боғлиқликда бўлмайди» [1, Б.233]. Жиноятда иштирокчиликни тури бўлмиш ёрдамчининг белгилари ва қилмишлари Жиноят кодексининг 28-моддаси, бешинчи қисмида белгиланган ва унга асосан, «жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади», каби баён этилган.

Қонун чиқарувчи ёрдамчининг аниқ ҳаракатларини назарда тутувчи мазкур қонунчилик нормасида, ёрдамчининг жиноятни яшириш борасидаги қилмишларини (белгиларини) аниқ қилиб белгилаб берган. Шунинг учун шахснинг қилмишини ёрдамчи деб баҳолаш учун унинг қилмиши Жиноят кодексининг 28-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этганлигини аниқлаш, уни ёрдамчи деб топиш учун асос бўлиши мумкин ҳолос. Агар шахс Жиноят кодексининг 28-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этмаса, уни биз ёрдамчи деб топишимиз мумкин эмас.

Шу билан бирга айтиш мумкинки, бизни қизиқтираётган жиноятни яширишнинг қилмишлари жиноят қонунида ёрдамчининг белгиларини ёритиб берувчи нормада таъкидланмаган, қонун фақат юқорида назарда тутилган қилмишларни амалга ошириш тўғрисида «олдиндан ваъда берган» шахсни қилмишларини ёрдамчи деб назарда тутмоқда. Мазкур норманинг тузилиши бевосита жиноятни яширишнинг белгиларини тўлиқ ўзида қамраб олмаяпти. Чунончи, Жиноят кодекси 28-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ олдиндан ваъда берилган ҳолда жиноятни яшириш, яъни жиноят содир этган шахсни, жиноят қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ва жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни бевосита олдиндан ваъда берган ҳолда яшириш ҳолатлари ёрдамчининг қонунчилик тузилишига асосан мазкур норма таркиби билан қамраб олинмайди ва бундай қилмиш қонунчилик нуқтаи назаридан шарҳласак, жиноятда иштирокчилик ҳисобланмайди.

Шунинг учун жиноят қонунчилигидаги бу каби муаммони бартараф қилиш ва Жиноят кодексининг қонунийлик принципи (ЖК 4-м.) талабларини амалга ошириш мақсадида, Жиноят кодексининг 28-моддаси, бешинчи қисмида белгиланган ёрдамчининг тушунчасини қуйидаги тузилишида ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни «Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда берган ҳолда яширганлик, шунингдек бундай нарсаларни олдиндан ваъда берган ҳолда олганлик ва ўтказганлик ёрдамчи деб топилади».

Мухтасар айтганда, иштирокчилик билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги субъектив муносабатидан келиб чиқади ва қилмишда иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги алоқаларининг мавжуд эканлигини аниқлаш талаб этилади. Бунда шахснинг қилмишида иштирокчиликнинг зарурий объектив ва субъектив белгилари аниқланмаса, ундай ҳолда, қилмишни иштирокчилик деб баҳолаш мумкин эмас.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. 4-е изд. перераб. и дополн. – М.: АО «Центр ЮрИнфоР», 2010. – 559 с.
2. Димченко Н.В. Ответственность за преступления, совершенные в соучастии:



- теоретические и прикладные аспекты. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – 26 с.
3. Малинин В. Б. Причинная связь в уголовном праве. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2000. – 315 с.
4. Осипов М.Ю. О некоторых проблемах квалификации преступлений террористической направленности // Российская юстиция. – 2015. – № 3.
5. Otajonov A.A. Analysis of the Concept and Signs of Crime Assistance and the Improvement of Its Norms International Journal of Research. Vol. 06, Issue 2, February, 2019, (ISSN: 2348-6848), (With Impact Factor 5.60) –P. 77-81. // Available online: <https://pen2print.org/index.php/ijr/>
6. Otajonov A.A. Legal analysis of signs participation in the crime (Правовой анализ признаков участия в преступлении). Право и жизнь // Независимый научно-правовой журнал (Москва). – 2019. – № 1. Январь-февраль-март. – С. 81-94.
7. Отажонов А.А. Жиноят кодекси Махсус қисмида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – Тошкент. 2015. – № 1. (21). – Б. 7-10.
8. Трухин А. Объективная сторона соучастия в преступлении // Уголовная право. – 2008. – № 2. – С. 86-90.
9. Шарапов Р.Д. Соучастие в неоконченном преступлении и «неудавшееся соучастие» // Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2018. – № 1(43).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**НАЖИМОВ Миратдийин Шамшетдинович**

Қорақалпоқ давлат университети “Жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий” фанлар кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: n.miratdin@karsu.uz

## ЎН ОЛТИ ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХСГА НИСБАТАН УЯТСИЗ-БУЗУҚ ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** НАЖИМОВ М.Ш. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш жинояти учун жавобгарлик масаласи // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 90-95.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-12>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш жинояти тушунчаси ва аҳамияти, ушбу турдаги жиноят учун жавобгарлик масалалари, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жавобгарликни такомиллаштириш масалаларини ўрганиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** оила, ёшлар, жиноят ва жазо, қози, ислом ҳуқуқи, моддий таъминлашдан бўйин товлаш, жавобгарлик, жиноят қилишга ундаш, жиноятга жалб этиш, жисмоний ёки руҳий тазйиқ, ҳаракат, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш.

**НАЖИМОВ Миратдийин Шамшетдинович**

Заведующий кафедрой «Уголовно-правовых и гражданско-правовых дисциплин»  
Каракалпакского государственного университета,  
кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: n.miratdin@karsu.uz

## ВОПРОС ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЕ СВОБОДНЫМИ ДЕЙСТВИЯМИ В ОТНОШЕНИИ ЛИЦА, НЕ ДОСТИГШЕГО ШЕСТНАДЦАТИЛЕТНЕГО ВОЗРАСТА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются понятие и значение преступления непристойного характера в отношении лица, не достигшего шестнадцатилетнего возраста, вопросы ответственности за данный вид преступления, совершенствование ответственности в уголовном законодательстве Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** семья, молодёжь, преступление и наказание, судья, исламское право, уклонение от материального обеспечения, ответственность, подстрекательство к совершению преступления, привлечение к совершению преступления, физическое или

психическое давление, действие, вступление в половую связь с лицом, не достигшим шестнадцати лет, развратные действия в отношении лица, не достигшего шестнадцати лет

**NAJIMOV Miratdiyin**

Head of the Department of “Criminal Law and Civil Law Discipline” of Karakalpak State University, Candidate of Legal Sciences, Associate Professor  
E-mail: n.miratdin@karsu.uz

## THE QUESTION OF RESPONSIBILITY FOR THE CRIME WITH FREE ACTION IN RESPECT OF A PERSON UNDER THE AGE OF SIXTEEN

### ANNOTATION

The article examines the concept and meaning of a crime - lecherous actions against a person under sixteen years of age, issues of responsibility for this type of crime, improvement of responsibility in the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** family, youth, crime and punishment, judge, Islamic law, evasion of material support, responsibility, incitement to commit a crime, involvement in the commission of a crime, physical or mental pressure, action, sexual intercourse with a person under the age of sixteen, dissolute actions against a person under the age of sixteen.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган умумий қоидага кўра, жиноятнинг субъектив томони шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган руҳий муносабатидир.

Жиноятларни тўғри баҳолаш ва квалификация қилишда хатога йўл қўймаслик учун жиноятнинг субъектив томонини чуқур тадқиқ этиш лозим.

Жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг ички моҳиятини ифодалайди. Шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига бўлган руҳий муносабати қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. ЖК-махсус қисмидан назарда тутилган жиноятлар ё қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жинояти қасддан қилинадиган жиноятлар туркумига киради. Қасд тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 21-моддасида берилган бўлиб, қасд икки турдан яъни тўғри ва эгри қасддан иборат.

Айбсиз равишда зарарли оқибатлар етказганлик учун, ҳукм қилиш шунингдек айбнинг шакли тўғрисида нотўғри хулоса қилиш, жиноятнинг мотиви ва мақсадини аниқлашда хатога йўл қўйиш сабабли қилмишни нотўғри квалификация қилиш, фактлари, шунингдек ҳуқуқбузар айбининг даражасига номувофиқ жазо тайинлаш ҳолларининг учраши ҳам кам эмас.

Жиноий жазони қўллаш учун шахснинг ҳуқуққа хилоф қилмиш содир этганлиги фактини исботлаш, шунингдек шахс айбли равишда ҳаракат қилганлигини аниқлаш зарур. Бунда, авваламбор, шахсни ўзининг ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатини аниқлаш зарурлиги келиб чиқади. Шахснинг содир этилган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатини билдирадиган асосий белгилар жиноятни субъектив томонининг мазмунини ташкил этади. Айб - шахсни содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка жалб этишнинг асосий ташкил этувчи тушунчадир.

В.А.Нерсисян таъкидлаганидек “Айбни психологик мазмуни шахсни онги ва ифодасининг муайян ҳолатини ўз ичига олиб, айб шаклининг қонун билан белгиланган шакли – қасд ва эҳтиётсизликда ўз ифодасини топади” [1, Б.59].

Ушбу фикрни А.И.Плотников: “Психологик назария нуқтаи назаридан жиноят содир этган шахснинг онгида кечадиган асосий психологик компонентлар билан мувофиқ келувчи психологик жараён сифатида кўринади” [2, 79], дея тўлдирган.

В.И.Ткаченко “Айбни – шахсни, ўзи содир этаётган жиноятнинг объектив белгиларига

нисбатан руҳий муносабати сифатида ифодалаш мумкин” [3, Б.20], деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқида айб – шахс томонидан содир этилиб, жиноят қонунида назарда тутиладиган ва тегишли шакллар билан белгиланадиган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатидир.

Жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиб, муайян қилмишнинг тўғри квалификациясини ва бунинг натижаси сифатида эса айбдорнинг қонуний, асосланган, ва адолатли жавобгарлигини таъминлаб беради.

Айб ҳар қандай жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгисидир. Айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинланиши мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи назариясида айб деганда шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатларига (қасддан ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги) бўлган руҳий муносабати тушунилади [4, Б.84].

Жиноят кодексининг 129-моддасида назарда тутилган мазкур жиноят икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида белгиланган жиноятнинг объектив томони шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этишда ифодаланади.

Маълумки, Жиноят кодексига “уятсиз-бузуқ ҳаракатлар”нинг тушунчаси белгиланмаган ва айтиш жоизки ҳаётнинг барча шароитларни инобатга олган ҳолда унинг моҳиятини тўлиқ қамраб олувчи тушунча беришнинг имконияти мураккаб ҳодисадир. Шу боис мазкур тушунча баҳоланувчи тушунча ҳисобланиб, унинг мазмуни анъанавий равишда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва жиноят ҳуқуқи фанида мавжуд шароитларнинг барча хусусиятини инобатга олган ҳолда аниқланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деганда, ўзида шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиш тушунилиши таъкидланади. Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар ўн олти ёшга тўлмаган шахсга жинсий аъзоларни яланғоч ҳолда намойиш қилиш, жинсий аъзоларга қўл ёки бошқа аъзоларини тегдириш, шу билан бирга бундай шахслар кўз ўнгида жинсий алоқа қилиш кабиларда ифодаланиши, шунингдек, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал кўринишга эга бўлиши мумкин [5, Б.165].

Бундай ҳаракатлар айбдор шахснинг жинсий эҳтиросларини қондириш ёки вояга етмаган шахснинг жинсий ҳиссиётларини қўзғатишга қаратилади.

Жисмоний хусусиятга эга бўлган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деганда, айбдор ёки жабрланувчининг жинсий аъзоларини яланғоч ҳолга келтириш, жинсий ҳиссиётни қўзғатиши мумкин бўлган ҳолда жинсий аъзоларга уятсизларча тегиш, жинсий алоқа ҳолатини имитация қилган ҳолда жинсий бузуқликни ўргатиш, муайян шахвоний усулларни содир этишга мойилликни уйғотиш ёки унга мажбурлаш, жабрланувчилар кўз ўнгида жинсий алоқа қилиш ёки онанизм ҳаракатларини содир этиш кабилар тушунилади.

Шуни аниқлаштириб ўтиш керакки, барча жинсий характердаги ҳаракатлар ҳам уятсиз-бузуқ ҳаракат деб топилмаслиги мумкин.

Интеллектуал характердаги уятсиз-бузуқ ҳаракатларга эса “интим” мавзулардаги суҳбатлар, шунингдек 16 ёшга тўлмаган шахс олдида бошқа шахслар билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий равишда қондириш каби ҳаракатларни киритиш мумкин. Бу борада яна М.Ҳ.Рустамбоев [6, Б.123], А.А.Отажонов [7, Б.165] ва И.Я.Козаченко [8, Б.353] ларнинг жабрланувчига порнографик тусдаги фото-суратлар, кинофильмлар ва шу турдаги тасвирларни намойиш этишни уятсиз-бузуқ ҳаракат тоифасига киритишларини асосли деб топиб, бундай ҳаракатларни “Порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш” жиноятдан фарқлай олиш керак. Яъни қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси билан квалификация қилиш учун айбланувчи қилмишининг объектив томони порнографик нарсаларни намойиш қилиш ва тарқатишдан олдин бундай нарсаларни шу мақсадда тайёрлашдан иборат зарурий ҳаракатни қамраб олиши лозим. Ўрганилган жиноят иши материаллари натижаларига кўра, 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракат қилиш жиноятида: 19% ҳолатларда – бевосита жиноят содир этилишидан олдин вояга етмаганлар порнографик фильмлар кўрган, 10% ҳолатларда – порнографик адабиётлар ўқишган, 23% ҳолатларда – порнографик фотосуратлар кўрган [9, Б.30].

Шу билан бирга, интеллектуал хусусиятга эга бўлган уятсиз-бузуқ ҳаракатларга жинсий муносабатлар ҳақида бузиб кўрсатилган маълумотлар ёки предметларни намойишкорона кўрсатган ҳолда улар ҳақида батафсил мавзуларда суҳбатлашиш ҳам тааллуқлидир.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар зўрлик ишлатмай содир этилганда розилик турли хил кўндириш, қасам ичиш, ваъда бериш ва бошқа усуллар билан олиниши мумкин.

Агар айбдор томонидан шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги аён бўлган ҳолда, унга нисбатан қилинган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 129-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилинади.

Бунда зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади (масалан, зарбалар бериш, нафас йўлларини сиқиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва ҳ.к.).

Қўрқитиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан таъсир кўрсатиш тушунилади [10, Б.135], [7, Б.118-119].

Уятсиз-бузуқ ҳаракатларни амалга ошириш вақтида айбдор жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш мақсадида зўрлик ишлатган, қўрқитган ёки жабрланувчининг ожизлик ҳолатидан фойдаланган, аммо ўз хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра мақсадига эриша олмаган бўлса, унинг қилмиши номусга тегиш жиноятига (ЖКнинг 25-моддаси 2-қисм ва 118-моддаси 3-қисм “а” банди) ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга суиқасд қилиш (ЖКнинг 25-моддаси 2-қисм ва 119-моддаси 3-қисм “а” банди) сифатида квалификация қилинади.

Агар 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш унинг розилиги асосида номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан тугаса, айбдорни Жиноят кодекси 128-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш лозим.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар шахвоний хусусиятларга йўналтирилган турли кўринишларга эга бўлиши мумкин, бироқ улар жабрланувчилар билан жинсий алоқага киришиш кўринишига эга бўлмаслиги лозим.

Агар ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатмасдан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 129-моддаси биринчи қисми билан квалификация қилинади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахс ожиз аҳволда бўлган ҳолатда ҳам унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш зўрлик ишлатилган ёки зўрлик ишлатилмаган ҳолатларни инобатга олган ҳолда қилмишни Жиноят кодекси 129-моддаси биринчи ёки иккинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Жиноят кодекси 129-моддасида назарда тутилган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этилиши натижасида салбий оқибатлар келиб чиқишини талаб қилмайди. Мазкур жиноят уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этилиши билан тугалланган ҳисобланади.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатларнинг барчаси шахвоний характерга эга бўлиб, жинсий алоқа қилмасдан туриб айбдорнинг жинсий эҳтиёжини қондиришга ёки 16 ёшга тўлмаган шахсда жинсий қизиқишни вужудга келтиришга, уни ахлоқан бузишга қаратилган бўлиши мумкин. Лекин юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 129-моддасига мувофиқ квалификация қилиниши учун шахс ўз хатти-ҳаракатларининг уятсиз-бузуқ характерда эканлигини англаб етиши ва уларнинг 16 ёшга тўлмаган шахсларга бузуқ ҳамда салбий таъсир қилишини англаб етган бўлиши керак.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар жабрланувчининг розилиги билан ёки унинг розилигисиз зўрлик ишлатилиб ёхуд қўрқитиб, мажбуран содир этилиши мумкин. Баъзи ҳолларда жабрланувчи ихтиёрий равишда рози бўлиши билан бирга маълум миқдорда, кўринишда ташаббус кўрсатиши мумкин. Лекин бу ҳолат айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилмасдан, фақатгина суд томонидан жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 129-моддасидан келиб чиқиб, 16 ёшга тўлмаган шахсларни уятсиз-бузуқ ҳаракатларга ўргатиш, яъни кўз ўнгида бошқа бир 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ҳаракатларини содир этиш идеал жиноятлар жами тариқасида 128, 129-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Кўп ҳолларда субъектнинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар реал жамини ташкил қилади. Бунда айбдор уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этгандан кейин ниятини ўзгартиради ва 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки номусга тегиш жиноятини содир этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар айбдорнинг уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиши жинсий алоқа қилиш ёки номусга тегиш жиноятлари учун тайёргарлик вазифасини ўтаган бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки номусга тегиш қасди билан қамраб олинган бўлса, жиноятлар жами вужудга келмайди.

Жиноятни содир этишда ким ташаббусчи бўлган ёки бундай ҳаракатларни жабрланувчининг розилигига кўра содир этилганлиги ҳам ҳеч қандай юридик аҳамият касб этмайди.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жинояти субъектив томонидан тўғри қасд орқали ифодаланади. Бунда айбдор жабрланувчининг 16 ёшга тўлмаганлигини аниқ билган бўлиши керак. Агар субъект жабрланувчининг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам адашган бўлса ва жабрланувчининг 16 ёшга тўлганлигига унинг ташқи кўриниши ва ўзини тутишига қараб тўла ишонган бўлса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 129-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди ва айбланувчининг бундай қилимиши ЖКдаги “соғлиққа қарши жиноятлар” сифатида квалификация қилиниши керак [11, Б.122].

Аксарият ҳолларда, айбдор 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир қилаётганлигини билади ва буни хоҳлайди (тўғри қасд). Эгри қасд бўлиши учун айбдор 16 ёшга тўлмаган шахс борлигида жинсий алоқа ёки шахвоний ҳаракатлар қилиб, қилмишининг ижтимоий хавфлилигини била туриб, болани ахлоқсизликка ўргатаётганлигини кўра билади ва зарарли оқибатлар келиб чиқишига йўл қўйиб беради ёки бунга бефарқ қарайди.

Жиноят таркибининг зарурий белгиси айбдорга жабрланувчининг ўн олти ёшга тўлмаганлиги жиноят содир этиш вақтида ёки олдиндан аён бўлган бўлиши лозим. Агарда у жабрланувчининг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам адашган ёки жабрланувчининг ёши ўн олтидан ошганлигига ишонган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 129-моддаси билан квалификация қилинмайди. Мазкур жиноятнинг субъекти эркак ёки аёл жинсидан қатъи назар 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Субъектив томонидан жиноят қасддан содир этилади. Унинг содир этилиш мотиви ҳар хил (тамагирлик, безорилик ва ҳ.к.) бўлиши мумкин, аммо улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Таҳлил қилинаётган жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси бўлган айб – шахснинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва юз берган оқибатларига руҳий муносабатини ифодалайди [12, Б.14]. Жиноят қонунида қилмиш ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатнинг икки шакли, яъни қасд (тўғри ва эгри) ҳамда эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ва бепарволик) ажратилади (ЖК 20-22-м.). Айбнинг турли шакллари ажратилишига иродавий ва ақлий жараёнларнинг турли даражада кечиши асос бўлади.

Ҳар қандай формал таркибли жиноят каби ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жинояти субъектининг субъектив томонига тўғри қасд кўринишидаги айб хос бўлади [13, Б.146-147]. Бунда қасднинг ақлий белгисига – шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи этиши, иродавий белгисига эса уларнинг юз беришини исташидир.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят таркиби каби ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилишнинг обектив томони бу – “жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томонини тавсифловчи белгилар йиғиндисидан иборатдир.

Шунингдек, ушбу жиноятни юридик таҳлил қилишда унинг субъектив томони ҳам ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жазо тайинлашда субъектив белгилари ҳам эътиборга олинади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. В.А. Нерсисян. Неосторожная вина: проблемы и решения//Государство и право, 2000, № 4.
2. Плотников А.И. Объективное и субъективное в уголовном праве (Оценка преступления по юридическим признакам.) – Оренбург 1997.
3. Bakunov P. Ayb jinoyat sub'ektiv tomonining zaruriy belgisi sifatida. O'quv qo'llanma. – T.,

2006.

4. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik / A.S. Yakubov, R. Kabulov va boshq. – T., 2009.
5. А.А.Отажонов. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
6. М.Х.Рустамбаев. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник для вузов. – Т.: Мир экономики и право, 2002.
7. А.А.Отажонов. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
8. Уголовный кодекс Российской Федерации: Научно-практический комментарий / Под ред. Л.Л.Кругликова, Э.С.Тенчова. – Ярославль: Влад, 1994.
9. Қ.П.Пайзуллаев. Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг юридик таҳлили. Масъул муҳаррир: ю.ф.н. доцент Ф. Тахиров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.
10. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курс. – Т.3. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, – 2011.
11. М.Х.Рустамбаев. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник для вузов. – Т.: Мир экономики и право, 2002.
12. Rustambоеv M.X. Odam savdosi. – T., 2009.
13. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik / A.S. Yakubov, R. Kabulov va boshq. – T., 2009.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли**  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

## ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** МАХМУДОВ С.А. Жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 96-102.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-13>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш босқичида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари асосида жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш институти, ушбу асос бўйича жиноят ишени тугатиш тартиби, шартлари ва уни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. Шу билан бирга, ушбу мақолада жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатишда юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан илмий асослантирилган фикр ва мулоҳазалар берилди. Таҳлил натижалари юзасидан, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишени тугатиш асоси сифатида муддат ўтиб кетганлиги сабабли жиноят ишени тугатиш тартибини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** айблилик, жавобгарлик, жавобгарликдан озод қилиш, жиноят ишени тугатиш, реабилитация, жиноят ишени реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича тугатиш, жавобгарликка тортиш муддати.

**МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли**  
Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

## ОСОБЕННОСТИ ПРЕКРАЩЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА В СВЯЗИ С ИСТЕЧЕНИЕМ СРОКА ДАВНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К ОТВЕТСТВЕННОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье исследуются институт освобождения от уголовной ответственности в связи



с истечением срока привлечения к ответственности в соответствии с нормами уголовного и уголовно-процессуального законодательства, порядок, условия и особенности применения на этом основании. В то же время в статье приведены научно обоснованные мнения и комментарии по некоторым проблемам, которые могут возникнуть при прекращении уголовного дела в связи с истечением срока привлечения к уголовной ответственности, и их решение. По результатам анализа разработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию порядка прекращения уголовного дела в связи с истечением срока как основания прекращения уголовного дела без решения вопроса о виновности.

**Ключевые слова:** виновность, ответственность, освобождение от ответственности, прекращение уголовного дела, реабилитация, прекращение уголовного дела по нереабилитирующим основаниям, срок давности привлечения к ответственности.

**MAXMUDOV Sunnatjon**

Lecturer of the Department of Criminal Procedural Law of Tashkent State University of Law  
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

## **SOME ISSUES OF DISMISSAL OF CRIMINAL CASES IN CONNECTION WITH THE EXPIRATION OF THE LIMITATION PERIOD FOR CRIMINAL RESPONSIBILITY**

### **ANNOTATION**

In this article, at the stage of implementation of the judicial and legal reform, the institution of exemption from criminal liability due to the expiration of the statute of limitations for bringing to the responsibility based on criminal and criminal procedure legislation, the procedure, conditions for terminating a criminal case on this basis and the features of its application are studied. At the same time, this article provides evidence-based opinions and comments on some of the problems that may arise when a criminal case is terminated due to the expiration of the statute of limitations for prosecution and their solution.

Based on the results of the analysis, relevant proposals and recommendations were developed to improve the procedure for terminating a criminal case due to the expiration of the statute of limitations as a basis for terminating a criminal case without resolving the issue of guilt.

**Keywords:** guilty, responsibility, release from liability, termination of a criminal case, rehabilitation, termination of a criminal case on non-rehabilitation grounds, term of bringing to responsibility.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда шахсинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг нормаларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида [1] ҳам қонунчиликдаги айрим институтларни такомиллаштириш, жумладан шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш назарда тутилган.

Шунга кўра, ушбу мақолада реабилитация қилинмайдиган асосларга кўра, жумладан шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жиноят ишини тугатишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни қўллаш жараёнида юзага келадиган айрим муаммоларга тўхталиб ўтамыз.

Шу билан боғлиқ равишда, жавобгарликдан муддат ўтганлиги сабабли озод қилиш реабилитация қилмайдиган (шахсни оқламайдиган) асосга кўра озод этиш деб номланади. Бу ҳолда муайян ҳолат ва шарт-шароитларга асосан шахсни жиноий жазога жалб этишнинг

ҳуқуқий асослари мавжуд эмас: **жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги**, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, айбдорнинг касаллиги, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ва бошқалар [2, Б.586].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича **жиноят ишини тугатишнинг 13 та асоси** назарда тутилган [3, Б.110].

Мазкур асослардан бири **шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик** ҳолати ҳисобланади. Жавобгарликка тортиш муддати масаласида олимлар турли хил фикрларни илгари суришган.

М.Ҳ. Рустамбаевнинг фикрига кўра, жинойий жавобгарликка тортиш муддати – жиноят содир этилган пайтдан бошлаб то ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача қонунда ўрнатилган муддатларнинг тугаши, шундан сўнг жиноятни содир этган шахс, тегишли шартлар мавжудлигида жинойий жавобгарликдан озод қилиниши лозим [4, Б.162].

Шунга ўхшаш фикрни В.Д. Борисова ҳам илгари сурган бўлиб, жинойий жавобгарликка тортиш муддати деганда, қонунда белгиланган муайян муддатнинг ўтиши ҳамда шахс содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилмаслиги тушунилади [5, Б.109].

Айнан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши шахснинг жинойий жавобгарликдан озод этилиши учун асос бўлиши мумкин. Бунда ушбу асос бўйича жиноят ишини тугатиш моддий ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ. Сабаби, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келадиган муаммоли ҳолатларни айнан бир ҳуқуқ (моддий ёки процессуал) тармоғи ёки соҳаси (жиноят ҳамда жиноят-процессуал) билан тартибга солиш имкони мавжуд эмас.

Шунинг учун амалиётда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш учун ушбу муносабатларни тартибга соладиган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари комплекс тарзда ўрганилиши лозим.

Бу борада айрим муаллифлар ҳам фикр юритган бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тадқиқ қилишни айнан бир ҳуқуқ соҳаси доирасида амалга ошириб бўлмади, бунинг учун амалиётда учрайдиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳалари комплекс тарзда ўрганилиши лозим. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи ўзаро алоқадор комплекс тарзда ўрганишни тақозо этадиган соҳалар ҳисобланади [6, Б.44].

Шунинг учун ҳам **“шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик”** ҳолати бўйича жиноят ишини тугатиш учун жиноят қонунида белгиланган нормаларга, шу жумладан жавобгарликка тортиш муддатларига алоҳида эътибор бериш талаба этилади. Чунки ушбу ҳолатда моддий ҳуқуқ ва процессуал ҳуқуқ нормалари бир-бирини тақозо этади.

Юридик адабиётларда жиноят ишини тугатиш асослари ҳуқуқ тармоғига боғлиқ ҳолда моддий-ҳуқуқий асосларга ҳамда процессуал-ҳуқуқий асосларга кўра турларга ажратилади [7, Б.65].

Шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик ҳолати жиноят ишини тугатишнинг моддий-ҳуқуқий асосларга кўра таснифланадиган турига киради. Бунга ҳуқуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддасини келтиришимиз мумкин. Ушбу моддада жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан шахсни жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари белгилаб қўйилган.

Ушбу асос бўйича жиноят ишини тугатишнинг бир нечта ўзига хос хусусиятлари ҳамда бир нечта талаблари мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

**биринчидан**, шахсни ушбу асос бўйича жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини тугатиш учун муайян муддатнинг ўтиши талаб этилади. Бунда шахсни жавобгарликдан озод этишда қуйидаги муддатлар белгиланган:

- а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – **икки йил**;
- б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – **тўрт йил**;
- в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – **саккиз йил**;
- г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – **ўн тўрт йил**.

**иккинчидан**, жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш вақтининг аниқ белгилаб қўйилганлиги. Бунда жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошланади ҳамда ҳукм қонуний кучга кирган кунгача бўлган вақт оралиғида ҳисобланади.

**Жиноят содир этиш куни** деганда, жиноят объектив томонига кирувчи ҳаракатнинг (ҳаракатсизлик) бажарилган ва жиноий оқибат юз берган вақтини тушуниш лозим [8, Б.588].

Ушбу белгиланган муддат императив характерга эга бўлиб, у камайтириш ёки кўпайтириш имконияти мавжуд эмас.

Шу билан бирга, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб **ўн йил**, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб **йигирма беш йил ўтган бўлса**, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ушбу белгиланган норма жазо мақсадларидан келиб чиқиб, жиноятнинг оғирлик даражасидан қатъи назар, уни содир этган шахсларни узоқ муддат ўтганидан сўнг жиноий жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини англатади.

**учинчидан**, жавобгарликка тортиш муддати жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Бунда барча тоифадаги жиноятлар учун бир хил муддатнинг белгиланиши адолат принципига зид ҳисобланади.

Жиноят қонунчилигига кўра шахсга нисбатан тайинладиган жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларга мутаносиб бўлиши лозим [9, Б.119].

**Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти** тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

**Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси** қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади [10].

**тўртинчидан**, айрим тоифадаги жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал этилади. Бунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суднинг ваколатига киради.

**Маълумот учун:** жиноят қонунчилиги бўйича 2 та тоифадаги жиноят учун, яъни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (Жиноят кодекси 155-моддасининг учинчи қисми) учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган.

Шу билан бирга, агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим деб топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида суд томонидан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик масаласини қўллаш ёки қўлламаслик бўйича аниқ мезонлар келтирилмаган. Бу эса, ушбу асос бўйича жавобгарликдан озод этиш ва уни қўллашда инсон омили сақланиб қолганлигини кўрсатади.

**бешинчидан**, айрим тоифадаги жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддати татбиқ этилмайди. Бунда ушбу муддатлар асосан тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятларга (ЖКнинг 150–157-моддалари, 158-моддасининг биринчи қисми, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161 ва 244<sup>2</sup>-моддалари) нисбатан қўлланилмайди.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан қилмишнинг содир этилиш вақтидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик қоидаси ҳарбий жиноятчилар, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахслар, уруш ёки тинчлик даврида [11] содир этилганлигидан қатъи назар, шунингдек апартеид [12] ва геноцид [13] учун қўлланилмайди.

Ушбу халқаро ҳужжатларда белгиланган қоидалар айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва уларга жазо чораларини қўллашда муддат ўтганлик қоидасидан қатъий назар, ушбу жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортишни назарда тутади.

**олтинчидан**, ушбу асос бўйича жиноят ишини тугатиш ишни судга қадар юритиш босқичида ҳам, суд босқичида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бунда жавобгарликка тортиш муддатлари ишни судга қадар юритиш босқичида тугаса, жиноят иши терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарорига асосан тугатилади.

Агарда жавобгарликка тортиш муддати суд тергови вақтида тугаса, унда шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан, судланувчи суд залидан жазо тайинланмай озод қилинади ҳамда суднинг ажримига асосан жиноят иши тугатилади.

Агар жавобгарликка тортиш муддатларининг тугаши апелляция ёки кассация тартибида шикоят келтириш ёки протест билдириш босқичида аниқланган бўлса, суд ишни тугатиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради.

Демак, жиноят ишининг тугалланиш вақти тергов ёки суд муҳокамаси муддатига эмас, балки Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган муддатларга боғлиқ бўлиб, ушбу моддада белгиланган муддатларнинг ўтиши шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишга асос бўлади.

Жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик муносабати билан жиноят ишини тугатишда айрим муаммоли ҳолатлар ҳам мавжуд. Қонунчиликда **давомли жиноятлар ва узоққа чўзилган жиноятлар** бўйича жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш масаласи аниқ белгилаб қўйилмаган.

Ушбу масалада ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам турли хил фикрлар билдирилган. Хусусан, М. Рустамбаевнинг фикрига кўра, давомли жиноятлар ва узоққа чўзилган жиноятларга нисбатан жиний жавобгарликка тортиш муддатлари уларнинг айбдор ихтиёрига кўра ёки ихтиёрига қарши равишда тугалланган вақтдан бошлаб ҳисобланиши лозим [14, Б.593].

Давомли жиноятларда жиний жавобгарликка тортиш муддати айбдорнинг ягона қасди асосида содир этилган охирги жиний ҳаракатнинг тугаши билан ўтишни бошлайди.

Узоққа чўзилган жиноятни квалификация қилишда айнан жиноятнинг бошланиш вақтини жиний ҳаракат содир этилиш вақтидан, жиноятнинг тамом бўлиш вақти эса, айбдорни ўзини жиноятни тугатишга ёки қаратилган ёки қилмишнинг тамом бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг юз беришини эътиборга олиш лозим. Ушбу жиноятнинг тамом бўлиш вақтини белгилайди. Жиноят тамом бўлган вақтдан бошлаб жиний жавобгарликка тортиш муддати ўта бошлайди [15, Б.463].

Шунга кўра, давомли жиноятлар ва узоққа чўзилган жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатини қайси вақтдан бошлаб ҳисоблаш масаласини амалдаги қонунчиликда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, кўпчилик олимлар томонидан коррупциявий жиноятларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатини узайтириш ёки умуман муддатнинг ўтишини чеклашга оид қарашлар илгари сурилади.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ–6257-сон Фармонининг 6-банди ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 31-бандида Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларга нисбатан **жиний жазони ўташда енгиллаштирувчи нормаларни қўллашга чеклов белгилаш** назарда тутилган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 29-моддасида давлатлар Конвенцияда жиноят деб тан олинган исталган жиний ҳаракатларга нисбатан иш қўзғатилиши учун **узоқ даъво муддатини** белгилайди ва жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс одил судловдан бўйин товлаётган ҳолларда даъво учун янада **узоқ муддатни** ёки **даъво муддатини давом этишини тўхтатиш имкониятини белгилайди**, деб қайд этилган.

Бундан ташқари, айрим хорижий давлатларда коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддатини қўлламаслик ёки бошқа жиноятларга нисбатан узоқроқ муддат белгиланганлиги кўриш мумкин.

Хусусан, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддаси олтинчи қисмида пора олиш ва тамагирлик йўли билан пора олиш учун жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиши қўлланилмайди [16].

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасида коррупция жиноятлари

учун бошқа жиноятларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари узоқроқ қайд этилган [17].

Таҳлил натижалари юзасидан, жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик муносабати билан жиноят ишини тугатишни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

**биринчидан**, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида давомли жиноятлар ва узоққа чўзилган жиноятларда жавобгарликка тортиш муддатларини қайси вақтдан бошлаб ҳисоблаш белгиланмаган. Ушбу масалага аниқлик киритиш ва ягона амалиётни шакллантириш мақсадида жавобгарликка тортиш муддатини давомли жиноятлар учун жиноят тамом бўлган кундан бошлаб, узоққа чўзилган жиноятлар учун эса, ушбу жиноятлар аниқланган кундан бошлаб ҳисоблаш таклиф этилади.

**иккинчидан**, коррупциявий жиноятларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишга оид алоҳида муддатларни белгилаш таклиф этилади.

**учинчидан**, муддат ўтганлиги сабабли жиноят иши тугатилган тақдирда зарарни қоплаш масаласини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш суд-тергов амалиётда юзага келаётган муаммоларга ечим топишга ҳамда иш бўйича қонуний, асосли, адолатли қарор қабул қилишга хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/3735818>.

2. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 586-бет.

3. Махмудов С. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №.6.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 162 бет.

5. Борисова В.Д. Проблемы сроков давности уголовного преследования в условиях современной правоприменительной практики // Вестник ННГУ. 2017. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-srokov-davnosti-ugolovnogo-presledovaniya-v-usloviyah-sovremennoy-pravoprimeritelnoy-praktiki> (дата обращения: 12.03.2022).

6. Абдурасулова. Қ., Тошпулатов А. Моддий ва процессуал ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги (жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи мисолида) //юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 43-50. // <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/138>

7. Махмудов С. А. Termination of criminal proceedings in criminal procedure //Conferences. – 2021. – Т. 1. – №. 1. // <https://www.conferences.uz/index.php/conferences/article/view/48>.

8. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 588-бет.

9. Makhmudov S.A. To take into account mitigating circumstances when imposing punishment as one of the criteria for imposing a fair penalty //Прогрессивные технологии в мировом научном пространстве. – 2020. – С. 154-158. // <https://www.researchgate.net/publication/348297964>.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сон “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. // <https://lex.uz/uz/docs/111453>.

11. “Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан муддати ўтганлик қонунда қўлланилмаслиги тўғрисида”ги Конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1968 йил қабул қилинган ва 1970 йил 11 ноябрда кучга кирган 2391 (XXII)-сонли Резолюциясига мувофиқ, имзоланган, ратификация қилиш ва қўшилишга очиқ, деб эълон қилинган).

12. “Апартеид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо белгилаш тўғрисида”ги 1973 йил 30 ноябрдаги Конвенция (1976 йил 18 июлда кучга кирган).

13. “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо белгилаш тўғрисида”ги Конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 260 А (III)-сонли Резолюцияси билан 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган, 1961 йил 12 январда кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги 835-1-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси қўшилган) // <https://lex.uz/uz/docs/2606731?query>.

14. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 593-бет.

15. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр] умумий қисм // М.Рустамбаев. – Тошкент.: “Адолат”, 2016. – 463-бет. // <https://drive.google.com/file/d/1Vdl7uZ4s5xDEz7oWhXM9RVDDQagfemHn/view>.

16. Уголовный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 19. // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527>.

17. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V. // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТУРГУНБОЕВ Элбекжон Одилжонович  
юридик фанлар номзоди

## ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ: ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, ТУРЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТУРГУНБОЕВ Э.О. Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жазодан озод қилиш институти: тушунчаси, белгилари, турлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 103-107.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-14>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига мувофиқ жазодан озод қилиш институтининг тушунчаси, белгилари, ҳуқуқий асослари ва турларига оид айрим мулоҳазаларни билдирган. Шунингдек, айрим мутахассислар жазодан озод қилишнинг қилмишга боғлиқ ҳамда шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра фарқлашини билдириб, уларга мисоллар келтирган. Жумладан, қилмишга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилиш жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан, амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш турларини келтирган.

**Калит сўзлар:** жазодан озод қилиш асослари, синов муддати, жазодан озод қилишнинг формал ва моддий асослари, намунали хулқ-атвор, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қўшимча жазодан озод қилиш турлари.

ТУРГУНБОЕВ Элбекжон Одилжонович  
кандидат юридических наук

## ИНСТИТУТ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ НАКАЗАНИЯ В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ УЗБЕКИСТАНА: ПОНЯТИЕ, ПРИЗНАКИ, ВИДЫ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассуждает касательно понятия, признаков, правовых оснований и видов института освобождения от наказания в соответствии с уголовным законодательством Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** основание освобождения от наказания, испытательный срок, формальные и материальные основания для освобождения от наказания, примерное поведение, добросовестное отношение к труду, виды освобождения от дополнительных наказаний.

INSTITUTE OF EXEMPTION FROM PUNISHMENT IN THE CRIMINAL LAW OF UZBEKISTAN:  
CONCEPT, SIGNS, TYPES

## ANNOTATION

In this article, the author expressed some comments on the concept, symptoms, legal basis and types of the Institute for the release from punishment in accordance with the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

The author also stated that some experts believe that exemption from punishment depends on the act and differs depending on the circumstances that depend on the person, gave them examples. In particular, exemption from punishment due to circumstances related to the act resulted in types of exemption from punishment on the basis of an act of amnesty or pardon, as well as exemption from punishment due to the fact that the term of execution has expired.

**Keywords:** the basis of exemption from punishment, probationary period, the formal and material basis for exemption from punishment, exemplary conduct, honest attitude to labor, types of exemption from additional punishment.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазодан озод қилиш институти тушунчаси юзасидан яқдил фикр йўқ. Назарияда жазодан озод қилиш деганда шахсга нисбатан тўлиқ ёки қисман жазо тайинлашни, шунингдек жазонинг хусусиятидан келиб чиқиб муайян чеклов ва таъқиқлар қўллашни рад этиш тушунилади.

Жазодан озод қилиш институти концепциясини янада тўлиқ ва тўғри шакллантириш учун унинг ўзига хос белгиларини аниқлаштириш зарур. Шунга кўра, айтиш керакки, жазодан озод қилиш жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-ижроия ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Шу маънода жазодан озод қилиш-шахсга тўлиқ ёки қисман жазоланмаслик имкониятини бериш бўлиб, у давлатнинг жазони қўллашдан ёки унинг ижросини давом эттиришдан бош тортишида ифодаланади. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятига, шунингдек жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига пухта баҳо берилган тақдирдагина қўлланилиши мумкин [1].

Жазодан озод қилиш уни ижро этишнинг мумкин бўлмаслиги (маҳкумнинг касаллиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетиши) ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги (маҳкумнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши) билан белгиланади [2].

Жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга жазо тайинлаш суднинг мутлақ ваколати бўлганлиги сабабли жазодан озод қилиш фақат суд томонидан амалга оширилади.

Айрим олимлар жазодан озод қилишнинг қуйидаги икки асосини ажратиб кўрсатишади:

– маҳкумни тайинланган жазони реал ва тўлиқ ўтамай туриб ҳам уни ахлоқан тузатиш мумкин бўлган ҳолатлар (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли жазодан озод қилиш, енгилроқ жазо билан алмаштириш ва бошқ.);

– баъзи объектив сабабларга кўра маҳкумни ахлоқан тузатиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (касаллик туфайли жазодан озод қилиш) [3].

Булар, назаримизда, жазодан озод қилиш асосларининг маҳкумни жазодан озод қилиш суднинг ҳуқуқи ёки мажбуриятининг мавжудлиги билан фарқланади. Шунга кўра, жазодан озод қилиш асослари икки: 1) мажбурий – жазодан озод қилиш суднинг мажбурияти ҳамда 2) факультатив – жазодан озод қилиш суднинг ҳуқуқи ҳисобланадиган турларга ҳам бўлинади. “Мажбурий жазодан озод қилиш”да, асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш; касаллик туфайли жазодан озод қилиш; жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жазодан озод қилиш тушунилади. Санаб ўтилган асосларга кўра жазодан озод қилиш судьянинг мажбуриятига киради. Чунки, ушбу асосларга кўра маҳкумни жазодан озод қилишда турли объектив сабаблар – жазонинг муайян қисмини ўтаганлик,



касаллик натижасида, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги инobatга олинади.

Факультатив асосларга кўра жазодан озод қилиш эса судьянинг ҳуқуқи ҳисобланиб, у маҳкумнинг ҳолатини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

Худди шунингдек, жазодан озод қилиш асослари шартли ва шартсиз турларга ҳам бўлинади. Унинг шартли турига судланувчининг кейинги хулқ-атвориغا боғлиқ равишда тайинланган жазони бекор қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигига кўра фарқланади.

Жазодан озод қилишни турларга ажратиш унинг ҳуқуқи табиатини, мавжуд жиноий-ҳуқуқий белгиларини, ижтимоий жиҳатдан тайинланиш хусусиятларини комплекс қайта кўриб чиқиш учун зарур. Бундан ташқари, жазодан озод қилиш институтининг қўлланилиши жиноий репрессияни минималлаштириш, инсонпарварлик ва адолат принципларини қўллаш, ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи бўлишига қарамай жазо қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигидан келиб чиқишида изоҳланади [3].

Миллий жиноят қонунчилигига кўра жазодан озод қилишнинг асосий турига маҳкум жазонинг муайян қисмини ўтамасдан жазодан озод қилиш асослари киради. Уларга жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш; шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш; айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш; шартли ҳукм қилиш; касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш хос.

Қўшимча жазодан озод қилиш турлари сифатида эса маҳкум жазони ўташни бошлаб, тайинланган жазонинг муайян қисмини ўтагандан сўнг муайян шартлар асосида жазодан озод қилиниши тушунилади. Уларга, жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш; амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш хос.

М.Ҳ.Рустамбоев жазодан озод қилишни тўлиқ, қисман ва аралаш деб аталмиш жазодан озод қилиш турларига бўлиб тушунтиради [2].

Жазодан тўлиқ озод қилишда суд ҳукмида белгиланган жазони ўташга маҳкум киришмайди. Ҳукмда тайинланган жазонинг у ёки бу қисмини ўташдан озод қилинишини эмас, балки маҳкумнинг бу жазонинг бирор бир қисмини ҳам ўташ назарда тутилмаслиги кўзда тутилади.

Жазодан қисман озод қилиш уни ўташ даврида жазодан озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда ифодаланади. Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари тоифасига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш хос.

Қисман жазодан озод қилишда маҳкум ҳукмда белгиланган жазони ўташга киришади, унинг маълум қисмини ўтайди. Жазонинг муайян қисмини ўтаганидан сўнг, бу муддат давомида хулқининг ижобий томонга ўзгарганлиги, жамоат ишларида фаол иштироки ва бошқа хусусиятларини инobatга олган ҳолда суд унга тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини ўташдан озод қилади, шунингдек, бир турдаги жазони Жиноят кодексига белгиланган жазо тизимида юқорироқда турган енгилроқ жазо билан алмаштиради.

Шунингдек, жазодан озод қилишнинг аралаш тури тўлиқ ва қисман жазодан озод қилишни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уларга касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш; амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш киради.

Бундан ташқари жазодан озод қилишнинг умумий асослари субъектив, объектив, аралаш турларга ҳам бўлинади.

Жазодан озод қилишнинг субъектив турларига шахснинг жиноят содир этагандан кейинги ижобий хатти-ҳаракати, намунали хулқи, меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабати, жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берадиган ва келтирилган зарарни қоплаганлиги каби ҳолатларни, яъни шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилишни назарда тутаяди. Уларга жиноят қонунида белгиланган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш, айбдор ўз

қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш, шартли ҳукм қилиш; жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари киради.

Жазодан озод қилишнинг объектив асослари табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар туфайли юзага келади. Уларга жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш; касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш асослари мисол бўлади. Аралаш тури объектив ва субъектив омиллар ўз ичига олиб, объектив, жамиятдаги ўзгариш амнистия акти қабул қилинганлиги бўлса, субъектив афв этиш шахснинг муайян жазо муддати ўтаганлиги ва ижобий хулқ-атвори туфайли жазодан озод қилинганлиги сабабли амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш жазодан озод қилишнинг аралаш турига киради[4].

Мутахассислар томонидан, шунингдек қилмишга боғлиқ ҳамда шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилишнинг асослари ҳам фарқланади.

Қилмишга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилиш жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан ҳамда амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш асослари киради.

Шахсга боғлиқ ҳолатларга қуйидагилар киради: шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш; шартли ҳукм қилиш; жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш; касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш; айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

Шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилишнинг асосларига тўхталиб, айтиш керакки, шахснинг ижтимоий хавфлиликни йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш Жиноят кодексининг 70-моддасида жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлиликни йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу қоида Жиноят кодексининг 65-моддасида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш турларидан фарқли равишда, ишни судда кўрилаётган вақтда шароитнинг ўзгарганлиги ёки жиноят содир этган шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатганлиги билан шартланади [5].

Ушбу моддага асосан жазодан озод қилиш учун қуйидаги иккита шарт бажарилиши лозим:

- ишни судда кўрилаётган вақтда шароитнинг ўзгарганлиги бўлса;
- жиноят содир этган шахснинг хулқи намунали тарафга ўзгарганлиги, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлаётганлиги исботланиши зарур.

Алоҳида судларда жиноят ҳуқуқи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгарганлиги, қилмишни декриминализация қилади деб қарор қабул қилишади. Шу нарсага қўшилиш мумкинки, воқеадаги қилмишни ягона декриминализация қилувчи нарса, қилмишни жиноят эканлигини бекор қилувчи қонун қабул қилиниши, лекин у ҳали кучга кирмаганлигидир. Ушбу ҳолатдагина шахс содир этган қилмиши шароит ўзгарганлиги туфайли ижтимоий хавфлиликни йўқотди, деб жазодан озод қилиниши мумкин [6].

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилишда эса шахс илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни иштирокчиликда содир этганидан кейин юқоридаги шартлар асосида фаоллик кўрсатиши шахсни илгари содир этган жиноятлари учун жазодан озод қилиш мумкинлигини англатади [5].

Шартли ҳукм қилишда шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига жазоларидан бири тайинланиб, лекин уни ўтамаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра шартли ҳукм қилиш “жазодан озод қилиш”нинг тури ҳисобланади. Бироқ, айрим МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида мазкур

ҳолат жазо тайинлаш бобининг таркибида кўрсатилган [7]. Шундан келиб чиққан ҳолда шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилишнинг бир тури сифатида қараш нотўғри тушунча ҳисобланади.

Жазодан озод қилишнинг кейинги тури сифатида шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддаси) ҳисобланади. Шартли ҳукм қилиш Жиноят кодексининг 72-моддасида белгиланган. Шартли ҳукм қилиш шахсга жазо тайинлаб, уни реал ижро этмаган ҳолда суд қилишни англатади. Шартли ҳукм қилишда маҳкумга аниқ жазо тайинланади ва синов муддати белгиланади ҳамда синов муддати давомида синов шартларини бузган ҳолатда тайинланган реал жазони ижро этиш шартли юклатилади [5].

Жазодан озод қилишнинг аралаш турларига шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-модда), жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-модда) жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-модда) киради. Чунки, жазодан озод қилишнинг ушбу турлари ҳам шахсга боғлиқ ҳамда қилмишга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилинади.

Судья ЖК 72-моддаси билан ҳукм қилишда ушбу модда 1-қисмида кўрсатилган жазолардан бири ўрнига 1 йилдан уч йилга қадар синов муддати тайинлайди ва муайян мажбуриятларни юклайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 35-бандига кўра ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд томонидан унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд бундай шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда белгиланган жазони ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли [8]. Шу билан бирга, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва муайян ҳолатларни, маҳкумнинг шахси ва синов муддати давомидаги хулқ-атворида доир маълумотларни ҳисобга олиб, суд шартли ҳукмни аслича қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Маҳкум ушбу қоидага мувофиқ синов муддати давомида суд томонидан унга юклатилган мажбуриятларни ўз вақтида бажарса, синов муддати муваффақиятли ўтади. Агарда юклатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, ҳукмда белгиланган жазо масалан, озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш жазоларини ўташ лозим бўлади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ефремова Ирина Алексеевна Понятие, признаки, основания и виды института освобождения от наказания // Вестник СГЮА. 2018. №1 (120). // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-priznaki-osnovaniya-i-vidy-instituta-osvobozhdeniya-ot-nakazaniya>.
2. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. II том.-Т.: “ILM ZIYO”, 2011.
3. Бохан А.П., Хачатрян С.С. Классификация видов и оснований освобождения от наказания// Юрист-Правовед. - Москва, 2014. -№.
4. Сверчков В.В. Основания освобождения от уголовной ответственности и (или) наказания: Система, законодат. регламентация, эффективность применения. авт. дисс... кан.юр. наук. - Нижний Новгород, 1997.
5. Kabulov R., Otajonov A. A. va boshq. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. -Т.: O'zbekiston Respublikasining IIV Akademiyasi, 2012.
6. Костылева О.В. Освобождение от наказания в связи с изменением обстановки: современные тенденции правоприменения// Библиотека криминалиста. Научный журнал. Москва, 2013. -№ 2.
7. Бабаян, С. Л. Освобождение от отбывания наказания: проблемы и пути совершенствования / С. Л. Бабаян // Уголовно-исполнительное право. – 2018. – Т. 13(1–4), № 3.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/1455976>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**YUNUSOV Khaydarali**

Senior research staff of the Institute of State and Law of the  
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,  
Docent of UNESCO on International law and human rights Department,  
University of World Economy and Diplomacy, PhD in International Law  
E-mail: yunusovkm@gmail.com

### CONTRIBUTIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS TO THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES: SARAKHSI – FOUNDER-FATHER OF INTERNATIONAL LAW

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** YUNUSOV Kh. Contributions of central asian scholars to the development of islamic sciences: sarakhsi – founder-father of international law // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) P. 108-115.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-15>

#### ANNOTATION

This article is dedicated to contributions of Central Asian scholars to the development of islamic sciences, including Muhammad ibn Ahmad Abu Bakr Sarakhsi's legacy in international law doctrine. Author gives an authoritative statement that Central Asia, namely Uzbekistan, is, apparently, the homeland of International Law thanks to works of formidable scholar Muhammad ibn Ahmad Sarakhsi, so-called as "Hugo Grotius of the Muslims". According to him, by interpreting Arabic scholar Muhammad Shaybani's book "Kitab al-Siyar al-Kabir", Sarakhsi was first to set forth the "Siyar" – "International Law" as an autonomous and legitimate discipline within the framework of law. Author firmly maintains that Sarakhsi was a leading scientific authority who was credited by all islamic scholars as being one of the greatest scholars of Islamic jurisprudence of his time. According to author's preliminary research results, he was one of the real founder-fathers of international law.

**Keywords:** Islamic international law, doctrine of international law, treaties, judicial practice, diplomatic immunity and privileges, the principle of reciprocity, proportionality, territory, territorial diversity, religious beliefs, civilization.

**ЮНУСОВ Ҳайдарали**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: yunusovkm@gmail.com

### МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ИСЛОМ ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ: САРАХСИЙНИНГ – ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЧИСИ

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Марказий Осиёлиқ олимларнинг ислом фани ривожига қўшган ҳиссасига, шу жумладан, Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Бақр Сарахсийнинг халқаро ҳуқуқ таълимотига оид илмий меросига бағишланади. Муаллифнинг баралла баёнот беришича, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон “Муслмон дунёсининг Гуго Гроцийси” деган ном олган забардаст олим Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий асарлари туфайли халқаро ҳуқуқ туғилган ватандир. Муаллифга кўра, Сарахсий араб олими Муҳаммад Шайбонийнинг “Халқаро ҳуқуқ” китобига шарҳлар ёзиш асносида биринчи бўлиб “сияр” – “халқаро ҳуқуқ”ни ҳуқуқ фанларининг алоҳида ва мустақил соҳаси сифатида таърифлаган. Муаллифнинг таъкидлашича, Сарахсий барча ислом олимлари томонидан ўз даврининг энг йирик ҳуқуқшуносларидан бири сифатида эътироф этилган. Муаллиф тадқиқотларининг дастлабки натижаларига кўра, у халқаро ҳуқуқнинг ҳақиқий асосчиларидан бири бўлган.

**Калит сўзлар:** ислом, халқаро ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ таълимоти, шартномалар, суд амалиёти, дипломатик дахлсизлик ва имтиёзлар, ўзаролик тамойили, мутаносиблик, ҳудуд, ҳудудий хилма-хиллик, диний эътиқод, тамаддун.

## ЮНУСОВ Хайдарали

Старший научный сотрудник Института государства и права Академия наук Республики Узбекистан, доцент кафедры “Международное право и права человека”  
Университет мировой экономики и дипломатии,  
кандидат юридических наук  
E-mail: yunusovkm@gmail.com

## ВКЛАД УЧЕНЫХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В РАЗВИТИЕ ИСЛАМСКИХ НАУК: САРАХСИ – ОСНОВОПОЛОЖНИК МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вкладу ученых Центральной Азии в развитие исламских наук, в том числе наследию Мухаммада ибн Ахмада Абу Бахра Сарахси в доктрине международного права. Автор уверенно заявляет, что Центральная Азия, а именно Узбекистан, является родиной международного права, благодаря трудам выдающегося ученого Мухаммада ибн Ахмада Сарахси, так называемого “Гуго Гроция - мусульманского мира”. По его словам, интерпретируя книгу арабского ученого Мухаммада Шейбани “Китаб ас-Сияр аль-Кабир”, Сарахси первым сформулировал “сияр” – “международное право” как автономную и легитимную дисциплину в рамках права. Автор утверждает, что Сарахси был ведущим научным авторитетом, которого все исламские ученые признали одним из величайших ученых в области исламской юриспруденции своего времени. По предварительным результатам исследования, Сарахси был одним из основателей международного права.

**Ключевые слова:** международное исламское право, доктрина международного права, договоры, судебная практика, дипломатический иммунитет и привилегии, принцип взаимности, соразмерность, территория, территориальное разнообразие, религиозные верования, цивилизация.

Central Asia and, particularly, Uzbekistan is frequently referred to as “Homeland or grew-up place of sciences and civilization”. Our ancestors highly proved it. The names of more than 2,700 scholars originated from Central Asia were mentioned in the different sources [1]. Of course, on the top of the list is always the name of Ibn Sina, known as “Avicenna” in the West, enormously contributed to the development of medical sciences with “al-Qanun fi-t-Tibb”. His book was reprinted in Rome as late as 1593, was used at Löwen University for 600 years, until 1650, and Thomas Aquinas quoted Ibn Sina more than 400 times. Al-Farabi, interpreted Aristotle and Platoon’s philosophy making it

easy to understand and that is why was called as the “Second teacher” (after Aristotle), immensely contributed to the development of the Islamic philosophy as well. The book “Al-Hidayah” of the legal scholar Burkhaniddin Marghinani has been the most popular chef-de-oeuvre in the entire Islamic legal literature. American jurist-scholar Roscoe Pound says that “Al-Hidayah” is the beginning of the case study method of studying law [2]. Abu Rayhan al-Biruni discovered America long before Turkish sailors and Christopher Columbus theorizing the existence of a landmass along the ocean between Asia and Europe in his “Codex Masudicus” (1037). He was given the title “founder of Indology” for his remarkable description of India in early 11th century in his “Kitab al-Hind”. He is also regarded as the “father of geodesy” for his important contributions to that field.

And, finally, Central Asia is, apparently, the homeland of International Law thanks to formidable scholar Muhammad ibn Ahmad Sarakhsi, so-called as “Hugo Grotius of the Muslims” who by interpreting Arabic scholar Shaybani’s book “Kitab al-Siyar al-Kabir” and through application of juristic preference (istihsan) doctrine, sets forth the “Siyar” – “International Law” as an autonomous and legitimate discipline within the framework of law.

Muhammad bin Ahmad Abu Bakr al-Sarakhsi was a leading Islamic lawyer who as an original thinker discussed and inquired into the principles of Islamic jurisprudence. He was credited by all Islamic scholars as being one of the greatest scholars of Islamic jurisprudence of his time.

Not much is known about his life. Sarakhsi was born in Sarakhs, city which his family name came from, is presently located in Central Asia, at the border between Iran and Turkmenistan. He died in 1096 in Ferghana city of Uzbekistan. He spent 17 years in famous Bukhara (located in Uzbekistan) studying law. Then he went to Ferghana valley (Eastern Uzbekistan) to practice law. It is said that Sarakhsi was imprisoned due to his opinion on a juristic matter concerning a ruler. He spent around fifteen years in prison. While he was imprisoned, he wrote his most important works such as “Al-Mabsut” (The Broade Scope), “Usul al-Fiqh” (Legal methodology) and “Sharh al-Siyar al-Kabir lil-Shaybani” (Interpretation of Shaybani’s International Law). It is also interesting to note that all biographers of Sarakhsi, show a great admiration for his memory. It is said that famous Imam Shafi’i (died in 204 A.H./820 A.D.) committed three hundred quires, while it is believed that Sarakhsi had committed one thousand and three hundred complete quires to memory. In those days, great importance was given to the memory of course because of less-development of writing and printing infrastructure. Sarakhsi was detained in the pit and gave dictation from his memory, without having any reading material at hand, while being confined below in the pit and his companions (students) could take dictation standing above.

Generally, scholars of Islamic jurisprudence maintain that Sarakhsi (483 A.H./1090 A.O.) was a follower of Shaybani (died in 189 A.H./804 A.D.) and, at most, an expounder and commentator of his works, although his stature is raised said that he reached the stature of Abu Bakr al-Khassaf (291 A.H./903 A.D.), Abu Khasan al-Karkhi (340 A.H./951 A.D.), al-Pazdawi (482 A. H./1089 A.D.), and others.

However, such statements are not based on any systematic analysis of his works. It becomes evident from last investigation that Sarakhsi, in fact, derives his material from all these sources, including Abu Yusuf whom Muhammad Shaybani, does not like to refer to in his works because of the enmity which took place between them and Imam Shafi’i who launched a great rebuttal against the upholders of the doctrine of juristic preference. Sarakhsi is not concerned with such trivial matters. He states the opinion of Abu Yusuf whenever he finds it necessary and brings it in support of his opinion when it differs from the opinion of Shaybani and, in spite of Shafi’i’s opposition to the doctrine of juristic preference, Sarakhsi occasionally cites and accepts his opinion in order to support his own opinion against Shaybani, or others [3, P.17].

One of Sarakhsi’s most important works is the “Sharh al-Siyar al-Kabir” (2 volumes) to which not enough attention has been paid so far. In this work, Sarakhsi discusses at great length almost all aspects of international law and emphasizes the importance and significance of the siyar in the mutual relations with other nations.

The introduction parts of “Sharh al-Siyar al-Kabir” are dated from the prison in the years 466 A.H. / 1084 A. D. When Sarakhsi reached the fourth part of his book, he was released from the prison. He completed it in Ferghana in the year 480 A.H. /1090 A. D. Despite the fact that Sarakhsi

is very eloquent, in many parts of the “Sharh-Siyar al-Kabir”, one can notice the poor diction, long sentences and negligence in their grammatical structure. Some scholars maintain that this is due to the fact that later scholars of Islamic jurisprudence did not concern themselves as much with language and diction as did earlier scholars and also because Sarakhsi dictated most parts of his “Sharh al-Siyar al-Kabir” while he was in the prison and did not revise it. It would be more appropriate to say that the latter is the case.

In fact, the first fundamental book on international law entitled “Kitab al-Siyar al-Kabir” was written by famous Arabic scholar Muhammad Shaybani in the 9<sup>th</sup> century A.D. That is why some scholars consider him founder-father of International Law or “Hugo Grotius of the Muslims”. But, unfortunately, Shaybani’s “Kitab al-Siyar al-Kabir” whose original text seems to have been lost and is known to us through the elaborate commentary of Sarakhsi’s book “Sharh al-Siyar al-Kabir”, which virtually amounts to a new book and represents the Hanafi doctrines as they were understood in the fifth century of the Islamic era (11<sup>th</sup> century A.D.). At first sight, Sarakhsi’s work is considered generally as the commentaries on Shaybani’s work and as the exposition of his works. But latest investigations led to a different conclusion. There are striking differences between siyar (international law) of Shaybani and Sarakhsi in spite of the fact that both deal with the same matter. Although it may be regarded as an exposition of Shaybani’s siyar as Sarakhsi understood him, in fact, it was Sarakhsi’s own presentation of siyar [3, P.48]. Now scrupulous content analysis is required to identify what belong to Sarakhsi himself, and what belong to famous Shaybani. Therefore, there is no way than going through content analysis of the text of the book.

The clear definition of the siyar (International Law) is given first by Sarakhsi in the history of international law stating its concise subject matter, conceiving of it as an extension of the sharia law. In other words, he singled out international law from sharia as an autonomous field of law taking into account a multilateral nature of it. He bravely underlined that all sharia rules cannot be applied in the international relations which require flexible approaches assuming reciprocal benefits and concessions.

Sarakhsi considers the siyar as an autonomous branch of the Islamic law and attempts to establish the relevance of the doctrine of juristic preference (istihsan) with the relations of Muslims with other nations in 11<sup>th</sup> century. For that Sarakhsi employs the method of “extension” (tawassu’) which enables him to broaden the scope of Islamic jurisprudence including mutual relations (mu’amalat) with other nations. Sarakhsi is the one who conceives of the siyar (international law) as being a systematic discipline by defining it as “that which describes the conduct of Muslims with the unbelievers of enemy territory as well as the ones who enjoy the promise of security from the Muslims (musta’min) or the dhimmis (inhabitants of the territory protected by a treaty surrender) in the territory of Islam and with the apostates and the rebels” [4, P.2].

The Islamic international law (siyar) began operating just after establishment of the first Islamic state headed by Prophet Muhammad (pbuh). Initially, it was initiated to develop the regulations for concluding the treaties, their terminations and suspensions and the rules concerning the movements of individuals from one territory to another, the exchange of captives, diplomatic immunity and levying of taxes on the grounds of mutual reciprocity and commensurability. The siyar, thus, gradually began to evolve as a separate branch of Islamic law based on the Sunna and local practices, which are equivalent to customs; the Qur’an, the utterances of the Prophet and Caliph’s decisions and instructions which represent authority; the principles and rules enshrined in treaties with other nations which fall under the category of agreements; and, finally, the juristic writings which are considered as based on the analogical deduction (qiyas) and other forms of reasoning, such as ra’y (personal discretion) and istihsan (juristic preference), in accordance with the Islamic legal methodology.

Sarakhsi is the first to establish clearly that the disparity of territory is more than disparity of religions. Even the rulings with regard to marriage and inheritance are to be dealt with not by the congruity of religion, but on the basis of contract. The inviolability of religion becomes established only for the one who believes in it, not for the one who does not. The laws of Islam are not applicable to other territories and, equally, they are under no obligation to Muslims, as in the first place they make treaties with Muslims on the condition that the laws of Islam do not apply to them.

According to Sarakhsi, all mutual relations between Muslims and non-Muslims' territories are conducted according to their own laws and rules, and they vary from one territory to another, as the different territories have their own sovereignty and sovereign power and thus are to be ruled according to their laws. With the acceptance of the concept of disparity of territories, their laws are also recognized. If there is a dispute between two parties from those territories, it is ruled not according to the laws of the territory of Islam, but according to their local laws. The famous idea of Sarakhsi was that international law can be established by mutually recognizing local law, only.

Now, let us proceed from a general overview to the more specific aspects of Islamic international law as such as described in the book of Sarakhsi which delves into the details of the history of Islamic thoughts and summarizes and highlights the main contributions of Sarakhsi to the legal thoughts, the areas which deserve more attention by lawyers, Muslims and non-Muslims alike.

Sarakhsi in his book "Sharh al-Siyar al-Kabir" elaborates on the concept of an international treaty, the duration and date of treaties, the scope of conventional rights and obligations, the criteria for the invalidity or validity of treaties, and other issues.

Imam Sarakhsi was the first to give a classical definition to the treaty in Islamic international law. According to him, "treaty" ("muhadana" or "muwada'a" in Arabic) is a form of "aqd" (agreement, consent), which means an agreement aimed at creating a legal effect". He considers the date and duration of the agreement to be an important condition of the treaty [5, P.28-43].

The meaning of the treaty referred to here is broader than the contract in Western sense of international law. In Islam, an agreement means the compatibility or harmony of the intentions and goals of the parties. In other words, its essence is not limited to the concept of interest. Regardless of the extension of the interest, the agreement was viewed as the impartial consent of the parties.

As far as diplomatic law is concerned, it should be noted that diplomatic relations as the means of foreign policy and international relations have been playing an important role in Islamic statehood since its first day. Therefore, in accordance with the principles of Islamic law, diplomatic law was also developed. Admittedly, diplomatic representation was one of the first and foremost institutions of Islamic international law. Islamic scholar Muhammad Hamidullah, based on the works of historian Sayyid Amir Ali's History of Saracens, emphasizes that permanent embassies in Islam appeared 200 years before Europe [6, P.116].

Ambassadors, couriers and diplomatic representatives at all levels are provided with the necessary immunity and privileges in all circumstances. This shows the diplomatic tolerance of Islam. Sarakhsi explains: "The safety of (diplomatic) envoy must be secured on both sides. Without ambassadors, decisions on war and peace cannot be made, so the ambassador must be able to deliver his message" [5, P.358-361].

In his works, every detail of diplomatic law is clearly explained. The rights and responsibilities of the rulers and imams in relation to the ambassadors are also indicated. According to Sarakhsi, the imam is equally responsible for both the Muslims and non-Muslim foreigner (musta'min) under the label of aman (protection). Hence, the imam is obliged to protect the ambassador of another country [5, P.358-361].

According to Sarakhsi, Muslims are obliged to provide foreigners arriving on embassy missions with foods, shelters and transportation means. Sarakhsi repeatedly emphasizes that ambassadors are under the protection of the head of state, that it is also the duty of local rulers and all Muslims to ensure their safety and protect them from thieves and robbers. "It is his (the head of state's) duty to prevent them from being oppressed. He cares about their safety as much as he cares about the safety of Muslims" [5, P.358-361].

Even from today's standpoint, one must admit that all these circumstances (respect for and protection of the honor of the ambassadors, provision of the ambassador with additional funds and means of transport and protection of personal safety) described in Saakshi's works are fully in line with the dispositions of Article 22 (2) and Article 44 of the Vienna Convention on Diplomatic Relations of 1961 [7].

In the field of international humanitarian law, Sarakhsi's works detail the rules of warfare and the protection of war victims. Due to humanistic nature of Islamic law, women, children, the aged people and priests were given a special protection during the war. The hadiths of Imam Bukhari state that "it



is not permissible to kill women and children” and that “priests and ascetics should not be killed” [8]. Adding to that Sarakhsi urges not to kill the blind and the sick people [4, P.69]. Undoubtedly, these dispositions are in line with the provisions of the Geneva Conventions of international humanitarian law adopted on August 12, 1949 and their Additional Protocols I and II on the Protection of Victims of Armed Conflicts, signed on June 8, 1977 [9].

Another issue raised by Sarakhsi is the concept of the principle of mutual reciprocity (“Muzaja” in Arabic) in international law. In fact, there are principles of Islamic international law that can be found in the same context in several areas of law. One of the most important such principles of Islamic international law and law enforcement practice is the principle of reciprocity that apply in interstate relations in international law.

This principle especially plays balancing role in international legal relations, in particular, in trade relations. In the time of the Prophet Muhammad (pbuh), customs duties were introduced on the basis of reciprocity for goods entering the territory of Islam. Among the rulers, the principle of reciprocity was also observed in the exchange of gifts.

Islamic jurists have also paid special attention to this principle. In particular, Imam Sarakhsi also commented on this principle in detail. Sarakhsi writes: “Our relations with non-Muslims are based on reciprocity” [10, P.154-167]. By advancing the concept of reciprocity, Sarakhsi promoted the ideas of tolerance and good neighborhood between peoples belonging to different religious beliefs and cultures from the highest rostrum.

To conclude, “Sharh al-Siyar al-Kabir” written in XI century A.D. by our compatriot Muhammad ibn Ahmad Abi Sahl Abu Bakr Shams al-Aimma al-Sarakhsi is the alphabet of international law, the basic guide to the concept of Islamic international law. This work was written as a commentary on Muhammad al-Shaybani’s “Siyar al-Kabir” on the soil of ancient Fergana in Uzbekistan and reflects the basic concepts and principles, categories and institutions, almost all the areas and topics of international law.

Sarakhsi is our compatriot, the founder-father of international law. It means adequately that Uzbekistan is the birthplace of international law. Sarakhsi’s legacy was the start-point of the doctrine of international law not only in Uzbekistan or Central Asian or Muslim countries, but also in all countries around the world.

We must admit that over the last decades the research interest towards Sarakhsi’s legacy has increased significantly in the world. Dozens of doctoral research carried out on the different aspects of Sarakhsi’s scientific heritage at the University of Utah in the United States, McGill University in Canada, the University of Exeter in the United Kingdom and other universities of the world [11]. More systematic and successful research has been completed by American scholar Husain Kassim [12] from Central Florida University (Orlando, USA) and John Hopkins’s professor Majid Khadduri [13].

Sarakhsi’s views on international law have not escaped the attention of the classic German scholars of Islamic law, Joseph Schacht [14] and Carl Brockelmann. Well-known English orientologists such as Christopher Melchert, Jonathan Brown, and Wael Hallaq have also frequently referred to Sarakhsi’s work in their research in the field of Islamic law [15].

In particular, Sarakhsi’s “Sharh al-Siyar al-Kabir” has been recognized by the UNESCO as the first doctrinal work on international law. Given the importance of the book, under the auspices of this organization, the work was fully translated into French in 1989-1991 and published in 4 volumes [5]. In addition, Sarakhsi’s book has also been translated into Turkish in full, English, German, Spanish, Urdu, Persian and other languages in the scattered text. However, his compatriots are still deprived of the Uzbek version of this priceless work.

Nevertheless, unfortunately, Sarakhsi’s contribution to the formation of international law is still far from universally considered. Although Sarakhsi’s position in the history of Islamic sciences is highly well-known, the real significance of his works and his treatment of the subject matter of international law have not yet reached world-wide recognition. Further scrupulous investigation is needed to analyze the much-ignored contributions of Sarakhsi’s works with regard to the development of international law.

**References/ Иқтибослар/Сноски:**

1. Encyclopedia of Central Asian scholar. Abdullah Abdulhamid Saad. Edited by Prof. Z.I.Munavvarov. Toshkent, Publishing House of the Republican Scientific-Educational Center of Al-Imam Al-Bukhari, 2008. 468 pp (in English and Arabic).
2. Roscoe Pound, in his five volume work on jurisprudence, quotes from Hamilton`s translation of the *Hidayah* and says that this is the beginning of the case study method of studying Law. *Al-Hidayah: The Guidance*. Burhan al-Din al-Farghani al-Marghinani. A Translation of *Al-Hidayah Bidayat al-Mubtadi`*. A Classical Manual of Hanafi Law: II Volume. Translated from the Arabic with Introduction, Commentary and Notes by Imran Ahsan Khan Nyazee. Amal Press, Bristol, England, 2006. – 660 pp. Introduction xxv.
3. Kassim, Husain. *Sarakhsi – Hugo Grotius of the Muslims: The Concept of Treaties and Mutual Relations and the Doctrine of Juristic Preference in Islamic Jurisprudence*. – USA, San Francisco: Austin & Winfield, 1994.
4. Sarakhsi. *Kitab al-Mabsut*. Cairo, 1324. Vol. X.
5. *Le grand livre de la conduite de l'État (Kitāb al-Siyar al-kabīr ach-Chaibani)*. Commenté par as-Sarakhsi. Traduit par Muhammad Hamidullah, 4 vols. Ankara: Turkiye Diyanet Vakfi, 1989–1991. V.1. Chapitre (2).
6. Hamidullah, Muhammad. *The emergence of Islam: lectures on the development of Islamic world-view, intellectual tradition and polity*. 1st ed. – Islamabad: Islamic Research Institute in collaboration with Da'wah Academy, International Islamic University, 1993. xiv, 286 p.
7. Vienna Convention on Diplomatic Relations 1961. Done at Vienna on 18 April 1961. Entered into force on 24 April 1964. United Nations, Treaty Series, vol. 500, p. 95. See full text: [https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/9\\_1\\_1961.pdf](https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/9_1_1961.pdf)
8. *Ṣaḥīḥ al-Bukhārī*. The translation of the meanings of *Ṣaḥīḥ al-Bukhārī*, Arabic-English. Khān, Muḥammad Muḥsin. – Lahore: Kazi Publications, 1976. 9 v. Arabic-English.
9. Geneva Conventions of 1949 and Additional Protocols, and their Commentaries. International Committee of the Red Cross database: <https://ihl-databases.icrc.org/applic/ihl/ihl.nsf/vwTreaties1949.xsp>
10. *Kitab al-Siyar al-Kabir*. Vol. 5. – P. 285; *Le grand livre de la conduite de l'État (Kitāb al-Siyar al-kabīr ach-Chaibani)*. Commenté par as-Sarakhsi. Traduit par Muhammad Hamidullah, 4 vols. Ankara: Turkiye Diyanet Vakfi, 1989–1991. Vol.3. Chapitre (155) Des marchandises qu'il est licite aux Musulman de faire sortir. – P. 154-167.
11. For example: PhD thesis "The Jurisprudence of Sarakhsi with particular reference to war and peace: A Comparative Study in Islamic Law". By Dr. Osman Taştan. University of Exeter, UK, 1993; Labeeb Ahmed Bsoul. *International Treaties in Islam: Theory and Practice in the Light of Siyar (Islamic International Law)*. Institute of Islamic Studies McGill University, Montreal, Canada, 2003: <https://www.scribd.com/doc/29726588/International-Treaties-at-in-Islam-Theory-and-Practice-in-the-Light-of-Siyar-Islamic-International-Law>; Hsu Shiu-Sian Angel. Dress in Islam: looking and touching in Hanafi Fiqh. *American Journal of Islamic Social Sciences*. (Copyrights 2008, International Institute of Islamic Thought). Abstracts of Doctoral Dissertations. Vol. 11, issue 4 (winter, 1994).
12. Kassim, Husain. *Sarakhsi – Hugo Grotius of the Muslims: The Concept of Treaties and Mutual Relations and the Doctrine of Juristic Preference in Islamic Jurisprudence*. – USA, San Francisco: Austin & Winfield, 1994. – 153 pp.; *Sarakhsi: The Doctrine of Islamic Preference in Islamic Jurisprudence and the Concepts of Treaties and Mutual Relations*. USA, San Francisco: Austin & Winfield, 1995. – 176 pp.
13. Khadduri, Majid. *The Islamic Law of Nations: Shaybani's Siyar*. – Baltimore: Johns Hopkins Press, 1996; xviii, 311 pp.; *War and peace in the law of Islam*. Fifth edition. By Khadduri, Majid. – Clark, N.J.: The Lawbook Exchange, 2006; x, 321 p.; *Islam and the Modern Law of Nations*. *American Journal of International Law*. Vol. 50 (1956). – P. 358-372.
14. Joseph Schacht. „Serahsi'nin Hayatı ve Eserleri Hakkında Bazı Notlar“, 900. Ölüm Yıldönümü Münasebetiyle Büyük İslam Hukukçusu Şemsu'l-Eimme es-Serahsi Armağanı (çev. M. Esad Kılıçer), Ankara, 1965 (Serahsi Armağanı) – 7-13 s.; Joseph Schacht. *Das kitab al-hiyal fi'l-*

fiqh. Deutschland, Hannover: Lafaire, 1923. – 322 p.; Joseph Schacht. Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orientes). – Berlin: Walter de gruyter &co, 1933. –Band 21. – 286-291 p.; Joseph Schacht. The Origins of Muhammadan Jurisprudence. Oxford: Clarendon, 1950. – 412 p.; Joseph Schacht. Foreign Elements in Ancient Islamic Law // Journal of Comparative Legislation and International Law. – Leiden: BRILL, 1950.

15. Christopher Melchert. The Formation of the Sunni Schools of Law, 9th-10th Centuries C.E. Boston. Brill, 1997. xxviii, – 244p.; Jonathan Brown. Stoning and Hand Cutting – Understanding the Hudud and the Shariah in Islam. // [yaqeeninstitute.org/jonathan-brown/stoningand-hand-cutting](http://yaqeeninstitute.org/jonathan-brown/stoningand-hand-cutting); Wael Hallaq. The formation of Islamic law (Aldershot, UK; Burlington, VT: Ashgate/Variorum, 2004) – 464 p.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИ

**ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович**

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган Филиали  
директори, юридик фанлар доктори, профессор  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

### ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ОТАЖОНОВ А.А.  
Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
оширишга доир айрим масалалар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald.  
№ 1 (2022) Б. 116-121.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-16>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда миграция соҳаси учун масъул бўлган давлат органлари ва уларнинг фаолияти таҳлил қилинган, мазкур давлат органлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳозирги ҳолати тадқиқ қилинган, ундаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар илгари сурилган. Бугунги кунда мамлакатда меҳнат миграцияси соҳасида бевосита фаолият олиб боровчи кадрларни тайёрлашга махсус ёндошувнинг зарурияти ва юридик таълим муассасаларида махсус ўқув режалари асосида ўқитиш истиқболлари ва ўқув фанлари тизими ва дастурларининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, миграция соҳасида фаолият олиб боровчи давлат органлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда миграция соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш жараёни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** миграция, ташқи меҳнат миграцияси, миграция сиёсати, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, миграция ҳуқуқи, хориждан кайтган меҳнат мигрантларининг реинтеграцияси.

**ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович**

Директор Специализированного филиала Ташкентского государственного  
юридического университета, доктор юридических наук, профессор  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ КАДРОВ В СФЕРЕ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируется деятельность государственных органов, отвечающих за миграцию в Узбекистане, рассматривается современное состояние подготовки и переподготовки кадров государственных органов, выявляются существующие проблемы и вносятся предложения по их решению. На сегодняшний день раскрываются необходимость особого подхода к подготовке кадров, непосредственно занятых в сфере трудовой миграции в стране и перспективы подготовки в юридических учебных заведениях на основе специальных учебных планов и особенности системы и учебных планов учебных дисциплин. Кроме того, изучен опыт зарубежных стран в области подготовки и переподготовки кадров для государственных органов, работающих в сфере миграции, и выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию процесса эффективной организации подготовки, переподготовки и повышения квалификации для миграция.

**Ключевые слова:** миграция, иностранная трудовая миграция, миграционная политика, подготовка, переподготовка, квалификация, миграционное законодательство, реинтеграция трудовых мигрантов, потерявших работу за рубежом.

**OTAJONOV Abrorjon**

Director of the Specialized Branch of the Tashkent State University of Law, Doctor of Law,  
Doctor of Law, Professor  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

**SOME ISSUES OF TRAINING AND ADVANCED TRAINING OF PERSONNEL IN THE FIELD OF LABOR MIGRATION IN UZBEKISTAN****ANNOTATION**

The article analyzes the activities of sectoral state bodies on migration in Uzbekistan, examines the current state of training and advanced training of personnel for these state bodies, identifies existing problems and suggests ways to eliminate them. The necessity of a special approach to the training of personnel working directly in the field of labor migration in the country, and the prospects of studying in law schools based on special curricula, as well as the features of the system and programs of educational sciences are revealed. In addition, the experience of foreign countries in training and advanced training of personnel for sectoral government agencies was studied and proposals and recommendations were developed aimed at improving the process of effective organization of the system of training, retraining and advanced training of personnel for the field of migration.

**Keywords:** migration, foreign labor migration, migration policy, training, retraining, qualifications, migration legislation, reintegration of migrant workers who have lost their jobs abroad.

Бугунги глобаллашув шароитлари дунёда миграция жараёнларини тобора кескинлаштирмоқда ва бунга аҳолининг ўсиш суръати, турли минтақаларда сиёсий инқироз ва ҳарбий низоларнинг мавжудлиги, айрим давлатларда рўй бераётган табиий ва техноген хусусиятдаги офатлар, глобал пандемия шароити, ривожланаётган мамлакатларда иш ўринлари етишмаслиги ҳамда иш ҳақининг инсонлар кундалик эҳтиёжини қондириш даражасидан пастлиги, ёшлар орасидаги ишсизлик юқориликча қолаётгани каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёнинг турли мамлакатларида яшаётган мигрантлар сони 281 миллиондан ошган. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йилда 2,5 миллионга яқин фуқаро меҳнат миграциясида бўлган бўлса, 2021 йилда мамлакатимиздан хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган меҳнат мигрантлари сони 1,5 млн нафардан зиёд киши (1 540 938 нафар)ни ташкил этган. Бу ўз навбатида мамлакатимизда ташқи меҳнат

миграция жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мамлакатдан чиқиб кетаётган фуқаролармизни хорижда ишга жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, хориждан меҳнат фаолиятини амалга ошириб қайтган фуқароларни реинтеграция қилиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш каби вазифаларни самарали ташкил этишни тақозо қилади.

Мазкур долзарб вазифаларни ҳал этиш, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бу соҳада фойлият олиб бораётган кадрларнинг профессионал тайёргарлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, миграция соҳасини ҳуқуқий ва кадрлар билан таъминлаш борасида сўнги йилларда мамлакатмизда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Негаки, мамлакатда миграция сиёсатининг изчил амалга оширилиши меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда ўша давлатнинг ҳалқаро майдондаги имижининг ошишига, унинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигининг мустаҳкамланишига замин яратади.

Мамлакатда пухта, барқарор амалга оширилган миграция сиёсати шу давлатнинг бошқа давлатлар, хорижий ва халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролар олдида ишончининг ортишига ҳамда инвестиция киритишига хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, меҳнат миграциясини самарали бошқариш учун, авваламбор, аҳоли миграцияси жараёнларини бошқариш соҳасида олий маълумотга ва махсус малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаси ошириш тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Чунончи мазкур соҳада фаолият олиб бораётган кадрлардан меҳнат миграциясини ташкил этиш соҳасидаги халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнат ва миграция соҳасидаги қонунчилик талабаларини, хорижий фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, миграциянинг ҳисобини юритиш, қочқинлар ҳуқуқи, сиёсий бошпана бериш, касбий малакаларни баҳолашнинг миллий ва хорижий қонунчилик талабаларини, психология ва меҳнат социологияси асосларини, меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш соҳасини молиялаштириш асосларини, мигрантларнинг ижтимоий-маданий мослашуви ва интеграциясини, меҳнат миграцияси масалалари бўйича халқаро ва идоралараро ҳужжатлар алмашинуви тартиби ва қоидаларини билиш каби махсус кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади.

Бинобарин, мамлакатимизда маҳаллий меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳимояси кафолатларини ишончли таъминланишини кафолатлаш муҳим вазифалардан саналади. Бугунги кунда ушбу соҳада Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат хавфсизлигик хизмати, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Хусусий бандлик агентликлари тизимларида 1000дан ортиқ кадрлар самарали хизмат қилмоқдалар.

Хусусан, мазкур соҳада Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг хориждаги ваколатхоналари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари тузилмасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига чиқаётган фуқаролар билан ишлаш секторлари, ташқи меҳнат миграцияси ва хориждан кайтган меҳнат мигрантларининг реинтеграцияси масалалари бўйича инспекторлар, Ўзбекистон Республикаси Консуллик ташкилотларининг меҳнат миграцияси масалалари бўйича Атташелари, Хусусий бандлик агентлиги сифатида реестрда рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланишга лицензия олган шахслар ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари бевосида бу соҳада фаолиятни амалга оширмоқдалар.

Бинобарин Ўзбекистон Республикасида миграция ва меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш масалалари борасида қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг

барча ходимлари, ҳудудий филиал раҳбарлари ҳамда Хусусий бандлик агентликлари ходимлари малакасини ошириш бўйича мунтазам равишда махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, ўқув курсларини ташкил этиб борилиши йўлга қўйилган. Ушбу курсларга одатда миграция соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва бевосита ушбу соҳада фаолият юритиб келаётган мутахассислар жалб қилинган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди Халқаро ҳуқуқ, Халқаро хусусий ҳуқуқ, Халқаро сиёсат, Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишлари бўйича магистратура босқичида фақат битта (биринчи) семестрда 40 соатга мўлжалланган “Халқаро миграция ҳуқуқи” фани бўйича машғулотлар ўтказилади.

Тошкент давлат юридик университетиди 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, магистратуранинг биринчи босқичида барча йўналишлар учун 150 соатга мўлжалланган (6 кредит) “Халқаро миграция ҳуқуқи” фани бўйича машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Ушбу фанни ўқитишда асосий эътибор, магистрантларга миграциянинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш тарихи, халқаро оммавий ҳуқуқда миграция муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари билан таништириш, миграция жараёнларининг универсал, минтақавий ва икки томонлама даражада халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш тенденцияси ва ҳозирги ҳолати ҳақида маълумотлар бериш, миграция соҳасидаги замонавий халқаро-ҳуқуқий нормаларни миграция жараёнларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишга ўргатиш, халқаро миграция ҳуқуқи манбалари билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Бироқ, кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида миграция ва меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалалари тизимли равишда ва мақсадли ташкил этиши етарли даражада йўлга қўйилмаган. Аммо, юқорида таъкидлаганмиздек, бугунги кунда миграция ва меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш муҳим вазифа эканлиги сабабли ушбу соҳани янада ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланди.

Шу муносабат билан, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, айниқса, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Чунончи, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий давлатларда миграция соҳалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, хорижда таълим олувчиларга назарий билим бериш ишлари таълим муассасалари билан нуфузли миграция марказлари ҳамкорлигидаги соҳаларнинг тажрибали олимлари ва амалиётчи мутахассислари иштирокидаги машғулотлар асосида ташкил этилса, амалиёт эса соҳага оид ваколатли органларда ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарида ўтказилади.

Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо давлатларда халқаро миграциянинг бир қатор соҳаларини ўз ичига олган магистр даражаларини олиш бўйича ўқув курслари жорий этилган. Хусусан, Испаниянинг Сенека (Instituto S neca – Centro Internacional de Postgrado) институти томонидан тақдим этилган “Миграция ва қочоқларга эътибор” бўйича магистрлик йўналишида таҳсил олувчилар шахсида мигрантлар ва қочоқлар билан боғлиқ юзага келадиган ҳар қандай вазиятларга профессионал даражада ёндашиш ва соҳага оид зарур малака ҳамда кўникмаларни шакллантиришга қаратилган [2].

Буюк Британиянинг Лондон университети томонидан “Қочоқларни ҳимоя қилиш ва мажбурий миграция бўйича тадқиқотлар бўйича магистр”лик даражаси жорий этилган. Мазкур дастур қочоқларни юридик ва амалий ҳамда назарий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган бўлиб, битирувчида сиёсат ва амалий бошқарув жараёнида танқидий ёндашув, тезкор қарор ва сиёсий тавсиялар ишлаб чиқиш қобилиятини шакллантиради [3]. Шунингдек, бу каби таълим дастурлари Голландиянинг Роттердам шаҳридаги Эразма университети томонидан ҳам жорий этилган бўлиб, унда “Миграцияни бошқариш бўйича магистр”лик дастурлари асосида кадрлар тайёрланади [4].

Бундан ташқари, Лондон шаҳридаги Твинкенхем университетида “Одам савдоси, миграция ва уюшган жиноятчилик бўйича магистр”лик дастури юзасидан ўқитишлар ташкил этилган бўлиб, унда талабаларга қуллик ва одам савдосининг замонавий шакллари асосий хусусиятларини, сабаблари ва оқибатларини олдини олиш усулларини ўргатиши

билан ажралиб туради. Талабалар замонавий қуллик масалаларини ўрганиш маркази ресурсларидан фойдаланиш ва илғор тадқиқотлар ҳамда соҳадаги етакчи мутахассисларнинг маърузалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар [5].

Шу билан бирга, МДХ мамлакатларида ҳам миграция масалаларини тартибга солиш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими мавжуд бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади. Жумладан, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги тизимида мавжуд бўлган таълим муассасаларида давлат миграция сиёсатини амалга ошириш соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича таълим жараёнининг мазмуни, тузилиши ва изчиллиги белгиланган. Уларда олий таълим дастурлари бўйича миграция бўлинмалари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, қўшимча касбий таълим дастурлари бўйича миграция бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш, хусусан, малака ошириш ва касбий қайта тайёрлаш бўйича ўқув курслари ташкил этилган.

Масалан, Россия Федерал миграция хизматлари учун кадрлар тайёрлаш В.Я.Кикотя номидаги Москва университетида уч йиллик ўқув режа ва дастурлари асосида тайёрланади ҳамда Россия Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар малакасини ошириш Бутунроссия институтида миграция соҳасида фаолият олиб бораётган кадрлар қайта тайёрланади ва малака ошириш курсларидан ўтадилар [1, Б.185].

Зеро, давлатнинг миграция сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг объектив шarti миграция соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этилиши билан ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли мазкур жараённи такомиллаштириш борасида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**биринчидан**, мамлакатимизда миграция ва меҳнат миграцияси соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича алоҳида шифрли жорий этиш ва Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетларида мазкур соҳалар учун бакалавр ва магистр йўналишида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш;

**иккинчидан**, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги кадрлар захирасини ушбу ўқув юрларини битирган замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислардан шакллантириш лозим. Бунда ўқув йилининг иккинчи босқичидан сўнг амалиётни Агентлик ва унинг филиалларида ҳамда ҳорижий ташкилотларда амалга оширишни йўлга қўйиш, амалиёт натижалари бўйича синов топшириш ва унда юқори балл тўплаган талабаларни имтиёзли равишда ишга қабул қилиш институтини йўлга қўйиш;

**учинчидан**, Агентлик ва унинг хориждаги вакиллари раҳбарлигига номзодларни махсус дастурлар асосида ўқув курсларини якунлаган ҳамда ушбу соҳада илмий даражага эга бўлган, хорижий (инглиз, немис, корейс, турк) тилларни мукамал ўзлаштирган мутахассислардан шакллантириш;

**тўртинчидан**, Консуллик ташкилотларининг меҳнат миграцияси масалалари бўйича Атташелари, Агентликнинг раҳбар ва ходимларини ҳамда меҳнат миграция соҳада фаолият олиб бораётган бошқа мутахассисларни икки йилда камида бир маротаба Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган малака ошириш ўқув дастурлари асосида малака оширишга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида “Меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш”, “Миграция соҳасидаги давлат ташкилоти органларининг фаолияти” каби курслар бўйича малака ошириш курсларини мақсадли ва тизимли равишда йўлга қўйиш;

**бешинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайинланадиган меҳнат мигрантлари бўйича атташеларни Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида соҳа йўналиши бўйича магистрлик даражасига эга бўлган мутахассислардан шакллантириш;

**олтинчидан**, Ўзбекистоннинг миграция масалалари бўйича концепциясини қабул қилиш, унда соҳага оид малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш масалаларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.



**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Самойлов В.Д., Нурадинов Ш.М., Селезнева К.В. Профессиональная подготовка кадров для сферы миграции: конституционно-правовые аспекты реализации государственной миграционной политики // Образование. Наука. Научные кадры – 2020. – № 1. – С. 184-187.
2. Master's Degree in Migration and Refugee Care // [www.onlinestudies.com/Masters-Degree-in-Migration-and-Refugee-Care/Spain/Instituto-S%C3%A9neca-Centro-Internacional-de-Postgrado/](http://www.onlinestudies.com/Masters-Degree-in-Migration-and-Refugee-Care/Spain/Instituto-S%C3%A9neca-Centro-Internacional-de-Postgrado/)
3. MA In Refugee Protection and Forced Migration Studies // [www.onlinestudies.com/MA-In-Refugee-Protection-and-Forced-Migration-Studies/United-Kingdom/University-of-London/](http://www.onlinestudies.com/MA-In-Refugee-Protection-and-Forced-Migration-Studies/United-Kingdom/University-of-London/)
4. [www.masterstudies.com/Master-in-Governance-of-Migration-and-Diversity/Netherlands/Erasmus-University-Rotterdam-Erasmus-School-of-Social-and-Behavioural-Scie](http://www.masterstudies.com/Master-in-Governance-of-Migration-and-Diversity/Netherlands/Erasmus-University-Rotterdam-Erasmus-School-of-Social-and-Behavioural-Scie)
5. [www.masterstudies.com/MA-Human-Trafficking-Migration-and-Organised-Crime/United-Kingdom/St-Mary%E2%80%99s-University-Twickenham-London/](http://www.masterstudies.com/MA-Human-Trafficking-Migration-and-Organised-Crime/United-Kingdom/St-Mary%E2%80%99s-University-Twickenham-London/)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи**

Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини Мувофиқлаштириш  
Бошқармаси Тергов бўлими Назорат ва таҳлил бўлинмаси катта суриштирувчиси

## МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** БАРАТОВА Д.О. Миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий тажрибаси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 122-132.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-17>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада сўнги йилларда дунё миқёсида халқаро миграция жараёнларининг ошиб бораётганлиги ва унга сабаб бўлаётган омиллар ва шарт-шароитлар таҳлил қилинган. Меҳнат миграциясини тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий асослари ва ушбу фаолиятни мувофиқлаштирувчи халқаро тузилмаларнинг фаолияти ҳамда миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги айрим хорижий давлатларнинг, хусусан АҚШ, Германия, Австралия, Бельгия, Венгрия, Греция, Дания давлатларнинг миграция соҳасида олиб бораётган сиёсати ва қонунчилик асослари таҳлил қилинган. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари таҳлиллари асосида меҳнат миграциясини тартибга солишнинг миллий қонунчилик базаси ва уни тартибга солишнинг ташкилий чораларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** миграция, меҳнат миграцияси, халқаро миграция, ноқонуний миграция, эмиграция, иммиграция, меҳнат ресурслари, хорижий тажриба, фуқаролик, мамлакатга кириш, мамлакатда бўлиш.

**БАРАТОВА Дилноза Адилжан кизи**

Старший дознаватель Следственного отдела при Управление координации  
деятельности органов внутренних дел Мирзо-Улугбекского района

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются рост числа международных миграционных процессов в мире в последние годы и факторы и условия, которые его вызывают. Анализируются международно-правовые основы регулирования трудовой миграции и деятельность международных структур, координирующих эту деятельность, а также миграционная политика и законодательство некоторых зарубежных стран, в том числе США, Германии, Австралии, Бельгии, Венгрии, Греции и Дании. На основе анализа передового опыта зарубежных стран

разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию национальной правовой базы регулирования трудовой миграции и организационных мер по ее регулированию.

**Ключевые слова:** миграция, трудовая миграция, международная миграция, нелегальная миграция, эмиграция, иммиграция, трудовые ресурсы, зарубежный опыт, гражданство, въезд в страну, пребывание в стране.

**BARATOVA Dilnoza**

Senior investigator of the Investigative department under the Office of Coordination activities of internal affairs bodies Mirzo-Ulugbek region

## FOREIGN EXPERIENCE OF LEGAL REGULATION OF MIGRATION PROCESSES

### ANNOTATION

The article analyzes the growing number of international migration processes, as well as the factors and conditions that have caused them in recent years on a global scale. The article analyzes the international legal framework for regulating labor migration and the activities of international structures coordinating this activity, as well as the policy and legislative framework of some foreign countries in the field of legal regulation of migration processes, in particular the USA, Germany, Australia, Belgium, Venice, Greece, Denmark. Based on the analysis of the best practices of foreign countries, proposals and recommendations were developed to improve the national legislative framework for regulating labor migration and organizational measures for its regulation.

**Keywords:** migration, labor migration, international migration, illegal migration, emigration, immigration, labor resources, foreign experience, citizenship, entry into the country, stay in the country.

Табора глобаллашиб бораётган бугунги дунёда миграция жараёнларини тартибга солиш барча мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги энг долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, аҳоли миграциясининг жадал ривожланиши дунёнинг кўплаб давлатларининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, демографик ва маданий ривожланишига ҳамда иммиграция ва меҳнат ресурсларини тақсимлаш жараёнларига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатлар бугунги замонавий шароитларда, жаҳон иқтисодий ривожланишининг беқарорлиги, иш ҳақи даражаси ва турмуш шароити бўйича давлатлараро фарқларнинг мавжудлиги, ишчи кучини яшаш ва пул топиш учун нисбатан имконият юқори бўлган мамлакатларга йўналтираётганлиги, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида меҳнат ресурсларининг етишмаслиги, туғилишнинг пасайиши, аҳоли ёш даражасининг ошиб бораётганлиги, меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз аҳоли қатламлари ўртасида ўзаро нисбатнинг мавжудлиги, ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучининг юқорилиги ҳамда аҳоли ўсишига нисбатан иқтисодий ривожланишнинг ортда қолиши иқтисодий фаол аҳоли қатламларини иш қидириб, бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишига мажбур қилаётганлиги каби қатор сабаблар билан шартланмоқда.

Гарчи, дунёнинг аксарият давлатлари бугунги кунда халқаро миқёсда меҳнат миграцияси жараёнларининг жадал ривожланиши билан ажралиб туради, бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий-ҳуқуқий ва демографик ривожланишида муҳим омил бўлиб қолмоқда. Зеро, меҳнат миграциясининг икки оқими мавжуд бўлиб, бу эмиграция, чет элда қолиш ва иммиграция мамлакатидан ишчи кучи кетиши билан бирга, бошқа мамлакатлардан бу мамлакатга ишчи кучи киришини ўз ичига олади [9, Б.157].

Мадомики, меҳнат миграциясини тартибга солиш механизмларини кўриб чиқишда ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлар мавжуд. Ҳуқуқий механизм меҳнат миграцияси соҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро битимлар билан таъминланади. Иқтисодий механизм эса, меҳнат миграциясини рағбатлантирувчи ёки чекловчи воситалар билан

ифодаланади.

Маълумки, замонавий миграция сиёсати ҳам халқаро, ҳам миллий даражада амалга оширилади. Халқаро миграция сиёсати Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Қочоқлар бўйича олий комиссарлик бошқармаси каби халқаро ташкилотлар доирасида турли конференцияларда ва йиғилишларда ишлаб чиқарилган халқаро тавсиялар ва ҳужжатлар асосида кўриб чиқади. Миллий миграция сиёсати миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини, шунингдек, меҳнат миграцияси кўлами ва йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давлат сиёсати орқали амалга оширилади. Шунингдек, халқаро миграциянинг иқтисодий (ҳорижий мамлакатлар ҳудудидан кўпроқ ҳақ тўланадиган иш қидириш, ҳаётнинг юқори сифат даражасига интилиш) ва ноиқтисодий (урушлар, сиёсий ва диний таъқиблар, янги жойларни эгаллаш истаги, оилаларни бирлаштириш истаги, табиий офатлар) [14, Б.130] сабаблари фарқланади. Шу сабабли “миграция” объектив ва субъектив омиллар таъсири остида муҳим ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун доимий яшаш жойини ўзгартириш сифатида тавсифланади.

Бинобарин, давлатларнинг миграция сиёсатини амалга ошириш воситалари ва усуллари меҳнат бозоридаги муайян вазиятга қараб ўзгариб боради. Хусусан, баъзи Европа мамлакатларида меҳнат танқислиги шароитида, масалан, Германияда иммиграция жараёнларини рағбатлантириш усуллари ишлатилади. Иммиграция даражасини пасайтириш зарурати туғилганда, АҚШ мисолида бўлгани каби, давлат томонидан тартибга солиш меҳнат мигрантларининг янги оқимига чекловлар қўйилади.

Шу нуқтаи назардан давлат органларининг миграция жараёнларини тартибга солиш, ташқи меҳнат мигрантлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш ҳамда ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этади. Зеро, миграция жараёнларини тартибга солишнинг мақсади – миграция жараёнларини самарали бошқариш, мигрантлар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали ноқонуний миграцияга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни комплекс ўрганиш асосида уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат ҳисобланади. Хусусан, бу борада А.И.Федораконинг тўғри таъкидлаганидек, миграцияни бошқариш механизмининг белгилаш, мамлакат ҳудудига кирган чет эл фуқароларини қабул қилиши ва жойлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, миграция қонунларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш шартлари, тартиби ҳамда унинг ижросини таъминлашда ваколатли давлат органларининг ўрни аҳамиятлидир [16, Б.36].

Миграция жараёнларини такомиллаштиришда халқаро қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш – айрим давлатларнинг миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу боис миграция жараёнларини тартибга солишда давлат органларининг иштироки ҳамда бу борадаги давлат сиёсатини белгилашда илғор тажрибага эга бўлган давлатлар хусусида тўхталамиз.

**Америка Қўшма Штатлари.** Американинг миграция қонунчилиги – америка ҳуқуқ соҳасининг доимий ривожланиб бораётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 19 аснинг якунига қадар миграция сиёсати ижтимоий мақомга ва этник келиб чиқишига қарамасдан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун аграр, саноат ва савдо соҳаларида ишчи кучига эҳтиёж юқори бўлганлиги боис, Америкага келиш истагини билдирган барча ҳоҳловчиларни қабул қилишга қаратилган бўлган [10, Б.85].

1776 йилда Американинг мустақиллик Декларацияси қабул қилинди [10. Б.83] ва 1787 йилда Конституцияси қабул қилинди ва унда Конгрессга “фуқароликка қабул қилиш бўйича ягона қоидаларни белгилаш” ҳуқуқи берилди. АҚШ Конституциясининг 9-боби, 1-моддасида ҳар бир штатга иммигрантларни қабул қилишни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. 1790 йилда Конгресс “Америка фуқаролиги тўғрисида”ги Федераль қонунни қабул қилди ва унда мамлакат ичида ва унинг юрисдикцияси остида камида икки йил яшаган ҳар қандай оқ танли эркин шахс Америка фуқаролигини олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. 1795 йилда бу муддат 5 йилга узайтирилди. Ўшанда фуқароликка қабул қилиш ҳақидаги

аризалар штатлардаги судлар томонидан кўриб чиқилган. [10, Б.86].

Америка миграция сиёсатида 1819 йилга келиб, мамлакатга келадиган мигрантларнинг ҳисобини юритишга қаратилган қонун қабул қилинди [13] ва Конгресс миграция ишлари бўйича фаолиятини давом эттириб, 1853 йилда миграция билан боғлиқ умуммиллий муаммоларни ўрганишга қаратилган комитет тузди. Ушбу комитетнинг энг муҳим натижаларидан бири сифатида Европа мамлакатларидан иммигрантларни кўчиришга қаратилган нормаларни белгиловчи қонуннинг қабул қилиниши бўлди [12].

Иккинчи жаҳон уришидан сўнг соноат ишлаб чиқирашининг ўсиш тенденцияси бошланди. Бу ўз навбатида АҚШда кўп миқдорда ишчи кучига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди ва миграция масалаларини тўлиқ тартибга солувчи ҳужжат ишлаб чиқилди. 1952 йилда кўпроқ “Уолтер Маккарен қонуни” номи билан танилган “Иммиграция тўғрисида”ги қонун қабул қилинди (унга 1965, 1976, 1980 йилларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ушбу қонунда миграция масалаларига оид барча асосий қоидалар белгиланди. Кейинчалик 1960 йилда миграция тизимларининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи Харта-Селлер қонуни қабул қилинди. Унда меҳнат мигрантлари ва бошпана изловчилар учун оилаларни бирлаштириш каби масалалар тартибга солинди ҳамда барча тоифадаги мигрантлар учун квота белгиловчи тизим яратилди [13]. Ушбу даврларда АҚШда миграция сиёсати ноқонуний миграцияга қарши курашиш ва миграция соҳасидаги ваколатларга эга бўлган давлат органлари ваколатларини кенгайтиришга қаратилди.

1990 йилда АҚШда “Иммиграция тўғрисида”ги янги қонун қилинди ва унда 1952 йилда қабул қилинган қонундаги кўплаб қоидалар ўзгартирилди ва қайта кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатда мамлакатга келувчи ҳорижликлар иммигрантлар ва ноиммигрантлар тоифаларига ажратилди. Бунда иммигрантлар сифатида доимий яшаш учун келадиганлар (Оила иммиграцияси (яқин қариндош ва оила устиворлиги тамоили асосида келиш), Қаллиқ визаси (америкаликнинг турмуш ўртоғи бўлиш), ГринКард дастури (ушбу дастурда фақат беш йил ичида эллик мингдан ортиқ одам қатнашмаган давлатлар иштирок этади ва далаатларга йиллик квоталар белгиланади ҳамда қуръа йўли билан аниқланади), Америка иқтисодиётидаги инвестор, (АҚШ иқтисодиётига 500 минг доллардан кўп сармоя киритиш), Қочқинлик визаси (Женева шартномасини имзолаш орқали Америка қочқинларни қабул қилиш мажбуриятини олган) ва ноиммигрантлар эса мамлакатга аниқ мақсадлар бўйича муайян муддатга келадиган шахсларни (туризм ва саёҳат, таълим ва алмашув дастурлари, вақтинча ишлаш визалари, бизнес иммиграцияси) тушуниш лозим.

Мазкур қонунга 1994 йилда Қочоқлар ҳақидаги ва 1996 йилда Ноқонуний иммиграцияга қарши кураш ҳақидаги қонунлар билан қўшимчалар [3, Б.380] киритилди ҳамда 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг янгиланган иммиграция сиёсати учун асос бўлган “АҚШ ватанпарварлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонун билан мамлакат ҳудудига келадиган ва унда бўлиши чекланадиган чет эл фуқаролари рўйхати кенгайтирилди. Бундан ташқари, 2004 йилда Конгресс Давлат департаменти томонидан “ҳалқаро терроризм ҳомийлари” деб эълон қилинган давлатлар фуқароларига қатъий виза чекловларини киритишни назарда тутувчи “Виза режими ва чегараларда хавфсизликни кучайтириш тўғрисида”ги қонуни [1, Б.12] қабул қилинди.

АҚШда иммиграция сиёсати хориждаги элчихоналар ва консулликлар орқали Давлат департаменти томонидан амалга оширилади. Иммиграция визалари қатъий равишда аризагининг асосий яшаш жойи бўйича берилади. Ноиммиграция визалари учун бошқа мамлакатлардаги АҚШ элчихоналарига мурожаат қилиш мумкин. Бироқ, аризага ариза бериш учун ўзи яшайдиган мамлакатига бориш талаб қилинади. Америка элчихоналарига виза бериш ёки уни рад этиш масаласини мустақил равишда ҳал қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, улар томонидан қабул қилинган қарорни Давлат департаментининг бошқа мансабдор шахслари томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

**Австралия.** Иккинчи жаҳон уришидан сўнг Австралияда миграция сиёсатининг ривожланиши уч босқични: ассимиляция (1947–1960 йиллар), интеграция (1960–1970 йиллар) ва кўп маданиятлиликни (1970-йилдан бугунги қадар) ўзига қамраб олган. Мамлакатининг «Иммиграция тўғрисида»ги (1971 й.) Қонунига мувофиқ мигрантлар тўрт гуруҳга: «оилали»,

«қочоқлар», «умумий» ва «махсус» иммигрантларга таснифланган. Оилалилар гуруҳига мамлакатда қариндошлари бўлган фуқаролар, қочоқлар гуруҳига эса халқаро конвенциялар таъсирига тушган шахслар, умумий гуруҳга мамлакат иқтисодий тараққиёти учун зарур ҳисобланган мутахассислар кирган бўлса, мамлакатга киришда имтиёзга эга бўлган шахслар тоифалари эса махсус иммигрантлар ҳисобланган.

Шу билан бирга, кейинги ўн йилликда Австралия фақат юқори малакали ишчи кучини жалб қилишга ҳаракат қила бошлагани сабабли мамлакат меҳнат бозорида 2005 йилдан бошлаб, иқтисодчи, хисобчи, малакали тиббиёт ходимлари, ошпазлар, инженер-техникларга талаб орта бошлади. Натижада бугунги кунда Австралияда мигрантлар сони 7 млн.ни ташкил қилмоқда [15].

Мамлакатда миграция соҳасидаги давлат сиёсатини таъминлашда Иммиграция ва фуқаролик департаментининг (DIAC)роли беқиёсдир. Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

миграция жараёнларини тартибга солиш мақсадида узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий манфаатларни таъминлаш;

қочоқлар ва бошпана изловчиларни ҳимоя қилиш ҳамда чегара хавфсизлигини таъминлаш;

иммиграция қонунлари, миграция дастури ижросини ва бу борадаги давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

мигрант ва қочоқларни бошпана бериш масалалари юзасидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамият ҳаётига киришига кўмаклашиш;

кўп миллатли жамияни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Шунингдек, Австралияда Ички ишлар вазирлиги таркибида икки мингдан ортиқ рўйхатга олинган миграция агентликларни ўз ичига қамраб олган Миграция институти фаолият юритади. Институтнинг асосий вазифаси иммиграция сиёсати ва миграция соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижроси юзасидан таклиф ва тавфсияларни таёрлашдан иборат [5, Б.196].

**Германия.** Германияда хорижий меҳнат-мигрантларини жалб қилишга қаратилган дастурлар 1950 йилнинг иккинчи яримидан бошлаб амалга оширила бошлаган. Германияда миграция фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ҳам немис, ҳам европа қонунчилиги бўйича амалга оширилади. Шу боисдан, Германия учун миграция соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда Европа Иттифоқи (Еврокомиссия ва Европарламент ҳужжатлари) қонунчилик ҳужжатлари ва дерективалари ҳам принципиал муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, миграция жараёнларини тартибга солишга қаратилган 2009 йил 25 майдаги “Юқори малака талаб этиладиган ишларни амалга амалга ошириш учун учинчи мамлакат фуқароларининг кириш ва бўлиш шартларини белгилаш ҳақида”ги ва 2009 йил 18 июндаги “Ноқонуний келган учинчи давлат фуқароларининг иш берувчиларига нисбатан санкциялар ва чораларнинг минимал стандартларини белгилаш ҳақида”ги Директивалар билан бирга Германия Федерал идораларининг ҳужжатлари ҳам биргаликда амал қилади.

Айтиш керакки, Германияда миграция фаолиятини институционал-ҳуқуқий таъминлаш, миграция жараёнларини тартибга солувчи органлар тизими томонидан тақдим этилади. Германиядаги миграция билан боғлиқ бўлган ташкилий тузилмалар тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: Бундестаг ва Бундесрат палаталаридан ташкил топган Германия Федераль парламенти [2, Б.217], Германия ИИВ ҳузуридаги Миграция ва қочоқлар муаммолари бўйича Федераль хизмати, Федераль полиция, Германия Конституциясини ҳимоя қилиш федераль ташкилоти (BFF), Федераль меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги (BMAS), Миграция, қочқинлар ва интеграция масалалари бўйича федераль ҳукумат комиссияси, Оила, пенсионерлар, аёллар ва ёшлар масалалари бўйича Федераль вазирлиги, Репатриант ишлари бўйича Федерал вакил, Репатриация масалалари бўйича кенгаш ҳамда чет элликлар ишлари бўйича ер идораларининг ҳудудий тузулмалари. Шунингдек, бу ўринда меҳнат инспекциясининг мамлакатга келувчилар ишчи кучларидан фойдаланиш жараёнида қонунчиликка риоя қилишлари устудан назоратни амалга ошириш фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Таъкидланган шахслар, ходимлар, иш берувчилар томонидан мамлакатда

меҳнат миграцияси соҳасида тартибга солинган қонун нормаларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларга нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин [8, Б.201-202].

Германияда иммиграция сиёсатининг тубдан қайта кўриб чиқилиши 2004 йилда қабул қилинган ва 2005 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган “Иммиграция тўғрисида”ги қонуни билан боғлиқ ҳисобланади. Мазкур қонунга асосан миграция сиёсатини амалга оширишга қаратилган функциялар марказлаштирилган ҳамда Миграция ва қочқинлар муаммолари бўйича Федераль хизматига топширилган [7, Б.57].

Федераль ички ишлар вазирлиги иммиграция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва миграция қонунчилиги ижросини мувофиқлаштириш учун масъул давлат органи ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу Вазирлик мамлакатга келиш учун рухсатномаларни бериш, фуқаролик бериш бўйича аризаларни кўриб чиқади ва депортация қилиш ҳақидаги қарорларни қабул қилади. Шунингдек, Вазирлик таркибида Федераль чегара хизмати ва Қочқинлар ишлари бўйича Федераль агентлиги фаолият олиб боради.

Федерал ташқи ишлар вазирлиги Германиянинг ҳориждаги элчихонлари ва консульликлари орқали чет эл фуқароларига мамлакатга келиш бўйича визаларни бериш бўйича келиб тушган аризаларни кўриб чиқади.

Федераль меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги хорижий фуқароларни, шу жумладан Германияда вақтинчалик бўлиб турган ҳорижий ишчиларни интеграция ва реинтеграцияси учун масъул ҳисобланади ҳамда мазкур Вазирлик меҳнат ресурсларига эҳтиёж бўлган ҳудудлар, соҳалар ва касбларни аниқлашга қаратилган ишлар мониторингини олиб боради.

Нюрнберг шаҳрида жойлашган Меҳнат бўйича федераль идораси “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида”ги қонуннинг ижроси устидан назоратни амалга оширади ҳамда меҳнат бозорига хорижий ишчи кучини жалб қилишни тартибга солади, шунингдек мамлакат ҳудудида ишлашга рухсатнома беради ва хорижий ишчи кучини ноқонуний фойдаланганлик учун иш берувчиларга санкцияларни қўллайдди. Франкфурт-на-Майне шаҳрида жойлашган меҳнат бўйича Марказий бюроси ва Бандликка кўмаклашишнинг ҳудудий агентликлари орқали меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат дастурлари ижроси таъминланади [18].

Германияга Европа Иттифоқига аъзо давлатлар фуқароларининг келиши “Иттифоққа аъзо давлатлар фуқароларининг эркин ҳаракатланиши ва яшаш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Европа Иттифоқи мамлакатлари фуқаролари Германияга кириш эркинлигидан фойдаланадилар ва меҳнат фаолияти бўйича рухсатнома олмасдан ишлашлари мумкин, бироқ улар яшаш ёки ишлаш учун келган жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва у ерда яшаш ҳуқуқи бўйича маъмурий тартибда гувоҳнома олишлари зарур бўлади.

Германияда мигрантларнинг ёши, малакаси, касбий тажрибаси, тил билиши каби мезонлар асосида танлаб олиниши йўлга қўйилган.

Германия 2009 йилда эҳтиёж юқори бўлган тажрибали ишчи кучларига мамлакат ҳудудида яшашга рухсатнома олиш тартибини енгиллаштирди ва янада такомиллаштирди. Хусусан, ноёб билим эгалари, олимлар, махсус профессионал тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассисларга мамлакатда доимий яшаш учун дарҳол рухсатнома расмийлаштириш тартиби жорий қилинди.

Бундан ташқари 2011 йил июнда Федераль ҳукумат иш берувчи ассоциациялар ва касаба уюшмалари билан биргаликда Германияда юқори малакали меҳнатни ҳимоялаш ҳақида қўшма баёнатини эълон қилди. Бу ички меҳнат ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдланишни биринчи ўринга қўяди. Бундан кўзланган асосий мақсад Германия иқтисодиётини кўпроқ малакали хорижий ишчилар билан таъминлаш ва Германия Федерациясида таҳсил олган хорижий талабаларни меҳнат бозорига жалб қилиш учун ҳуқуқий асос яратишдан иборатдир.

“Германия ҳудудида чет эл фуқароларининг турар жойлари, меҳнат фаолияти ва интеграцияси ҳақида”ги Қонунга асосан, Германияда бўлиш учун рухсатнома бериш иккитагача қисқартирилди, яъни унда фақат вақтинча яшаш учун рухсатнома (§ 7) ва доимий яшаш учун рухсатнома (§ 9) бериш қоидалари белгиланди. Кўрсатилган Қонунга мувофиқ,

юқори малакали мутахассисларнинг Германияга яшаш учун биргаликда келган оила аъзолари ҳам мамлакатда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Юқоридагилар билан бирга Германияда 2009 йилдан бошлаб учинчи давлатлардан жалб қилинадиган мавсумий ишчиларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, меҳмонхона ва ресторан хизмати, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш каби иқтисодиётнинг айрим тармоқларида календарь йилида 6 ойгача муддатга ишлаш имкони берилган. Шу билан бирга мазкур ҳужжатда иш берувчи компанияларга мавсумий ишчиларни календарь йилида 8 ойгача муддатга ёллаш учун узайтириш ҳуқуқи ҳам берилган [6, Б.250]. Бунда мавсумий ишчиларни ёллашнинг дастлабки шарти сифатида муайян ишларни бажариш учун Германия фуқароси ёки у билан тенг мақомга эга бўлган хорижий фуқаролар бўлмаслиги керак. Бу айтилган пайтда биринчи навбатда Германия фуқаролари ва у билан тенг мақомга эга бўлган хорижий фуқароларни иш билан таъминлашга қаратилганлигини ангалатади. Бунинг учун меҳнат бўйича Федераль идоралар меҳнат бозорини ўрғанади. Шунингдек, бўлғуси иш берувчи Федерал меҳнат идорасига меҳнат шартномасини тақдим этиши ва ишчилар учун уй-жой мавжудлигини тасдиқлаши керак, мавсумий ишчиларни жалб қилишда ижтимоий суғурта бадаллари тўланган бўлиши керак.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда Германиянинг миграция фаолиятини тартибга солиш жараёнлари такомиллаштирилиб, модернизация қилинмоқда. Хусусан, ГФР Социал-демократик партияси ҳозирги вақтда белгиланган мезон ва жараёнларнинг шаффофлигига эришишга қаратилган Канада моделига йўналтирилган миграция қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ўз тавсияларини ишлаб чиққан. Унга кўра, Германияда мигрантлар учун йиллик квота белгиланиши ва виза беришда немис тилини билиш даражаси, таълим, иш тажрибаси ҳамда Германияда қариндошларининг борлиги каби мезонлар бўйича тўпланадиган баллар ҳал қилувчи ролни ўйнаши керак. Ушбу моделга кўра, назарий жиҳатдан мигрантлар иш жойини аниқ таклиф қилмасдан мамлакатга киришлари мумкин бўлади. Бироқ, бунга қарши бўлган муҳолиф партиялар, Германияга яшаш ва ишлаш учун келадиганларга рухсатнома бериш учун фақат иш жойи мавжуд бўлганда мумкин бўлишини асосли деб ҳисоблашмоқда [4, Б.19-32].

**Бельгия** – мамлакатнинг миграция соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида миграция сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Иммиграция сиёсатини таъминлаш республика идоралараро комиссияси ташкил этилган. Комиссия фаолияти ушбу давлатнинг Бош вазирга бўйсинувчи Тенг имкониятлар ва ирқчиликка қарши курашиш маркази томонидан бошқарилади. Комиссия фаолиятининг мақсади ҳукуматнинг бу соҳадаги турли даражадаги қарорлари ижросини таъминлашдан иборат.

Белгия Федерал Ички ишлар вазирлиги иммигрантларга бошпана беришга масъул бўлган: Ташқи ишлар вазирлиги, Қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Олий комиссари ва Қочоқлар бўйича доимий шикоят кенгашини ўз ичига олади. Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатларнинг ҳудудига кириш, жойлаштириш ва депортация қилишни назорат қилса, Қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Олий комиссари эса иммигрантларга қочқин мақомини бериш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқувчи (қабул қилувчи) мустақил органдир.

Мамлакатда миграция жараёнларини тартибга солишнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш мақсадида Федерал Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Европа Миграция тармоғининг Белгия бўлими ташкил этилган бўлиб, бўлимнинг асосий вазифаси – миграция ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва тарқатишдан иборат.

Шунингдек, мамлакатдаги яна бир муҳим ваколатли давлат органи – Чет эл фуқаролари масалалари бўйича федерал давлат хизмати бўлиб, унинг асосий фаолияти мамлакат фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга виза бериш ҳамда фуқаролик масалалари бўйича давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқдир [4, Б.30].

**Венгрия** – миграция жараёнларини тартибга солиш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни қўллаш амалиётида ҳалқаро ҳамжамиятда ўзига хос муносиб ўринни эгаллаган мамлакатлардан бири. Мамлакатнинг «Қочқинлар ҳаракати тўғрисида»ги (2001 й.)



қонунининг қабул қилиниши миллий қонунчилик амалиётини Европа Иттифоқининг қочқинларни қабул қилиш ва уларни тан олиш тўғрисидаги меъёрларига уйғунлаштирган бўлса, «Чет эл фуқароларини кириши ва жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги (2007 й.) қонун хорижий фуқароларнинг мамлакатга кириши ва жойлаштирилишини, бу борадаги ваколатли органларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган.

Венгрияда миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасида қабул қилинган қонунлар ижросини таъминловчи ваколатли органлардан бири – Иммиграция ва фуқароликни бошқариш бошқармаси ҳисобланади. Адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидаги ушбу бошқарма ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда вақтинчалик ҳимояга муҳтож қочоқларни ижтимоий интеграция қилиш, қўллаб-қуватлаш ва уларнинг эркин кўчиб юришига доир ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига масъулдир [5, Б.83-87].

**Греция** – миграция жараёнларини тартибга солиш, ушбу соҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ўзига хос тарихий тажрибага эга мамлакатлардан бири бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-этник ривожланишининг янги даврини ислоҳ қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида «Греция фуқаролиги ва мамлакат сиёсий ҳаётида грациялик ватандошлар ва иммигрантларнинг қонуний иштирок этишига оид янги қоидалар тўғрисида»ги (2010 й.) қонун [19] ва «Миграция ва ижтимоий интеграция тўғрисида»ги (2014 й.) кодекс [17] муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Мамлакатда ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Миграция жараёнларини тартибга солиш тўғрисида»ги (2001 й.) қонун қабул қилинган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши биринчидан, мамлакатдаги ноқонуний мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берган бўлса, иккинчидан, миграция оқимига нисбатан ташқи ва ички назоратнинг қатъий чораларини белгилаш йўли билан мамлакатга ноқонуний мигрантлар оқимини чеклашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга мамлакатдаги ишлаб чиқариш жараёнига хорижлик ишчиларни жалб қилиш мақсадида иш берувчилар учун ваколатли давлат органлари бўлинмаларида ташкилий-институционал ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, миграция масалаларини тартибга солиш учун жавобгарлик мамлакатнинг Жамоат тартиби вазирлигидан олиниб, Ички ишлар вазирлиги зиммасига ўтказилиб, «Иммиграция тўғрисида»ги (2001 й.) қонунга асосан Ички ишлар вазирлиги давлат иммиграция сиёсатини шакллантириш, режалаштириш ҳамда миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш масалалари учун масъул орган сифатида белгиланди. Мазкур ваколатли давлат органи чет элликлар ва Иммиграция Бош Дерекциясига ва ҳар бир ҳудуд (префектура)да яшаш ва ишлаш учун рухсатнома бериш ҳамда янгилаш учун масъул бўлган минтақавий идораларга ҳисобот беради. Мамлакатда миграция жараёнларини Ички ишлар вазирлиги томонидан тартибга солинишининг илмий-амалий жиҳатларидан бири шундаки, вазирлик таркибида миграция сиёсатини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи Иммиграция сиёсати институти (IMEPO) фаолият олиб боради [5, Б. 07].

Европада миграция ва фуқароларнинг интеграцияси жараёнларини тартибга солишда ўзига хос тажриба орттирган давлатлардан бири – **Дания** бўлиб, мамлакатнинг «Чет эллик фуқароларнинг интеграцияси тўғрисида»ги (2001.) қонунга асосан ваколатли давлат органлари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

мамлакат фуқаролари билан тенг равишда иммигрантлар ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, диний ва маданий ҳаётида тенг иштирок этиши шунингдек, меҳнат бозорида тенг ҳуқуқли имконостларни яратиш;

мамлакатга янги келган иммигрантларнинг молиявий ва иқтисодий мустақиллика эришишига кўмаклашиш;

мамлакатнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги нормалар ҳақида иммигрантларга билим ва кўникмаларни бериб бориш.

Қонун нормалари чет эл фуқароларини мамлакат ҳудудига кириши, бўлиши ҳамда уларни иш билан таъминланиш каби ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларни белгилаб бериши билан бирга, иммиграция қонунчилигини бузганлиги учун уларни депортация қилиш асос ва

шартларини ҳам тартибга солади.

Мазкур вазифаларни самарали амалга оширувчи ваколатли давлат органлари тизимини ислоҳ қилиш мақсадида қиролликнинг 2001 йил 27 ноябрдаги фармони билан Қочқинлар, иммиграция ва интеграция ишлари вазирлиги ташкил этилган ҳамда иммиграция ва иммиграцион интеграциялашув соҳасидаги муносабатларни амалга ошириб келган бошқа тузилмаларнинг қўллаб-қуватлаш функциялари мазкур вазирлик зиммасига юклатилди.

Бундан ташқари, мамлакатда миграция жараёнларини тартибга солишда иштирок этувчи иммиграция хизмат ташкил этилган бўлиб, мазкур хизматнинг асосий вазифаси мамлакатга кириш ва яшашни (доимий ва вақтинча) истаган чет эл фуқароларнинг муҳофизатларини қўриб чиқиш ҳамда уларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида уларга кириш ва чиқиш визаларини расмийлаштириш масалаларини ҳал қилишдан иборатдир. Шунингдек, Иммиграция хизмати вақтинча яшаш марказларига бошпана изловчи иммигрантларни жойлаштириш ҳамда уларни ҳудудий муассасаларга тақсимлаш учун ҳам масъулдир [5, Б.98].

Ривожланган хориж мамлакатларининг миграция жараёнларини тартибга солишга доир илғор тажрибаси, ушбу жараёнда ички ишлар (полиция) органларининг иштироки ва ролини, қолаверса Канадада Фуқаролик ва иммиграция вазирлиги, Иммиграция ва қочқинлар кенгаши, Корея Республикасида Иммиграция хизмати, Визаларни қўллаб-қуватлаш хизмати, Малайзияда Ички ишлар вазирлиги Иммиграция департаменти, Португалияда Ички ишлар вазирлиги Иммиграция ва қочқинлар сиёсати бошқармаси, Сингапурда Ички ишлар вазирлиги Иммиграция ва чегара назорати агентлиги (агентлик Сингапурнинг собиқ Иммиграция ва рўйхатга олиш хизмати ва Божхона департаментининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўлинмалари негизида ташкил этилган), АҚШда Фуқаролик ва иммиграция хизмати, Финландияда Ички ишлар вазирлиги, Францияда Иммиграция, интеграция миллий ҳисобини юритиш ва бирдамликни ривожлантириш вазирлиги ва Чехия Республикасида Ички ишлар вазирлиги (ташқи меҳнат миграцияси ва қочқинлар масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ижро орган)нинг миграция билан боғлиқ фаолиятини [5; С. 65] ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мамлакатимизда миграция жараёнларига доир қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавфсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миграция жараёнларига доир қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

Ўзбекистон кириш ва чиқишга доир барча зарур бўлган ҳужжатларини расмийлаштиришнинг “ягона дарча” тамойилини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, коррупция ҳамда ноқонуний бандлик ва миграция жараёнларини олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакат меҳнат ресурсларини чет элга чиқишни тартибга солиш ва миллий кадрларнинг меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир, хусусан, илмий ва ижодий фаолият олиб бориш учун қулай шароит яратиш, жамиятда илмий ходимларнинг ижтимоий даражаси ва обрўсини ошириш қаратилган амалий чораларни кўриш, мамлакат миллий манфаатларига жавоб берадиган илмий ишланмаларни молиялаштириш, хусусий илмий ва таълим капиталини молиялаштирилишини рағбатлантириш орқали ўзбек олимлари, илмий ходимлари, потенциал мутахассисларининг эмиграциясини олдини олиш;

меҳнат мигрантларининг мамлакатга қайтиш оқимини рағбатлантириш ва мослаштиришга қўмаклашиш;

меҳнат мигрантларини импорт қилувчи давлатлар билан икки томонлама давлатлараро битимларни имзолаш амалиётини кенгайтириш орқали меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

мамлакатимизда миграция жараёнларини самарали тартибга солиш ва бошқариш, мигрантларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний минфаатларини самарали ҳимоялаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қуватлаш мақсадида ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи «Миграция

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилиш;

ҳозирги кунда ички ишлар органларининг хорижга кетган ва қайтиб келган шахслар билан ишлаш фаолияти соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи яхлит бўлинма ташкил этилмаганлиги ҳамда ноқонуний миграцияга қарши курашиш амалиётида турли хил ёндашувлар юзага келишини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузурида Миграция масалалари бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, билдирилган мазкур фикр ва мулоҳазаларнинг келгусида инobatга олиниши ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши нафақат ички ишлар органларининг миграция жараёнларини тартибга солиш фаолиятини янада такомиллаштиришга, қолаверса мамлакатимизда ушбу соҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашга доир вазифаларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Акимова С.А. Правовое регулирование миграционной политики и деятельности миграционных служб Соединенных Штатов Америки // Вестник Московского университета МВД России. – 2014. – № 4.

2. Денисенко М.Б., Хараева О.А., Чудиновских О.С. Иммиграционная политика в Российской Федерации и странах Запада. – М., 2003.

3. Дудичева О.В. Правовое регулирование трудовой миграции в США // Вопросы студенческой науки. Выпуск №11 (39), ноябрь 2019.

4. Elrick, Jennifer; Winter, Elke Managing the National Status Group: Immigration Policy in Germany International migration. Том: 56 Выпуск: 4. AUG 2018,

5. Законодательство и политика в области интеграции иммигрантов. Сборник законодательства, политики и практики 19 государств в области интеграции иммигрантов. Международная организация по миграции (МОМ) Перевод с английского. – М., 2011.

6. Kazaryan K.V. State and legal regulation of migration activity in Germany // Scientific notes of V. I. Vernadsky Crimean Federal University. Juridical science. – 2019. – Т. 4 (72). – № 1..

7. Карачурина Л.Б. Иммиграционная политика Германии: успешный - неуспешный опыт // Мировая экономика и международные отношения. 2008. – № 7.

8. Kersting, N Migration and Integration in German Cities. // Croatian and comparative public administration. Jun 2018 T. 18 P. 201-222.

9. Ломакин В.К. Мировая экономика. – М. ЮНИТИ - ДАНА, 2007. – С. 157.

10. Макаров Е.П. Влияние американской войны за независимость на политическую ориентацию торгово-финансовой элиты Великобритании последней четверти XVIII в. // Человек и общество в условиях войн и революций. Материалы II Всероссийской научной конференции. Под редакцией Е.Ю. Семеновской; редколлегия: А.Б. Бирюкова, А.В. Богачев. 2015.

11. Макаров Е.П. Торгово-промышленный кризис в Англии как следствие англо-американских противоречий 1760-1780-х гг. // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. 2012. № 8-1 (22). С. 115-118

12. Rosenblum M. R. U. S. - Mexican Migration Cooperation: Obstacles and Opportunities. N. Y., 2010

13. The Politics and Economics of the U.S. Immigration Debate. N. Y., 2014

14. Тарасенко Е.Н. Зарубежный опыт государственного регулирования миграционных процессов // Международный журнал перспективных исследований, Т. 8, – №1, – 2018. – С. 129-156.

15. United Nations, Department of Economic and Social Affairs. Population Division (2017). Trends in international Migrant Stock: The 2017 revision (United Nations database, POP/DM/MIG/Stock/Riv.2017).

16. Федорако А.И. Роль органов внутренних дел Республики Беларусь в регулировании

миграционных процессов //Журнал международного права и международных отношений, 2010. – № 2, – С. 35–39.

17. [http://advokati.gr/wp-content/uploads/2016/03/4251\\_2014ru.pdf](http://advokati.gr/wp-content/uploads/2016/03/4251_2014ru.pdf) (мурожаат вақти: 20.02.2022 й.).

18. <https://korrespondent.net/world/3981029-v-hermanyu-prynialy-spornyiy-zakon-o-vossoedynenyy-ssmei-bezhentsev>.

19. <https://rua.gr/law/immilaw/21235-glavnye-izmeneniya-v-odekse-o-grechskom-grazhdanstve-ekspres-informatsiya.html> (мурожаат вақти: 20.02.2022 й.).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**КАРИМОВА Мадина Мирзаджановна**  
ТДЮУ қошидаги Академик лицей ўқитувчиси  
E-mail: madinakarimova057@gmail.com

## РАҚАМЛИ НОТАРИАТ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** КАРИМОВА М.М. Рақамли нотариат: жорий ҳолат ва истиқбол // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 133-139.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-18>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф рақамли технологиялар тараққий этаётган бугунги даврда электрон нотариат тизимининг ривожини, бу борадаги миллий ва халқаро тажриба, сўнги йилларда электрон нотариат тизимини яратиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан фикр юритади. 2020 йилда янги коронавирус инфекцияси (COVID-19)нинг глобал пандемияси юзага келиши ва иқлим ўзгаришлари туфайли келажакда инсоният учун номаълум бўлган янги инфекциялар юзага келиши мумкинлиги тўғрисидаги фарозларнинг мавжудлиги дунёдаги барча соҳаларни имкон борича тезроқ рақамлаштириш, қоғоз кўринишидаги архив ва бошқа маълумотларни электронлаштириш ишларини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда деярли барча соҳаларни, жумладан, нотариат соҳасини рақамлаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади. Юртимизда мазкур йўналишдаги дастлабки қадамлар аллақачон ташланган бўлиб, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида мазкур жараённи янада тезлаштириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш талаб этилади. Айни пайтда, ривожланган хорижий давлатлар ҳам нотариат соҳасини рақамлаштиришга эҳтиёткорона муносабатда бўлаётган бир вақтда электрон нотариат тизимини яратиш бўйича “олтин ўрталик”ни топган ҳолда иш олиб боришни тақозо этади. Мақолада электрон нотариатнинг глобал ва миллий миқёсдаги жорий ҳолати таҳлил этилади. Шунингдек, унинг истиқболи юзасидан фикрлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар.** Рақамли технологиялар, электрон нотариат, электрон ҳужжат, электрон нотариал архив, навбатчи нотариал идора

**КАРИМОВА Мадина Мирзаджановна**  
Преподаватель Академического лицея при ТГЮУ  
E-mail: madinakarimova057@gmail.com

## ЦИФРОВОЙ НОТАРИАТ: НЫНЕШНЕЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор рассматривает развитие электронных нотариальных систем в современную эпоху развития цифровых технологий, отечественный и международный опыт в этой области, проделанную в последние годы работу по созданию электронной нотариальной системы. Предположения о том, что в 2020 году произойдет новая глобальная пандемия коронавирусной инфекции (COVID-19) и что в будущем из-за изменения климата могут возникнуть новые неизвестные человечеству инфекции, требуют скорейшей оцифровки всех областей мира, бумажных архивов и другие данные. И в связи с этим возникает необходимость ускорение работы по оцифровке практически всех сфер, в том числе и нотариальной. Первые шаги в этом направлении уже сделаны в нашей стране, и, опираясь на передовой опыт зарубежных стран, необходимо еще больше ускорить этот процесс, создать его организационно-правовую базу и усовершенствовать действующие. В то же время, в условиях, когда развитые страны с осторожностью относятся к цифровизации нотариальной сферы, необходимо работать над поиском «золотой середины» для создания электронной нотариальной системы. В статье анализируется нынешнее состояние электронных нотариусов в мире и на национальном уровне. Выдвинуты мнения о его перспективах.

**Ключевые слова:** Цифровые технологии, электронный нотариат, электронный документ, электронный нотариальный архив, дежурная нотариальная контора

**KARIMOVA Madina**

Lecturer at the Academic Lyceum of TSUL

E-mail: madinakarimova057@gmail.com

**DIGITAL NOTARY: CURRENT POSITION AND PROSPECT****ANNOTATION**

In this article, the author examines the development of digital technologies, the development of the electronic notary system in the current period, national and international experience in this field, the work carried out in recent years to create an electronic notary system. The existence of hypotheses that a global pandemic of a new coronavirus infection (COVID-19) will occur in 2020 and that new infections unknown to humanity may arise in the future due to climate change is expected to accelerate the digitization of all areas of the world as quickly as possible, work on archiving and other data in the form of data that will be available in the future. Based on this, it is necessary to accelerate the digitization of almost all spheres, including the notary sphere. The first steps in this direction have already been taken in our country, and based on the best practices of foreign countries, it is necessary to accelerate this process, create its organizational and legal foundations and improve existing ones. At the same time, developed foreign countries are also obliged to work on the creation of an electronic notary system at a time when there is a careful attitude to the digitization of the notary sphere, which includes the “golden mean”. The article analyzes the current state of the electronic notary on a global and national scale. Opinions are also expressed about its prospects.

**Keywords:** Digital technologies, electronic notary, electronic document, electronic notary archive, notary office on duty.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тараққиётимизнинг янги босқичини бошлаб берган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганлиги ва айни пайтда, мазкур ислохотлар изчил давом эттирилаётганлиги нафақат юртимизда, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам эътироф этилмоқда. Ана шундай туб ислохотлар нотариат тизимида ҳам амалга оширилди.

Хусусан, 2018 йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев нотариат институтини янада ислоҳ қилишга оид “Низоларни олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Қарорни имзолади [1].

Ушбу ҳужжатда мамлакатимиздаги нотариат институтининг жорий ҳолати танқидий баҳоланиб, нотариал идораларда аҳолига кўрсатилаётган нотариал ҳизматларнинг сифати ва тезкорлиги паст даражада эканлиги, амалиётда мавжуд бюрократик тўсиқ ва ғовлар, ортиқча оврагарчилик, қоғозбозлик ва коррупция ҳолатлари аҳолининг нотариат тизимига бўлган ишончини пасайиб бораётганлигига сабаб бўлаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан амалиётдаги реал ҳолатлардан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларга ечим бериш мақсадида нотариуслар фаолиятига бир канча ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан:

Нотариал ҳаракатларини амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлаш улар бармоқ изларини сканер қилиш ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги биометрик маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилиши белгиланди;

Нотариал ҳужжатлардаги имзони сохталаштириш жиноятларига ҳам чек қўйилди. Эндиликда нотариал ҳаракатлар бажарилганлигини тасдиқлаш фақат имзо қўйиш билан эмас, балки махсус техник воситалар ёрдамида бармоқ изларини сканер қилиш йўли билан амалга ошириладиган бўлди;

Васиятномаларни имзолаш жараёни махсус аудио ва видео ёзувларда қайд этиб борилиши мажбурий қилиб қўйилди. Бу эса амалиётда жуд кўп учрайдиган васиятномалар билан боғлиқ низолар, меросхўрлар ўртасидаги меросни тақсимлаш масалаларидаги тортишувларни олдини олишга хизмат қилмоқда. Нотариал ҳаракатлар расмийлаштириш жараёнини аудио ва видео тасмага ёзиш фақатгина васиятнома расмийлаштириш ҳолатларига эмас, балки нотариал ҳужжатларни фуқаролар жисмоний нуқсонли, касаллиги ёки турли асосли ҳолатларга кўра бошқа фуқароларга имзолатиши ҳолатларига ҳам қўлланилиши назарда тутилди;

Нотариуслар малака имтиҳони жараёнининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги расмий веб-сайтида нотариус лавозимига номзодларни танлов асосида танлаб олиш жараёни реал вақт режимида аудио ва видеотрансляция қилиш амалиётини жорий этган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди;

Нотариал ҳаракат расмийлаштириш учун зарур бўлган, турли давлат идора ва ташкилотларидан йиғиб келинадиган ҳужжатлар электрон шаклда қабул қилиб олиниши белгиланди.

Шунингдек, 2019 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сон Фармонида ҳам нотариат соҳасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, улардан энг муҳимларидан бири электрон нотариат тизимини яратиш томон илдам қадамларнинг ташланиши бўлди [2]. Жумладан, Фармонга мувофиқ:

кўчмас мулклар бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар ҳақида маълумотлар фақат тегишли электрон ахборот тизими орқали онлайн режимда текширилиши;

агар тарафлар турли ҳудудларда бўлса, ўша ҳудуддаги нотариал идорада туриб видеоконференцалоқа орқали битимларни нотариал тасдиқлаш мумкинлиги;

очиқ ахборот тизимидаги айрим ҳужжатларнинг электрон шакли мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатнинг қоғоз шакли билан тенг ҳуқуқий кучга эга бўлиши;

республика ҳудудида нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар нотариусга тақдим этилмасдан туриб, уларни ноёб рақам орқали текшириш мумкинлиги;

нотариусга мурожаат этишда электрон навбат олиш ва ҳужжатларни олдиндан тайёрлаб қўйиш хизмати жорий этилиши;

нотариал архивда мавжуд бўлган ҳужжатлар нусхасини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имконияти яратилиши;

мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни тасдиқлаш, ижро

хатларини ёзиш, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилиши;

аризалар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоконференцалоқа орқали расмийлаштирилиши белгиланди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Бундан ташқари Фармон билан 2024 йил 1 январга қадар нотариал архивда сақланаётган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни вужудга келтирувчи битимлар рақамли кўринишга ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси мамлакатимизда нотариат институти фаолиятини рақамлаштириш, электрон нотариат тизимини яратишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб келинаётганлигини кўрсатади.

Айниқса, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки e-notarius.uz сайти орқали уйдан чиқмасдан туриб, нотариус қабулига электрон навбатга ёзилиш ва e-notarius.uz сайти орқали барча нотариал ҳаракатлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш ва нотариус калькулятори хизматидан фойдаланиб, давлат божи ва бошқа тўловларни мустақил ҳисоблаш имконияти яратилиши фуқаролар учун қўшимча қулайликлар яратди.

“СМС хабар” электрон тизими жорий этилганлиги сабабли фуқаролар нотариал ҳаракатлар учун амалга оширилаётган тўловнинг қонунийлигини билиш имконига эга бўлдилар.

Эндиликда Квентин Массис томонидан тасвирланган, қўлида перо ва пергамент тутган келишган эркак образидаги нотариус образи ўтмишга айланмоқда [3]. Замонавий дунёда нотариат институтининг қоғоз вақаламга боғланиб қолиши фуқаролик муомаласининг нотариал хизматларга тезкорлик билан ўсиб бораётган талабини қондира олмайди. Нотариуслар фуқаролик муомаласи иштирокчилари фаолиятида “тормоз” эмас, балки “двигател” бўлиши талаб этилади. Шунингдек, нотариат тизимида бюрократиянинг сақланиб қолиши давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган “фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” шиорига мутлақо тўғри келмайди.

2019 йилда бошланган коронавирус пандемияси ва унинг юртимизга 2020 йилда кириб келиши ҳамда пандемиянинг айна вақтга қадар давом этиб келаётганлиги танланган йўналишнинг ҳақиқатдан ҳам нақадар тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Бироқ COVID-19 пандемияси ушбу соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган бир қатор ишлар мавжудлигини кўрсатди [4].

Гарчи Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 8<sup>1</sup>-бандида видеоконференцалоқа режимида битимларни нотариал тасдиқлаши мумкинлиги кўрсатилган бўлсада, бунинг учун тарафларнинг турли ҳудудларда жойлашган бўлиши ва битим тузилаётган вақтда тарафларнинг нотариус ҳузурда бўлиши шартлиги белгиланганлиги сабабли пандемия каби фавқулодда шароитларда нотариат институти хизматидан фойдаланиш бир қанча муаммоларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда [5]. Албатта, карантин вақтида ўз-ўзини изоляция қилиш жорий этилганлиги сабабли фуқаролик муомаласининг иштирокчилари фаолиятининг сусайиши ёки вақтинчалик тўхташи кузатилсада, нотариал хизматларга бўлган талаб барибир сақланиб қолади.

Нотариал хизматларга талаб қанчалик кам бўлса ҳам, фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун бундай хизматлардан доимий фойдаланишга имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

Пандемия тўғрисида 2020 йил 24 мартдан бошлаб Республика махсус комиссияси томонидан карантин чекловлари киритилиб, фуқаролик муомаласи чекланар экан, орадан қарийб бир ой ўтгандан сўнггина – 2020 йил 5 апрелда Республика махсус комиссияси 21-сон баёни 5-бандига кўра нотариусларга карантин талабларига риоя қилган ҳолда ишлашга рухсат берилди [6]. Бу эса шунча вақт давомида фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг нотариал хизматлардан фойдаланиш имкони чекланишига сабаб бўлди. Мазкур ҳолат айнан мана шу каби вазиятлар учун навбатчи нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласини кўриб чиқишни тақозо этади.



Бу борадаги хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, электрон нотариат Европада 1980 йилларда пайдо бўлганини ва шу кунга қадар тараққий топиб келаётганлигини кўришимиз мумкин [7].

**Германия Федератив Республикасида** Федерал нотариал палата ҳузурида Нотариал ҳужжатларнинг электрон архиви фаолият олиб боради [8]. Мазкур архивда ҳар бир нотариуснинг ўз бўлими мавжуд. Нотариус фаолияти тугатилган ёки тўхтатилган тақдирда бўлимдан фойдаланиш ҳуқуқи унинг ҳуқуқий ворисига, у ҳам бўлмаган тақдирда ҳудудий нотариал палатага ўтади. Архив бир вақтнинг ўзида Федерал нотариал палатанинг маълумотлар маркази ҳисобланади ва айна вақтда 7 мингдан ортиқ нотариал идорани қамраб олган.

ГФРда айна пайтда, корпоратив ҳуқуққа оид битимларни нотариуслар томонидан масофавий шаклда тасдиқлашни йўлга қўйиш бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Бунда Facetim ва Skype каби дастурлар хизматидан фойдаланиш мақсад қилинган.

**Россия Федерациясида** пандемия сабабли ўз-ўзини изоляция қилган аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда карантин ҳамда шунга ўхшаш бошқа фавқулодда ҳолларда [13] навбатчи нотариал идорани белгилаш, бу орқали нотариуслар сайёр тарзда ҳам иш юритиши мумкинлигини белгилаш бўйича иш олиб борилмоқда [9]. Федерал нотариал палата ва РФ Адлия вазирлиги ўртасида бу бўйича келишувга ҳам эришилган.

**Францияда** эса битимларни электрон тасдиқлашнинг ўзига хос тизими яратилган. Бунда асосан иккита ташкилот – Le Conseil sup rieur du notariat — Француз нотариати олий кенгаши ва Association pour le D veloppement du Service Notarial – Нотариал хизмат тараққиёти ассоциацияси муҳим рол ўйнаган. Францияда 2005 йил 10 августда “Аутентик электрон акт” номли декрет қабул қилинган. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ва амалга татбиқ қилиниши бир нечта босқичларни ўз ичига олган. Бу ҳақида қуйидаги схемада танишиш мумкин [10]:

Схема



Схемада Европа директиваси деганда Европарламент ва ЕИ Кенгашининг “Ҳамжамиятда электрон имзоларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги директиваси (ҳозирги кунда ўз кучини йўқотган) назарда тутилган.

Аутентик электрон акт ҳақиқий ҳужжат тури бўлиб, қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга, шунга мувофиқ имзолаш санаси, ҳужжатнинг дахлсизлиги,

сохталаштиришдан ҳимояланганлик кафолатлари, нотариуснинг идентификацияланган имзоси мавжуд бўлади.

Мазкур акт:

Нотариус томонидан мижоз билан биргаликда тузилади;

Қоғоз кўринишидаги ҳужжат ҳисобланмайди;

Қоғоз кўринишидаги ҳужжат билан бирхил юридик кучга эга.

Бундай ҳужжатлар 75 йил давомида ягона электрон архивда сақланади. Архив махфийлик талабларига жавоб беради, сақлашнинг ишончлилиги кафолатланган.

Бугунги кунда Францияда бизнес ҳамкорлар ўртасидаги битимларни нотариус иштирокида масофадан туриб бажариш имкониятини яратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Швейцарияда** электроннотариал ҳужжатлар масаласи Швейцария Федерал Кенгашининг 2011 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Электрон нотариал тасдиқланган ҳужжат тўғрисида”ги Қарори билан тартибга солинади [11].

Қарорнинг 5-моддасига кўра ҳужжатни электрон шаклда яратиш ва ундан фойдаланиш учун ҳар икки томоннинг розилиги талаб қилинади. Шунингдек, ҳужжат фақат битта – электрон шаклда тузилар экан, унинг қоғоз шакли тузилмайди ва сақланмайди.

11-моддада қоғоз шаклда мавжуд бўлган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини электрон тарзда нотариал тасдиқлаш масалалари тартибга солинган. Бунда ҳужжат ва унинг иловалари (агар мавжуд бўлса) сканер қилинади ҳамда нотариусга тақдим қилинади. Нотариус эса ўз навбатида ҳужжатнинг ҳақиқийлигини электрон шаклда ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди.

12-моддада эса электрон шаклда тузилган ва тасдиқланган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини қоғоз кўринишида нотариал тасдиқлаш ҳақида сўз боради. Бунда электрон ҳужжатнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги ёзувлар унинг қоғоз кўринишидаги вариантига киритилиб, нотариуснинг шахсий имзоси ва муҳри билан аънанавий шаклда тасдиқланади. Ушбу ҳолатда нотариус фақатгина ҳужжатнинг ишончлилиги ва тасдиқланганлиги шаҳодатлайди.

Юқорида келтириб ўтилган миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулосаларни қилиш мумкин:

1. Электрон нотариат тизимига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилади. Мазкур тизимга тўлиқ ўтилгунига қадар нотариал ҳужжатларнинг ҳам қоғоз, ҳам электрон шаклда қайд этиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

2. Электрон нотариат тизимига ўтиш ҳужжатларнинг рақамли технологиялар билан интеграция бўлиши ва узоқ муддат давомида ишончли сақланишини таъминлайди;

3. Қоғознинг ишлатилмаслиги қоғоз, сиёҳ ва бошқа воситалар учун харажатларнинг тежалишига сабаб бўлади;

4. Ҳужжат матнини электрон шаклда, исталган форматда ўқиш имкони вужудга келади;

5. Авторучка ўрнини планшетлар ва электрон ручкалар эгаллайди;

6. Электрон рақамли имзони сохталаштириш имконининг пастлиги нотариал ҳаракатларнинг ишончлилигини оширади, келажакда юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда, электрон нотариат тизимини тўлиқ жорий қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинади:

1. “Интернет” жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш тезлигини ошириш. Маълумот учун Ўзбекистон “Speedtest Global Index” рейтинги бўйича 2021 йил июнь ойида мобил интернет тезлиги бўйича жаҳонда 118-ўринни эгаллаган [12].

2. Аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ошириш, бу бўйича ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш. Фарбий Европа мамлакатлари электрон тизимлардан нисбатан эртароқ фойдаланишни бошлаганлари сабабли уларнинг аҳолиси учун рақамли технологиялардан фойдаланиш масаласи қийинчилик туғдирмайди. Аммо собиқ Иттифоққа аъзо бўлган мамлакатларда электрон ҳужжат айланиши мутлақо йўлга қўйилмаганлиги, хусусий мулкнинг чекланганлиги оқибатида нотариат тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли аҳолининг электрон тизимлардан фойдалана олиш кўникмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади;

3. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ ФХДЁнинг ягонаэлектронархивияратилган. Давлатхизматлари агентлигитомонидан ФХДЁ органларининг қоғоз кўринишидаги архивидаги маълумотларнинг рақамлаштирилиши бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Худди шундай чора-тадбирларни нотариал архивлар учун ҳам амалга ошириш талаб қилинади. Бу бўйича дастлабки қадамлар ташланган бўлиб, 2019 йил 9 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сон Фармони билан 2024 йил 1 январга қадар нотариал архивда сақланаётган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни вужудга келтирувчи битимлар рақамли кўринишга ўтказилиши лозимлиги белгиланган.

4. Нотариат тизимининг электрон архиви мавжуд эмаслигини инобатга олиб, уни ташкил қилиш, юритиш, сақлаш ва эксплуатация қилиш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Зеро электрон нотариат тизими учун электрон нотариал архив талаб қилинади.

5. Қонунчиликка Россия, Қозоғистон каби давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда карантин ва бошқа шу каби фавқулодда ҳолатлар вақтида навбатчи нотариал идора фаолият юритишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3741 – сон 25.05.2018 й. URL: <https://lex.uz/docs/3749139>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5816-сон Фармони 9.09.2019 й. URL: <https://lex.uz/docs/4506606>

3. Тарасова Е.А. Современный нотариат = электронный нотариат? (цифровизация нотариальной деятельности). Пермский юридический альманах, 2019 г., № 3, С. 338-344

4. Ruzinazarov, S. N., & Achilova, L. I. (2021). A new stage in the development of the civil code of the Republic of Uzbekistan in the context of digital reality. *International Relations: Politics, Economics, Law*, 2020(1), 58-65. URL: <https://uzjournals.edu.uz/intrel/vol2020/iss1/6/>

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» URL: <https://lex.uz/docs/4138215?query=%D2%9B%D0%B0%D1%80%D0%BE%D1%80>

6. Карантинда нотариус орқали уй олди-сотдисини амалга оширса бўладими? URL: <https://zamin.uz/jamiyat/74106-karantinda-notarius-oral-uj-oldi-sotdisini-amalga-oshirsa-bladimi.html>

7. Кочкина, О. В. Зарубежный опыт становления и функционирования электронного нотариата / О. В. Кочкина, Ю. А. Тябина // Нотариус. – 2020. – № 5. – С. 42-44

8. Бок Р. Электронный архив нотариальных документов в Германии. Российский нотариат: 25 лет на службе государству и обществу: Сборник статей / Под ред. Е.А. Борисовой. — М.: Юстицинформ, 2018. С. 320

9. Парфенчикова А. Нотариат в условиях глобальной пандемии: российский и зарубежный опыт. Новые «цифровые» вызовы. // URL: <https://legalacademy.ru/sphere/post/notariat-v-usloviyah-globalnoi-pandemii-rossiiskii-i-zarubezhnyi-opyt-novye-cifrovye-vyzovy>

10. Куаффар Д. Удостоверение сделок в электронном виде: французский опыт. Российский нотариат: 25 лет на службе государству и обществу: Сборник статей / Под ред. Е.А. Борисовой. — М.: Юстицинформ, 2018. С. 320

11. Филиппова О.В. Современный нотариат. Российский нотариат: 25 лет на службе государству и обществу: Сборник статей / Под ред. Е.А. Борисовой. — М.: Юстицинформ, 2018. С. 320

12. Ўзбекистоннинг мобил интернет тезлиги бўйича дунёдаги ўрни маълум қилинди URL: <https://bugun.uz/2021/07/21/ozbekistonning-mobil-internet-tezligi-boyicha-dunyodagi-orni-malum-qilindi>

13. Рузиназаров, Ш. Н., & Ачилова, Л. И. (2020). Электронные сделки и проблемы их применения в условиях цифрового гражданского оборота. In *Развитие Общества и Науки в Условиях Цифровой Экономики* (pp. 4-25). URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42772599>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович**

Тошкент давлат юридик университети Бизнес ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

**ЯРАШЕВ Нодирбек**

«Uryu Itoga Tashkent» адвокатлик бюроси адвокати  
E-mail: yarashev.nodirbek@uryuitoga.com

## ГЕРМАНИЯ ВА БУЮК БРИТАНИЯДАГИ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ДЖУМАНОВ А.Х., ЯРАШЕВ Н. Миграцияни тартибга солишда ташқи ишлар вазирлиги фаолиятининг ҳуқуқий таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2022) Б. 140-147.

 1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-19>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада корпорацияларнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг таърифи ва асосий жиҳатлари ўрганилган. Ушбу материалда Буюк Британия ва Германиядаги ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайдиган ширкатлар тизимининг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Мақолада Буюк Британиядаги ширкатлар ва корпорациялар турларининг ривожланишига эътибор қаратилган. Ушбу ишда Буюк Британияда устав фондига нисбатан минимал талаблар мавжуд эмаслиги қайд этилган. Муаллиф континентал ҳуқуқ тизимида корпорациялар турларини аниқлашда нисбатан бошқача ёндашув мавжуд эканлигини ва бу тизимда корпорациялар иккита асосий йўналишда ташкил этилишга йўл қўйилишини қайд этган: булар ҳуқуқ субъекти бўлмаган шахслар уюшмаси (оддий ширкат, тўлиқ ширкат ва коммандит ширкат) ва ҳуқуқ субъекти ҳисобланадиган шахслар уюшмаси (акциядорлик жамияти, акциядорлик коммандити, масъулияти чекланган жамият, кооператив ва нотижорат уюшмалари). Ушбу материалда масъулияти чекланган жамиятларнинг алоҳида институт сифатида пайдо бўлишининг асосий шартлари қайд этилган. Шунингдек, мақолада Германида устав фондига нисбатан минимал талаблар кескинроқ эканлиги, лекин ягона директивларнинг таъсири остида Германияда бир евро билан масъулияти чекланган жамияти тузишга руҳсат берилиши таъкидланган.

**Калит сўзлар:** корпорация, ширкат, компания, устав фонди, чекланган масъулият, капитал бирлашмаси.

**ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович**

Преподаватель кафедры «Бизнес право»  
Ташкентском государственном юридическом университете  
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

**ЯРАШЕВ Нодирбек**

Адвокат адвокатского бюро «Uryu Itoga Tashkent»  
E-mail: yarashev.nodirbek@uryuitoga.com

## ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ АКТУАЛЬНЫХ ВОПРОСОВ: КОРПОРАЦИИ В ВЕЛИКОБРИТАНИИ И ГЕРМАНИИ

### АННОТАЦИЯ

В статье изучается правовая природа корпораций, их определение и основные черты. В данном материале осуществлен сравнительный анализ системы неправосубъектных товариществ в Великобритании и Германии. В статье уделяется внимание эволюции товариществ в Великобритании и видов корпораций. В работе указывается, что в Великобритании отсутствуют минимальные требования к уставному капиталу. Автор указывает, что в континентальной системе несколько иной подход в определении видов корпораций и указывает, что система позволяет корпорациям быть созданным по двум основным направлениям: неправосубъектные объединения лиц (простое, полное и коммандитное товарищества) и правосубъектные объединения лиц (акционерное общество, акционерная коммандита, общество с ограниченной ответственностью, кооператив и некоммерческое объединение). В материалах указывается основные условия возникновения общества с ограниченной ответственностью как отдельного института. В статье указывается, что в Германии более строгие требования к минимальному размеру уставного фонда, но под влиянием единых директив, в Германии позволили создавать общества с ограниченной ответственностью с одним евро.

**Ключевые слова:** корпорация, товарищества, компания, уставный фонд, ограниченная ответственность, объединение капиталов.

**DJUMANOV Askar**

Lecturer at the Department of Business Law,  
Tashkent State University of Law  
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

**YARASHEV Nodirbek**

Attorney-at-law of «Uryu Itoga Tashkent» law firm  
E-mail: yarashev.nodirbek@uryuitoga.com

## LEGAL ANALYSIS OF CERTAIN RELEVANT QUESTIONS: CORPORATIONS IN GREAT BRITAIN AND GERMANY

### ANNOTATION

The article examines the legal nature of corporations, their definition and main features. In this material, a comparative analysis of the system of non-subject partnerships in the UK and Germany is carried out. The article focuses on the evolution of UK partnerships and types of corporations. The paper indicates that there are no minimum requirements for authorized capital in the UK. The author points out that in the continental system, a slightly different approach to defining the types of corporations and indicates that the system allows corporations to be created in two main directions: non-subject associations of persons (simple, general and limited partnerships) and legal entities associations of persons (joint-stock company, joint-stock limited partnership, limited liability

company, cooperative and non-profit association). The materials indicate the main conditions for the emergence of a limited liability company as a separate institution. The article indicates that in Germany, stricter requirements for the minimum size of the statutory fund, but under the influence of uniform directives, in Germany allowed the creation of limited liability companies with one euro.

**Keywords:** corporation, partnerships, company, charter capital, limited liability, blending of capital.

## 1. КОРПОРАЦИЯЛАР ТУШУНЧАСИ

Ўзбекистон қонунчилигида корпорация тушунчаси тўғридан-тўғри қўлланилмайди. Қонун чиқарувчи томонидан тадбиркорлик субъекти, корхона, тижорат ташкилотлари ва шу каби ушбу сўзнинг бошқа вариантлари қўлланилади.

Иккита йирик ҳуқуқ тизимларидаги корпорациялар турларини ўрганишни бошлашдан олдин «корпорация» ўзи нима деган саволга аниқ жавоб бериш лозим. Кўпчилик ҳолатларда корпорация деганда йирик корхона ёки тижорий бирлашма тушунилади. Албатта ушбу сўз ва тушунча Европада пайдо бўлган ва у мулкрий улушларни киритиш ва ундан фойдаланиш орқали умумий мақсадларга эришиш учун хусусий шахсларнинг томонидан ихтиёрий (битимлар асосида) ташкил этилган уюшмани англатади [1, Б.16].

Сўзма-сўз таржима қилинганда иккита ёки ундан кўп шахсларнинг исталган мулкрий бирлашмаси корпорация деб номланишини таъкидлаш мумкин. Ушбу конструкция қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- хусусий шахсларнинг (жисмоний ва юридик шахсларнинг) бирлашмаси эканлиги
- ихтиёрийлик тамойили мавжудлиги
- умумий мақсадларнинг мавжуд бўлиши (фойда олиш ёки нотижорий мақсадлар)
- мулкрий улушнинг мавжуд бўлиши.

Аммо, ҳар қандай корпорация ҳам юридик шахс сифатида қаралмаслигига эътибор бериш лозим. Капитал бирлашмаси сифатида корпорация юридик шахсни ташкил этган ҳолда ёки бундай юридик шахсни ташкил этмасдан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Юридик шахс тушунчаси мулк айланмасининг эҳтиёжлари асосида шаклланган ва фуқаролик муомаласидаги сунъий шахс бўлса-да, ушбу конструкция корпорациялар учун муҳим тизим бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, корпоратив ҳуқуқнинг ўзбек модели совет тизимидан кўплаб жиҳатдан ўзлаштирилган ҳисобланади. Сўнги йилларда эса қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларида англо-саксон модели томон йўналиш жадал ўзгариб бораётганлигини кўриш мумкин. Айниқса, корпорацияларнинг минимал устав фондининг бекор қилиниши ва корпорацияларнинг рўйхатдан ўтиши тартибининг соддалаштирилаётгани бунинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин.

## 2. БУЮК БРИТАНИЯ

Одатда Буюк Британияда компанияларнинг 8 та тури ажратиб кўрсатилади, булар: Масъулияти чекланган оммавий компания (public limited company), Масъулияти чекланган хусусий компания (private company limited by shares); Кафил томонидан масъулияти чекланган компания (company limited by guarantee); Масъулияти чекланмаган компания (unlimited company); масъулияти чекланган шериклик (Limited Liability Partnership); Жамоат ташкилоти (Community Interest Company); Саноат ва Тижорий жамиятлар (Industrial and Provident Society); ва Қироллик қарори асосида ташкил этилган ташкилотлар (Royal Charter) [2, С.2-8]. Ушбу мақолада Буюк Британияда фақатгина кўплаб учрайдиган компания турлари ҳақида ёритилади. Шунингдек, мақолада шериклик ҳақидаги қонунчилик ҳақида сўз юритиш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 февральдаги 66-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосан 12 та турдаги корпорациялар кўзда тутилган, булар: Акциядорлик жамияти, Масъулияти чекланган жамият, Қўшимча масъулиятли жамият, Тўлиқ ширкат, Коммандит ширкат, Ишлаб чиқариш кооперативи, Унитар корхона, Давлат унитар корхонаси, Хусусий корхона, Оилавий корхона,

Фермер хўжалиги, Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги.

**Шериклик.** Шериклик деганда шериклар бир-бири билан ўзаро ишонч асосида боғлиқ бўлган ва бир-бирининг манфаатларини ифода этадиган (бир-бирларига вакил бўладиган) унчалик катта бўлмаган шахслар гуруҳи тушунилади.

Шуни айтиш мумкинки, шериклик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти каби узоқ йиллик тарихга эга. Шериклик кенг маънода Ўзбекистондаги хўжалик ширкатларига ўхшаш тузилма ҳисобланади. Аммо, энг асосий фарқли томони шундаки, Буюк Британияда шериклик юридик шахс ҳисобланмайди.

Шерикликнинг фаолият тартиби 1980 йилда қабул қилинган Partnership Act билан тартибга солинади. Ушбу қонун шерикликнинг тушунчаси ва унинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатларини белгилаб беради, ички муносабатларни тартибга солиш эса шерикларнинг ваколат доирасига киритилади. Аммо, ушбу қонун бу соҳага оид ягона қонун ҳисобланмайди. Масалан, тўловга қобилиятсизлик масалаларига нисбатан шерикликнинг иқтисодий ночорлигига оид қонунчилик, шунингдек, бошқа масалалар бўйича эса прецедент ҳуқуқи (case law) қўлланилади.

Умумий қоида тариқасида шериклар ўз шериклигининг қарзлари ва мажбуриятларига нисбатан чекланмаган шахсий масъулиятни ўз бўйнига оладилар. Айни пайтда, 1907 йилги Limited Partnerships Act қонуни иштирокчиларнинг аралаш масъулияти билан шериклик ташкил этилишига йўл қўяди. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ эса коммандит ширкат бундай шерикликнинг ўхшаш тури ҳисобланади. Чекланган масъулиятли бундай шериклик икки хил шерикдан, яъни аънавий шерик («general partners») ва масъулияти чекланган шерикдан («limited partners») ташкил топади [2, Б.15].

Масъулияти чекланган шерик маблағ (капитал) киритиш орқали шерикликка киришади, аммо, шериклик номидан битимлар туза олмайди ва шерикликнинг қарзлари бўйича қўшимча шахсий масъулиятни ўз бўйнига олмайди. Иштирокчиларнинг аралаш масъулияти мавжуд бўлган шериклик мажбурий тартибда Компаниялар регистратори томонидан рўйхатга олинган бўлиши лозим. Акс ҳолда бундай шериклик чекланмаган масъулиятли шериклик деб ҳисобланади ва шериклик ҳақидаги шартноманинг мазмунидан қатъи назар барча шериклар аънавий шериклар («general partners») мақомини олади.

**Оммавий ва хусусий корпорациялар.** Оммавий ва хусусий корпорациялар тушунчаси, уларнинг фаолияти, уларни рўйхатдан ўтказиш, бундай корпорациялардаги мулкӣ муносабатлар ва бошқа масалалар 2006 йилда қабул қилинган Companies Act қонуни билан тартибга солинади. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай икки турдаги корпорациялар инкорпорациялашган, яъни юридик шахс мақомини олган субъектлар ҳисобланади.

Масъулияти чекланган оммавий корхона (очиқ корхона деб ҳам айтиш мумкин) деганда мулкӣ чекланмаган доирадаги шахслар учун очиқ бўлган корпорация тушунилади. Исталган шахс фонд биржасида бундай корпорациянинг акцияларини сотиб олиши мумкин бўлади.

Бундай корпорацияларда акциядорлар ўзлари киритган инвестиция доирасида чекланган масъулиятни ўз бўйнига оладилар. Оммавий корпорация бўлишнинг энг асосий шarti бўлиб унинг устав капитали 50 000 фунт стерлингдан кам бўлмаслиги ҳисобланади.

Оммавий корхоналардан фарқли равишда, хусусий корпорациялар исталган инвесторга тегишли бўлмаслиги мумкин. Амалиётда хусусий корпорациялар нодавлат нотижорат ташкилотларга ва нисбатан кўп бўлмаган сондаги акциядорларга тегишли бўлади. Хусусий корпорациялардаги акцияларни бошқа шахсларга бериш таъсис ҳужжатлари асосида ва алоҳида тартибда амалга оширилади.

Қонунчиликда хусусий корпорацияларнинг минимал устав фондига нисбатан бирор-бир талаб мавжуд эмас. Айнан шу сабабли ва евроиттифоқ ҳудудида тадбиркорлик фаоллигига руҳсат берувчи евроиттифоқ суди қарорининг қабул қилиниши муносабати билан континентал тизимдаги кўплаб бизнес субъектлари Буюк Британияда компаниялар ташкил этишга ўтишди. Бугунги кунда масъулияти чекланган хусусий корхоналар энг кўп тарқалган компания турларидан бири ҳисобланади.

**Иштирокчиларининг масъулияти чекланган шериклик.** (Limited Liability Partnership). 20 аср бошларида тадбиркорликни амалга оширишнинг янги ҳуқуқӣ шакли

– Иштирокчиларнинг масъулияти чекланган шериклик (LLP) амалга киритилган. Бундай шерикликларнинг ташкил этилиши ва фаолияти 2000 йилдаги Limited Liability Partnership Act қонуни билан тартибга солинади.

LLP икки ва ундан ортиқ иштирокчилар (шериклар) томонидан зарур ҳужжатларни Компания Регистраторида рўйхатдан ўтказиш йўли билан ташкил этилиши мумкин.

Бундай шерикликнинг ҳар бир аъзоси анъанавий шерикликдаги каби ўзининг фойда кўрган қисмидан солиқ тўловини амалга оширади. Аммо, бунда иштирокчи шерикликнинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Компания Регистратори LLPнинг юридик шахс сифатида таъсис этилганлиги ҳақида гувоҳнома беради. LLP чекланмаган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. LLPнинг ҳар бир иштирокчиси бундай LLPнинг агенти (вакили) ҳисобланади – яъни шериклик номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маълум бир шахс LLPга бундай шерикликнинг барча иштирокчилари билан келишув тузиш йўли билан кириши мумкин бўлади. LLP иштирокчиси ўзининг вафоти (иштирокчи юридик шахс бўлганда эса унинг тугатилиши) натижасида ёки ундан чиқиши орқали ўз аъзолигини тугатади. Шериклик иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар шахсий характерга эга бўлади ва шу муносабат билан вафот этган ёки иқтисодий ночор деб тан олинган шерикнинг ҳуқуқларини қабул қилган шахслар тўлақонли шериклар бўлмайди ва шерикликни бошқариш масалаларига аралашиб ҳуқуқига эга бўлмайди. Бундай шахслар LLP фаолиятдан келадиган даромаддан улуш олиш ва унинг капиталидаги улушни ажратиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бошқа томондан, бундай шахслар бошқа барча шерикларнинг розилиги асосида шерикликка кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шерикларнинг масъулияти бошқа тизимларда бўлгани каби шерик томонидан шерикликнинг капиталига унинг фаолиятини таъминлаш мақсадида киритадиган улуши суммаси билан ва шериклик тугатиладиган ҳолатда унинг барча қарзларини қоплаш учун шерикликнинг мол-мулки етмайдиган ҳолларда шерик томонидан капиталга киритилиши лозим бўладиган сумма билан чекланган бўлади (қўшимча масъулият суммаси) [3, Б.19].

### 3. ГЕРМАНИЯ

Континентал тизимда корпорацияларни аниқлашга бирмунча бошқача тарзда ёндашилади. Бундай тизимда корпорациялар қуйидаги икки турда ташкил этилиши назарда тутилади деб айтиш мумкин:

- Ҳуқуқ субъекти (юридик шахс) ҳисобланмайдиган уч турдаги шахслар уюшмаси, булар: оддий ширкат, тўлиқ ширкат ва коммандит ширкат (жамият);
- Юридик шахс ҳисобланмайдиган беш турдаги корпорациялар – акциядорлик жамияти, акциядорлик коммандити, масъулияти чекланган жамият, кооператив ва нотижорий бирлашма (уюшма).

Айни пайтда, нотижорий бирлашмаларни корпорациялар сифатида қараш масаласи ушбу тизимнинг кенг маънолиги ва кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилаётганлиги сабабли ҳануз очиқ қолмоқда. Корпорациялар дастлаб албатта тижорий мақсадларга эришиш мақсадида ташкил этилган. Аммо, нотижорий бирлашмалар ўзининг тузилишига кўра корпорацияларнинг аломатларини ўзида акс эттирганлиги сабабли уларни шундай корпорацияларнинг бир тури сифатида қараш қабул қилинган.

**Ширкатлар.** Континентал тизимдаги ширкатлар Ўзбекистондаги ва инглиз ҳуқуқидаги каби умумий жиҳатларга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Германиядаги ширкатлар юридик шахс мақомига эга эмас.

Замонавий тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари бўлиб нафақат яқка тадбиркорлик субъектлари, балки капитал бирлашмалари – яъни акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар ҳам бўлишлари мумкин. Айни пайтда бундай ширкатлар капитал бирлашмаларидан фарқли равишда ягона шахснинг компанияси бўлишга ҳақли эмаслар; иштирокчилар сони биттагача қисқартирилган ҳолларда бундай ширкат яқка тадбиркорлик субъекти шаклига ўтиши лозим бўлади (бунда иштирокчининг чекланмаган масъулияти сақланиб қолинади).

Германияда ширкатлар Германиянинг Савдо кодекси билан тартибга солинади.



Германия Савдо кодексининг 105-бўлимига асосан тўлиқ ширкат деганда умумий фирма номи асосида тижорат фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган шериклик тушунилади. Бунда шерикнинг кредиторлар олдидаги масъулияти чекланмаган бўлиши лозим. **Шуни таъкидлаш жоизки, Германияда ширкатлар улар фаолиятининг миқёси ва характериға кўра юридик шахс ҳисобланмайди.**

Ширкат иштирокчиларининг ширкат фаолиятидаги шахсий иштироки ва ширкат қарзлариюзасиданбушерикларнингшахсийжавобгарлигибундайиштирокчилармақомининг асосий юридик хусусиятларидан ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида бошқа иштирокчилар билан нисбатан узун ва айни пайтда ишончли алоқалар мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу сабабли, умумий қоида тариқасида иштирокчиларни ўзгартириш имконияти мавжуд бўлмайди ва иштирокчи ширкатдан чиқадиган ҳолларда ширкатнинг тугатилишиға олиб келади. Тўлиқ ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси бундай ширкатнинг бошқарув органи ҳам ҳисобланади ва одатда бундай ширкатларда ҳеч қандай бошқа органлар, айниқса ёлланган менежерлар ёки бошқа учинчи шахслар иштирокидаги органлар ташкил этилмайди. Шу муносабат билан ширкат учун иштирокчининг шахсияти ҳал қилувчи аҳамиятга эға бўлади ва ширкатнинг ўзи одатда шахслар уюшмаси сифатидаги хусусиятга эға бўлади.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, барча шериклар масъулияти чекланган юридик шахслар бўлганда, бундай ширкатнинг фирма номида бундай ҳолат алоҳида қайд этилган бўлиши лозим. Масалан, Германияда тўлиқ ширкат ташкилий-ҳуқуқий шаклида GmbH & Co. KG сўзлари ифодаланган бўлиши керак.

Ширкатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ширкат учинчи шахслар билан алоқаға у Тижорат реестрида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлабгина киришиши мумкин бўлади.

**Масъулияти чекланган жамият.** Масъулияти чекланган жамият бир ёки бир неча шахслар томонидан қонунчилик билан руҳсат этиладиган исталган мақсадларда ташкил этилиши мумкин. Масъулияти чекланган компаниялар фаолияти Германиянинг Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонуни асосида тартибға солинади.

Қонун талабига кўра бундай компаниялар фирма номиға ва минимал устав фондиға эға бўлиши лозим. Нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган таъсис ҳужжатларида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

1. Компаниянинг фирма номи ва унинг рўйхатдан ўтган офисининг жойлашган жойи;
2. Корхонанинг мақсади;
3. Устав капиталининг миқдори;
4. Ҳар бир акциядор устав капиталиға ўз улушини тўлиқ киритгандан кейин эға бўладиган улушларнинг миқдори ва унинг номинал қиймати (Капиталдаги дастлабки улуш) [4, Б.1].

Германияда масъулияти чекланган жамият маълум муддатға тузилган бўлса ёки иштирокчиларға субсидиар мажбурият юкланган бўлса бундай қоидалар уставда ҳам кўрсатилган бўлиши лозим.

Масъулияти чекланган жамиятини маълум маънода акциядорлик жамиятининг «синглиси» деб аташ ҳам мумкин. У бирор-бир тарихий модел мавжуд бўлмаган ҳолда Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонуни асосида яратилган бўлиб, кичик корхоналарға мослашувчан, осон ва тежамкор ҳамда иштирокчиларнинг шахсий мажбуриятлари мавжуд бўлмаган, акциядорлик жамияти ва ширкат ўртасидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклни тақдим этиш мақсадиға йўналтирилган. Масъулияти чекланган жамият акциядорлик жамияти каби юридик шахс ва амалға ошириладиган тижорий фаолиятиға қарамасдан тижоратчи жамият ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятлари устав капитали мавжуд бўладиган хўжалик жамиятлари таркибига киритилади. У ўз фаолиятини умумий йиғилиг ва бошқарувчи органлар орқали амалға оширади. Бундай жамиятларда масъулияти чекланган жамият манфаатларини ифодалайдиган ва унинг иштирокчилари бўлмайдиган бир ёки бир неча бошқарувчилар бўлиши мумкин. Устав деб номландиган масъулияти чекланган жамиятни таъсис этиш ҳақидаги шартнома шартнома мазмунини расмийлаштириш эркинлиги тамойилиға кўра акциядорлик жамиятиға нисбатан масъулияти

чекланган жамиятда муҳимроқ аҳамиятга эга.

Масъулияти чекланган жамиятларда замонавий корхоналар миқёсига қараганда минимал капиталнинг унча йирик эмаслиги бундай компанияларни тўлиқ ширкатлардан кўра кредиторлар учун нисбатан кўпроқ таваккал қилишга мажбур этади. Аммо, акциядорлик жамиятларидан фарқли ўлароқ уларнинг иштирокчиларидан нисбатан кўпроқ фаоллик талаб этилади, яъни, бу жамиятни тузиш ҳақидаги қарорларни, жамиятга пул ссудаларини тақдим этиш ҳақидаги қарорлар, шунингдек жамиятдаги иштирокчилар улушларининг бошқа шахсларга ўтишини мураккаблаштириш ҳақидаги қарорларни қабул қилишда намоён бўлади.

Шуниси эътиборга лойиқки Германияда бизнесни рўйхатдан ўтказишнинг мураккаблиги сабабли кўплаб тадбиркорлар Европа иттифоқининг қўшни мамлакатларига ўз капиталларини олиб чиқишни бошлаганлари сабабли Германия қонун чиқарувчи органи бундай муаммони ҳал қилишнинг янги механизмини ишлаб чиқди. 2008 йил 1 ноябрдан бошлаб янги турдаги GmbH – масъулияти чекланган тадбиркорлик компаниясидан (Unternehmergeellschaft (UG) haftungsbeschränkt) фойдаланиш мумкин бўлди. Бу GmbHнинг оддий шакли бўлиб, у камида 1 евродан иборат устав капитали билан таъсис этилиши мумкин. Аммо, GmbHнинг минимал устав капиталига эришиш учун қонун бўйича UG ҳар йиллик даромадининг тўртдан бир қисмини заҳира қилиб қўйиши лозим. GmbHнинг минимал устав капиталига эришгандан сўнг UG ўз номини ва Регистратордаги юридик шаклини ўзгартириш ҳақида ариза бериши мумкин бўлади.

**Акциядорлик жамияти.** Акциядорлик жамияти (AG) ҳуқуқ субъекти бўладиган алоҳида юридик шахс ҳисобланади. 50 000 евроли ташкил этадиган унинг минимал устав капитали ҳар бир акция учун номинал қиймати камида 1 евро бўладиган акциялардан ёки номинал қийматсиз акциялардан иборат бўлади [5, Б.2].

AG ягона жисмоний шахс томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин. Барча жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахслар AGнинг иштирокчиси бўлишлари мумкин.

Акциядорлик жамиятларининг манфаатлари судларда ва судлардан ташқарида кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган бир ёки бир неча шахслардан иборат бошқарув орқали ифодаланади. Кузатув кенгаши камида учта шахсдан иборат бўлиши лозим. Кузатув кенгашининг асосий мажбурияти бизнеснинг менежер ёки бошқарув органи томонидан бошқарилишини назорат қилиш ҳисобланади.

GmbHлардаги иш ёзишмалари ва фирма бланкаларида бўлгани каби АГларда ҳам бундай ёзишмалар фирма номи, компаниянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, Тижорат реестрида рўйхатга олинган рақами, бошқарув органи барча аъзоларининг исми ва фамилияси ҳамда кузатув кенгаши раисининг исми ва фамилияси каби маълум бир маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим

Ушбу мақолада келтирилганларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Буюк Британия ва Германияда корпорациялар тизими бирмунча ўхшаш бўлиб, ҳар иккала тизимда ҳам қоидаларни унификация қилишга ҳаракатлар мавжуд. Айни пайтда, бу иккала тизим ўртасида маълум бир фарқли жиҳатлар ҳам албатта йўқ эмас. Хусусан, Буюк Британияда масъулияти чекланган шерикликка ҳуқуқ субъекти (юридик шахс) сифатида қаралади. Германияда эса устав фондининг минимал миқдорига нисбатан қатъий талаблар мавжуд.

Ушбу мақолада келтирилганидек, Ўзбекистон корпорациялар тизимида ҳам юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузиладиган шериклик тизимини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Чунки Ўзбекистонда бундай шериклик тизимини (ширкат) яратиш тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни соддалаштириши ва кўп сонли тадбиркорлар эътиборини жалб этиши мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистондаги тадбиркорлик субъектлари (юридик шахслар) турларининг бугунги кундагидек кўплигининг долзарблигини ҳам қайта кўриб чиқиш ва тадқиқ этиш лозим деб ҳисобланади. Юридик шахсларни ташкил этиш доктриналарини инобатга олган ҳолда ҳуқуқ субъекти (юридик шахс) бўлган корпорацияларнинг иштирокчилари чекланган масъулиятни ўз зиммасига олишини, ҳуқуқ субъекти (юридик шахс) бўлмаган

корпорацияларнинг иштирокчилари эса чекланмаган масъулиятни ўз зиммасига олишини аниқ ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Суханов Е.А., Сравнительное корпоративное право. – М.: Статут, 2014.
2. Кибенко Е.Р., Корпоративное право Великобритании: законодательство, прецеденты, комментарии. – К.: Юстиниан, 2003
3. Department for Business Innovation & Skills, A guide to legal forms for business, November 2011, // URL:[https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/31676/11-1399-guide-legal-forms-for-business.pdf](https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/31676/11-1399-guide-legal-forms-for-business.pdf)
4. Act on Limited Liability Companies, as consolidated and published in the Federal Law Gazette III, Index No. 4123-1, as last amended by Article 10 of the Act of 17 July 2017 (Federal Law Gazette I p. 2446), // URL: [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_gmbhg/englisch\\_gmbhg.html#p0020](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gmbhg/englisch_gmbhg.html#p0020)
5. Stock Corporation Act of 6 September 1965 (Federal Law Gazette I, p. 1089), as last amended by Article 9 of the Act of 17 July 2017 (Federal Law Gazette I p. 2446), URL: [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_aktg/englisch\\_aktg.html#p0025](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_aktg/englisch_aktg.html#p0025)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**БАЗОРОВ Миркомил Махмудович**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари  
E-mail: m.bozorov@adliya.uz

**ҲАМРОҚУЛОВ Синдор Бобомурод ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги масъул ходими  
E-mail: s.hamroqulov@adliya.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД-ЭКСПЕРТЛИК ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** БОЗОРОВ М.М.,  
ХАМРОҚУЛОВ С.Б. Ўзбекистон республикасида суд-экспертлик тизими янада  
такомиллаштирилмоқда // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1  
(2022) Б. 148-154.



1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-1-20>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимида мавжуд бўлган муаммолар ҳамда уларнинг ечимига доир амалга оширилган ишлар баён этилган. Шунингдек, Миллий қонунчилигимиздаги мавжуд бўлган коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий асослантилган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** нодавлат суд-экспертизаси ташкилоти, суд-экспертлик фаолияти, халқаро стандартлар ва ҳуқуқ нормалари, мутахассис фикри, “Е-ekspertiza” электрон ахборот тизими.

**БАЗОРОВ Миркомил Махмудович**

Заместитель начальника Управления по координации юридического образования и  
судебно-экспертной деятельности Министерство юстиции  
E-mail: m.bozorov@adliya.uz

**ҲАМРОҚУЛОВ Синдор Бобомурод ўғли**

Ведущий консультант Управления по координации юридического образования и  
судебно-экспертной деятельности Министерство юстиции  
E-mail: s.hamroqulov@mail.ru

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**АННОТАЦИЯ**

В статье описаны существующие проблемы в судебно-экспертной системе Республики Узбекистан и проделанная работа по их решению. Также выявлены существующие коллизии и правовые пробелы в национальном законодательстве и даны научно обоснованные предложения и рекомендации по их устранению.

**Ключевые слова:** негосударственная судебно-экспертная организация, судебно-экспертная деятельность, международные стандарты и правовые нормы, экспертное заключение, электронно-информационная система “E-ekspertiza”

**BAZOROV Mirkomil**

Department for the coordination of legal education and forensic activities  
of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: m.bozorov@adliya.uz

**HAMRAKULOV Sindor**

Department for the coordination of legal education and forensic activities of the Ministry of  
Justice of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: s.hamroqulov@adliya.uz

**IMPROVEMENT OF THE JUDICIAL AND EXPERT SYSTEM OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN****ANNOTATION**

The article describes the existing problems in the forensic system of the Republic of Uzbekistan and the work done to solve them. The existing conflicts and legal gaps in the national legislation are also identified and scientifically based proposals and recommendations for their elimination are given.

**Keywords:** non-governmental forensic organization, forensic activities, international standards and legal norms, expert opinion, electronic information system “E-ekspertiza”

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, суд экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳани замонавий, юқори аниқликдаги таҳлил воситалари билан жиҳозлаш орқали одил судловни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимининг ажралмас, муҳим бўғинларидан бири саналган **суд-экспертлик фаолиятини** янада такомиллаштириш борасида ҳам зарурий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, суд экспертлик фаолияти долзарб соҳавий йўналишлардан бири бўлиб, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилинишида, фуқароларнинг ишончини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда соҳани тубдан такомиллаштириш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 5 июль куни “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6256-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармон билан **Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияси** ва уни ижросини таъминлаш мақсадида концепцияси бўйича 2021—2023 йилларда амалга ошириладиган

ишлар юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди. Концепция қуйидаги **вазифаларни** ўз ичига қамраб олган:

суд экспертларининг **холислиги** ва **мустақиллигини таъминлаш**, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш;

суд-экспертлик фаолиятини **кенгайтириш** ҳамда **суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш**;

**нодавлат суд экспертиза институтини** ривожлантириш ва бошқалар.

Шунингдек, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази тузилмасида **Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтини** ташкил этиш назарда тутилган. Ҳукумат қарори асосида мазкур Институтнинг вазифа ва функциялари белгилаб берилди.

Институт келгусида давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятида **илмий-услубий кўмак** кўрсатиш, уларда мавжуд **услубий қўлланмаларни танқидий кўриб чиқиш** ва амалиётни уйғунлаштириш, суд ва тергов органларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб янги экспертиза турларини жорий этишга ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади.

Шу билан бирга, Фармонга мувофиқ Давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари **шартнома асосида** жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ суд экспертиза **тадқиқотларини ўтказиш ҳуқуқи** берилди.

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан **51 хил суд экспертизаси турларини ўз ичига олган** Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича **тадқиқотлар рўйхати тасдиқланди** ҳамда тадқиқот натижалари юзасидан **мутахассис фикри** берилади. Мазкур ҳуқуқ келгусида жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини суд ва тергов органларида ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фармонга асосан, иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда **адвокатга** судга қадар тайёргарлик ва суд жараёнида **эксперт хулосасини** суд муҳокамасида тақдим этиш учун давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасаларида шартнома асосида **адвокат сўрови билан экспертиза ўтказиш ташаббуси ҳуқуқи берилди**.

Бу ўз навбатида адвокатнинг сўровига асосан экспертиза тайинлашга доир масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, судда тортишув институти тулақонли таъминланишига асос бўлади.

Ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир **маълумотлар етказиш** ва ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган **“E-ekspertiza” электрон ахборот тизими жорий этилмоқда**. Мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида суд экспертиза соҳасига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали суд экспертизаларини ўтказишга сарфланадиган вақтнинг қисқаришига, соҳада қоғозбозликнинг йўқотилишига эришилади.

Бундан ташқари, ушбу соҳадаги кадрларга бўлган эҳтиёжларни суд-экспертиза соҳасида кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасаларида **дуал таълим принципига** мувофиқ бакалавр ёки магистратура босқичларида таълим олаётган даврда **олти ойлик** экспертлар тайёрлаш курсларида амалга ошириш имконияти яратилиб, Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Фармонда 2021–2025 йилларда қўшимча 16 та** суд-экспертиза турларини жорий этиш вазифаси юклатилди. Мазкур экспертиза турларининг жорий этилиши орқали тадбиркорлар ва фуқароларимизнинг бузилган ҳуқуқларини таъминлаш, уларга етказилган зарар миқдорларини аниқ ҳисоблаш, қонунбузарликни ўз муддатида очишга яқиндан кўмаклашишга эришилади.

Адлия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилди.

Жамғарманинг маблағлари **“E-ekspertiza”** ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига **субсидиялар** ажратиш, янги экспертиза турларини жорий этиш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш ҳамда **ҳар йили**

камида **10 нафар** суд экспертнинг хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировка ўташини йўлга қўйиш учун сарфланади.

Келгусида, Фармонда белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг амалга оширилиши суд экспертлари мустақиллигини янада таъминланиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг суд-экспертиза тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришилиши, давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишлари янада ривожланиши, соҳа фаолиятига фан ва техника ютуқлари жорий этилиши, суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши ва халқаро нормаларга мувофиқлаштирилиши ҳамда суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожланишига замин яратади.

Соҳада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, **соҳада ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар мавжуд**. Хусусан:

**биринчидан**, суд экспертларнинг суд экспертизасини тайинлайдиган органлардан (шахслардан) мустақиллиги етарлича таъминланмаганлиги суд экспертлари томонидан ҳолисона қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмоқда. Аксарият суд-экспертиза тадқиқотларини **терговга қадар текширув, суриштирув ва терговни амалга оширувчи органлар** ҳузуридаги суд экспертизаси муассасалари томонидан амалга оширилиши суд экспертнинг мустақиллигини ҳамда текширишларнинг ҳолислиги каби принципларига тўлиқ жавоб бермайди.

Таъкидлаш жойизки, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан **суд эксперти** суд экспертизасини ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан), тарафлардан ва **ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахслардан мустақилдир**. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс), шунингдек, бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тарафлардан бирортасининг ёки ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг фойдасини кўзлаб хулоса олиш мақсадида суд экспертига таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Шунингдек, суд экспертиза органлари фаолиятида марказлашган ягона илмий-услубий ёндашув ҳамда стандартларнинг мавжуд эмаслиги натижасида муайян бир иш бўйича турли мазмундаги экспертлик хулосалари қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, бу каби муаммоларни ҳал этиш ҳамда экспертлик фаолияти мустақиллигини таъминлаш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга шарт-шароит яратиш мақсадида барча суд-экспертиза органлари негизида Беларусь Республикаси Суд-экспертиза давлат қўмитаси ташкил этилган. Қозоғистон Республикасида ҳам Адлия вазирлиги ҳузурида суд экспертиза маркази ташкил этилган бўлиб, суд-тиббий экспертизасини ҳам амалга оширмоқда.

**иккинчидан**, давлат суд экспертиза муассасалари турли вазирлик ва идораларда жойлашганлиги сабабли, уларнинг моддий-техника базалари бир хилдаги замонавий ускуналар билан таъминланишига имкон бермаяпти ҳамда мавжуд ускуналардан ортиқча чиқимларсиз биргаликда самарали фойдаланишига тўсқинлик қилинмоқда.

Бугунги кунда давлат суд экспертиза муассасаларининг буйсунувидаги вазирлик идоранинг экспертиза муассасаларига бўлган эътиборига қараб зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Натижада, айрим муассасаларда энг замонавий ускуналардан фойдаланаётган бир вақтда, айримларида эса анча эскирган ҳолдаги ускуналардан фойдаланиб, тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бир муассаса учун харид қилинган ускунадан бошқа идоралар томонидан ҳам харидлар амалга оширилиб, бюджетдан катта миқдордаги қўшимча маблағлар сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Холбуки, ушбу ускуна ўрнига бошқа муассасалар учун зарур бўлган ускуналарни олган ҳолда мавжуд тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мумкин.

**Маълумот тариқасида**, дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида бугунги кунда суд-тиббий экспертизаси жараёнида **замонавий виртуал-аутоскопия** (Virtual Autopsy Solutions) технологиясидан фойдаланиб келинмоқда. Мазкур ускунадан фойдаланиш қурол ва

портловчи жароҳатлар, транспорт жароҳатлари, баландликдан йиқилиш, чўкиш ва асфиксия болалар ва ўсмирлар ўлими, ҳаво эмболияси, шахси номаълум мурдаларни экспертизасида муҳим аҳамият касб этади. Диагностика амалиёти учун мурдани текширишдан олдин марҳумнинг танасида паталогик ёки травматик ўзгаришларни, ёт жисмларни, газларни ёки суюқликларни топишда муҳим аҳамият касб этиб, **аксарият ҳолларда одам танасини ёришга ҳожат қолмайди.**

Бу каби ускуналарни мамлакатимизда ҳам қўлланилиши соҳа ривожига ўзининг ижобий ҳиссасини қўшиб, бу соҳадаги тадқиқотларнинг сифатини оширади.

**учинчидан,** давлат суд экспертиза муассасаларининг турли вазирлик ва идораларда жойлашганлиги ўз навбатида мавжуд кадрлардан унумли фойдаланилишига имкон бермаяпти.

Барча экспертиза муассасаларининг асосий вазифаси экспертиза тадқиқотларини ўтказиш бўлиб, аксарият ҳолларда мавжуд штат бирликларининг **30-40 фоизини** бошқа ходимлар ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида мавжуд ходимлардан унумли фойдаланишга тўсқинликлар кўрсатмоқда. Мазкур муассасаларнинг бир муассасага жамланиши орқали ишларнинг тўғри ва самарали ташкил этилишига сабаб бўлади.

**Маълумот учун,** айрим экспертиза муассасаларининг ҳужжатларини қабул қилиш ва юбориш учун ходимлар ажратилмаган ёки экспертиза хулосаларини маҳфийлигини амалга оширишга зид равишда юбориш бевосита экспертиза муассасасига алоқадор бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиб борилмоқда.

**тўртинчидан,** суд экспертларини тайёрлаш ишлари олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда йўлга қўйилмаган. Мамлакатимизда суд экспертларини тайёрлайдиган муассаса (фақатгина ИИВ Академиясида Криминалистика йўналишида ўзларининг соҳаси учун мутахассис тайёрланади) мавжуд эмас. Бу ўз навбатида мутахассисларни қўшимча равишда 6 ой давомида қайта тайёрланишига сабаб бўлмоқда.

**Маълумот учун:** Россиянинг Тамбов техника давлат университетида ҳам суд иқтисодий, суд қурилиш, суд автотехник экспертиза турлари бўйича магистратура ўқув дастурлари мавжуд. Бундан ташқари, Россиянинг турли олий таълим муассасаларида суд экспертиза йўналишида кадрлар тайёрланади. Жумладан, Н. Чернишев номидаги Саратов миллий тадқиқот давлат университети, Чечен давлат университети, Белгород давлат миллий тадқиқот университети ва бошқалар.

Бундан ташқари, Беларусь Республикаси суд экспертизаси Давлат қўмитасининг кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилган бўлиб, олий маълумот дипломини тақдим этади.

**бешинчидан,** бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш учун етарлича шароитлар яратилмаган. Бу ўз навбатида аксарият экспертизалар Тошкент шаҳрида ўтказилаётганлиги сабабли, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда фуқароларимизга ноқулайликлар келтириб чиқармоқда.

**Мисол учун,** оталикни белгилаш учун мамлакатимизнинг ўзоқ ҳудудларидан ўртача олти киши ортиқча харажат қилган ҳолда Марказга келишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, тергов ва суриштирув органлари томонидан экспертиза тайинлашдаги ортиқча оворагарчилик ва экспертиза хулосасини узоқ вақтда олиниши сабабли, тегишли экспертизалар тайинланмасдан далилларни бошқа йўллар билан тўплашга олиб келмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тадқиқотлар учун наъмуналар узоқ масофалардан келтирилиши сабабли, яроқсиз ҳолатга келиши мумкин. Бу ҳам ўз навбатида экспертизани муддатларини бир неча бараварга чўзилишига олиб келиб, фуқароларимиз ва экспертиза тайинлаган органларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

**Маълумот учун,** ДНК тадқиқотларини ўтказиш учун биологик материаллар ўз вақтида лабораторияга етказиб келиниши зарур. Акс ҳолда биологик материаллар тадқиқотлар ўтказиш учун яроқсиз ҳолатга келиши мумкин.

Қўшни Қозоғистон Республикасида 12 та ДНК тадқиқотларини ўтказишга ихтисослаштирилган лабораториялар мавжуд. Шу билан бирга, бошқа ривожланган



давлатлар Республика марказидан бошқа ҳудудлар марказларида ҳам марказдаги шароитларга эга лабораторияларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**олтинчидан, Давлат суд экспертиза муассасалари томонидан ўзини-ўзи молиялаштиришга доир ишлар етарлича амалга оширилмаяпти.** Хусусан, бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги пуллик хизматлар кўрсатишга тўлиқ эътибор қаратилмаяпти.

Жумладан, интеллектуал мулк соҳасида ҳам тегишли тадқиқотларни ташкил этишга ҳамда тадбиркорлик субъектларига бой берилган фойдани аниқлашга доир тадқиқотлар турлари йўлга қўйилмаган.

Шунингдек, суд тиббий экспертиза соҳасида пуллик хизматларни жорий этиш юзасидан етарли ишлар ташкил этилмаганлиги маълум бўлди. Мавжуд штатларнинг фойдаланиши самарадорлиги ҳамда туширадиган пуллик хизматларни таҳлил қилиш учун Адлия вазирлиги томонидан юборилган хатлар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли маълумотлар тақдим қилинмаганлиги сабабли, мазкур масалани батафсил таҳлил қилиш имкони бўлмади.

Ваҳоланки, Қозоғистон Республикасида Адлия вазирлиги ҳузурида суд экспертиза маркази томонидан суд-тиббий экспертлик фаолиятига доир **32 та пуллик** хизматлар йўлга қўйилган бўлиб, мазкур хизматлардан тушадиган маблағлар жами маблағларнинг 80 фоизидан ортигини ташкил қилмоқда.

**еттинчидан,** турли давлат суд экспертиза муассасаларининг ходимлари олаётган маошлари бир-биридан катта миқдорда фарқ қилмоқда. Айрим муассасалар томонидан суд экспертларининг маошларини паст миқдордалиги, уларни рағбатлантириш учун етарли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги ўз навбатида экспертлар қўнимсизлигига сабаб бўлиб, уларнинг иш самарадорлигига ҳамда хулосаларнинг адолатли чиқарилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

**саккизинчидан,** Давлат суд экспертиза муассасаларининг янги экспертиза турлари бўйича фаолият юритаётган экспертларнинг касбий билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб боришлари таъминланмаяпти. Давлат суд экспертиза муассаси мақомига эга бўлмасда, экспертлик тадқиқотлари билан шуғулланувчи муассасалар ходимларини малака ошириш ишлари йўлга қўйилмаган.

Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан суд экспертларининг малакасини лозим даражада оширишлари учун **вазирлик ва идоралар масъуллиги белгиланган.**

Шу билан бирга, ушбу низом талаблари фақатгина Давлат суд экспертиза муассасалари ходимлари учун тақдим этилмоқда.

**тўққизинчидан,** суд экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, уларга услубий кўмаклашиш борасида ваколатли орган белгиланмаган.

Бу эса соҳани замон талабларига мос равишда ривожланишига ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга ҳамда уларга яқиндан кўмаклашишга тўсқинлик қилади.

**Маълумот тариқасида:** Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Беларусь Республикаси Суд-экспертиза давлат қўмитасининг суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган сифатида ваколатлари қонун ҳужжатларида белгилаб берилган. Жумладан, суд экспертларининг касбий этика қоидалари, бинолари ва ускуналарига қўйиладиган талаблар, меъёрлар, улар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бошқа ваколатлар қонун ҳужжатларида қайд этилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида **қуйидагилар таклиф этилади:**

1) суд экспертизаси мутахассислиги бўйича фалсафа докторлиги (PhD) ва фан докторлиги (DSc) **унвонларини ёқлаш бўйича алоҳида Кенгашни ташкил қилиш;**

2) Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар адлия вазирлари йиғилиши кун тартибига киритиш орқали ШХТ университетида амалга оширилаётган магистрлик дастурлари рўйхатига “Ҳуқуқни қўллашда суд экспертлик фаолияти” (“Судебно-экспертная деятельность в правоприменении”) йўналишини қўшиш бўйича таклиф киритиш;

3) суд экспертизалари сифати ва ишончилигини ошириш, суд экспертиза муассасалари фаолиятига давлатлараро стандартларни жорий қилиш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида Россия Федерал суд экспертизаси маркази томонидан ташкил қилинган **Стандартизация бўйича давлатлараро техник қўмитаси “МТК-545”**га кузатувчи сифатида аъзо бўлиш;

4) давлат суд экспертиза муассасалари вилоят бўлимларини замонавий лаборатория ва криминалистик ускуналар билан жиҳозлаш ва мавжуд экспертлардан бошқа штат бирликлари ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар сифати ва сонини оширишга эришиш;

5) давлат суд экспертиза муассасалари томонидан бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги пуллик хизматларни жорий қилиш бўйича изланишларни янада жадаллаштириш;

6) Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири лойиҳаси хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни/ <https://lex.uz/docs/1633102>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6256-сон Фармони/ <https://lex.uz/docs/5491507>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4125-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4172023>

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4774077>

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
1 СОН, 1 ЖИЛД

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
НОМЕР 1, ВЫПУСК 1

**LAWYER HERALD**  
VOLUME 1, ISSUE 1

**TOSHKENT-2022**